





# МУҚАДДАС ХАЗИНА



*Эртақлар, ҳикоялар, қиссалар*

В. Ф. ОДОЕВСКИЙ

К. Д. УШИНСКИЙ

В. И. ДАЛЬ

И. С. ТУРГЕНЕВ

А. П. ЧЕХОВ

Л. Н. ТОЛСТОЙ

В. Г. КОРОЛЕНКО

Тошкент  
«ЮЛДУЗЧА»  
1987

*Мазкур тўпلامнинг «Муқаддас хазина» деб номланиши бежиз эмас. Унда рус классик адабларининг Сизга — болаларга аталган энг сара асарлари жамланган. Уларнинг кўплари билан танишсиз, албатта. Шунингдек, ўзбек тилида биринчи марта чоп этилаётган ҳикоялар ва эртақлар ҳам шу китобдан ўрин олган. Бу хазинани эҳтиёт қилиб асранг, дўстларингизни ҳам шунга даъват этинг.*

**Муқаддас хазина:** [Тўпلام]: Эртақлар, ҳикоялар, қиссалар: [Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун] / В. Ф. Одоевский, К. Д. Ушинский, В. И. Даль, И. С. Тургенев, А. П. Чехов, Л. Н. Толстой, В. Г. Короленко; [Русчадан тарж.].— Т.: Юлдузча, 1987.— 272 б.

Священное сокровище: Сказки, рассказы, повести.

С  $\frac{4803010100-30}{360 (04) 87}$  26—87

P1

© «Юлдузча» нашриёти, 1987

В. Ф. ОДОЕВСКИЙ





## Аёз бобо

Меҳнат кишини боқар,  
Ялқовлик ўтга ёқар.  
(Мақол)

Бир ҳовлида Чаққон қиз билан Ялқов қиз иккови яшашар экан, уларнинг энагаси ҳам бор экан.

Чаққон қиз жуда ақлли, чевар экан, тонг саҳарда тураркан, энагасининг ёрдамисиз ўзи кийинаркан, дарров бирор ишга тутиниб, печкага ўт ёқиб, хамир қораркан, уйни супуриб, товуқларга дон сепаркан, кейин сув олиб келгани қудуққа жўнаркан.

Ялқов қиз бўлса кун ёйилгунча чўзилиб ухлаб ётавераркан, у ёнбошидан бу ёнбошига ағанаб ётавериш ахийри жонига теккач, энагасига: «Ҳой опа, пайпоғимни кийдириб қўй, ҳой опа, пойафзалимни опке», деркан. Кейин гўлдираб: «Опа, кулчанг борми?» деб сўраркан. Урнидан тургач, бир-икки керишиб қўйиб, сўнг дераза олдига ўтириб олганича пашшаларнинг учиб-қўнишини томоша қилар, қанчаси келиб, қанчаси кетганини санаркан. Жамики пашшаларни санаб саноғига етгач, бу ҳам меъдасига уриб, нима қиларини ҳам билолмай қоларкан. Яна ётай деса — уйқу келмайди, овқатланай деса иштаҳаси ўлгур йўқ, пашша санай деса — бу ҳам зерикарли. Нима қилишини билмай, зерикдим, деб зорланаркан, гўё бировлар айбдордай, ўтирволиб узундан-узоқ йиғларкан.

Чаққон қиз эса бу орада қудуқдан қайтиб келиб, сувни тиндираркан, мўндиларга қўяркан, борди-ю сув жудаям лойқа бўлса, қоғоздан карнай ясаб, ичига кўмир ушоғи-ю шағални аралаштириб солиб қоғоз карнайни мўнди оғзига қўйиб, устига сувдан чўмичлаб қуяр экан, сув шағал билан кўмир кукуни орасидан тозаланиб сизиб ўтиб, мўнди ичига тип-тиниқ, биллурдай бўлиб қуйиларкан. Кейин эса пай-

поқ тўқишга ё бўлмасам дастрўмолга гул тикишга уннаб кетаркан. Буларни қилиб бўлса, кўйлак тикишни бошлар, оғзидан ашула тушмас, зерикиш деган нарсани асло билмас ҳам экан. Ҳали у иш, ҳали бу иш билан банд бўлиб, бир маҳал қарабсизки, қуёш ҳам ботаркан.

Аммо кутилмаганда Чаққон қизнинг бошига бир кулфат тушибди: сув олгани бориб, челагини арқонга боғлаб қудуққа ташлаган экан, арқон узилиб, челаги қудуқ тубига тушиб кетибди. Шўрлик қиз нима қилишини билмай, боши қотибди.

Йиғлай-йиғлай уйга қайтибди, бўлган ишни энагасига айтибди. Энагаси жудаям серзарда, қаттиққўл экан, қизчани қайтариб қудуқ бошига жўнатибди:

— Қилар ишни қилибсан, тузатиш ҳам бўйнингда! Челақни ўзинг тушириб юбордингми, ўзинг олиб чиқасан энди, — дебди.

Нияман қилсин, шўрлик Чаққон қиз қудуқ бошига борибди, арқонга ўзи осилиб қудуққа тушибди.

Қудуқ тубига етгач, бир мўъжизага дуч келибди: нақ рўпарасида бир печка ланғиллаб ёниб турганмиш, печка ичида эса пирог бор экан.

Пирог худди жонлидай ҳар томонга тўлганибди, қизга қараб сўзланибди:

— Мен бўрсилдоқ бўлиб пишдим, роса сингидим, хамирим шакар билан майизга қорилган, ким мени печкадан узиб олса, ўшаникиман!

Чаққон қиз уни дарров узиб олибди-да, қўйнига солибди.

Яна нари юрибди. Олдидан бир боғ чиқибди, боғ ичидаги бир дарахтнинг шохларида олтин олмалар пишиб турганмиш. Мевалар баргларини шитирлатиб, ўзаро сўзлашишармиш:

— Биз роса пишиб етилдик, илдишлар бизга шира-шарбат берди, муздай шудрингларда чайилдик, ким бизни қоқиб олса, ўшаники бўламиз!

Чаққон қиз дарахт тубига борибди, шохларидан силки-тиб қоқибди, олтин олмалар этагига тўлибди.

Қиз яна илгари юрибди. Қараса, рўпарада оппоқ соқоқоқли Аёз бобо ўтирганмиш.

У муз тўшак устига чордана қурганича ҳовуч-ҳовуч қор саятганмиш, бошини тебратса, сочларидан қиров ёғилар, уф тортганда нафасидан қуюқ туман бурқураармиш.

— Э! — дебди чол. — Кел, Чаққон қизим! Менга пирог опкелибсан, баракалла, ўзим ҳам кўпдан бери иссиқроқ бирон таом емагандим.



Аёз бобо Чаққон қизни ёнига ўтқазибди, икковлари бирга нонушта қилишибди, олтин олмалар ейишибди.

— Нимага буёққа келганингни биламан, қизим, — дебди Аёз бобо, — челагинг менинг қудуғимга тушиб кетган. Челагингни-ку, бераман, аммо сен бунинг учун уч кунгача менга қарашасан, башарти ақлли қизча бўлсанг, ўзингга яхши, борди-ю ялқовлик қилсанг ҳам ўзинг биласан. Энди, — дебди Аёз бобо, — мен қариб қолганман, болам, ётиб ухламасам бўлмайди, тур, менга ўрин солиб бер, ёстиғимни уриб хўпайтир, юмшоқ бўлсин.

Чаққон қиз дарров хўп депти... Икковлари уйга киришибди. Аёз бобонинг хонаси оппоқ муздан қурилган, эшик-деразалари ҳам, поли ҳам яхлит муздан экан, деворларида қор зарралари йилтираб турар, шунинг учун офтоб нури тушганда ҳамма нарса олмосдай ярақлаб, бутун уй ичи чарақлаб кетаркан. Аёз бобонинг тўшаги устида пар ёстиқ эмас, укпар қор болиши турганмиш, ғувиллаб совуқ уфурар, бироқ Чаққон қизнинг бошқа иложи ҳам йўқ экан.

Чаққон қиз Аёз бобони тинч ухлаб, яхши ором олсин деб қорни уриб юмшатибди, ўзининг бўлса қўллари совуқдан кўкариб кетибди.

— Тузук, тузук, қизим, — дебди Аёз бобо буни кўриб, — энди қўлларингни қор билан ишқа, қизиб кетади, совуқ олмайди. Тағин кейин мени хасис чол экан деб ўйлаб юрмагин, юр, қанақа бойликларим борлигини бир кўриб қўй.

Аёз бобо шундай деб қорли кўрпасини кўтариб, тагини очган экан, ниш уриб кўкариб турган майса-ўтлар кўришибди.

Чаққон қиз барра ўтларга ичи ачишиб, раҳми келибди.

— Отажон, ўзингиз мен хасис эмасман дейсиз. Унда нега бу майсаларни қор кўрпасига кўмиб, ёруғ дунёга чиқишларига йўл бермайсиз? — дебди.

— Негаки ҳали-ҳозир вақти эмас, майсалар ўсишга келганларича йўқ, — дебди Аёз бобо. — Кузда деҳқонлар дон сепишди, майсалар ниш уриб чиқди, борди-ю, майса янаям ўсиб кетганида қиш маҳали уни совуқ уриб кетган бўларди. Кейин ёзда ўсмай қувраб қоларди.

Шунинг учун ҳам янги чиққан майса ниҳоллар устини қор парқулар билан ёпдим, шамол учуриб кетмасин деб устига ўзим ҳам ётдим. Кўклам келганида, бу қор пўстинлар

эриб оқиб кетади, поялар буй чўзиб бошөқ тортади, қараб-санки, дон ҳам етилиб қолибди, донини деҳқонлар янчиб, тегирмонда ун қилиб тортишади, ундан бўлса, Чаққон қизим, сен нон ёпасан.

— Ундай бўлса, нега энди қудуққа тушиб олдингиз, Аёз бобо?— дебди Чаққон қиз.

— Нимага десанг, ҳозир баҳор келиб қолди,— дебди Аёз бобо.— Қунлар илиганда мен иссиқдан қочиб, қудуқ тубига тушиб кетаман, негаки қудуқ ичи доим муздек, қудуқ суви шунинг учун ҳам жазирама саратонда ҳам муздеккина бўлади.

Меҳрибон Аёз бобо Чаққон қизнинг пешонасини силабди-да, қор тўшагига чўзилиб, уйқуга кетибди.

Чаққон қиз бу орада уйни йиғиштириб, супуриб-сидирибди, овқат пиширибди, чолнинг кийимларини ямабди.

Аёз бобо уйғониб қараса, ҳаммаёқ саришта, жуда хурсанд бўлиб, қизни алқабди. Икковлари бирга овқатланишибди, сўнг чол ўзи тайёрлаган оғизда эрийдиган музқаймоқ ялашибди.

Шу зайлда Чаққон қиз Аёз бобо хонадониди уч кун яшабди. Учинчи кун Аёз бобо Чаққон қизга:

— Барака топ, она қизим, доно қизим,— деб ширин сўзлар айтибди.— Қўнглимни равшан, хонадонимни обод қилдинг, энди сени ҳам бир хурсанд қилай. Мана челагинг, ичини кумуш танга билан лиқ тўлғаздим. Сийловига эса, мана, гавҳар тўғнағични ҳам олақол, мендан ёдгорлик бўлсин.

Чаққон қиз хурсанд бўлибди, гавҳар тўғнағични сочига қадаб, челагини қўлига олиб яна қудуқ оғзига келибди, арқонга осилиб ёруғ дунёга чиқибди.

Қиз уйига яқинлашган экан, доим қўлидан дон териб ейдиган хўрози уни кўриб, девор устига чиқибди-да, қанотларини қоқиб, хурсанд қичқирибди:

— Ку-ку-ку-ку, ку-ку-ку-ку!

Чаққон қизнинг бошидаги гавҳар-ку!

Чаққон қиз уйга кирибди, бўлган гапларни бирма-бир айтиб берган экан, энагасининг оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб қолибди. Кейин:

— Кўрдингми, Ялқов қиз, ишчанликнинг хосиятини,— дебди.— Сен ҳам бир ўша чолнинг олдига бориб, уйларини супуриб-сидир, овқатини пишир, кийим-кечакларини ямаб-

ясқа, шунда сенга ҳам уюм-уюм кумуш тегади, уёғини сўрасанг, байрамга ҳам оз қолди ўзи, пулимиз бўлса йўқ ҳисоби,— дебди.

Ялқов қизнинг чол олдига бориб ишлашга бўйни сира ёр бермабди. Бироқ кумуш тангалару гавҳар тўғнағичлар оромини ўғирлабди.

Ниҳоят, боришга қарор бериб, Чаққон қизга ўхшаб у ҳам қудуқ бошига борибди. Арқонга осилиб, гуп этиб қудуқ тубига тушибди. Қараса, рўпарасида печка ёниб турибди, печка ичида эса пирог бор экан. Пирог қип-қизариб, сингиб пишган эмиш. Пирог худди жонни бордай ҳар томонга тўлғанибди, қизга қараб сўзланибди:

— Мен бўрсилдоқ бўлиб пишдим, роса сингидим. Ха-мирим шакар билан майнзга қорилган, ким мени печкадан узиб олса, ўшаникиман!

Ялқов қиз бўлса унга қараб, лабини буриб:

— Ҳо, кўзим учиб турувди ўзиям! Сени қара-ю, енгча олиб қўлимга кийиб, уриниб узишим керакми сени? Ўзинг чиқасан, керак бўлса!— дебди.

Яна нари юрибди. Олдидан боғ чиқибди. Боғ ичидаги бир дарахтнинг шохларида олтин олмалар пишиб турганмиш. Барглар шитирлаб, мевалар бир-бири билан сўзлашармиш:

— Биз роса пишиб етилдик, илдизлардан шира-шарбат олдик, муздек шудрингларга чайилдик, энди ким бизни қоқиб олса, ўшаники бўламиз!

— Вой топган гапларингни!— депти Ялқов қиз.— Жонимни қийнаб, қўлларимни кўтариб, шохларингни силки-тиб зарил кептими? Тўкилиб ерга тушганингларда териб оламан-қўяман.

Шундай дея Ялқов қиз яна ичкарига юрибди. Аёз бобо ўтирган ерга борибди. Чол бояги-боягидай муз тўшак устида чордана қуриб, ҳовуч-ҳовуч қор еяётганмиш.

— Хўш, қизим, нима қилиб буёқларда юрибсан?— деб сўрабди.

— Уйингизда ишлаб, пул опкетгани келдим,— дебди Ялқов қиз.

— Қойил, дангалини айтдинг-қўйдинг,— дебди Аёз бобо.— Ишлаган одам қуруқ қолмайди албатта. Аммо кўрамиз, қандай ишларкинсан. Ичкарига кириб, пар ёстиғимни юмшат, тўшагимни текислаб ёз; кейин овқат пишириб, кийимларимни ямаб-ясқа.

Ялқов қиз кетатуриб ўйлабди:

«Жонимни қийнаб бармоқларимни музлатиб ўтираман»

ми, қоқбош чол билмасдан ухлай беради, қор ёстиғни юмшатмайман».

Аёз бобо чиндан ҳам пайқамабдими ё ўзини пайқамаганга солибдими, нима бўлсаям, ўринга чўзилиб, уйқуга кетибди. Ялқов қиз ошхонага кирибди.

Киришга кирибди-ю, қилар ишини билмасмиш. Овқатни-ку ўзи боплаб еркан, бироқ у қандай пиширилади, бу ёғини суриштириш хаёлига ҳам келмаган экан-да.

Қараса, олдида гўшт, кўкатлар, сабзавотлар, балиқ гўшти, сирка, хантал, квас — бари жой-жойида турибди.

Уйлаб-уйлаб, ивирсиб, бир амаллаб сабзавотларни арчибди, гўшт билан балиқни тўғрабди, жонини койитмай, бояги нарсаларнинг ҳаммасини ювиб-ювмай шартга қозонга ташлабди: сабзавот ҳам, гўшту балиқ ҳам, ханталу сирка дейсизми, устига квас ҳам қуйиб юборибди — ҳаммаси қозонга тушибди. Ялқов қиз эса:

— Бари бир ҳаммаси ошқозонга тушади, шундай бўлгач, пишириб ўтириш нимаси?— деб ўйлар экан.

Аёз бобо бир маҳал уйғонибди, овқатингни опке, дебди. Ялқов қиз шартга қозон-позони билан кўтариб чолнинг олдига олиб келибди, дастурхон ҳам ёзмабди.

Чол овқатдан тотиб кўриб афти буришибди, тишлари орасида қум ғичирлабди.

— Тузук-ку овқатларинг,— дебди мийиғида кулиб,— кўрамиз бошқа ишларни қандай қилар экансан.

Ялқов қиз ҳам бадхўр овқатдан бир хўплаб дарров туфлаб ташлабди.

Чолнинг ўзи уннаб, шунақаям ширин бир овқат пиширибдики, ёнида ўтириб паққос туширган Ялқов қиз бармоқларини ҳам ялаб қўйибди.

Тушликдан сўнг чол ором олгани чўзилибди. Ялқов қизга кийимлари ямаб тузатилмаганини яна айтибди.

Ялқов қиз хурпайиб хўмрайибди, бироқ начора, чолнинг кийимларини топиб, тикишга киришибди. Аммо бунда ҳам бир ишқал чиқибди.

Ялқов қиз кийим деганни кияркан-у, унинг қандай тикилишини билмас экан. Иғнани ушлаб энди тикаман деса, эпсизлигидан бармоғига санчиб олибди.

Кийимларни улоқтириб, қайтиб қўлига олмабди. Чол яна ўзини ҳеч нарсани пайқамаганга солибди, қизни кечки таомга чақириб, сўнг ухлагани ётқизибди.

Ялқов қиз бўлса ичида шумлик билан «Оҳ-оҳ, мазаку,— деб ўйлар экан,— ишқилиб кун ўтса бас. Чаққон қиз аҳмоқ бўлиб ўзини қийнабди. Чол анча сахий кўрина-

ди. У менга шундоқ ҳам пул деганини челахлаб ҳада қилади».

Учинчи куни Ялқов қиз эрталабдан Аёз бобога: уйимга кетаман, энди пулни чўзиб қўйинг, деб тиқилинч қилибди.

— Ие, қандай хизмат ҳаққи, қизим?— депти чол.— Очигини айтсам мен сенга эмас, сен менга хизмат ҳаққи беришинг керак, чунки сен менга эмас, мен сенга хизмат қилдим, аслида.

— Ҳечам-да,— дебди Ялқов қиз.— Мен сизнинг уйингизда роса уч кун яшадим-ку!

— Э, қизгинам-ей,— дебди чол,— мен сенга айтсам, яшаб туриш бошқа, хизмат қилиш бошқа. Қолаверса, ишдан ишнинг фарқи бор. Аммо майли, агар ор қилманг, сенга мукофот бераман, хў-ўш, ишинг қанақа бўлса, мукофот ҳам шу тахлит бўлади.

Аёз бобо шундай деб Ялқов қизнинг бир қўлига каттакон қуйма кумуш, иккинчи қўлига йўғон олмос тўғнағич тутқазибди.

Ялқов қиз шунақаям суюниб кетибдики, чолга хайр-хўшниям нася қилиб, иккала совғаниям бағрига маҳкам босиб уйига чопибди.

Уйига етиб келиб, оғиз кўпиртириб мақтанибди:

— Мана ишлаб топганларим, қаранглар! Бу Чаққон қизниқидан кўп, кумуши ҳам ортиқ, гавҳар тўғнағичим ҳам каттароқ. Кумушим нақ кўмма ёмби, гавҳар тўғнағич эса шалалоқдай келади ўзиям... Ана энди байрамга ясанишни биздан кўринг...

У гапини тугатмаган экан ҳамки, қуйма кумуш эриб тушиб, пол билан битта бўлиб ёйилиб кетибди, қарашса, у қудуқ совуғида қотиб қолган симобнинг ўзгинаси экан; шу пайтда қизнинг гавҳар тўғнағичи ҳам эришга бошлабди. Ҳовлида юрган хўроз деворга учиб чиқиб, бор овозини қўйиб қичқирибди:

— Ку-ку-ку-ку, ку-ку-ку-ку!  
Ялқов қизнинг топгани сумалак-ку!

Ана, болажонлар, энди ўзингиз ўйлаб кўриб, эртақнинг қаерлари чин-у, қаери афсона эканини, нимаси очиқ-ойдину нимаси яширин, нимаси ҳазил-у, нимаси зил эканини бир топнинглар-чи...

## Тўрт карнинг машмашаси ҳақида ҳинд ривояти

Бор экан-да йўқ экан, бир қишлоқнинг шундоққина этагида подасини ёйиб, қўйчивон юрган экан. Кун пешиндан оғиб, унинг қорни очибди. Бўлмаса, эрталаб уйдан чиқаётиб, хотинига овқат олиб келишни тайинлаган экан-у хотини ўчакишгандай ҳеч қорасини кўрсатмасмиш.

Қўйчивоннинг боши қотибди: уйга бориб келай деса, подани ташлаб кетиб бўлмайди. Сал қарамай қўйсанг, ўғирлаб кетишлари турган гап. Қолишнинг ҳам ҳеч иложи йўқ, ичаклари сурнай чалаётганмиш.

Чўпон уёқ-буёққа қараб, анча нарида ўт ўраётган бир толёрига (қишлоқ қоровулига) кўзи тушибди.

Унинг олдига бориб:

— Барака топкур, бир яхшилик қилиб, қўйларимга қараб турсангиз,— дея ўтинибди.— Тарқалиб кетса — иш чатоқ. Уйимга бораману келаман. Қоринни тўйғазсам бўлди, дарров қайтаман. Яхшилигингиз ерда қолмайди, албатта, қайтараман.

Қўйчивон ақлли, ишнинг кўзини биладиган киши экан. Фақат бир айби — қулоғи оғирроқ, тўғриси, шунақаям кар эканки, бошидан ошириб замбарак отсанг ҳам мижжа қоқмай қараб туравераркан. Энди яна чатоғи шуки, ўт ўраётган толёри ҳам худо урган кар экан.

Толёри унинг гапиришига анграйиб тикилганича, ҳеч нарсани уқмабди, албатта. У ўзича, подачи мен ўрган ўтларни тортиб олмоқчи шекилли, деб тушунибди да, тутақиб бақира бошлабди:

— Утга эгалик қилишни сенга ким қўйибди?! Уроқда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир бўлмоқчимисан? Утни ўрган мен, бор, йўлингдан қолма! Нима, сенинг поданг тўқ бўлсин деб менинг молим очдан ўлсинми? Қўлингдан келганини қил, қани тегиб кўр-чи! Йўқол!

Толёри бу сўзларни айтаркан, дағдаға билан қўлларини силкитарди. Подачи бўлса бунни кўриб, «боравер, поданга ҳеч кимни яқинлаштирмайман» деяпти, деб тушуниб, хотиржам уйига жўнади. Йўл-йўлакай, хотини иккинчи бунақа ҳунар кўрсатмаслиги учун эсини киритиб қўйишни ўйлаб, қўли қичиб борарди.

Уйга келиб қараса, иш чатоқ. Хотини остонада чўзилиб ётганича, оғриққа чидаёлмай йиғлаб, инграб тўлғанаётган экан.

Маълумингиз бўлсинким, подачининг хотини кеча оқшом бўлмағур нарсаларни еб хўп тўйган, тановул қилганларининг ичида хом нўхат ҳам бор экан. Айтадиларки, нўхатнинг хоми оғизга асалдай тотигани билан қоринга қўрғошнидай ботармиш.

Подачи бунни кўргач, жаҳлидан тушиб, қўлидан келганича хотини тортаётган азобларни енгиллатиш пайдан бўлибди. Тўшакка ётқизиб, оғриқ қолдирадиган хапдори топиб ичкизибди. Шу орада қорнини ҳам тўйгазиб олишга улгурибди. Турган гап, бунга анча-мунча вақт кетиб, шўрликнинг ичини ари таталай бошлабди.

«Пода тинчмикин? Ишқилиб, бирон фалокат рўй бермаган бўлсайди!»— деб хавотирга тушибди. Шунинг учун чопганича подаси қошига етиб келиб қарасаки, хотиржамлик, сурув ўша ернинг ўзида тинчгина ўтлаб юрган экан.

Қўйчивонимиз ишни пухта қиладиган мулоҳазакор одам эмасми, нима бўлсаям, аввал ҳамма қўйларни бошма-бош санаб чиқибди.

Қўйлари тўрт кўз тугал, сони-саноғи жойида экан. Қўнгли хушхол бўлиб, ўз-ўзига: «Бу толёри зап ҳалол одам эканми,— дея сўзланибди.— Яхшиликка яхшилик билан жавоб қилиш керак».

Подада бир оёғи оқсоқ, аммо семизгина бир қўзи бор эди. Чўпон уни тутибди-да, елкасига ортмоқлаб, толёри ўт ўраётган жойга келиб дебди:

— Подани кўриб турибсиз, минг раҳмат сизга, толёри жаноблари! Хизматингизга мана шу ширбозни атадим.

Гаранг толёри чўпон айтган сўзларни уқмабди. Бироқ оқсоқланиб юрган тўқлига кўзи тушиб, тутоқиб кетибди.

— Қўзинг оқсаган бўлса менга нима? Мен қайдан билай, ким уриб майиб қилганини?! Мен подангга яқин йўлаганим йўқ, ахир! Яна нима дейсан менга, ноинсоф?!

— Ҳа, энди чўлоқликка — чўлоқ,— дея давом этибди толёрининг гапини эшитмай чўпон,— аммо ўзи этликкина-да, бир кўринг ахир! Юмшоққина, баррагина. Сўйиб, ошна-оғайниларингиз билан қовуриб еб, менни дуо қилсанглар бўлгани...

— Даф бўласанми-йўқми?— дея тутуни кўкка ўрлаб бақирибди толёри.— Унг қулоқ, сўл қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол, қўзингнинг оёғини синдирган мен эмас, поданга яқин йўлаш уёқда турсин, кўзимнинг қирини ҳам солганим йўқ, нодон!

Чўпон бўлса, унинг бақирешларини заррачаем эшитмас, толёри қошидан кетмай, чўлоқ қўзисини минг мақомда мақтай берар экан. Жаҳлидан ўзини тутолмаган толёри унинг жағига бир мушт туширибди.

Қутилмаган бу «илтифот»дан онг-тонг бўлиб қолган чўпон ҳамсуҳбатининг адабини бериб қўйишга чоғланган, муштлашиш бошланаёзган экан ҳамки, шу пайтда йўлдан ўтиб қолган бир отлиқ орага тушибди.

Ахборотингиз учун шуни маълум қилиш лозимки, ҳиндларда баҳслашаётган икки киши ўзаро келишолмаса, биринчи дуч келган кишидан тортишувни ажрим қилишни сўраш одати бор. Холис одамнинг сўзи — ҳукм ўрнига ўтади.

Шунинг учун қўйчивон билан толёри дарров отлиқни тўхтатиб, икки томондан узангига маҳкам ёпишибди.

— Бир савоб иш қилинг,— дебди отлиққа подачи,— бир дақиқа арзимизни эшитиб, ким ҳақу ким ноҳақ — шуйи ажрим қилиб берсангиз. Мен хизмат ҳақи деб бу одамга подамдаги бир қўзини тортиқ қилсам, раҳмат айтиш ўрнига, муни қаранг, абжағимни чиқараёзди!

— Бир савоб иш қилинг,— дебди толёри ҳам,— бир дақиқа арзимизни тинглаб, ким ҳақ, ким ноҳақлигини ўзингиз айтинг. Манови тентак подачи қўзимни майиб қилибсан деб мени муттаҳамга чиқаряпти. Подасига яқин йўлаган бўлсам ҳам майлийди!

Ҳакам қўл силкиб, ҳар икковини ҳам жим бўлишга буюрибди, ўз «ҳукми»ни айтибди (Водариғ, бу одам ҳар икковидан ҳам баттар, қулоғи батанг кар эди!):

— Тўғрисини айтганда, бу от чиндан ҳам меники эмас. Мен шаҳарга жуда зарур бир иш билан шошиб бораётган эдим, от бир чеккада ўтлаб юрган экан, йўлим унадиган бўлди деб тутиб, миниб олдим, холос. Агар от сизларники бўлса олақолинглар, бўлмаса йўлимни тўсманглар, вақтим жудаям зиқ.

Подачи ҳам, толёри ҳам унинг ҳеч бир гапини эшитмадилар, лекин нима учундир отлиқ одам менинг зараримга ҳукм қилди шекилли, деб ўйлаб, ҳар иккови ҳам холис ҳакамни



одил эмасликда айблаб, қаттиқ бақириб, сўкина бошла-дилар.

Шу пайтда йўлдан ўрта ёшли бир брамин ўтиб қолибди. Тортишаётганларнинг ҳар учаласи унинг этагига маҳкам ёпишиб, бири бирига навбат бермай, ўз арзодини сўзлай бошлабди.

Лекин буни қарангки, бу шўриш қурғур брамин ҳам шуларнинг бири — қулоғи том битган экан.

— Билдим-билдим!— дея жавоб берибди у жанжалкашларга.— Сизларни мени уйга қайтариш учун юборибди-да, доғули. (У ўз хотини тўғрисида гапираётган экан.) Йўқ, бекорга овора бўласизлар. Дунёда бундан маккорроқ аёл йўқлигидан хабарларинг борми ўзи? Унга уйланибманки, бошим ғалвадан чиқмайди. Уришавериш шунчалар гуноҳга ботдимки, Ганг дарёсининг табаррук сувлари ҳам бу гуноҳларни ювишга камлик қилади. Қўйинглар, мен яхши ўзга юртларда хор-зор бўлиб, гадойлик қилсам ҳам бир кунимни кўрарман. Аммо ўлсам ҳам уйга қайтиб, бу лаънати хотин билан яшамайман!

Аввалгидан ҳам баттарроқ шовқин-сурон қўпди, ҳам-малари бир-бирининг гапини эшитмай бақириб-чақиришарди. Шу орада отлиқ киши узоқдан югуриб келаётган бир тўда одамни кўриб қолиб, от эгалари шулар экан хаёл қилиб, оддан сакраб тушди-да, ура қочди.

Кеч кирганини пайқаган чўпон, қўйлар тарқаб кетишдан хавотирга тушиб, подасини тўплаб қишлоққа қайтди.

Йўл-йўлакай, ер юзида адолат деган нарса йўқлигидан нолир экан, бугунги жанжални эрталаб уйдан чиқаётганида йўлини кесиб ўтган илоннинг бехосиятлигига йўйди — ҳиндларда шунақа ирим бор.

Толёри ҳам ўриб қўйган пичани ёнига қайтди. Қараса, ҳамма жанжалнинг боши — бегуноҳ оқсоқ қўзи семизгина бўлиб ўтлаб юрибди. Шартта елкасига олиб, уйга жўнади, қўйчивоннинг жазаси шу бўлсин, деб ўйлар эди топқирлигидан мамнун бўлиб.

Брамин бўлса яқин бир қишлоққа бориб, шу ерда тунаб қолди. Очлик ва чарчоқ ушинг газабини хийла пасайтирган эди.

Эртаси куни дўстлари, қавм-қариндошлари келиб, хотинингиз минбаъд номаъқулчилик қилиб сизни ранжитмайди, тавба қилди деган ваъдалари билан шўрликни уйига қайтариб олиб кетишди...

Аё, дўстлар, бу эртакни ўқиганда одамнинг хаёлига нималар келишини биласизми?

Мана айтайлик, дунёда каттами-кичикми, қанчадан-қанча шунақа бир тоифа одамлар бор, улар, қулоғи гаранг бўлмаса ҳамки, гарангдан баттар кар, бундайларга бирон гап айтар бўлсанг қулоқ солмайди, уқтирсанг тушунмайди, мабодо шунақалар бир-бирига дуч келиб қолса борми, тамом — баҳслашувдан бошлари чиқмайди. Ҳолбуки, аслида, нима тўғрисида тортишаётганларини ўзлари тузукроқ билишмайди ҳам...

К. Д. УШИНСКИЙ





### *Қарға билан ҳакка*

Бир бор экан, бир йўқ экан, олачипор ҳакка бор экан. У шохдан-шоҳга дикир-дикир сакраб, тинмай қақиллай-верибди, аммо шу дарахт шоҳида қўниб ўтирган қарға унга ақалли «қағ» деб ҳам қўймабди.

— Ҳой, қуда, нега ҳеч индамайсан? Ё гапларимга ишонмайсанми?— деб сўрабди ниҳоят ҳакка.

— Унча ишонмайман, қуда,— деб жавоб қилибди қарға.— Нега десанг, сенга ўхшаб кўп қақиллаганларнинг гапида ёлғон ҳам кўп бўлади.

### *Икки эчки боласи*

Кунларнинг бирида жилға устига кўприк қилиб ташланган ингичка хода устида иккита қайсар эчки боласи бир-бирига тўқнаш келиб қолибди. Икковлари бараварига кўприкдан ўта олмас эдилар, шунинг учун биттаси орқасига қайтиб, иккинчиси ўтиб олгунча кутиб туриши керак эди.

— Менга йўл бер,— дебди биттаси.

— Вой, сени қара-ю, ўргилдим сендақа асилзодадан!— дебди иккинчиси.— Ўзинг орқангга қайт, кўприкка олдин мен чиққанман.

—Йўқ, ука! Мен сендан анча каттаман-ку, сен тирранчага йўл бўшатаманми? Ҳечам-да!

Шундан кейин икковлари ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, бошларини бир-бирига гурсиллатиб уриб, шохларини ча-

лиштириб, ингичка оёқларини хомага тираганча сузиша бошлабди. Лекин хома нам экан: иккала ўжар тайганиб кетиб, тўппа-тўғри сувга шалоплаб тушишибди.

## *Қизилиштон*

Тўқ-тўқ-тўқ! Қалин ўрмонзорда қизилиштон қарағай дарахтига қўниб олиб, дурадгорлик қилади. У дарахт танашига панжалари билан ёпишиб, думини тираб тумшуғи билан тўқиллатади — пўстлоқ остидаги қурт-қумурсқаларни қувиб чиқаради: дарахт атрофида гир айланиб, биронта ҳам ҳашаротни кўздан қочирмайди.

Қумурсқалар: «Бу қилиғи бизга маъқул бўлмади!» деб қўрқиб кетишади. Қўрққанларидан шошилишади, пўстлоқ остига яширинишади — ташқарига чиқишни хоҳлашмайди. Тўқ-тўқ-тўқ! Қизилиштон тумшуғи билан пўстлоқни тешади, узун тилини тешикка тиқади-да, қумурсқаларни худди қармоқ билан балиқ тутгандай, илинтириб чиқади.

## *Қуён билан типратикан*

Оппоққина, момиққина қуён типратиканга шундай дебди:

— Вой ошна, кийиминг намуноча хунук, тиканакли-а?

— Гапинг тўғри,— дебди типратикан,— лекин шу тиканларим мени ит билан бўрининг тишидан омон сақлайди. Лекин сенинг чиройлиққина барра пўстининг сенга ҳам шунақа хизмат қила олармикин?

Қуён жавоб бериш ўрнига фақат хўрсиниб қўйибди.

## *Тулки билан така*

Бир тулки осмонда учиб юрган қарғага анграйганча чопиб кетатуриб, бехосдан қудуққа тушиб кетибди. Қудуқда сув оз экан, шунинг учун чўкмабди, лекин қудуқдан чиқиб ҳам кетолмабди.

Тулки ўтириб олиб, қаттиқ қайгура бошлабди.

Шу пайт қудуқ бошидан донишманд така ўтиб қолибди. У соқолини селкиллабди, шохларини ликиллабди кета-ётиб, шунчаки бекорчиликдан қудуққа қараган экан, у ерда тулкининг ўтирганини кўриб қолибди-ю, ундан сўрабди:

— Ҳой, тулкинисо, нима қилиб ўтирибсан қудуқ-да?

— Дам оляпман, тасаддуқ,— деб жавоб қилибди тулки.— Ташқарида офтоб роса қиздирыпти, шунинг учун бу ерга тушиб олдим. Бу ер бирам яхшики! Сув ҳам муздаккина, тўйгунингча ичаверасан.

Така анчадан бери чанқаб келаётган экан.

— Сув яхшими?— сўрабди така.

— Бунақаси бўлган эмас!— деб жавоб қилибди Тулки.— Ичгинг келган бўлса, сакра буёққа, жой икковимиз-гаям етади.

Така лақмалик қилиб, қудуққа сакрабди, сал бўлма-са тулкини босиб юборай дебди, тулки бўлса унга:

— Вой, соқоли узун, ақли калта-е, ақалли сакрашнияма эплай олмадинг-а, ҳаммаёғимга сув сачратдинг,— дебди.

Шундай дебди-ю, таканинг елкасига сакраб чиқибди, елкасидан шохига, шохидан бир сакраган экан, қудуқдан учиб чиқиб кетибди.

Така бўлса қудуқда очдан сирилиб ўлишига сал қолибди, уни зўрға қидириб топишиб, шохидан тортиб чиқариб олишибди.

## *Хўроз билан ит*

Бор экан, йўқ экан, бир чол билан кампир бўлган экан, улар жудаям қашшоқликда кун кўрар эканлар. Бор-йўқ бойликлари фақат битта хўроз билан ит экан, шулар-нияма дурустгина боқишга қурблари етмас экан. Бир кун ит хўрозга шундай дебди:

— Биродарим хўроз, кел, ўрмонга қочиб кетамиз, бу ерда борган сари ҳолимиз хароблашяпти.

— Майли, кетамиз,— дебди хўроз,— бундан ёмон бўлмас.

Шундай қилиб икковлари бошлари оққан томонга қараб кетишибди; кунбўйи юришибди, қош қорая бошлаб-

ди — тунаш учун биронта жой топиш керак бўлиб қолибди.

Улар йўлдан четга чиқишиб, ўрмонга киришибдида, ичи ковак каттакон бир дарахтни танлашибди. Хўроз дарахтга учиб чиқиб, шохига қўниб ўтирибди, ит бўлса дарахт қавагига кириб ётибди — икковлари ухлаб қолишибди.

Эрталаб тонг отиб, кун ёриша бошлаши билан хўроз:

— Қу-қу-қу-қу! — деб қичқириб юборибди.

Хўрознинг қичқирганини тулки эшитиб қолибди, бир хўроз гўштига маза қилиб тўядиган бўлдим, деб ўйлабди у. Мана шундай қилиб у дарахт тагига келиб, хўрозни роса мақтай бошлабди.

— Ўзинг хўрозмисан, хўроз экансан! Мен бунақа жонон паррандани ҳеч қачон кўрмаганман: патларинг ҳам, тожинг ҳам бирам чиройлики, овозинг бўлса қўнғироқдай! Кел, буёққа учиб туш, гўзал қуш.

— Нима қиламан? — деб сўрабди хўроз.

— Меникига меҳмонга борамиз. Бугун мен ҳовли тўйи ўтказаяпман, сен учун ҳам бир талай нўхат ғамлаб қўйганман.

— Яхши, — дебди хўроз, — лекин ёлғиз ўзим боролмайман: ўртоғим бор.

«Бахтимдан ўргилай! — деб ўйлабди тулки. — Битта хўроз ўрнига иккитаси насиб қиладиган бўлди».

— Қани ўртоғинг? — деб сўрабди тулки. — Униям меҳмонга чақираман.

— Пастда, кавакда ухлаб ётибди, — деб жавоб қилибди хўроз.

Тулки кавакка ташланган экан, ит «хап» деб уни тишлабди-ю, тутиб олиб тилка-тилка қилиб юборибди.

## *Қарға билан қисқичбақа*

Бир куни қарға кўл устидан учиб кетаётган экан, кўзи ўрмалаб бораётган қисқичбақага тушибди-ю, «хап» этиб тумшуғи билан уни қисиб олибди. Кейин тол шохига қўниб, уни емоқчи бўлибди. Қисқичбақа қараса, ем бўладиган, шунда у:

— Ҳой, қарғажон, қарғажон! Сенинг отанг билан онангни танирдим, бирам яхши қушлар эдики! — дебди.



- Ихм!— дебди қарға тумшугини очмасдан.  
 — Опаларингням, акаларингням танирдим — жудам ажойиб қушлар эди улар!  
 — Ихм!— дебди яна қарға.  
 — Шунча яхши бўлишгани билан барибир сенга тенг келиша олмасди.  
 — Аҳа!— деб юборибди қарға, оғзини катта очиб ва қисқичбақани сувга тушириб юборибди.

## *Асаларилар қидирувда!*

Баҳор келиб, офтоб дала-даштлардаги қорларни эритиб юборибди, ўтган йили сарғайган ўт орасидан оч-яшил нафис куртаклар ниш уриб чиқди; дарахтлардаги куртакчалар оғиз очиб, жажжи-жажжи япроқчалар ёза бошлади.

Мана, асалари ҳам қишки уйқусидан уйғонди, сертук қўллари билан кўзларини уқалаб очди-да, дугоналарини ҳам уйғотди, кейин улар: қор, муз эриб кетдимикин, совуқ шамол энди тинганмикин деб, уянинг туйнукларидан мўралай бошладилар.

Қарасалар, қуёш чарақлаб нур сочиб турибди, ҳаммаёқ ёп-ёруғ ва иссиқ, улар инларидан чиқишиб, олма дарахти томон учиб кетишди.

— Олмажон, биз бечора асаларилар учун бирон ниманг йўқми? Қишдан очиқиб чиқдик.

— Йўқ,— деди уларга олма дарахти. — Сизлар жуда эрта келдинглар, меннинг гулларим ҳали куртак ичида ётибди. Олчадан сўраб кўринглар.

Асаларилар олча дарахти олдига учиб бордилар.

— Жон олчажон! Бечора асаларилар учун гулларинг йўқми?

— Эртага хабар олинглар, ўргилайлар,— деб жавоб қилди уларга олча дарахти,— бугун ҳали битта ҳам гулим очилганича йўқ, гулларим очилса, меҳмонларни қучоқ очиб кутиб оламан.

Асаларилар лола олдига учиб боришди, унинг чипор ғунчаси ичига мўралаб қарашди; лекин унда ҳам на ҳид, на асал бор эди.

Асаларилар маъюс ва оч ҳолича уйларига қайтиб учиб кетмоқчи эдилар, буга остидан мўралаб турган кўрим-сизгина тўқ зангори гулга кўзлари тушиб қолди: бу би-

нафша эди, у асалариларга хушбўй ҳид ва ширин шарбат тўла косасини тутди. Асаларилар тўйиб-тўйиб еб-ичдилар-да, кейин хурсанд бўлишиб уйларига учиб кетишди.

## *Ўрмон ва жилға*

Соя-салқин, қоронғу ўрмон орасидан, ботқоқлар оша оқиб ўтиб бораётган сой ўрмондан нолибди:

— Ўрмон мендан мусаффо осмонни ҳам, узоқ уфқларни ҳам яширади, офтобнинг чарақлаган нурларини ҳам, шўх шамолни ҳам мен томонга ўтказмайди.

— Кошкийди одамлар шу ичи қора ўрмонни битта қўймай кесиб ташлашса!— деб шилдирабди сой.

— Бўтам!— деб унга жавоб қилибди ўрмон.— Сен ҳали ёшсан, менинг соям бўлмаса қуёш ва шамол сенга шафқат қилмаслигини билмайсан, ҳали жуда заиф жилғанг менинг ҳимоямсиз бирпасда қуриб қолиши мумкин. Сабр қил, аввал соямда кучга тўлиб ол, ана унда кенг ялангликка оқиб чиқасан, лекин ожиз сой бўлиб эмас, қудратли дарё бўлиб чиқасан. Ана унда ҳеч қандай зиён-заҳмат кўрмай ўз сувларингда қуёш шуъласини ва мусаффо осмонни акс эттирасан, кучли шамол билан ҳеч бир хавф-хатарсиз ўйнашасан.

## *Бир олма ниҳолининг бошидан кечирганлари*

### I

Бор экан, йўқ экан, бир ўрмонда ёввойи олма дарахти бор экан, куз келиб, унинг нордон олмаси ерга узилиб тушибди. Қушлар учиб келиб, олмани ҳам, уруғларини ҳам чўқилаб ейишибди. Фақат бир дона уруғ тупроқ остига яшириниб қолибди.

Уруғ бутун қиш шу алфозда қор тагида ётибди. Баҳор келиб, қуёш нам ерни қиздира бошлагандан кейин уруғ уна бошлабди: пастга қараб илдиз отибди, ер бетини ёриб чиқиб, дастлабки икки дона қулоқча чиқарибди.

Кейин бу қулоқчалар орасидан новда ўсиб чиқибди, новдада куртак пайдо бўлиб, куртак учида ям-яшил япроқчалар униб чиқибди.

Куртак кетидан куртак, япроқ кетидан япроқ, новда кетидан новда униб, ўсиб чиқавериб, ахийри тўр-беш йилдан кейин ўша олма уруғи турган ерда чиройлигина олма дарахти қад кўтарибди.

Елкасига бел кўтариб олган бир боғбон ўрмонга келиб, олма дарахтини кўриб қолибди.

— Яхши дарахт экан, менга керак бўлади,— дебди у. Кейин олмани кавлаб ола бошлабди, шунда у: «Энди адои тамом бўлдим», деб дағ-дағ титрай бошлабди.

Лекин боғбон олмани жуда авайлаб, илдизларига зарар етказмай кавлаб олибди-да, ўз боғчасига олиб бориб, ҳосилдор тупроққа ўтқазипти.

## II

Олма дарахти бўлса:

«Мени ўрмондан кўчириб олиб келиб, боғчага ўтқазилди, жуда ноёб дарахт бўлсам керак»,— деб ўйлаб, кеккайиб кетибди ва теварак-атрофидаги латта ўраб ташланган хунукдан-хунук тўнкаларга виқор билан қарай бошлабди: у кўчат ундириш мактабига келиб қолганини билмаган экан-да.

Қеласи йили боғбон қўлида қийшиқ пичоқ билан келиб, олма дарахтини қирқа бошлабди. Шунда олма дарахти қалт-қалт титраб: «Ана энди бутунлай хароб бўлдим», деб ўйлабди.

Боғбон дарахтнинг тепа қисмини бутунлай қирқиб ташлаб, фақат тўнкасини қолдирибди, кейин уни ҳам уст томонидан дарз қилиб ёрибди, боғбон бу дарзга яхши нав олманинг ёш навдасини тиқиб искана пайванд қилибди, дарзни ямабди, ҳаммаёғини латта билан бойлаб, бу пайванд қилинган кўчатнинг атрофига қозиқ қоқиб ўраб қўйибди-да, жўнаб кетибди.

## III

Дарахт касалга чалинибди, лекин у ёш ва кучли бўлгани учун ҳадемай соғайиб бегона новдага пайванд бўлиб кетибди. Ёш новда бақувват олма дарахтидан куч эмиб, тез-тез ўса бошлабди, куртак кетидан куртак, япроқ кетидан япроқ чиқариб новда кетидан новда, шохча

кетидан, шохча чиқиб, икки-уч йил деганда бу дарахт хушбўй оч-пушти гулларга бурканибди. Кейин оч-пушти гул барглари тўкилиб, улар ўрнида яшил тугунчалар пайдо бўлибди, кузга бориб, бу тугунчалар олмага айланбди, олма бўлгандаям ёввойи, нордон олма эмас, йирик-йирик, қип-қизил, асалдек ширин, қумоқ-қумоқ олмалар бўлибди. У шунақаям ажойиб олма дарахти бўлиб етилибдики, бошқа боғлардан келишиб, искана пайванд учун унинг новдаларидан кесиб ола бошлашибди.

## Асаларилар билан пашша

Кеч куз. Баҳорда ҳам камдан-кам учрайдиган ажойиб қуёшли кун: кумуш булутлар тарқалиб, шамол тинган, офтоб чиқиб, худди сўлиган ўсимликлар билан хайрлашаётгандек мулойим боқарди. Офтоб ва илиқ ҳавони қўмсаб уяларидан учиб чиққан тукдор асаларилар шўх-шўх визиллашиб кўкатдан-кўкатга учиб юришарди, улар асал қидириш учун эмас — чунки асал ҳеч қаерда қолмаган эди — шунчаки увишган қанотларини ёзиб, вақти-чоғлик қилгани учиб чиқишган эди.

— Мунча тентаксизлар, нега бунча хурсанд бўлмасанглар?— деди уларга пашша. У шу ерда кўкат устида тумшуғини осилтириб, маъюс ўтирарди.— Наҳотки, бу офтоб бир зумлик эканини, ҳали шу бугуноқ шамол туриши, ёмғир ёғиши, совуқ бошланиб, ҳаммамиз нобуд бўлишимиз мумкинлигини билмасангиз?

— Зув-зув-зув! Нега нобуд бўларканмиз?— деб пашшага жавоб қилишди қувноқ асаларилар.— Биз офтоб чиқиб турганда ўйнаб-куламиз, ҳаво айниса, ўзимизнинг иссиққина уямизга кириб оламиз, у ерга ёз бўйи ишлаб кўп асал ғамлаб қўйганмиз.

## Бегона тухум

Дарья кампир эрта тонгда туриб, товукхонанинг энг хилват қоронғу бурчагига сават қўйди, саватга юмшоқ пичан тўшаб, устига ўн уч дона тухум терди-да, тухумлар устига бароқ товукни ўтқазди.

Кун энди ғира-шира ёришиб келаётган эди, шунинг учун кампир тухумлардан биттаси бошқаларидан каттароқ ва кўкишроқ эканини пайқамади. Товуқ ҳафсала билан тухумларни босиб ўтираверди; у ғириллаб бориб, дон чўқиб, сув ичарди-да, яна қайтиб келиб ўрнида ётаверарди, бояқиш туллаб ҳам кетди. Бирам баджаҳл бўлиб кетдики, нуқул қақолагани-қақолаган, ҳатто хўрозни ҳам яқин йўлатмай қўйди, хўроз эса қоронғу бурчакда нималар бўлаётганини ўз кўзи билан кўриб, билгиси келарди.

Товуқ уч ҳафтача ўтиргандан кейин, бирин-кетин жўжалар тумшуқчалари билан тухум пўчоғини ёриб чиқнишган заҳоти патчаларини ҳурпайтириб силкинишарди-да, зир-зир югура бошлашарди, панжалари билан тунроқ титиб, чувалчанг қидиришарди.

Кўкимтир тухум ичидаги жўжа энг кейин тешиб чиқди. Лекин у дум-думалоқ, момқдай юмшоқ, сап-сариқ, оёқлари калта-калта, тумшуғи ялпоқ эди.

«Бу жўжам жуда антиқа чиқди,— деб ўйлади она товуқ.— Чўқнишям, юришиям бошқача: тумшуғи ялпоқ, оёқлари калта, аллақандай маймоқ, айқалиб-чайқалиб юради».

Она товуқ ўз жўжасидан таажжубланган бўлса ҳам барибир уни яхши кўрарди, қандай бўлса ҳам ўз фарзанди эди-да. Уни ҳам бошқа жўжаларидек ардоқлаб, авайлаб парвариш қила бошлади, агар осмонда калхатни кўриб қолгудек бўлса, патларини ҳурпайтириб, қанотларини кенг ёйиб, қайси жўжанинг оёғи қанақалигини фарқ қилмай, ҳаммасини бирдай қаноти остига яширарди.

Она товуқ болаларига қандай қилиб ер титиб, чувалчанг топишни ўргата бошлади, кейин бутун оилани кўл бўйига бошлаб кетди: чунки у ер юмшоқ, чувалчанг ҳам кўп эди. Маймоқ оёқ жўжа кўлни кўриши билан пилдираб бориб ўзини сувга ташлади.

Она товуқ қақолаб қанотларини силкитар, нуқул сувга талпинар эди, жўжалар ҳам безовта бўла бошлашди: улар зир югуришар, питирлашар, чийиллашарди, битта жўжа-хўроз ҳатто қўрққанидан бир тош устига сакраб чиқиб, бўйинини чўзганча бўғиқ овоз билан умрида биринчи марта, «Қу-қу-қу-у!» деб қичқириб юборди. Бу билан у: ҳой яхшилар, ёрдам қилинглар, укамиз сувга чўқиб кетади, демоқчи бўлган эди. Лекин ука чўкмади, балки бамайлихотир ўзининг ёйиқ пардали панжалари билан


сув бетида худди бир парча қоғоздек енгил суза бошлади.

Она товуқнинг қақолаганини эшитган Дарья кампир уйдан югуриб чиқиб юз берган воқеани кўрди-ю, чинқириб юборди:

— Вой, ўлмасам! Қарилик қурсин, товуққа билмасдан ўрдак тухумини бостирган эканман-ку!

Она товуқ бўлса ҳамон кўлга талпинарди. Уни сув бўйидан ҳайдаб узоқлаштиришди.

В. И. ДАЛЬ







## Энг зўр қўшиқчи

(Ҳажвий эртак)

Балким эшитганингиз бордир, эртакларда, ривоятларда Бургут жамики паррандаларнинг подшоси деб юритилади. Келинг, майли, бу эртагимизда ҳам шундай бўла қолсин: демак, Бургут султон барча қушларнинг каттакони экан. Унинг қошида Олатўғаноқ бўлис мирзолигини қилар, эшик оғаси вазифасини эса, келма навбат билан ҳамма қушлар бир кун-бир кундан адо этишаркан. Бир куни навбат Қарғага кепти. Қарға бўлса нима, навбатини ўташ ҳамма учун вожиб-да!

Қорнини бошлаб тўйғазган Бургут султон узоқ мудраб, ахйри бир силкиниб уйғонибди-да, чор атрофга қараб, эснаб-эснаб ўтириб, бир жуфт яхши қўшиқ эшитгиси келиб қопти. Қарс уриб, эшик оғасини чорлабди.

Ҳаккалаб, сакраб, чопганича кекса Қарға ҳозир нозир бўлибди. Узун, сассиқ тумшуғини одоб билан бир четга буриб: «Амрингизга мунтазирман»,— деб юкунибди.

— Чоп,— деб буюрибди бошлиқ,— дарҳол қошимга энг яхши қўшиқчини чақариб кел, ашула айтиб кўнглимни чоғласин. Тинглаб, мудраганимча ором оламан. Илло уқтириб қўй, қўшиғи ёқса, мукофотлайман ҳам.

Қарға, гўё каттаконининг амрини шу лаҳзадаёқ бажо қилишга жон-жаҳди билан уринган кишидай бўлиб, бир сакраб, қағиллаганича елпиғичдай қанотларини қаттиқ қоқиб ўрдадан ўқдай отилиб чиқиб кетибди. Шу алфозда бир оз учибди-да, қуриган бир дарахтнинг шохига хотиржам қўниб, тумшуғини бафуржа тозалашга тушибди, шундан кейин қайси хушовоз, сайроқи қушни чақирсам маъқул бўлади деб ўйлашга тушибди.

Ўйлаб-ўйлаб ўйига ҳам етибди! «Ҳеч қайси қўшиқчи менинг ўз неварагинимдай ёқимли куйлай олмайди», дея

қатъий қарорға келибди-да, Қарғачани эргаштириб Бургут хузурига йўл олибди.

Бургут султон бу орада тағин пинакка кетган экан. Шунинг учун Қарғачанинг туйқусдан бор овози билан қағиллаб бақиршидан чўчиб, қўрқиб уйғониб кетибди. Қарғача бўлса оғзини карнайдай очиб, каттаконга ишқилиб ёқиш мақсадида унга тобора яқинлашар, минг муқомлар қилиб тобора қаттиқроқ, тобора хунукроқ қағиллар экан. Қари Қарға бўлса бу пайтда бир чеккада турганича ашула оҳангига завқланиб, бошини тебратар, оёқларини тиллатар, бошлиқдан мақтовлар, илтифот ва сийловлар кутиб, майин жилмаяр экан. Бургут беҳузурликдан бошини орқага ташлаб:

— Бу нима вовайло?!— деб сўрабди.— Мунингни биров сўйяптими, бунча хирилламаса? Нега бақиряпти ўзи?

— Энг хушовоз қўшиқчи шу-да, тақсир,— деб жавоб берибди Қарға. — Асли ўзи камина қулингизнинг набира-си бўлади, нафсиламрини айтсам, қаламравингиздаги энг зўр қўшиқчи шу, азбаройи худо!

## Қорқиз

Бор экан-да йўқ экан, бир чол билан кампир ўтган экан. Уларнинг ўғил-қизлари йўқ, ёлғиз яшашаркан. Бир байрам куни эрталаб, иккови кўчага чиқиб, болаларнинг қор юмалатиб, қорбўрон ўйнашганини томоша қилишибди. Бир маҳал чол гуваладай келадиган қор парчасини қўлга олиб:

— Кампир, бизнинг ҳам худди шу қорга ўхшаган оппоқина, лўппигина бир қизчамиз бўлса қандай соз бўларди-а?— дебди.

Кампир, ҳам қорга қараб туриб, ўқсиб:

— Шўримиз курсин, чол, йўқ бўлса начора,— дебди.

Чол ҳалиги қорни ташлаб юбормай, кулбаларига олиб келиб, бир лаганга солибди, устини дурра билан ёпиб, дераза ёнига қўйибди. Кун ёйилиб, офтоб янаям кўкка кўтарилиб борлиқни илитган экан, лаганда турган қор ҳам эрий бошлабди. Шунда чолу кампирнинг қулоғига бояги дурра остида нимадир ғимирлаётгандай туюлибди. Дераза ёнига бориб, қай кўз билан кўрсинларки, лаганда қор янглиғ оппоқ, қор каби лўппи бир қизча турганмиш.

Қизча уларга қараб:

— Мен Қорқизман, илк баҳорнинг тоза қоридан бино

бўлдим, тонг офтоби мени иситиб, юзларимга қирмизи ранг берди,— дебди.

Чол-кампир ўзларида йўқ қувониб кетишибди. Қизчани лагандан кўтариб олишибди, кампир дарров унга либос тикишга ўтирибди, чол бўлса Қорқизни сочиқчага чирмаб, кўтариб, эркалатганича алла айтибди:

Ухла, Қорқиз, ой қизим,  
Юзлари ширмой қизим.  
Бино бўлдинг оқ қордан,  
Қувват олдинг баҳордан,  
Ичганинг оқ сут бўлсин,  
Ҳар не есанг, қут бўлсин.  
Шоҳи либослар кийгин,  
Ақлли қизча бўлгин...

Шундай қилиб, Қорқиз чолу кампирнинг бағрини тўлдириб, кўзини қувнатиб, кундан-кунга ўса бошлабди. Бунинг устига шунақаям ақлли, фаросатли эканки, бунақаси эртақлардагина бўларди, дермиш ҳамма.

Чол-кампирнинг ишлари юришиб, рўзғорига барака кирибди. Кулбалари иссиқ, озиқ-овқат мўл экан. Сигир, бузоқлари кўпайибди, товуқлари жўжа очиб чиқарибди.

Ана шунда бир чатоқ иш юз берибди. Товуқларни баҳорда уйдан қўрага чиқаришлари биланоқ, ҳовлидаги Тўрткўзнинг ёнига айёр Тулки келибди, ўзини касалга солиб, ҳаста овоз билан ялина бошлабди:

— Тўрткўз, жон Тўрткўз, оёқларинг оқ устундай, ёлларинг бароқ, думларинг ипакнинг ўзи, кел, оғайни, мени қўрага ўтказиб юбор, сал исиниб олай!

Аввалги куни эртадан кечгача чол билан ўрмон кезган Тўрткўз, кампир товуқларни қўрага чиқарганидан беҳабар, касал тулкига раҳми келиб, ўтказиб юборибди. Олчоқ тулки бўлса, икки товуқни ғиппа бўғиб, инига олиб кетибди. Буни кўрган чол Тўрткўзни уриб-уриб ҳайдабди:

— Йўқол, даф бўл, касофат, сендан қўриқчи чиқмайди,— дебди. Тўрткўз йиғлай-йиғлай ҳовлидан кетибди. Кампир билан Қорқиз унга ачиниб қолаверишибди.

Ез келиб, мевалар пишганида дугоналари Қорқизни ўрмонга бирга бориб, мева териб келишга қақиришибди. Чол билан кампир рухсат берилари келмабди. Қизчалар бўлса ялиниб, Қорқизни қўлидан ушлаб юрамиз, хавотир олманглар, дейишибди. Қорқиз ўзи ҳам мева тергим келяпти, ўрмонни кўргим келяпти, деб ялинибди. Чол-кампир ноилож кўниб, сават билан бир бурда нон беришибди.

Қизчалар Қорқиз билан қўл ушлашиб, югуриб кетишибди. Ўрмонга етиб боргач, анвойи меваларни кўриб, қувноиб, ҳар томонга ёйилиб, мева териб яйраб, бир-бирига ҳай-ҳуйлаб юраверишибди.

Мева териб тўйишибди, бироқ Қорқизни йўқотиб қўйишибди. Қорқиз йиғлаб ўртоқларини чақира бошлабди, бироқ ҳеч ким унга жавоб бермабди. Шўрлик қизча ўзи йўл қидириб, қанча юрса шунча кўп адашиб кетаверибди. Ахийри бир дарахт устига чиқиб, йиғлаб чақира бошлабди.

Шох-шаббаларни қасир-қусир синдириб, новдаларни босиб-янчиб, Айиқполвон келиб қолибди.

— Нима бўлди, ҳо-ой қиз, юзлари ой қиз?

— Эҳ-ҳей! Мен Қорқизман, баҳорнинг тоза қоридан бино бўлганман, наҳор офтобидан рангимга қон югурган, дугоналарим бобом билан бувимдан сўраб, мени ўрмонга олиб келиб йўқотиб қўйишди!

— Ундай бўлса туш дарахтдан,— дебди Айиқ,— уйингга обориб қўяман!

— Йўқ, Айиқ,— дебди Қорқиз,— ёнингга тушмайман, қўрқаман, сен мени еб қўясан!

Айиқ кетибди.

Сур бўри чошиб келибди.

— Нима бўлди, ҳой қиз, юзлари ой қиз, гапир-р-р?

— Эҳ-ҳей! Мен Қорқизман, баҳорнинг тоза қоридан бино бўлдим, наҳор офтобидан рангимга қон югурган, дугоналарим мева терамиз деб, бобом билан бувимдан сўраб, мени ўрмонга олиб келиб йўқотиб қўйишди!

— Туш, ундай бўлса,— дебди Бўри, — мен уйингга обор-риб қўяман, бўл дар-ров!

— Йўқ, Бўри,— дебди Қорқиз,— ёнингга тушмайман, сен мени еб қўясан!

Бўри ҳам кетибди. Доғули Тулкиой етиб келибди.

— Нима бўлди, қизгина, юзлари қирмизгина? Айтақол, жоним қоқиндиқ!

— Эҳ-ҳей! Мен Қорқизман, баҳорнинг тоза қоридан бино бўлдим, наҳор офтобидан рангимга қон югурган, дугоналарим мева териб келамиз деб, бобом билан бувимдан рухсат олиб, мени ўрмонга олиб келиб, йўқотиб қўйишди!

— Вой, чиройли қизгинам! Вой, ақлли қизгинам! Вой, шўрликкинам! Дарров тушақол, бирпасда уйингга олиб бо-рақолай!

— Йўқ, Тулкиой доғули, сўзларинг кўп оғули, сендан қўрқаман,— дебди Қорқиз.— Сен мени Бўрига бошлаб борасан, Айиққа йўлиқтирасан... Сен билан ҳеч қаёққа бормайман!

Тулки дарахт атрофида ўйнаб йўргалабди, термулиб хўрсинибди, муқомлар қилиб чорлабди, аммо қизча сира тушмабди.

— Вов-вов-вов!— дея ўрмон ичидаи Тўрткўз итнинг хургани эшитилибди.

Буни уққан Қорқиз қаттиқ қичқирибди:

— Эҳ-ҳей, Тўрткўз! Ҳой, Тўрткўз! Мен бу ерданман, Қорқизман, баҳорнинг оқ қоридан бино бўлиб, наҳор қуёшининг нуридан рангимга қон олган қизман, дугоналарим мени, бобом билан бувимдан рухсат сўраб, мева тергани ўрмонга бошлаб келиб йўқотиб қўйишди. Мени Айиқолиб кетмоқчи бўлди, кўнмадим, Бўри тортиб кетмоқчи бўлди, унамадим, Тулки илентирмоқчи бўлди, макрига учмадим, келақол, Тўрткўз, сен билан кетаман!

Итнинг вовулаганини эшитибоқ, Тулки думини хода қилиб қочиб қолибди.

Қорқиз дарахтдан тушибди, Тўрткўз ҳам дарров етиб келибди, қизча билан ачомлашиб кўришибди, юз-кўзларини, қўлчаларини ялабди, сўнг уйга йўл солибди.

Бир тўнка ортида Айиқ, сайхонликда Бўри, бута тагида эса Тулки ғижиниб турганмиш.

Тўрткўз вовуллаб, ҳуриб бораверибди, ановилар бўлса ундан қўрқиб, яқин келгани ботинолмай қолаверишибди.

Иккови уйга етиб келишибди, чол билан кампир шодлигидан йиғлаб юборишибди. Қорқизни дарров ўтқазиб, овқатлантиришибди, сўнг ухлагани ётқизиб, устига шоҳи кўрпачалар ёпишибди.

Ухла, Қорқиз, ой қизим,  
Юзлари ширмой қизим.  
Бино бўлдинг оқ қордан,  
Қувват олдинг баҳордан.  
Ичганинг оқ сут бўлсин;  
Ҳар не есанг, қут бўлсин.  
Шоҳи либослар кийгин,  
Ақлли қизча бўлгин...

Тўрткўзни ҳам кечириб, эркалашибди, ялоғига сутлар қуйиб меҳрибончилик қилишибди, дарвоза ёнидаги ўз уйчасига киритиб, буёғига ҳушёр бўл энди, деб тайинлашибди...

## *Фирром сичқон билан сахий чумчуқ ҳақида эртақ*

...Бор экан-да йўқ экан, бир қишлоқда бир азамат деҳқон ўтган экан. У меҳнатдан қочмаган одам экан, фақирларнинг кўнглини овлаб, ҳақирларнинг дилини чоғлаб, бечораларга чора топиб, очларни қўлидан келганича боқиб юраркан, дон тўла омбори ҳаммага очиқ экан. Бошқа деҳқонлар уруғ сепиб тўрт баравар, боринги беш баравар ҳосил ундирса, унинг буғдой хирмони нақ ўн баравар бўлиб битаркан. Ҳар йили ғаллани ўриб, чўғни чамалаб кўраркан-да, ҳар ўн боғнинг бирини чеккага ажратиб, «бу бева-бечоралар ҳаққи», деб қўяркан.

Бир кун буни эшитиб қолган чумчуқ ҳаммаёққа жар солибди:

— **Чиріқ-чиріқ-чиріқ!** Мужик бордонларни донга тўлдириб ташлади, бошқаларга атаб аллақанчасини ажратиб ҳам қўйди!

Буни эшитган чийилдоқ Сичқон унга ўдағайлабди:

— Пис-с-с, бақирма дейман,— деб шивирлабди у.— Овозинг оламга кетади-я, унинг ўчкур, уруғ-аймоқларинг эшитса борми, қанот қоқиб бир ёпирилиб келади, қарабсанки, сен билан менга бир донга ҳам ошлиқ қолмайди!

Вижирлоқ чумчуққа оғиз очмай, жим туриш осон дейсизми? Бироқ бечора нимаям қилсин, Сичқоннинг пўписасидан ўлардай кўрқиб, дамани ичига ютиб, унинг ёнига учиб тушибди-да, секин чирқирабди:

— Кел бўлмаса, Сичқон опагон, икков келишиб, донни ғамлаб қўяйлик, аммо шарти шуки, борини тенг баҳам кўрамиз,— дебди.

Сичқон ҳам кўнибди. Икковлашиб аҳил яшай бошлашибди. Шу зайлда йил ўтибди, иккинчи йил ҳам охирлабди. Учинчи йилга келиб, омборда доннинг таги кўриниб қолибди, нимага десангиз, янги ҳосилга атаб деҳқон бошқа омбор солган экан-да.

Мўйна пўстинли Сичқон буни аввалроқ пайқаб, ақлини югуртириб кўрибди-да, доннинг қолганини ўзим эгалласам узоқроққа етади, деб нияти бузилибди. Дон уйилган бурчақда полнинг тагини кемирган экан, бойликнинг ҳаммаси Сичқон оймнинг ертўласига шувиллаб қуйилибди. Чумчуқ бундоқ қараса, дондан асар ҳам қолмаганмиш, уёқ-буёққа аланглаб, аста Сичқоннинг дарвозасини қоқибди.

— Тақ-тақ, чиріқ-чиріқ, уйдаамисан, Сичқон оймча?

Бугдойнимизни ўғри урганга ўхшайди, хабаринг борми ўзи?!

Сичқон индан бошини чиқарибди:

— Ҳа, нимага мунча шовқин соласан? Йўқод, ўзи бошим оғриб турибди!— дебди.

Чумчуқ ичкарига бундай қараган экан, бугдойни кўриб қолиб, аввалгидан баттар айюҳаннос солиб бақирибди:

— Ҳой, бу муттаҳамни қаранглар. Уғри! Қасам ургур, каззоб! Ҳамма нарса ўртада, баб-баравардан деб келишувдик-ку, бу нима қилганинг?! Хонавайрон қилдинг-ку мени!

— Э-э, бўлди,— деб вишиллабди Сичқон,— ўтган гапларни қўзғама! Менинг эсимдан бариси чиқиб кетган. Ҳеч нарсани билмайман, вассалом!

Нияям қилсин, Чумчуқ бечора ялинибди, ёлворибди, фирром Сичқон бўлса, уни роса уриб, патларини юлиб ташлабди.

Хўрликка чидолмаган Чумчуқ аранг том бошига чиқиб, шундай айюҳаннос солиб чирқирабдики, бир зумда шу аймоқнинг жамики чумчуғи учиб келиб, ҳаммаёқни мўр-малахдай босиб кетибди. Томларга, бўғоту тарновларга тўлиб-тошиб ўтириб, бу шериклик ишянинг можароларини индан игнасиғача муҳокама қилышиб, пировардида бутун ҳайвонот оламининг шоҳи ҳузурига арз қилиб бориш керак деган қарорга келишибди. Ҳаммаси пириллаганича учиб, ҳайвонот оламининг шоҳи олдига етиб бориб, шундоғам чирқиллаб вижирлай бошлашибдики, Арслон хоннинг қулоқлари шангилаб кетибди. Шаҳаншоҳ эндигина ҳомуза тортиб, пинакка кетмоқчи бўлиб турган эканлар. Арслон бир эснаб, керишибди-да:

— Ҳой, ўзларинг шувчаки давғама қилиб келган бўлишсанг, тарқал ҳамманг, уйқум келяпти, йўқ, зарил ишларинг бўлса, биттанг гапир. Бу нимаси, кўпчилик бўлиб сайраб ашула қилсанг бошқа гап. Арз қилганда битта-биттадан сўзлаш керак,— дебди.

Чумчуқлар ичидан битта абжирроғи олдинга чиқиб, Арслон пойига бош урибди:

— Тақсирни олам, гап бундай: бир чумчуқ дўстимиз сенинг бир фуқаронг, яъни фирром Сичқон билан бир омбордаги ғаллани охирги донасиғача баравар баҳам кўриб, аҳил яшаймиз деб шартлашиб, уч йилгача шериклик қилиб келишибди. Дон камайиб қолгач, айёр Сичқон найранг қилиб, пол тагини тешиб, бари ғаллани ўз инига ташмалаб олибди. Чумчуқ дўстимиз уни инсофга чақирибди, ялиниб-ёлворибди. Ноинсоф Сичқон бўлса уни шундоғам талабдики, шўрлик ҳозирги кепатасида бировга кўринишдан ҳам уялади. Шоҳим, адолат қилиб Сичқонни дорга торттириб,

жами донни даъвогар Чумчуққа беришга фармон чиқар, йўқса биз арз қилиб ўз подшоҳимизга борамиз!

— Э, бор ўша Бургутинг ёнига!— деб Арслон яна эснаб уйқуга берилибди.

Чумчуқлар галаси булутдай кўчиб, пириллаб учиб Арслон хон устидан, ҳалиги Сичқон устидан арзи дод қилиб Бургут султон қошига борибди. Арзни тинглаб, Бургут кўзига қон тўлиб бақирибди:

— Карнайчини чақиринглар буёққа!

Зағизғон карнайчи ҳозир нозир бўлибди, етти букилиб салом бериб, қуллуқ арз қилибди.

— Чал карнайингни, карнайчи, чорла барча жасур паҳлавонларни, лочинлар, қарчиғайлар, итолгулар, оққушлару фозларни! Жамики парранда зотига етказинглар, тирноқларини ўткирлаб, тумшуқларини қайрасинлар — зўр ғазот бўлади. Анови ҳайвонот шоҳига эса учар номамизни етказ, номада биткилки, сен хоин шоҳ, аҳдни бузиб, қушларга жабр қилган даррандаларни тиймаяпсан, арзларга қулоқ солмаяпсан, адолатни унутдинг, шунинг учун сен билан жанг қилгани қаро булут каби азамат бир кўшин учиб боради, жангга ҳозир бўлиб, фалон катта даладаги пистон чинор олдига чиқсинлар.

Бу орада уйқуга тўйган Арслон ўрнидан туриб карнайчи-жарчининг хабарини эшитиб, наъра тортибди, барча ҳайвонларни чақирибди. Йўлбарслар, бўрилар, айиқлар, борингки ҳамма кичик-кабир жондорлар ўша айтилган чинор олдига йиғилишибди.

Уларга қарши тўсдай бўлиб қорайиб, еру осмон тора-йиб Бургут шоҳнинг ортидан қушлар булут каби учиб келишибди. Икки кўшин уч соату уч дақиқа тинмай урушибди, бир-бирини суришибди. Кеч киргач, пистирмада турган бойқуш билан уккилар ҳам қичқириб жангга кирган экан, ҳалиги ғирром Сичқон биринчи бўлиб қўрқиб қочибди, инига уриб кетибди. Айғоқчилар бу тўғрида дарров шоҳга хабар беришибди. Арслон шоҳ қаҳри келиб ўкирибди: «Эҳ, лаънати Сичқон, ковак бандаси! Сен палидни деб ҳатто мен ҳам ўзимни аямай савашлар қилсаму сен ярамас ҳаммадан аввал қочадиган бўлдингми?»— деб ғазаб қилибди.

Арслон жангни тўхтатишга буйруқ берибди, яраш-яраш қилишибди, жами ўғирланган ғалла даъвогар Чумчуққа ҳукм қилинибди. Писмиқ Сичқонни ҳам нима қилсанг қил деб Чумчуққа топширадиган бўлшибди. Аммо Сичқон топилмабди, айтишларича, қочиб етти қават ер остига кириб кетганмиш.



Чумчуқбой деганингиз бойиб-битиб кетибди. Ҳозир кунора уйида базму жамшид эмиш — чумчуқлар гала-гала бўлиб учиб келиб, томлару бўғотларни тўлдириб олиб вижирлашармиш, бутун қишлоққа эшитарлик қилиб ер қаъридаги ўша Сичқон, бадавлат Чумчуқбой ҳақида, қолаверса ўзларига теккан лаззатли дон-дунлар ҳақида сўзлашишармиш.

## *Ҳар ким ўз бошига ўзи хўжайин*

Бир эчки томорқага тушишга жуда мазахўрак бўлиб қолибди. Чўпон болалар подани ҳайдаб боришаётганида Эчкивой сипо бўлиб, бошини сарак-сарак қилиб, соқолларини селкиллатиб қадамларкан. Аммо пойлаб турарканда, болалар бирон жойда ўйинга алахсиб қолганларида кўзни шамғалат қилиб ўзини карамзорга ураркан.

Бир сафар у яна гердайиб пишқирганича ўзи топган овлоқ йўлдан кетиб бораётган экан, шу чоғ подадан четга чиққан бир анқов қўй чакалак ичига кириб, қичитқон ўтларга илашиб қопти. Биров-ярим раҳмдил одам келиб қолиб мени қутқарсайди дея атрофга аланглаб маърар экан, эчкини кўриб, худди оғасини топгандай суюниб кетибди. «Бунинг ортидан қолмаслик керак, ахир подамиздаги йўл бошлаб борувчи серка шунинг ўзи-ку, менам борақолайчи, бир гап бор шекилли», деб шоша-пиша оёғини бўшатиб, эчкининг орқасидан йўлга тушибди. Эчки ариқдан сакраб ўтса бу ҳам ўтибди, тўсиқдан ошса бу ҳамшибди, шундай қилиб қарабсизки, бир маҳал ўзини жаннатдай бир томорқа ичида кўрибди.

Ҳайҳот, бу гал нияям бўлиб томорқа эгаси карамзорига эртароқ келиб қолмайдими! Қараса, икков меҳмон яйраб-ёйилиб, ўзларича базм қилаётган экан. Бир йўғон таёқни қўлига олиб, йўқлатмай келиб қолган меҳмонларини «сийлашга» киришибди. Эчкивой чаққонгина эмасми, бир сакраб тўсиқданшибди, «ме-е» дея беозоргина маъраб қўйиб, ўтлоқ томон шошибди. Шўрлик қўй бўлса қаёққа қочишини билмай довдираб, ўзини ҳар ёққа уриб, ахийри қўлга тушибди. Томорқа эгаси ҳам таёғини аяб ўтирмабди, шўринг қургурни шунақаям дўппослабдики, қўйнинг додлаб маърагани ҳам ҳоли қолмабди. Охири чарчаб, ҳовридан тушган томорқа эгаси, «ке, буни уриб ўлдириб қўйиб, тағин эгасига товон ҳам тўлаб юраманми», деб ҳайдаб юборибди.

Қўй уйга аранг етиб келиб қўрага кирибди, эчкига йиғлаб осилибди. Эчки:— Ким сенга менинг орқамдан эргашгин деб айтди? — дебди.— Мен ўз билгимча иш тутдим, шунинг учун башарти бояги одам уриб қовурғамни синдиргудай бўлса ҳам ҳеч кимга шикоят қилиб: «Хўжамиз бизни яхши боқмайди, чўпон болалар ўйиндан бўшамайди», деб йиғлаб юрмайман, дардимни ичимга ютиб, дамимни чиқармайман, вассалом. Сен ўзинг қайси гўрдан менга илашдинг? Ё мен сени чақирган эдимми? — дебди.

Нима десангиз денг, эчки асли ўзи минг шумтака, ўғри бўлсаям, унинг бу гапи тўғри. Ахир, ҳой нотавон, аввал ҳар ёғини чамала, роса ўйлаб кўр, маъқулини қил-да. Сирасини айтганда, бизларда ҳам шунақаси кўп бўлади; кимдир охири вой бир ишга қўл уради, бошқа биров эса шоша-пиша унга эргаша қолади, кўргилигини кўргач, на-ригисидан шикоят қилиб юради. Ажаб, ўзинг бош деб қо-воқни кўтариб юрувдингми ё?!

И. С. ТУРГЕНЕВ .





## Муму

Москванинг чет кўчаларидан биридаги устунлари оқ, болохонадор, балкони хиёл қийшайиб турган кулранг уйда бир вақтлар бева бой хотин яшарди, унинг кўпгина хизматкорлари бор эди. Унинг ўғиллари Петербургда хизмат қилишар, қизлари эрга тегиб кетишган эди; у бирор жойга камдан-кам борар, зиқна ва руҳсиз қарилигининг сўнгги йилларини якка-ёлғизликда ўтказарди. Унинг шодлик ва ёруғликдан иборат куни аллақачон ўтиб кетган, оқшоми эса қоп-қоронғи зимистон кечадан ҳам баттар эди.

Унинг хизматкорлари орасида энг яхшиси Герасим деган қоровул бўлиб, бўйи салкам уч газ, қадди-қомати баҳодирона, онадан гунг бўлиб туғилган эди. Бека уни қишлоқдан олиб келган. Герасим қишлоқда ака-укалари билан бирга эмас эди, якка ўзи кичик бир уйда яшар ва мажбуриятни бажариб, ўлпон тўлаб турадиган деҳқон ҳисобланарди. У ниҳоятда бақувват одам эди, бир ўзи тўрт кишининг ишини қиларди—у қўл урган иш унаверарди. У забардаст қўллари билан омовни босиб қўш ҳайдаганда, гўё омов отсиз ўзи ер бағрини ёриб бораётгандек туюлар ёки Петр куни чалғини шиддат билан солиб ғалла ўрганида худди ёш қайин дарахтини таг-томиридан қўпориб ташлагандек туюлар, ёки уч газли катта тўқмоқни тез ва тўхтовсиз кўтариб уриб, хирмон янчганда унинг узун ва чайир елка пайлари худди пишангдек гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турар, ана шу пайтларда уни томоша қилмоқ жуда ҳам мароқли эди. Доимий сукут унинг шиддатли ишига тантанали улуғлик бахш этиб турарди. У жуда ёқимли йигит эди. Гунг-гаранг бўлмаганида ҳар қандай қиз ҳам унга жон деб тегар эди... Аммо Герасимни Москвага олиб келдилар, унга этик олиб бердилар, ёзлик чакмон, қишлик

пўстин тикиб бердилар, қўлига супурги ва курак бериб, ҳовлига қоровул қилиб қўйдилар.

Бу янги турмуш аввал бошда унга сира ёқмади. Чунки болалик чоғидан деҳқончилик ишларига, қишлоқ турмушига одатланган эди. У гунглиги туфайли одамларга аралашолмай, серунум ерда ўсган дарахтдек, тилсиз ва бақувват бўлиб улғайди... Шаҳарга олиб келингач, нималар рўй бераётганини билолмай, тамом ичи пишди ва сиқилди, қорни баравар кўм-кўк ўт ичида ўтлаб юрган ва эндигина ушлаб олиниб, темир йўл вагонига қамаб қўйилган, гоҳ паровознинг учқунли тутуни, гоҳ товланиб чиқаётган иссиқ буғи чор атрофдан гўштдор баданига урилиб турган, жаҳду-жадал билан шақирлатиб аллақаяққа,— худо билсин қаёққа!— олиб кетилаётган бақувват буқа нима бўлаётганини билолмай нақадар довдираса, Герасим ҳам худди шундай довдираб қолди. Герасимнинг оғир деҳқончилик ишларидан кейин бошланган бу янги вазифаси унга худди ҳазилакам ишдек бўлиб қолди; у бутун ишни ярим соат ичида саришталаб қўяр, гоҳ ҳовли ўртасида яна серрайиб тўхтаб қолар, бу сирли аҳволининг маъносини ўтган-кетгандан сўрагандек, оғзини очиб, уларга қараб турар, гоҳ дабдурустан супурги билан куракни бир томонга отиб юборарди-да, бир бурчакка бориб, ўзини ерга отар, худди тутиб олинган ёввойи ҳайвондек, соатлаб бағрини ерга бериб қимирламай ётарди. Аммо одам ҳар нарсага кўникади. Герасим ҳам бора-бора шаҳар турмушига кўникди. Унга юклатилган иш кўп эмас эди; қиладиган бор-йўқ юмуши ҳовлини тоза тутиш, кунига икки марта бочкада сув келтириш, ошхона ва уй учун ўтин келтириш ва ёриб бериш, ҳовлига бегона кишиларни йўлатмаслик, кечалари қоровуллик қилиш эди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, у ўз вазифасини ихлос билан бажарарди; ҳовлида ҳеч маҳал бирон пайраҳа ва хас-чўп кўринмасди; унинг ихтиёридаги сув ташийдиган қирчанғи от лойгарчилик кезларида бирор жойга ботиб, тортолмай қолса, у орқага ўтиб, елкаси билан аравани итардимн, аравагина эмас, отнинг ўзи ҳам турган ўрнидан қўзғалиб кетарди; ўтин ёришга тутинди-ми, болта чиннидек жаранглар, ўтин парча-парча бўлиб кетар, тарашалар ҳар тарафга учишарди; ёт кишиларга келсак, бир кун кечаси у икки ўғрини ушлаб олиб, уларнинг пешоналарини бир-бирига шундай урди, шундай қаттиқ урдикки, ҳатто уларни полицияга олиб боришга ҳам ҳожат қолмади, ана шундан бери даҳадагиларнинг ҳаммаси унга бошқача қарайдиган бўлдилар; ўғрилик кўчасига сира кирмаган шунчаки нотаниш кишилар куппа-кундуз кунини

Ўтиб бораётганларни ҳам даҳшатли қоровулни кўрганлари заҳоти қўл силкир, гўё овозларини эшитадигандек, унга қараб бақирришар эди. Ҳовлидаги бошқа хизматкорлар ҳам ундан ҳайиқардилар; Герасим улар билан дўстона бўлмаса-да, яқинлик муносабатида бўлар, уларни ўз кишилари деб биларди. Улар Герасим билан имо-ншоралар орқали гаплашишар, у ҳам буларнинг фикрини тушунар; ҳамма буйруқларни аниқ бажарар, лекин ўз ҳуқуқини ҳам биларди, шу сабабдан унинг овқат столига ўтиришга ҳеч ким журъат қилолмасди. Умуман, Герасим табиасти қаттиқ ва жиддий одам эди, ҳар ишда тартиб-сарифталиқ бўлишини севарди; ҳатто хўрозлар ҳам унинг ҳузурда бир-бирлари билан уришишга журъат қилолмасдилар,— акс ҳолда, кўрадиганларини кўришади!— Уришаётганликларини кўриб қолдимиз, шу топдаёқ оёқларидан ушлаб олар ва чамбарак қилиб ўн марта айлантирарди-да, ҳар тарафга улоқтириб юборарди. Бека ҳовлисида фозлар ҳам бор эди; лекин маълумки, фоз улугсифат ва эсли махлуқ; Герасим уларга меҳр билан қарар, уларни парварниш қиларди; ўзи улугсифат эркак фозга ўхшаб юрарди. Унга ошхона тепасидан кичик бир ҳужра бердилар, ҳужрани ўз дидига мослаб ўзи тузади, тагига гўла қўйиб, дуб тахтасидан ўзига каравот ясаб олди, бу чиндан ҳам паҳлавонлар каравоти бўлиб, юз пуд юк қўйганда ҳам қире этмайди, унинг тагида каттакон оғир сандиқ, бурчакда худди каравот сингари маҳкам стол, ёнида эса уч оёқли стул турарди, бу ҳам шу қадар пишиқ ва зилдай эдики, ҳатто Герасимнинг ўзи ҳам кўтарганда бехосдан ташлаб юборар ва жилмайиб қўярди. Ҳужрага каттакон қулф солиб қўйиларди, калитни Герасим ҳамиша белбоғига боғлаб, ёнига осиб юрарди. У уйига одам киришини хоҳламас эди.

Шу тариқа йил ўтди. Йил охирида Герасимнинг бошидан шундай бир воқеа кечди.

Герасим ҳовлисида қоровул бўлиб турган шу кекса бека ҳамма нарсада қадимий урф-одатларга амал қилар ва кўп хизматкор сақларди; унинг уйида кирчилар, тикувчилар, дурадгорлар, машиначиларгина эмас, ҳатто бир сарроҷ<sup>1</sup> ҳам бўлиб, у ҳам мол доктори, ҳам одамларни даволайдиган табиб эди, бой хотиннинг ўз табиби ҳам бор эди, яна Капитон Климов деган ўта пияниста бир бошмоқчи бор эди. Климов ўзини камситилган, қадр-қиммати эътиборга олинмаган киши деб, Москванинг кўрimsиз бир жойида ишсиз қолган одам деб эмас, балки ўқимишли ва пойтахт

<sup>1</sup> Эгар — жабдук ясовчи,

кишиси деб биларди, ичишига келганда кўкрагига уриб туриб айтишича, фақат қайғу-аламнинг зўрлигидан отарди. Кунлардан бир кун эшик оғаси Гаврила билан бека ўртасида шу Капитон тўғрисида сўз кетди. Гавриланинг сариқ кўзларига ва ўрдак тумшугига ўхшаш бурнига қарабоқ бу одамни ишбоши қилиб тақдирнинг ўзи тайинлаган, деб ўйлаш мумкин эди. Бека Капитоннинг ахлоқи бузилиб кетганлигига ачинди, чунки уни қайси бир кўчада учиб ётган жойидан ўтган куни топиб келган эдилар.

— Гаврила, — деб гап бошлади у, — уни уйлантириб қўйсакмкин, сен нима дейсан? Балки ўзини тутиб, қуюлиб қолар.

— Нега уйлантирмайлик? Мумкин, ҳатто жуда яхши бўлади, — жавоб берди Гаврила.

— Шундоқ, аммо унга ким ҳам тегарди?

— Албатта. Дарвоқе, ихтиёр сизда. Нима бўлса ҳам, бирор ишга яраб қолар, одамлардан ажратиб, уни кўчага ҳайдасак бўлмас.

— Татьяна унга ёқади шекилли?

Гаврила нимадир деб эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, аммо лабини тишлаб қолди.

— Шундоқ!.. Татьянага совчи юборсин, уқдингми? — деди бека тамакисини ҳузур қилиб ҳидлаб.

— Хўп бўлади, — деди Гаврила ва чиқиб кетди.

Гаврила ўз уйига қайтиб келгач (унинг уйи ҳовлидаги бинода бўлиб, тунука қопланган сандиқлар билан тўла эди), аввал хотинини чиқариб юборди, сўнг дераза ёнига ўтириб, ўйлай кетди. Афтидан, беканинг кутилмаган бу фармойиши уни ташвишга солиб қўйди. Охири ўрнидан туриб, Капитонни чақириб келишни буюрди. Капитон келди. Лекин китобхонларга уларнинг гапларини айтиб беришдан аввал, кейинчалик Капитон уйланадиган аёл — Татьянанинг кимлигини, беканинг фармойиши эшик оғасини нега ташвишга солиб қўйганини бир-икки оғиз сўз билан айтиб берсак, ортиқча бўлмас деб ўйлаймиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Татьяна кирчилик вазифасида бўлиб (дарвоқе, у моҳир ва уста кирчи бўлганидан, унга фақат нозик кўйлақларни ювиш топширилар эди), йигирма саккиз ёшлардаги чуваккина, озгин, оппоқкина, чап юзида холи бор аёл эди. Русларда чап юздаги холи ёмон аломат — бахтсиз турмуш нишонаси, дейишадилар... Татьяна ўз қисматидан мамнун бўла олмади. Ёшлик чоғиданоқ уни камситдилар: ёлғиз ўзи икки кишининг ишини қилса ҳамки, бирон марта ҳам яхши гап эшитмади: уни ёмон кийинтирардилар, у ҳаммадан оз ҳақ оларди, қа-



риндошлари деярли йўқ эди; унинг бека уйида авваллари озиқ-овқат омборчиси бўлган, лекин хизматга ярамай қолгач, қишлоқда қолдирилган кекса калитчи бир амакиси бўлар, бошқа қариндошлари эса фақир деҳқон — унинг бор-йўқ қариндош-уруғи шу эди. Бир вақтлар ҳусни билан ном чиқарганди, лекин унинг чиройи тез сўнди. У жуда мўмин табиатли ёки аниқроқ айтганда, юрак олдириб қўйгандай эди; у ўзига қарамас, бошқалардан ўлгудай қўрқарди, фақат ишни муддатида бажаришнигина ўйлар, ҳеч ким билан гаплашмас, гарчи беканинг афтини кўрмаган бўлса ҳамки, унинг номини эшитган заҳоти қалтираб кетарди. Герасим қишлоқдан олиб келинган куни унинг гавдасини кўрибоқ Татьяна қўрққанидан беҳуш бўлаёзди; у Герасимга сира дуч келмасликка ҳаракат қилар, уйдан кирхонага шошиб бораётганида ҳам унинг ёнидан кўзларини юмиб, тез ўтиб кетарди. Герасим дастлабки кунларда унга унча эътибор қилмади, бора-бора Татьяна рўпара келганда, унга жилмаядиган бўлди. Кейинчалик унга разм солиб тикила бошлади, ниҳоят, ундан кўз узмайдиган бўлди. У Татьянани яхши кўриб қолди: истарасининг иссиқлигими, чўчиб, тортиниб юришларими, ким билади, ишқилиб, унга ёқиб қолди! Кунлардан бир куни Татьяна беканинг охорланган кофточкасини ёзиб, авайлаб кўтариб, ҳовлидан ўтиб борарди... Кимдир қўққисдан унинг билагидан маҳкам ушлаб олди; у қайрилиб қаради-ю, Герасимни кўриб қаттиқ қичқириб юборди. У тентакларча кулиб, мулойимгина гўнғиллаб, Татьянага ширин нондан ясалган, думи ва қанотлари олтиндек ялтираган хўрозқанд узатди. Татьяна олмасликка уринди, аммо Герасим зўрлаб унинг қўлига тутқазди-ю, бошини чайқаб, нари кетди ва қайрилиб қараб, унга алланималар деб жуда дўстона гўнғиллади. Шу кундан бошлаб у Татьянани тинч қўймайдиган бўлди: у қаёққа бормасин, Герасим шу ерда ҳозир бўлар, қаршисидан чиқар, жилмаяр, алланималар деб гўнғиллар, қўлларини силкир, қўйнидан лента чиқариб, унга тутқазар ва супургиси билан унинг оёқлари остидаги чангларни супурар эди. Бечора қиз нима қилишини ва ундан қандай қутулишни билмасди. Соқов қоровулнинг бу иши тез орада уйдагиларнинг ҳаммасига аён бўлди; пичинг ва киноя сўзлар айтишиб, Татьянани масхара қила бошладилар. Аммо Герасимни масхаралашга журъат қилишолмасди. Ҳатто унинг ҳузурида Татьянага ҳам тегажаклик қилмас эдилар. Қиз истаса-истамаса Герасимнинг ҳимоясига тушиб қолди. Ҳамма гунглар сингари Герасим ҳам жуда ҳушёр эди, ўзини ёки Татьянани масхара қилиб кулаётганларни жуда яхши пайқаб оларди.

Бир куни овқат устида Татьянанинг бошлиғи кастелянша<sup>1</sup> қизга таъна гапларни айтиб, уни мазах қилди, шу қадар изза қилдики, шўрлик бош кўтаролмай қолди ва йиғлаб юбораёзди. Герасим ўрнидан даст турдию забардаст қўлини чўзиб, кастеляншанинг бошига қўйди ва унга шу қадар жаҳл билан хўмрайиб тикилдики, кастелянша ўтирган ўрнида букчайиб кетди, худди столга қапишиб қолгандай бўлди. Барча жимиб қолди. Герасим яна қошиқни олиб, шўрвасини ичаверди. Ҳамма эшитилар-эшитилмас: «Вой, гаранг алвасти-эй!» деб юборди, кастелянша эса ўрнидан турди-да, хизматкор хотинлар уйига кириб кетди.

Бошқа бир куни эса Капитоннинг, ҳозиргина гапириб ўтганимиз ўша Капитоннинг Татьянага аллақандай хушомад сўзлар айтиб, суюлиб турганини кўриб, Герасим уни қўли билан имлаб ўз олдига чақириб олди, аравахо-нага бошлаб бориб, бурчакда турган арава шотисининг бир учидан ушлаб туриб, унга салгина, лекин маънодор пўпса қилиб қўйди. Шу-шу ҳеч ким Татьянага гап қотмайди-ган бўлди. Аммо бу ишлар учун Герасимга ҳеч гап бўл-масди. Тўғри, кастелянша уйга келибоқ беҳуш йиқилди, умуман, у ғоят усталик билан иш кўриб, шу куниёқ Герасимнинг бу дағал ҳаракатини бекага етказди, лекин аломат кампир фақат бир неча бор кулиб қўя қолди, бунинг устига кастеляншанинг хўрлигини ошириб, у ўзининг оғир қўли билан сени қандай букчайтириб ташлади, деб қайта айтишга мажбур қилди ва эртаси куни Герасимга битта бир сўмлик чиқартириб юборди. Бека содиқ ва кучли қоровул деб Герасимга ҳадя берди. Герасим ўз навбатида ундан ҳайиқарди, лекин ҳар қалай унинг марҳаматига ишонар ва Татьянага уйланиш учун ижозат берсангиз, деб унга илтимос билан бормоқчи эди. Дурустроқ кийиниб бормоқ учун бош мудир ваъда қилган янги чакмонни кутиб турган эди, аммо бу борада шу беканинг калласига Татьяна Капитонга бериш фикри кела қолди. Эшик оғаси Гавриланинг нега довдираб қолганининг сабабини китоб-хон энди осонгина тушуниб олган бўлса керак. «Бека,— деб ўйларди у дераза ёнида ўтириб,— албатта, Герасимга илтифот қилади (Гаврила бунга яхши билар ва шу сабабдан Герасимдан ҳайиқар эди), ҳар қалай у тилсиз бир махлуқ; бекага, Герасим Татьянага хушомад қилиб юрибди, деб айтиб бўлмайди. Ҳа, бу ҳақ гап: у қандай эр бўлсин? Иккинчи томондан, бу алвасти, худо асрасин, Татьянанинг Капитонга эрга берилишини билиб қолса борми,

<sup>1</sup> Кастелянша — бу ўрнида беканинг кийим-бошларини саришталаб турувчи хотин.

бутун уйни остун-устун қилиб юборади-я, унга гап уқтириб бўлмайди-ку ахир: мендек гуноҳкор банда у иблисни икки дунёда ҳам гапга кўндирилмас... Бу ҳақ гап!..»

Капитон Гавриланинг хаёлини бўлиб юборди. Енгилтабиатли бошмоқчи кириб келди-ю, қўлларини орқасига қўйиб, деворнинг эшик ёнидаги қиррасига такаллуфсиз суяниб, ўнг оёғини чап оёғи устига чалкаштириб олди-да, бошини бир силкиб қўйди. У гўё, мана, мен келдим, нима дейсиз?— дегандек бақрайиб турарди.

Гаврила Капитонга бир қараб қўйди-да, деразанинг кесақисини черта бошлади. Капитон ўзининг қорамтир кўк кўзларини хиёл қисди, лекин ерга боқмади, ҳатто сал кулимсиради ва тамом тўзғиб кетган оқиш сочларини қўли билан силади. Гўё, мана мен турибман, нега тикиласан?— дегандек қараб тураверди.

— Бинойи. Жуда бинойи!— деди Гаврила ва жим бўлди.

Капитон фақат елкасини қисиб қўйди. «Хўш, мендан қаеринг ортиқ экан?»— деб ўйлади у ўзича.

— Хўш, афт-ангорингга бир қара, қани бир қара-чи,— деди таъна қилиб Гаврила:— Айт-чи, кимга ўхшайсан ахир?

Капитон ўзининг аллақачон хизматини ўтаб бўлган ямоқ-ясқоқ узун камзулига, шимига разм солди, хусусан, тўзиб кетган этагига, учидан туртиб чиқиб турган оёғининг бармоғига диққат билан қаради-да, кейин яна эшик оғасига боқди.

— Хўш, нима бўпти?

— Нима бўпти?— деб такрорлади Гаврила.— Нима бўпти?! Тагин нима бўпти дейсан-а. Балого ўхшайсан, одамга ўхшамайсан.

Капитон кўзларини пирпиратди.

«Сўкинг, сўкиб қолинг, Гаврила Андреич», деб ўйлади у яна ичида.

— Сен яна ичиб учиб қолибсан,— деди Гаврила.— Хўш, жавоб бер, ахир.

— Дарҳақиқат, соғлиғим яхши бўлмаганидан ичкиликка берилиб кетдим,— деди Капитон.

— Соғлиғинг яхши бўлмаганидан!.. Сенинг таъзирингни бериб қўйишмаяпти, ҳамма гап шунда. Тагин бу кишим Питерда мактаб кўрганмиш... ўқиб жуда билимдон бўлиб кетдингми, фақат текин нон еб юрибсан.

— Бу масалада, Гаврила Андреич, ҳакамим битта: ёлғиз худонинг ўзи, бошқа ҳеч ким эмас. Бу ёруғ дунёда менинг қимлигимни ва дарҳақиқат, бекорга нон еб юрибманми-йўқми, буни танҳо ўзи билади. Мастлик тўғрисида-

ги фикрга келганда, айб менда эмас, бир ўртоғимда. У мени қизиқтириб қўйди-да, ўзи қувлик қилди, яъни қочди, мен бўлсам...

— Сен аҳмоқ кўчада қолавердинг. Эҳ, ландавур! Аммо гап бунда ҳам эмас,— деди давом этиб эшик оғаси,— гап буёқда.— Бекам...— деди-ю, у бир оз жим қолди,— бекам сенинг уйланишингни истайди. Уқяпсанми? Бекам уйлансанг тийиларсан, деб ўйлайдилар. Уқяпсанми?

— Нега уқмайин?

— Шундоқ. Фикримча, сени яхшилаб қўлга олиш керак эди. Дарвоқе, бу унинг иши. Хўш, нима дейсан? Розимисан?

Капитон тишларини тиржайтириб жилмайди.

— Уйланиш одам боласи учун яхши гап, Гаврила Андреич, менга қолса, жуда мамнунман.

— Ҳа, шундай,— деди Гаврила ва у: «Ҳақиқатан ҳам, бунинг гапи тўғри», деб ўйлади-да, сўзида давом этди:— Шуниси борки, сенга келиннинг нобопини танлабдилар.

— Ким экан, билсам бўладими?..

— Татьянани.

— Татьянани?

Капитоннинг кўзлари чақнаб кетди ва ўзини девордан нари отди.

— Хўш, нега безовта бўлиб қолдинг?.. Ахир, у сенинг дйдингга ёқмайдимми?

— Нега ёқмасин, Гаврила Андреич! Қиз чакки эмас, ишчан, мўмин қиз... Ўзингиз биласиз-ку, Гаврила Андреич, ахир унинг кетидан анави алвасти, саҳро ёввойиси...

— Биладан, ошна, ҳаммасини биладан,— деди афсус билан эшик оғаси,— аммо лекин..

— Раҳмингиз келсин, Гаврила Андреич! Ахир у мени ўлдириб қўяди, худо урсин, ўлдириб қўяди, худди пашшани эзгилагандек эзиб ташлайди, ахир, унинг қўли қанақа қўлки, ўзингиз бир назар солинг, ахир унинг қўли Минин ва Пожарскийларнинг қўлларидан ҳам баттар-ку. Ахир, гаранг, дўппослайверади-ю, аммо қандай ураётганини ўзи эшитмайди! Худди уйқусида муштларини кўтаргандек муштлайверади. Уни ҳеч ажратиб ҳам бўлмайди. Нега? Чунки буни ўзингиз биласиз, Гаврила Андреич, у гаранг ва бунинг устига, бориб турган тентак... Ахир у аллақандай бир ҳайвон, эси йўқ тентак... Гаврила Андреич, тентакдан ҳам баттари... Худди тоғтеракнинг ўзи. Нима гуноҳим борки, унинг қаҳрига дуч келай?! Албатта, мен бўларимча бўлганман, энди ҳеч тап тортар жойим йўқ; меҳнат, машаққат тагида ийғим чиқиб кетган. Коломнада

қилинадиган хумчадек, хўп ёғ босиб, чирким чиққан, бироқ мен ҳарқолда одамман, аллақандай арзимас хумча эмас, одамман ахир.

— Биладан, биладан, кўп эзмаланма...

— Ё, танграм!— қизишиб сўзида давом этди бошмоқчи,— бу кулфатнинг охири борми? Қачон тугайди бу, танграм? Мен шўрпешона, бахтсизман! Менинг қисматим, пешонам шўр экан! Болалик чоғимда немис хўжайинимнинг калтаги тагида эзилдим, навқирон чоғимда ўз акам саваляди, катта одам бўлганимда, мана бу кўргиликларга дучор бўлсам-а...

— Э, юраксиз эзма,— деди Гаврила.— Мунча вайсайсан, ахир?

— Нега вайсамайин, Гаврила Андреич. Калтак ейишдан қўрқаётганим йўқ, Гаврила Андреич. Мени уйга қамаб ур, аммо одамлар олдида илтифот қил, чунки мен одамлар жумласиданман, аммо бу ерда кимдан калтак ейман...

— Бас, йўқол кўзимдан,— жаҳл билан унинг сўзини бўлди Гаврила. Климов бурилиб, уйдан чиқа бошлади.

— Хўш, агар бошқаси бўлса, кўнармидинг?— деб қичқирди унинг орқасидан эшик оғаси.

— Рози бўлардим,— деди Капитон ва чиқиб кетди.

Мастлигида ҳам Капитоннинг тили бурроликдан қолмас эди.

Эшик оғаси уйда бир неча бор уёқ-буёққа юрди ва ниҳоят:

— Қани, энди Татьянани чақиринг,— деди хотинига.

Бир неча дақиқадан сўнг Татьяна оҳистагина кириб, остона ёнида тўхтади.

— Бирон ишингиз бормиди, Гаврила Андреич?— деди у секингина.

Эшик оғаси унга боқди.

— Хўш, Танюша, эрга тегишни хоҳлайсанми? Бека сенга куёв топиб қўйибди,— деди у.

— Қулоғим сизда, Гаврила Андреич. Бекач куёвликка кимни топибдилар?— деб сўради у тортинибгина.

— Капитон бошмоқчини.

— Хўп бўлади.

— У енгилтак одам, бу аниқ. Аммо бекач бу ишда сенга ишонади.

— Хўп бўлади.

— Фақат бир чатоғи бор... Аनावи гаранг-чи, Гераська, сенга хушомад қилиб юрибди. У айиқни қайданам ўзингга илаштира қолдинг? Ахир, у билиб қолса, сени ўлдириб қўяди-ку...

— Үлдиради, Гаврила Андреич, үлдириши аниқ.

— Үлдиради... Қани, буни кўрармиз. Хўш, нега, нега үлдиради, дейсан? Сени үлдиришга нима ҳаққи бор, ўзинг ўйлаб кўр-чи?

— Ҳаққи борми-йўқми, бунисени билмайман, Гаврила Андреич.

— Ҳой, сен-эй! Ахир унга ҳеч ваъда берганинг йўқ-ку.

— Нима демоқчисиз?

Эшик оғаси бирдан жим бўлиб, ўйланиб қолди:

— Мўмин, муштипарсан! Яқини, сен билан яна гаплашармиз,— деб қўшиб қўйди,— энди боравер, Танюша, кўриб турибманки, сен жуда мўмин қизсан.

Татьяна ўгирилиб, эшикни астагина ёпиб чиқиб кетди.  
«Балки бекач эртагаёқ бу тўйни эсидан чиқариб юборар, аммо мен нега бунча ҳовлиқмасам?— деб ўйлади эшик оғаси.— У шумни тийиб кўярмиз, бирор ҳодиса бўлиб қолса, полицияга хабар қиламиз»...

— Устинья Федоровна!— қаттиқ товуш билан хотинини чақирди,— бир самовар қўйиб юборинг.

Татьяна ўша кун бўйи кирхонадан чиқмади деса бўлади. У дастлаб бир оз йиғлаб олди, сент кўзёшларини артиб, аввалгидек ишга тутинди.

Капитон аллақандай ғамгин бир ошнас билан ярим тунгача қовоқхонада ўтирди, унга ҳам Питерда бир бой эшигида юрганини ҳикоя қилди, «у киши зўр одам эди,— деб давом этди,— тартиб-саришталикни кўздан қочирмасди, аммо кичкинагина бир хатолари бор эди; кўпинча маст юрарди, хотин жинсига қолганда унинг суяги йўқ эди...» Ғамгин ўртоғи «балли-балли» деб унинг гапини маъқуллаб турди холос, лекин Капитон «эртага бир сабаб ваданан ўзимни ўлдиришим лозим», деганида, ғамгин ўртоғи, энди бориб ухлайлик, деди. Шу тариқа улар тунд ва жим тарқалишди.

Аммо эшик оғасининг ўйлаганлари бўлмади. Капитонни уйлантириш ҳақидаги фикр бекачнинг хаёлини шу қадар чулғаб олган эдики, ҳатто кечаси ҳам уйдаги хос хотинлардан бири билан шу ҳақда гаплашди. Бу хотин уйқусизлик пайтларида беканинг кўнглини хуш қилмоқ учунгина уйда сақланар ва тунги извошчидек кундуз ухлар эди. Нонуштадан сўнг Гаврила ишларнинг боришидан хабардор қилмоқ учун беканинг ҳузурига келган ҳамона у дастлаб: тўй нима бўлди, юришяптими?— деб сўради. Маълумки, у: «Иш жуда жойида ва Капитон ташаккур изҳор қилмоқ учун бугуноқ ҳузурингизга келади», деб жавоб берди. Бека негадир бетоб эди; у ишларнинг боришини у-

ча сурштириб ўтирмади. Эшик оғаси ўз хонасига келиб, дарҳол кенгаш чақирди. Дарҳақиқат, масала ўзига хос муҳокама талаб қиларди. Татьяна-ку сўз қайтармади-я, аммо Капитон ҳамманинг олдида, бошим битта, иккита эмас, учта ҳам эмас, деди... Герасим ҳаммага тез-тез хўм-райиб боқар, хизматкор хотинлар уйининг эннаояси олдида кўзгалмас ва ўзи учун аллақандай нохуш иш қилинаётганини пайқаб тургандек эди. Кенгашга йиғилганлар (улар жумласида «Қуйруқ амаки» лақабли кекса буфетчи ҳам бўлиб, гарчи ундан фақат: «буни қара-я» ва «шундай, шундай» деган сўзнигина эшитсалар ҳам, ҳаммалари ҳурмат билан ундан маслаҳат сўраб эдилар), ишни Капитонни ҳар эҳтимолга қарши сув тозалайдиган машина турган хужрага яшириб қўйишдан бошладилар-да, ўзлари яхшилаб бош қотиришга киришдилар. Албатта, зўрликка қолса, иш осон бўларди-я, аммо шовқин-тўпомон кўтарилсачи,— бундан худо сақласин!— бекач эшитса безовта бўлади! Хўш, нима қилмоқ керак! Уйлаб-уйлаб, охири бир фикрга келишди. Герасимнинг пиянистани кўргани кўзи йўқ эди, буни ҳамма жуда яхши биларди... У дарвоза ёнида турганида, бирор маст шапкасини қийшайтириб, қулоғига бостириб ўтса борми, у ҳар доим нафрат билан тескари қараб оларди. Татьянага мастдек гандираклар, Герасимнинг ёнидан ўтасан, дедилар- Шўрлик қиз хийла вақт унамади, лекин охири уни кўндирдилар, агар шундай қилмаса, ошиғидан сира қутула олмаслигини унинг ўзи ҳам биларди. Татьяна гандираклар жўнади. Капитонни хужрадан чиқардилар, чунки бу иш ҳарҳолда унга боғлиқ эди. Герасим дарвоза ёнидаги курсида белкуррак билан ер чўқилаб ўтирар эди... ҳамма бурчаклардан, дераза пардалари орқасидан унга қараб турарди...

Ҳийла кўнгулдагидек натижа берди. Герасим Татьянани кўрган заҳотиёқ, ҳар сафаргидек, хушнудлик билан гўлдираб бошини чайқади, сўнг разм солиб, унга тикилди, қўлидан кураги тушиб кетди, даст ўрнидан туриб, унинг ёнига келди, юзларини унинг юзларига яқин олиб келди... Татьяна қўрқиб кетиб, яна ҳам қаттиқроқ гандираклар ва кўзларини юмиб олди... У Татьянанинг қўлидан тутиб олди-да, ҳовли бўйлаб физиллатганича, кенгаш бўлиб турган уйга етаклаб келди ва уни тўппа-тўғри Капитонга қараб итариб юборди. Татьяна ҳушидан кетди... Герасим тик турганича, Татьянага боқди, мийиғида жилмайди ва қўлини бир силкиди-ю, оғир-оғир қадам босиб, ўз хужраси томон кетди. У бир кеча-кундуз уйдан чиқмади. Бош аравакаш Антипканинг кейинчалик айтишича, у тешикдан

мўралаб, Герасимни кўрган эмиш: Герасим икки қўлини жағига тираб, оҳиста, фақат аҳён-аҳёнда ғўнғиллаб, кавраотида ўтириб ашула айтибди, яъни ямшиқлар ёки бурлаклар ўзларининг мунгли ашулаларини чўзиб айтгандек, гавдасини тебратиб, кўзларини юмиб, бошини чайқаб ўтирибди. Антипканинг қути ўчиб, тешиқдан нари кетибди. Эртаси кун Герасим ҳужрасидан чиққанида унда айтарлик ўзгариш бўлгани сезилмади. У хафага ўхшарди-ю, лекин Татьяна билан Капитонга сира эътибор қилмади. Уша кунни кечқурун улар иккаласи ғозларни қўлтиқлашиб, бека ҳузурига кирдилар ва бир ҳафтадан сўнг тўйлари бўлди. Герасим тўй кунни феъл-атворини сира ўзгартирмади, аммо дарёга борди-ю, сувсиз қайтиб келди: йўлда нимадир бўлиб, бочкани синдириб қўйибди; тунда эса отхонада отини шу қадар ҳафсала билан қашлаб тозаладикки, от худди шамол зарбига силкиниб турган ўтдек тебранар ва унинг қаттиқ мушти остида гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига босиб турарди.

Бу воқеалар баҳор кезида содир бўлган эди. Орадан яна бир йил ўтди, шу бир йил ичида, Капитон ичкиликка муккаси билан берилиб, одам қаторидан чиқиб қолди, уни бутунлай яроқсиз одам ҳисоблаб, карвонга қўшиб, хотини билан бирга узоқ бир қишлоққа жўнатиб юборишди: Жўнаб кетадиган кунни у, аввал жуда керила бошлади ва қаёққа юборсалар, ҳатто тупканинг тагига, борса келмасга юборсалар ҳам йўқолмайман, ўз кунимни кўраман, деб мақтанди, аммо сўнгра руҳи тушиб кетди, мени илмаърифатсиз одамлар орасига олиб кетмоқдалар, деб зорлана бошлади, охири шу қадар бўшашиб, ҳолдан кетдики, ҳатто ўз шапкасини ҳам киёлмай қолди, лекин кимдир раҳми келиб, унинг шапкасини бошига илиб, олд томонини пешонасига келтириб, устидан босиб қўйди. Сафар ҳозирлиги тугаб, мужиқлар отнинг тизгинини ушлаган ва: «Худога топширдик!» сўзини кутиб турган вақтда Герасим ўз ҳужрасидан чиқиб, Татьяна ёнига келди ва эсдалик учун унга бир қизил рўмол ҳадя қилди, бу рўмолни у бир йил муқаддам Татьяна учун сотиб олган эди. Ўз ҳаётидаги бутун кўргуликка ҳозиргача зўр чидам билан тоқат қилиб келган Татьяна шу дамда чидаб туrolмади, кўзлари жиққа ёшга тўлди ва аравага чиқа туриб христианлар одатича Герасим билан уч бор ўпишди. Герасим уни қоровулхонагача узатиб бормоқчи бўлди, дастлаб унинг арваси билан ёнма-ён борди, лекин Қрим Кечувига етганда бирдан тўхтади, қўлини бир силкиди-ю, бурилиб дарё ёқалаб кетди.



Кечки пайт эди. У, сувга назар ташлаб, аста-аста кетиб борарди. Бирдан унинг назарида дарё лабидаги сув ўтлари ичида нимадир типирчилаётгандек бўлди. Герасим энгашиб қараган эди, бир олапар кучукчага кўзи тушди. У сувдан чиқишга шунча уринса ҳам чиқолмас, тиришиб тирмашар, аммо яна сирганиб тушиб кетар, ҳўл, озғин бадани дир-дир қалтирарди. Герасим бу бечора кучукчага бир оз қараб турди. Кейин бир қўли билан уни сувдан олиб, қўйнига солди-да, катта-катта қадам ташлаб уйига қараб кетди. У ҳужрасига келгач, кучук болани каравотига ётқизиб, ўзининг оғир чакмони билан ўраб қўйди, дастлаб отхонага бориб похол, сўнг ошхонадан бир пиёла сут олиб келди. У чакмонини кучук устидан авайлаб кўтарди ва тагига похол тўшаб, каравот устига сутни қўйди. Бечора кучукнинг туғилганига бир ҳафтагина бўлган, кўзлари эндигина очилган, ҳатто бир кўзи иккинчисидан хиёл каттага ўхшарди; у ҳали товоқдан овқат ичишни билмас, қалтирар ва кўзларини қисиб турар эди. Герасим икки бармоғи билан унинг бошидан тутиб, тумшуғини идишдаги сутга тегизиб қўйди. Кучук бирдан тез-тез ича бошлади, у сутни ича туриб пишқирар, қалтирар ва антикар эди. Герасим кучук боланинг бу ҳолига хийла тикилиб турди-да, бирдан кулиб юборди... У тун бўйи шу кучук билан овора бўлди, уни силаб, артиб ётқизди, охири, ўзи ҳам қандайдир бир мамнуният билан кучукча ёнида ётиб, ширин уйқуга кетди.

Ҳеч бир она ўз боласига Герасим ўзи асраган кучукни парвариш қилгандай қарай олмайди. Дастлабки вақтларда кучукча жуда нимжон, озғин ва хунук эди, лекин борабора аҳволи яхшиланди, орадан саккиз ой ўтгач, ўз халоскорининг тинмай парвариш қилиши натижасида испан итлари зотидан бўлган дурустгина итга айланди-қўйди. Унинг қулоқлари узун, найсимон думи сержун ва кўзлари катта-катта, ўткир эди. У Герасимга жуда ҳам ўргангани, ундан бир қадам ҳам орқада қолмас, думини ликиллатиб, доим унинг орқасидан эргашиб юргани-юрганди. Герасим кучукка ном ҳам қўйди,— соқовлар ўз товушлари бошқаларнинг эътиборини тортишини биладилар,— у итга Муму деб ном берди. Уйдагилар ҳаммаси бу итни яхши кўриб қолишди, улар ҳам уни Муму деб қақира бошлашди. У жуда эсли ит эди, ҳаммага эркаланарди, аммо ёлғиз Герасимнигина ёқтирарди. Герасим ҳам уни ниҳоятда яхши кўрарди... ва шунинг учун бошқа бировлар уни силасалар, Герасимнинг ғаши келарди: унга бирон нарса бўлади, деб қўрқар эдими, уни қизғанармиди — ким бил-

сини! Ҳар кун эрталаб ит уни этагидан тортиб уйғотар, сув ташувчи отни тизгинидан тишлаб, Герасимнинг олди-га етаклаб келарди, от билан жуда иноқ эди,— ўзини сипо тутиб, Герасим билан бирга дарёга борарди, унинг супургиси ва курагини кўриқлар, ҳужрасига эса ҳеч кимни яқин йўлатмас эди. Герасим атайлаб ўз ҳужрасининг эшигидан ит кириб чиқадиган тешикча қилиб қўйди, кучук ҳам ўзини фақат Герасимнинг ҳужрасидагина тўла ҳуқуқли хўжайинидек ҳис эгар, шунинг учун ҳам ҳужрага кириши биланоқ мамнун бўлиб, дарров каравотга чиқиб оларди. У тунлари бутунлай ухламас, лекин бўлар-бўлмаста вовуллаивермас эди; чўнқайганича тумшугини осмонга чўзиб, кўзларини чирт юмиб, зерикканидан юлдузларга қараб, кетма-кет вовуллайдиган эси паст ҳовли итлари жумласидан эмас эди — йўқ! Мумунинг ингичка товуши ҳеч маҳал бежиз чиқмасди: ё бегона одам деворга яқинлашса, ёки бирор жойда шубҳали шовқин, ёнгики шитирлаш эшитилсагина вовуларди... Хуллас, у жуда яхши кўриқчи эди. Тўғри, ҳовлида ундан бошқа яна Бўри номли сариқ-чипор қари ит ҳам бор эди, аммо уни ҳеч қачон, ҳатто кечалари ҳам занжирдан бўшатмас эдилар, дарвоқе, турарга мадори йўқлигидан унинг ўзи ҳам занжирдан бўшалишга сира ҳаракат қилмасди — уясига кириб ётгани-ётган эди ва аҳён-аҳёндагина бўғиқ, эшитилар-эшитилмас товуш чиқариб вовуллаган бўларди-ю, лекин бу вовуллаши бефойда эканини ўзи ҳам сезиб, дарров жим қоларди. Муму хўжайинининг уйига кирмас, Герасим уйга ўтин кўтариб кирган вақтларида, у доим орқада қолар, қулоқларини диққайтириб, эшик ичкарисидан салгина овоз эшитилган ҳамано гоҳ ўнг томонга, гоҳ бирдан-нига чап томонга қараб, Герасимнинг чиқишини кутарди...

Шу тариқа орадан йил ўтди. Герасим тақдиридан жуда мамнун эди, аммо кутилмаган ҳодиса юз берди... Ёзнинг гўзал кунларидан бири эди, бека ўз приживалкалари<sup>1</sup> билан бирга меҳмонхонада уёқдан-буёққа юриб кўнгил очмоқда эди. Унинг вақти хуш эди, кулар ва ҳазиллашарди, приживалкалар ҳам кулар ва ҳазиллашардилар, аслида эса улар бирор хурсандлик сезмасдилар, беканинг вақти хуш бўлган пайт уйдагиларга унча хуш келмасди, чунки шу пайтларда у, биринчидан, ҳамманинг дарҳол хурсанд бўлишини талаб қиларди, агар бирортасининг юзида хурсандлик аломатини кўрмаса жаҳли

<sup>1</sup> Приживалка — катта бойлар ёки катта савдогарлар уйида улар хисобига яшаб, беканинг вақтини хуш қилиб юрадиган, аниқ бир иш бажармайдиган, асли насаби крепостной бўлмаган камбағал хотин. (Тарж.)

чиқарди; иккинчидан, бу хурсандлик пайти дарроғ ўтиб кетарди, одатда хурсандлик ўрнини хафалик, руҳсизлик оларди. Шу кун эрталаб у уйқудан қандайдир хурсанд уйғонди, қартадан фол очганда унга тўртта солдат чиқди, бу истакнинг амалга ошишини билдирарди (у ҳамisha эрталаб фол очарди)— чой ҳам унга ҳаддан зиёд лаззатли туюлди, бу чойи учун хизматкор хотинни мақтади ва унга битта ўн тийинлик танга инъом қилди. Бека буришган лабларида севинч, табассум билан меҳмонхонада юраркан, дераза ёнига келди. Дераза олдида гулзор қилинган эди. Муму ана шу гулзорнинг қоқ ўртасидаги доира ичида, атиргул тагида ётиб олиб, ҳафсала билан суяк ражир эди. Бека уни кўриб қолди.

— Ё, худойим!— деб хитоб қилди у бирдан:— Бу қанақа ит?

Бека мурожаат қилган бечора приживалка шундай бир нохуш аҳволга тушиб типирчилаб қолдики, одатда биров ҳукми остидаги одам ўз бошлиғининг хитобини дуруст тушунолмаганда худди ана шундай типирчилаб қолади.

— Б... б... билмадим,— деди у довдираб,— анови соқовники шекилли:

— Ё, худойим!— деди бека унинг сўзини бўлиб,— қандай ажойиб кучук-а! Айтнинг, уни буёққа олиб киришин. Қачондан бери унинг қўлида? Нега шу вақтгача мен уни кўрмабман?.. Айтнинг, уни олиб киришин.

Приживалка дарров даҳлизга қараб югурди.

— Ҳой, одамлар, ҳой, одамлар! Мумуни дарров буёққа олиб киришлар! У гулзорда,— деб қичқирди у.

— Унинг номи Мумуми? Жуда яхши ном,— деди бека.

— Жуда яхши ном,— деди приживалка.— Тез бўлинг, Степан!

Уй хизматкори, полвон йигит Степан ўлган-тирилганига қарамай, гулзорга қараб югурди ва борибоқ Мумуни ушлаб олмоқчи бўлди, лекин ит чаққонлик билан унинг панжалари орасидан чиқди-да, думини диккайтириб, жонжаҳди билан эгасининг олдига югурди, Герасим эса бу вақт ошхонада бочкани худди болалар ноғорасидек қўлида кўтариб, айлантира-айлантира қоқиб, силкитмоқда эди. Степан Мумуни изма-из қувиб борди ва эгасининг оёқларига ўралашиб турган итни тутиб олмоқчи бўлар, лекин чаққон ит бегона қўлга тутқич бермай, уёқдан-буёққа сакраб ва чап бериб қочар эди.

Герасим бу оворагарчиликларга бир оз кулиб қараб турди; ниҳоят, Степан аламига чиқолмай қаддини ростлади-да, Герасимга, сенинг итингни бека ўз уйига олиб

келишни буюрди, деб имо-ишоралар билан шоша-пиша тушунтира бошлади. Герасим бир оз ҳайрон бўлиб турди, сўнг Мумуни ўз ёнига чақирди-да, тутиб олиб Степаннинг қўлига берди. Степан кучукни меҳмонхонага келтириб, паркет полга қўйиб юборди. Бека итни суюб чақира бошлади, бу хил ҳашаматли жойни ҳеч қачон кўрмаган Муму жуда қўрқиб кетди ва эшикка қараб югурди, лекин хизматга ҳозир Степан уни итариб юборди, кучук қалтираб, девор тагига қисилиб олди.

— Муму, Муму, бери кел, менинг ёнимга кел,— деди бека,— келақол, тентак... қўрқма...

— Кела қол, бекамнинг ёнларига бора қол. Муму, бора қол,— деб такрорлашарди приживалкалар.

Лекин Муму атрофга нохуш боқар ва ўрнидан сира қўзғалмас эди.

— Унга бирор овқат келтиринглар,— деди бека,— мунчаям тентак бўлмаса! Нимадан қўрқаркин?

Приживалкалардан бири маъюс товуш билан қўрқибгина:

— Ҳали ўрганмаган, ётсираяпти,— деди.

Степан бир идишда сут келтириб, Мумунинг олдига қўйди, лекин Муму ҳатто сутни искаб ҳам кўрмади. У ҳамон қалтирар, жовдираб атрофга боқарди холос.

— Вой, сен-эй!— деди бека ва кучук ёнига келиб, уни силамоқчи бўлди, лекин Муму дарров бошини ўгириб тишларини иржайтирди. Бека чўчиб, қўлини тез тортиб олди...

Бир дақиқа жим қолишди. Муму гўё зорланган ва афв сўрагандек, секингина инграй бошлади... Бека нари бориб, қовоғини солиб турди. Итнинг қўққисдан қилган бу ҳаракатидан у жуда қўрқиб кетган эди.

Ҳамма приживалкалар бараварига:

— Вой!— деб юборишди,— сизни тишлаб олгани йўқми, жудо кўрсатмасин! Вой, вой! (Муму умрида ҳеч маҳал ҳеч кимни тишламаган эди.)

— Уни бу ердан йўқотинг!— деди кампир хаста товуш билан.— Жуда ёмон ит экан! Қандай қопағон-а!

Бека астагина қайрилиб, ўз кабинетига қараб кетди.

Приживалкалар қўрқа-писа бир-бирларига қарашиб олдилар, унинг кетидан бормоқчи бўлиб чоғланган ҳам эдиларки, у тўхтаб, уларга совуққина тикилди ва: «Нега келяпсиз? Сизларни чақирганим йўқ-ку», деб кабинетига кириб кетди.

Приживалкалар дарғазаб бўлишиб, Степанга қўл силкишди: Степан Мумуни чангаллаб олиб, дарров эшик орқасига, худди Герасимнинг оёқлари тагига отиб юборди.

Ярим соатдан кейин уйда жимлик ҳукм сураб ва кекса бека қуюн бошлаб келадиган қора булутдай ўз диванида қовоғини солиб ўтирар эди. Баъзан, бекорчилик одамнинг кайфини нақадар бузиб юборади-я, деб ўйлайсан киши!

Бека кечгача хомуш ўтирди, ҳеч ким билан гаплашмади, қарта ўйнамади, тунни беором ўтказди. Ҳар кунги атирни берсалар ҳам, унга бошқа нарсадек туюлар, ёстиғидан совун ҳиди келаётгандек бўлар ва кастеляншани ўз кийим-бошларини ҳидлаб кўришга мажбур қиларди,— хуллас, жуда бетоқат бўлар ва қизишар эди,— иккинчи куни эрталаб Гаврилани одатдагидан бир соат илгари чақиртирди.

Гаврила ичида алланималар деб тўнғиллаб, кабинетга қадам босган ҳамоно бека бобиллай кетди:

— Қани айт-чи, тун бўйи ҳовлимизда вовуллаб чиққан ит қанақа ит? Менга уйқу бермади-ку?!

— Ит... ит... эҳтимол, анави соқовнинг итидир,— деди у унча ботинолмаб.

— Билмадим, соқовникими, бошқа итми ишқилиб, менга уйқу бермади. Шунга ҳайрон бўламанки, бунча итнинг бизга нима кераги бор? Хўш, билмоқ истайман! Бизда ҳовли ити бор-ку, ахир?

— Бўлмаса-чи, Бўри бор.

— Шунақа экан, бизга бошқа итнинг нима кераги бор? Тартибсизликнинг сабаби битта холос: уйда бошлиқ йўқ ана шу. Соқов итни нима қилади ахир? Менинг ҳовлимда ит сақлаш учун ким ижозат берди? Кеча дераза олди-га бориб қарасам, у гулзор ичида аллақандай ифлос нарсани олиб келиб, ғажиб ётипти, мен у ерга атиргул эктирганман ахир...

Бека жим бўлди.

— Бугуноқ бу ерда унинг қораси кўринмасин... эшитдингми?

— Хўп бўлади.

— Бугуноқ. Энди боравер. Докладга кейин чақираман. Гаврила чиқиб кетди.

Эшик оғаси меҳмонхонадан ўтиб кетаётиб, тартибли қилиб қўйиш мақсадида қўнғироқни бир столдан иккинчисига олиб қўйди, ўрдак тумшуғига ўхшаган хунук бурнини секингина тортдию даҳлизга чиқди. Даҳлиздаги скамейкада Степан кўрпа ўрнига камзулини устига ташлаб, оёқларини ғужанак қилиб йиғиб, худди жанг майдонида ўлиб қолган аскардек ухлаб ётарди. Эшик оғаси уни туртиб уйғотди-да, овозини зўрға чиқариб, унга алланимани буюрди, Степан бу буйруққа ярим эснаш, ярим кулги би-

лан жавоб қайтарди. Эшик оғаси кетди. Степан дарров ўрнидан туриб, чакмон ва этигини кийди, ташқарига чиқиб, зинапояда тўхтади. Орадан беш минут ҳам ўтгани йўқ эдики, орқасига катта бир боғлам ўтин орқалаб, доимий ҳамдами Мумуни эргаштириб Герасим келди. (Бека ётоғи билан меҳмонхонасига ҳатто ёзда ҳам печь ёқтирарди.) Герасим ёнлаб келиб, эшикни елкаси билан очди-да, ўтинни кўтарганича уйга кириб кетди. Муму эса ҳар сафаргидек, уни пойлаб эшикда қолди. Шу орада, Степан худди човут солиб, жўжага чангал урган калхатдек, Мумунинг устига ташланди, кўкраги билан уни ерга босиб, қучоқлаб олди ва ҳатто шапкасини ҳам киймасдан ҳовлига қараб югурди, тўғри келган бир извошга ўтириб, Охотний рядга<sup>1</sup> қараб чоптириб кетди. У дарров харидор топиб, Мумуни ярим сўмга сотди ва унга итни лоақал бир ҳафта бойлоқда тутиш кераклигини уқтириб, шу замоноқ қайтиб келди; лекин уйга етмай извошдан тушиб, орқа йўлакдан айланиб, ҳовлига девордан ошиб тушди, тағин рўпарамдан Герасим чиқиб қолмасин, деб дарвозадан киришга қўрқди.

Аммо у бекорга ҳадиксираган эди. Герасим ҳовлида йўқ эди. У уйдан чиқиши биланоқ атрофга қараб Мумуни ахтара бошлади, чунки Муму унинг чиқишини кутмасдан бирор ёққа кетиб қолмасди, бу маҳалгача Герасим бундай ҳолни кўрмаган эди, шу сабабдан уёқдан-буёққа югуриб, уни излай бошлади, ўзича чақирди... ҳужрасига қараб югурди, пичанхонага борди, физиллаб кўчага чиқди, ҳар ёққа югурди... Йўқолди! Одамларга мурожаат қилар, қаттиқ ташвиш чекиб, қўлини ердан ярим газ баланд кўтариб, унинг қандайлигини тасвирлаб, имо-ишоралар билан сўроқларди... баъзилар Мумунинг қаёққа йўқолганини чиндан ҳам билмай фақат бошларини чайқардилар, баъзилар билсалар ҳам унга айтиш ўрнига кулдилар, эшик оғаси эса фавқулодда жиддий тусга кириб, извошчиларга ўшқира бошлади. Шундан кейин Герасим югурганича ҳовлидан чиқиб кетди.

Герасим қайтиб келганида қош қорайиб қолган эди. Унинг ҳорғин ранги рўйига, гандираклаб қадам босишларига, чанг босган уст-бошларига қараб, у Москванинг ярмини айланиб чиққан, деб ўйлаш мумкин эди. У беканинг деразаси рўпарасига келиб тўхтади, хизматкорлардан еттигача киши тўпланиб турган зинапояга бир назар ташла-

<sup>1</sup> Охотний ряд — Москванинг марказий кўчаларидан бири; революцияга қадар Охотний рядда бозор бўлар эди. (Тарж.)

ди-ю, орқасига ўгирилиб олиб, яна бир бор: «Муму!» деб чақирди. Аммо жавоб бўлмади. Герасим бу ердан нари кетди. Ҳамма унинг кетидан қараб қолди, лекин ҳеч ким жилмаймади, ҳеч нима демади ҳам... аммо ҳар нарсани билиш пайида бўладиган бош аравақаш Антипка эртасига ошхонада одамларга, соқов тун бўйи оқ тортиб чиқди, деди.

Герасим эртасига кун бўйи кўринмади, шу сабабдан сув келтириш учун унинг ўрнига извошчи Потап борди. У бундан жуда норозив бўлди. Бека Гавриладан, менинг буйруғим бажарилдими, деб сўради, Гаврила, бажарилди, деб жавоб берди. Герасим эртасига эрталаб ҳужрасидан чиқиб, ишига тутинди. У овқатга келди, овқатни еди-да, ҳеч ким билан хайрлашмасдан яна чиқиб кетди. Унинг ҳамма гунг-гарангларники сингари бусиз ҳам руҳсиз, кайфиятсиз бўлган юзи ҳозир худди тошдек қотиб қолган эди. Овқатдан сўнг у яна ҳовлидан чиқиб кетди, лекин узоқ юрмай қайтиб келди ва шу заҳотиёқ пичанхонага жўнади. Тун, мусаффо ойдин кеча бошланди. Герасим оғир-оғир нафас олиб, тўхтовсиз у ён-бу ёнига ағдарилиб ётди, тўсатдан гўё бир нарса унинг этагидан тортаётгандек бўлди; аъзойи бадани титраб кетди, аммо бошини кўтармади, ҳатто кўзларини чирт юмиб олди, лекин этаги олдингидан қаттиқроқ тортилди. Герасим сакраб турди... унинг олдида бўйнида бўйинбоғи билан Муму гирдикапалак бўлиб турарди. Унинг севинчи ичига сиғмай қолди, унсиз кўксидан чўзиқ, шодиёна қичқириқ отилиб чиқди; у Мумуни қучоқлаб олиб, бағрига босди; Муму бир лаҳзада Герасимнинг бурнини, кўзларини, мўйлов ва соқолларини ялаб чиқди... Герасим бир оз тик турди, ўйланиб қолди, пичанхонадан туриб, атрофига астагина боқди, ўзини ҳеч ким кўрмаганлигига қаноат ҳосил қилгач, ўз ҳужрасига бехатар кириб олди.

Герасим ит ўзи йўқолиб кетмаганлиги, уни беканинг буйруғига мувофиқ адаштириб келганларини олдиноқ пайқаган эди. Муму бекага тишларини иржайтириб ириллаб берганини одамлар унга имо-ишоралар билан тушунтирган эдилар, шу сабабли Герасим ҳам чора излаш фикрига келди. Нон бериб Мумуни тўйдирди, эркалаб ётқизди, сўнг яшириб асраш йўлларини ўйлай бошлади ва тун бўйи хаёли шу билан банд бўлди. Ниҳоят, у Мумуни кун бўйи ҳужрада асрашга ва фақат ундан аҳён-аҳёнда бир хабар олиб туришга, кечаларигина бўшатиб юборишга аҳд қилди. Эшик тешигини эски чакмон билан бекитиб ташлади, тонг ёриша бошлаган ҳамоно, гўё ҳеч нарса билмагандек,

ҳатто юзидаги аввалги қайғу аломатини сақлаб, (сода ҳийла) ҳовлида пайдо бўлди. Муму вангиллаб ўзини билдириб қўяди, деган фикр бечора соқовнинг хаёлига келмабди; дарҳақиқат, соқовнинг ити қайтиб келганини ва ҳужрага қамаб қўйилганини орадан кўп ўтмай уйдагилар билиб қолишди, лекин унинг ўзига ва итига раҳмлари келганиданми, балки ундан бир қадар қўрққанлариданми, бу сиридан воқиф бўлганликларини ўзига билдирмадилар. Ёлғиз эшик оғасигина афсус қилиб, бошини қашиди-ю, қўл силтаб қўя қолди. «Майли, бўлар иш бўпти! Бека билмаса бас!» Аммо соқов ҳеч қачон бу кунгидек зўр ғайрат кўрсатиб ишламаган эди: бутун ҳовлини тозалаб, ёғ тушса ялагудек қилиб чиқди, ўтларни битта қолдирмай юлиб ташлади, гулзор атрофидаги қозикларнинг маҳкамми, йўқми эканини текшириб кўрмоқ учун, уларни бир бошдан қўли билан суғуриб, яна ўз ўрнига қоқиб қўйди, хуллас, шу қадар ғайрат ва ҳиммат билан ишладики, ҳатто бека қам унинг бу ҳаракатига эътибор қилди. Герасим бутун кун давомида яширинча бориб, итдан икки бор хабар олиб келди; кечаси эса у билан ҳужрада ётди ва фақат соат иккилардагина тоза ҳаводан баҳра олсин учун итни эргаштириб ташқарига чиқди. Ҳовлида у билан анча айланиб юриб, эндигина қайтиб кетмоқчи бўлган ҳам эдики, қўққисдан девор орқасидан, тор кўча томондан шарпа эшитилди. Муму қулоқларини диккайтириб вовуллади, девор тагига келиб искаб кўрди ва қаттиқ вовуллай бошлади. Аллақандай маст одам тунда шу ерда тунамоқчи бўлган экан. Бека узоқ «асабий беоромликдан» кейин худди шу пайтда эндигина уйқуга кетган эди: у кечқурунлари ҳаддан виёд тўйиб овқат еганда доим ана шундай бетоқат бўларди. Итнинг қўққисдан вовуллаб юбориши уни уйғотиб юборди; унинг юраги қаттиқ ура бошлади ва тўхтаб қолди.

— Қизлар, ҳой, қизлар!— деб ингради.— Қизлар!

Қўрқиб, қути ўчган қизлар унинг ётоғига югуриб келишди. «Оҳ, оҳ, ўламан!»— деди у қўлларини ғамгин қимирлатиб. «Яна, яна ўша ит!.. Оҳ, докторни чақиринглар. Улар мени ўлдиришмоқчи... Ит, яна ит! Оҳ!»— деди ва бошини орқасига ташлаб юборди, бу ҳол унинг беҳуш бўлганидан дарак берарди. Докторни, яъни уй табиби Харитонни чақиритиш учун чопишди. Бор-йўқ хунари, тагчарми юмшоқ этик кийиб юришдан, назокат билан томир кўра билишдан, бир кечаю кундуздан ўн тўрт соат ухлаб, қолган вақтида оҳ тортиб юришдан ва дам ўтмай дафна томчисини бекага келтириб тутишдан иборат бўлган бу табиб бир зумда етиб келди-да, тутатқи тутатди ва бека кўзини



очиши биланоқ, кумуш патнисчада ҳалиги дори солинган қадаҳни унга узатди. Бека дафна томчисини ичди, аммо шу заҳотиёқ йиғлоқи товуш билан итдан, Гавриладан, ўз тақдиридан шикоят қилиб, мен муштипар кампирни ўз ҳолимга ташлаб қўйдилар, менга ҳеч ким ачинмайди, ҳамма менинг ўлимимни тилайди, деб зорлана бошлади. Шу орада шўрлик Муму яна вовуллаб берди. Герасим эса уни девор ёнидан чақириб олишга беҳуда ҳаракат қилар эди. «Ана... Ана... тагин...» — деди мадорсиз товуш билан бека ва яна кўзларини юмди. Табиб шу ердаги аёлга алланима деб пичирлади, у югуриб даҳлизга чиқди, туртиб Степанини уйғотди. У Гаврилани уйғотишга югурди, Гаврила ҳеч ўйлаб-нетиб турмай, уйдагиларнинг ҳаммасини уйғотишга буюрди.

Герасим қайрилиб қараган эди, деразаларда милтиллаб турган чироқ ёруғини ва одамларнинг қорасини кўрди, бирор бахтсизлик рўй беришини сезиб, Мумуни қўлтиқлаб олди-да, ҳужрасига қараб югурди, эшикни маҳкам бекитиб олди. Бир неча дақиқадан кейин беш киши келиб унинг эшигини итара бошлади, лекин тамбанинг маҳкамлигини сезиб, тўхтадилар. Гаврила ҳаллослаб келиб, ҳаммангиз эрталабгача шу ердан қимирламай пойлаб ўтиринг, деди, сўнг ўзи чопиб хизматкор аёллар уйига бориб, чой, қанд ва озиқ-овқатларни биргаликда ўғирлайдиган ва ҳисоб юргизадиган бош компаньонка<sup>1</sup> Любовь Любимовнага: бекага айтинг, бахтга қарши, ит аллақердан яна қочиб келибди, лекин эртагаёқ у тирик қолмайди, бека шафқат қилсинлар, ғазабланмасинлар, тинчлансинлар, деди. Бека унча ҳам тез тинчлана қолмасди, лекин табиб шошганидан, ўн икки томчи ўрнига бирданига қирқ томчи қуйиб юборибди; дафна томчисини таъсир қилди — чорак соат ўтгач, бека қаттиқ ва тинч ухлаб қолди, аммо Герасим ранги бўздек оқариб Мумунинг оғзини маҳкам юмиб, ўз каравотида ётар эди.

Эрталаб бека анча кеч уйғонди. Гаврила Герасимнинг бошпанасига қатъий ҳужум қилишга буйруқ бериш учун беканинг уйғонишини кутиб турди, ўзи эса зўр даҳшатга бардош беришга ҳозирланар эди. Лекин даҳшат юз бермади. Бека ўринда ётган жойида бош приживалкани ўз ёнига чақиртирди.

— Любовь Любимовна, — деб гап бошлади у мулоим ва ҳаста товуш билан: баъзан у жафо чеккан ғариб ва ҳас-

---

<sup>1</sup> Компаньонка — бойлар уйида хотин-қизларни бирор ёққа кузатиб бориш ва вақтларини куш қилиш учун ёлланиб ишловчи аёл. (Тарж.)

ратли одамдек муомала қилишни яхши кўрарди; бундай ҳолларда уйдагилар жуда ноқулай ҳолга тушиб қолардиларки, буни айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ,— Любовь Любимовна, менинг аҳволимни кўриб турибсиз, жонгинам, Гаврила Андреичга бориб айтинг: наҳотки аллақандай бир ит унга ўз бекасининг оромидан, ҳаётидан азиз бўлса? Менинг бунга ишонгим келмайди,— деб илова қилди у, чуқур нафас олиб:— Бора қолинг, жонгинам, умргинангиздан барака топинг. Гаврила Андреичга бориб айтинг.

Любовь Любимовна Гавриланинг уйи томон йўл олди. Улар нима тўғрисида гаплашганликлари номаълум, лекин орадан бир неча минут ўтгач, бир тўда одам ҳовлидан Герасимнинг ҳужрасига қараб йўл олди: Гаврила, гарчи шамол бўлмаса ҳам, шапкасини қўлида тутиб олдинда борарди, унинг ёнида уй хизматкорлари ва ошпазлар келишарди. Қўйруқ амаки деразадан қараб, буйруқ бериб турар, яъни фақат қўлларини уёққа-буёққа силтар эди, холос; орқада бир тўда болалар сакрашиб, шўхлик қилишарди, уларнинг ярми шу атрофдан йиғилиб келган болалар эди. Ҳужрага чиқадиган тор зинапояда битта пойлоқчи, эшик ёнида икки киши қўлида таёқ ушлаб турарди. Зинапоядан чиқа бошладилар. Зинапоя одамга лиқ тўлди. Гаврила эшикка келиб, уни мушти билан қоқиб, қичқирди:

— Оч!

Итнинг бўғиқ товуши эшитилди, аммо жавоб бўлмади.

— Оч дейман!— деб такрорлади у.

— Айтмоқчи, Гаврила Андреич, у кар-ку, ахир, эшитмайди,— деди пастдан туриб Степан.

Ҳаммалари кулишди.

— Хўш, нима қиламиз?— деди юқоридан Гаврила.

— Эшигининг тешиги бор, шу тешикдан таёқ тиқинг,— деб жавоб берди Степан.

Гаврила энгашиб қаради.

— У тешикка чакмон тиқиб, бекитиб қўйибди.

— Сиз, чакмонни ичкарига итариб юборинг.

Яна бўғиқ вовуллаган товуш эшитилди.

— Қара, қара, ўзини ўзи билдириб қўйяпти,— дейишди одамлар ва яна кулишди.

Гаврила қулогининг орқасини қашлади.

— Йўқ, оғайни, агар истасанг, чакмонни ўзинг итариб юборақол,— деди у ниҳоят.

— Нима ҳам дердик, рухсат этинг!

Степан шошиб-пишиб юқори чиқди, таёғини қўлига олиб, чакмонни тешикдан ичкари итариб юборди ва «Чиқ-

чиқ!» деб таёқни тешикка суқиб ликиллата бошлади. У таёқни ликиллатаётганида қўққисдан ҳужранинг эшиги тарс очилди — ҳамма хизматкорлар зинапоядан ўзларини ташлаб урра қочишди. Ҳаммадан олдин Гаврила қочди. Қуйруқ амаки эса деразани ёпиб олди.

— Ҳой, ҳой, ҳой, менга қара, менга қара!— деб ўшқирди Гаврила ҳовлидан туриб.

Герасим остонада қимирламай турарди. Оломон зинапоя тагига тўпланди. Герасим юқорида туриб, қўлларини белига хиёл тираган ҳолда, немис чакмонини кийган бу юраксиз одамларга қараб турарди; устида деҳқонча қизил кўйлаги бўлган Герасим улар олдида худди паҳлавон эди. Гаврила бир қадам олға босди.

— Менга қараб, тўполон қила кўрма,— деди у.

У Герасимга, бека итингни талаб қилмоқда, эътирозга сўз бўлиши мумкин эмас, итни ҳозироқ бер, бўлмаса ҳолинг ёмон бўлади, деб имо-ишора билан тушунтира бошлади.

Герасим унга разм солиб қаради-да, қўлларини бўйнига келтириб, сиртмоқ қилиб итини кўрсатди ва эшик оғасига савол аломати билан тикилди.

Эшик оғаси бошини қимирлатиб:

— Шундоқ, шундоқ, албатта беришинг керак,— деди.

Герасим бошини қуйи солди, сўнг бирдан силкинди, ҳамон ўз ёнида ҳеч нарсадан беҳабар думини ликиллатиб ва қулоқларини чимириб турган Мумуни яна кўрсатиб, ўз бўйнини ушлаб, бўғиб ўлдириш ишорасини такрорлади-да, Мумуни ўзим бўғиб ўлдираман, дегандек кўкрагига қаттиқ муштлади.

— Йўқ, сен алдайсан,— деб ишора қилди унга Гаврила.

Герасим унга бир тикилди-ю, нафрат билан кулиб, яна ўз кўкрагига урди-да, эшикни ёпиб олди.

Ҳаммалари индамай, бир-бирларига қарашди.

— Бунинг маъноси нима бўлди? У эшикни бекитиб олди-ку?— деди Гаврила.

— Қўяверинг, Гаврила Андренч,— деди Степан,— ваъда бердим, бажаради. У шундай одам... ваъда бердим, албатта бажаради. Бунақа масалада у бизларга ўхшамайди. Тўғрини тўғри демоқ керак. Ҳа.

— Шундоқ. Ҳақ гап,— деб такрорлашди йиғилганлар ҳаммаси ва бошларини қимирлатиб тасдиқлашди.

Қуйруқ амаки деразани очди ва у ҳам «шундай», деб тасдиқлади.

— Эҳтимол шундайдир, кўрамиз!— деди Гаврила.— Ҳар қалай қоровул турсин. Ҳой, Ерошка!— деб қўйди у, дағал сариқ матодан калта чакмон кийган, бу ҳовлининг боғбони ҳисобланувчи, ранги заҳил бир одамга мурожаат қилиб.— Сен нима ҳам қилардинг! Қўлингга таёқ тутиб, мана бу ерда ўтир ва бирор ҳодиса юз бериб қолса, дарров менинг олдимга чоп!

Ерошка таёқни ушлаб, зинанинг пастки поясига ўтирди. Одамлар тарқалишди, бу ерда томошани яхши кўрувчи бир неча киши ва болалар қолди, холос. Гаврила уйга қайтиб келди-да, Любовь Любимовнага, фармойишингиз бажо келтирилди, деб бекага маълум қилинг, деди. Ўзи эса, ҳар эҳтимолга қарши, бош аравакашни миршабга юборди. Бека дастрўмолининг учини тугиб, унга атир қўйди, бир ҳидлаб чаккаларига суртди ва нонушта қилиб, дафна томчисининг таъсири ҳали ҳам кетмаганидан яна уйқуга кетди.

Шу ғалвалардан кейин орадан бир соат ўтгач, ҳужранинг эшиги очилди ва ундан Герасим чиқиб келди. У чакмонини кийиб, Мумуни тизимчага боғлаб олиб борарди. Ерошка ўзини бир четга олиб, унга йўл бўшатди. Герасим дарвозага қараб юрди. Болалар ва ҳовлидаги одамлар ҳаммаси унинг орқасидан жимгина тикилиб қолдилар. У, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади, қалпоғини кўчага чиққандагина кийиб олди. Гаврила ҳалиги Ерошкани унинг кетидан пойлоқчи қилиб юборди. Ерошка узоқдан у ити билан майхонага кириб кетганини кўрди ва унинг чиқишини кутиб турди.

Майхонадагилар Герасимни танир ва унинг ишораларини тушунар эдилар. У гўштли шўрва беришларини сўради ва икки қўлини столга тираб ўтирди. Муму зийрак кўзлари билан унга тикиларди. Унинг юнглари ялтирар; ҳалигина яхшилаб тозаланганлиги сезилиб турар эди. Герасимга шўрва келтирдилар. У шўрвага нон тўғради, гўштини майдалаб, тарелкани полга қўйди. Муму одатдагидек одоб билан овқатга тумшугини хиёл тегизиб, шўрвани ича бошлади. Герасим унга узоқ тикилиб турди, ногоҳ унинг кўзларидан икки дона катта-катта томчи ёш оқиб тушди: ёш томчисининг бири итнинг пешонасига, иккинчиси шўрвага тушди. У қафтлари билан юзини бекитди. Муму тарелкадаги шўрванинг ярмини ичдию лабларини ялаб, бир четга бориб чўнқайди. Герасим ўрнидан туриб, шўрванинг пулини тўлади-да, чиқиб кетди, майхона хизматкори бир оз ажабланиб, унинг орқасидан қараб

қолди. Ерошка Герасимни кўрган заҳоти ўзини бурчакка олди, уни ўтказиб юбориб, яна кетидан тушди.

Герасим шошмай борар, Мумуни ипидан бўшатмас эди. У кўча муюлишига етгач, хаёл сургандек тўхтаб қолди ва бирданига жадаллаб, тўппа-тўғри Қрим Бродга қараб кетди. Йўлда янги иморат солинаётган бир ҳовлига кириб, ундан иккита ғиштни қўлтиғига қисиб олди. У Қрим Броддан қирғоққа томон бурилиб, эшкаклари ичига солиниб, қозиққа боғлаб қўйилган икки қайиқ ёнига борди, бу қайиқларни у олдин кўзлаб қўйган эди. Муму билан шу қайиқлардан бирига тушиб олди. Полизнинг четидаги қапа ичидан бир чол чиқиб, унга қичқирди. Аммо Герасим фақат унга қараб бош силкиди-ю, дарё оқимига қарши боришига қарамай, қайиқ эшкакларини шунча тез эшиб ҳайдадики, бир зумда юз саржини нарига бориб етди. Чол турди-турди-да, аввал чап қўли билан, сўнг ўнг қўли билан елкасини қашиди, охири оқсоқланиб, қапага кириб кетди.

Герасим эса ҳамон қайиқни жадал ҳайдаб борарди. Мана, Москва ҳам орқада қолиб кетди. Ана, соҳил бўйлаб пичанзорлар, полизлар, дарахтзорлар тизилишиб ўта бошлади. Ана, уйлар ҳам кўринди. Қишлоқ иси кела бошлади. У эшкакларни қўйиб, қайиққа кўндаланг ўрнатилган тахта устида ўз олдида ўтирган Мумуга энгашиб (қайиқ тубига сув йиғилиб қолган эди), забардаст қўллари билан унинг елкасидан тутганича қимирламай туриб қолди, ваҳоланки, тўлқин қайиқни аста-аста шаҳар томонга, орқага суриб борар эди. Ниҳоят, Герасим даст кўтарилди, йўлдан олган ғиштларини аллақандай алам билан арқонга боғлади, арқоннинг учини сиртмоқ қилиб, Мумунинг бўйнига солди ва уни баланд кўтариб, сўнгги марта унга тикилиб боқди... ит соддалик билан ва ҳеч чўчимай, қўрқмай унга қараб турар, думини секингина ликиллатар эди. Герасим тескари қараб олди, кўзларини чирт юмиб, қўлларини бўшатиб юборди. У ҳеч нарсани: фарқ бўлиб бораётган Мумунинг зорланиб вангиллашини ҳам, сувнинг оғир чайқалишини ҳам эшитмади; энг тинч кечаларнинг ҳеч бири биз учун унсиз бўлмаганидек, энг шовқинли кун ҳам унинг учун жим ва товушсиз эди. У яна кўзларини очиб қараганда, кичик-кичик тўлқинлар гўё бир-бирларини қувишгандек боягидай дарё бетида жадал чопишар, қайиқнинг сиртига урилар, чайқалар ва фақат узоқ-узоқларда, орқа томондагина қандайдир кенг ҳалқалар қирғоққа қараб югуришар эди.

Ерошка Герасим кўздан ғойиб бўлиши биланоқ уйга

қайтиб келди ва кўрганларининг ҳаммасини гапириб берди.

— Албатта,— деди Степан.— У кучукни сувга гарқ қилиб юборади. Хотиржам бўлиш мумкин. Ваъда берди-ми...

Герасимни кун бўйи ҳеч ким кўрмади. У уйга келиб овқатланмади. Кеч кирди, ҳамма кечки овқатга йиғилди, булар орасида ёлғиз Герасимгина йўқ эди.

— Бу, Герасим ғалати одам,— деди йўғон гавдали кирчи хотин чийиллаб:— Бир итни деб шунча бекор юриш мумкинми... Ажаб!

Степан товоқдаги кашага қошиқни ботира туриб:

— Герасим ҳалигина шу ерда эди!— деб хитоб қилди.

— Нима? Қачон?

— Атиги икки соатгина бўлди. Йўқса-чи. У билан дарвоза олдида учрашдим: у яна бу ердан, ҳовлидан чиқиб кетди. Ундан итни нима қилдинг, деб сўрай дедиму, лекин авзойи бузуқ кўринди. Аммо мени ҳазилакам ҳам туртиб юбормади; йўлни тўсма, нари турсанг-чи, демоқчи бўлди шекилли, қургур, ўша баҳайбат гавдаси билан шундай қаттиқ туртдики, умуртқам синай деди, вой, во-ей!— Степан беихтиёр кулиб, елкасини қашиб қўйди.— Ҳа, унинг қўлига қойил,— деди илова қилиб,— қўли гул, бу ҳақ гап.

Ҳаммалари Степандан кулишди ва кечки овқатдан сўнг ухлашга тарқалишди.

Шу вақт Т... тош йўлда жуда улкан бир одам елкасида тугун, қўлида узун таёқ тутиб жадал борар эди. Бу одам Герасим эди. У ён-верига қарамай, уйига, ўз қишлоғига, туғилиб ўсган юртига томон жадаллаб кетиб борарди.

У Мумуни гарқ қилиб, ўз ҳужрасига келди, ул-буллариини отнинг эски ёпинчигига тезгина ўраб боғлади-да, елкасига ташлаб олиб, уйдан чиқиб кетди. Бека уни қишлоқдан Москвага олдириб келаётганида у йўлни яхши эслаб қолган эди; унинг қишлоғи шу тош йўлдан йигирма беш чақирим нарида эди холос. У тош йўлдан қандайдир зўр жасорат, шиддат билан, қувончли қатъият билан кетарди. Кўкраги кенг очилиб, кўзларини тўппа-тўғри олға тикиб борарди. Гўё ўз юртида кекса онаси уни кутаётгандек, ўзга юртда, бегона одамлар орасида саргардон бўлиб юргандан кейин онаси уни чақираётгандек ошиқиб борарди... Эндигина бошланган ёз кечаси сокин ва илиқ эди; бир томонда, қуёш ботган тарафда, кўкнинг чети кундузнинг сўнгги шуъласи билан ҳали оқаринқираб ва қизариб кўринарди, иккинчи томондан эса, зангори, қадимий қорон-

гилик бостириб келмоқда эди. Тун шу ёқдан келарди. Атрофда юзлаб беданалар сайрашар, тўрғайлар бир-бирларидан ўзиб хониш қилишарди... Герасим бу овозларни эшитмасди, кучли оёқлари билан жадал кетиб бораркан, ён-веридаги дарахтларнинг тунги нозик шитирлашларини ҳам эшитмасди, лекин у пишиб етилаётган жавдарнинг қоронғи далаларни тутиб кетган таниш хушбўй исини туйярдди, рўпарасидан, юртидан эсаётган майин шабада юзига уриб, соч ва соқолларини сийпаб ўтаётганини сезарди; ўз олдида оқариб турган йўлни — уйга томон худди камон ўқидек тўппа-тўғри кетган йўлни, ўз йўлини ёритиб турган беҳисоб юлдузларни кўрар ва шердек кучли, бардам қадам ташлаб борарди, шундай шахдам юрардики, кўтарилиб чиқаётган қуёш ўзининг қизғиш нурларини узоқ йўл босиб ўтган азаматга сочганда, Москва билан унинг орасида йиғирма беш чақирим йўл орқада қолган эди...

Икки кундан сўнг у уйига, ўз кулбасига етиб келган эди, бундан унинг уйига кўчиб кирган солдат хотини жуда ҳайратда қолди. У бут олдига бориб чўқинди-ю, шу заҳотиёқ оқсоқолга борди. Оқсоқол аввал-бошда ҳайрон бўлиб турди; лекин пичан ўрими эндигина бошланган эди. Герасим энг яхши меҳнаткаш бўлганидан, шу ондаёқ унинг қўлига чалғи тутқаздилар, у аввалгидек қулочларини кенг очиб ўришга киришди, чалғини шундай зарб билан солардики, мужиклар унинг қулочкашлашига ва хашакни қамраб олишига қойил қолиб қараб турардилар...

Москвада эса, Герасим қочиб кетган куннинг эртасига уни ахтара бошладилар. Хужрасининг тит-питисини чиқариб юбордилар ва келиб Гаврилага айтдилар. У келиб қаради, елкасини қисиб, соқов ё қочиб кетган, ёки ўз ити билан бирга фарқ бўлиб кетган, деган фикрга келди. Полицияга хабар бердилар, бекага маълум қилдилар. Бека ғазабланди, йиғлаб юборди ва ҳар нарса қилиб бўлса ҳам уни топинглар, деб буюрди, итни ўлдиришни ҳеч буюрганним йўқ, деб тасдиқлай бошлади ва ниҳоят, Гаврилани шундай сиқиқ остига олдики, у кун бўйи бошини чайқаб, то Қуйруқ амаки «Хўш!» деб уни мазах қилмагунча: «Хўш!» деб юраверди. Ниҳоят, Герасимнинг қишлоққа кетганлиги тўғрисида у ердан хабар олинди. Бека бир оз тинчланди: дастлаб у Герасимни дарҳол Москвага қайтариб келтиришга фармойиш бермоқчи бўлди, бироқ кейин, менга яхшиликни билмайдиган бунақа одамнинг ҳеч кераги йўқ, деди. Аммо шу воқеадан кейин орадан кўп ўтмай, унинг ўзи дунёдан ўтди; ворислари эса Герасимни эсга


ҳам олмадилар, улар оналарининг бошқа хизматкорларини ҳам чоракор қилиб тарқатиб юбордилар.

Герасим ҳануз ўз уйида оиласиз танҳо яшайди: у аввалгидек соғлом ва бақувват, аввалгидек бир ўзи тўрт кишининг ишини қилади, аввалгидек улугсифат ва вазмин. Қўни-қўшнилар у Москвадан қайтиб келганидан буён хотинлар билан борди-келди қилмайдиган, ҳатто уларга қарамайдиган ва битта ҳам ит асрамайдиган бўлиб қолганини пайқадилар. «Дарвоқе,— дейишади мужиклар,— хотинлар билан аралашмаслиги унинг бахти, аммо итга келганда, ит унга нимага керак! Унинг ҳовлисига ўғрини бўйнига арқон солиб, судраб ҳам келтира олмайсан!»

Соқовнинг паҳлавонлиги ҳақида ана шундай гаплар юради.



А. П. ЧЕХОВ





## Ўғил болалар

— Володя келди!— деб қичқирди ҳовлида аллаким.  
— Володягинам келдилар!— деб бақирди Наталья ошхонага югуриб кираётиб.

Володянинг келишини интизорлик билан кутаётган Королёвлар оиласи дераза ёнига югурди. Дарвоза олдида кенг, паст, бўш чана турар, унга қўшилган учта оқ от баданидан буғ кўтарилар эди. Володя аллақачон даҳлизга кирган ва совуқдан қизариб кетган қўллари билан қулоқчинини ечишга уринар эди. Володянинг гимназия формасидаги пальтоси, фуражкаси, калиши ва икки чаккасидаги сочларини қиров босган бўлиб, ундан шундай ёқимли совуқ ҳиди анқир эдики, кўрган кишининг совқотгиси ва «бррр» деб юборгиси келарди. Онаси билан холаси уни қучоқлаб ўпишди, Наталья бўлса унинг оёғидан пиймасини еча бошлади, сингиллари бақириб-чақиринди; эшиклар ғичирлади, тарақлади. Володянинг отаси эса эгнида жилетка, қўлида қайчи, даҳлизга югуриб чиқди-да:

— Биз сени кеча келади деб ўйлаган эдик!— деб баралла гапира бошлади.— Эсон-омон келдингми? Соғ-саломатмисан? Э, халақит бермасаларинг-чи, отаси билан ҳам кўришиб олсин! Нима, мен ота эмасманми?

— Вов! Вов!— дейди Милорд номли каттакон қора ит девор ва мебелларни думи билан уриб.

Олаговур, хурсандчилик икки минутча давом этди. Учрашув қувончи бир оз пасайгач, Королёвлар даҳлизда Володядан ташқари қулоқчин кийган, рўмол билан ўралган, ҳаммаёғини қиров босган яна бир кичкина одам турганини кўриб қолишди. У бир бурчакда, почапўстин соясида қимир этмай турарди.

— Володичка, бу ким?— деб сўрайди онаси шивирлаб.

— Вой!— дейди Володя тўсатдан эслаб.— Танишинглар, бу — менинг ўртоғим Чечевицин, иккинчи синф ўқувчиси... Мен уни меҳмон бўлиб кетсин деб бирга олиб келдим...

— Жуда хурсандман, марҳамат қилсинлар!— дейди отаси қувониб.— Камзулсиз юганим учун кечирасиз... Марҳамат қилинг! Наталья, жаноб Черепициннинг ечинишларига ёрдам бер! Э худойим-е, ҳайдаб юборсаларинг-чи бу итни, жонимга тегди.

Бир оздан сўнг, кутиб олиш маросимидаги шов-шувдан довдираган, совуқдан ҳамон қизариб турган Володя билан унинг дўсти Чечевицин чой ичиб ўтиришарди. Қиш офтоби қор ва деразалардаги совуқдан тушган нақшларни ёриб ўтиб самоварга шуъла сочар, бу равшан шуълалар эса баркашдаги сувда ўйноқлар эди. Уй иссиққина эди. Болалар совқотган таналарида икки куч: совуқ билан иссиқ бир-биридан бўш келмай курашаётганини сезишди.

— Ана, рождество байрами ҳам яқинлашиб қолди,— дейди чўзиб, тўқ сариқ тамакидан папирос ўраётган отаси.— Яқиндагина ёз эди, онанг сени кузатиб, йиғлаб қолган эди... Ана, қарабсанки, келиб ҳам қолибсан... Вақт шунақа тез ўтади, оғайни! Ана-мана дегунча қариб ҳам қоласан. Жаноб Чибисов, олинг, еб ўтиринг, тортинманг! Ўз уйингиздай, бемалол...

Володянинг уч синглиси — Катя, Соня ва Маша,— уларнинг энг каттаси ўн бир яшар эди,— стол ёнида ўтирар ва янги танишдан кўз узмас эдилар. Чечевициннинг ёши ҳам, бўйи ҳам Володя билан тенг бўлса-да, Володя сингари семиз ва оппоққина эмас, ориқ, қорачадан келган, юзини сепкил босган бола эди. Унинг сочлари тиканакка ўхшар, кўзлари қиссиққина, лаби қалин эди. Хуллас у хунуққина бўлиб, эгнида гимназия камзули бўлмаса, ташқи қиёфасига қараган киши ошпаз хотиннинг ўғли деб ўйларди. Унинг қовоғи солиқ, ҳамма вақт индамай ўтирарди, бирон марта бўлсин жилмаймади ҳам. Чечевициндан кўз узмай ўтирган қизлар уни жуда ақлли ва доно одам бўлса керак деб ўйлашди. У ҳамма вақт алланарса тўғрисида ўйлар ва ўз хаёли билан шу ҳадар банд эдики, ундан бирон нарсани сўрашганда чўчиб тушар, бошини силкитар, ва саволни такрорлашни илтимос қиларди.

Қизлар илгари хушчақчақ ва сергап бўлган Володянинг ҳам бу гал кам гапиришини, бутунлай жилмаймаганини, уйга келганига севинмагандай кўринганини ҳам пайқашди. Чой ичиб ўтиришганида у сингиллари билан фақат бир

марта гаплашди, ўшанда ҳам аллақаяқдаги нарсаларни айтди. У бармоғи билан самоварни кўрсатди-да:

— Калифорнияда<sup>1</sup> чой ўрнига джин<sup>2</sup> ичишади,— деди.

У ҳам аллақандай хаёллар билан банд эди. Ахён-ахёнда дўсти Чечевицин билан кўз уриштириб қўйишига қараганда, уларнинг фикри бир эди.

Чойдан кейин ҳамма болалар хонасига кирди. Қизлар оталари билан стол ёнига ўтириб, болалар келганда қолиб кетган ишларини давом эттиришди. Улар ранг-баранг қоғозлардан арча учун гул ва безаклар ясашарди. Бу қизиқарли ва серғовға иш эди. Ҳар бир гул тайёр бўлганда қизлар завқланиб қичқиришарди. Бу гал гўё осмондан тушаётгандек ваҳима билан бақиришарди, оталари ҳам завқланар, баъзан қайчининг ўтмаслигидан нолиб, ерга улоқтирар эди. Гоҳ оналари югуриб кирар ва ташвишланиб:

— Қайчимни ким олди? Яна сен олдингми, Иван Николаевич?— деб сўрар эди.

— Э, худойим-е, ҳатто қайчини ҳам беришмайди,— деб жавоб қайтарарди Иван Николаевич йиғламсираб, стулнинг суйанчигига ўзини ташлаб хафа бўлиб ўтирарди, лекин орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас яна завқланиб кетарди.

Володя илгари келганида арчани безатишга иштирок этар, ёки извошчи билан чўпоннинг қордан тепалик ясаганини томоша қилгани ҳовлига югурар эди. Лекин бу гал у ҳам, Чечевицин ҳам ранг-баранг қоғозларга парво қилишмади, отхонага бирон марта ҳам боришмади, дераза ёнига ўтириб олиб алланарса тўғрисида шивирлашди. Кейин география атласини очиб аллақандай харитани кўздан кечиришди.

— Аввал Пермга...— дейди секингина Чечевицин.— У ердан Тюменга... кейин... Томскка... кейин.: кейин.: Камчаткага... У ердан бизни Самоедлар<sup>3</sup> қайиқда Беринг бўғози орқали ўтказиб қўяди. Қарабсанки, Америкага бориб қолибсан... У ерда мўйнали йиртқич ҳайвонлар кўп.

— Калифорния-чи?— деб сўрайди Володя.

— Калифорния пастроқда... Америкага етиб олсак бўлди, ундан Калифорнияга қўл узатсанг етади. Овчилик ва талончилик билан кун ўтказамиз.

Чечевицин кечгача ўзини қизлардан четга тортиб юра-

<sup>1</sup> Калифорния — АҚШ штатларидан бири.

<sup>2</sup> Д жин — нондан қилинган арок.

<sup>3</sup> Самоедлар — Ненецларни ва шимолда яшайдиган бошқа халқларни революциядан илгари шундай деб аташарди.

ди, уларга фақат ер остидан қараб қўяди. Кечки чойдан кейин у беш минутча қизлар билан ёлғиз қолади. Миқ этмай туришга ўнғайсизланиб йўталиб қўяди, ўнг кафти билан чап қўлини ишқалайди, Катяга хўмрайиб қарайди-да:

— Сиз Майн-Риднинг<sup>1</sup> китобларини ўқиганмисиз?— деб сўрайди.

— Йўқ, ўқимаганман... Менга қаранг, сиз конькида юришни биласизми?

Ўз хаёллари билан банд бўлган Чечевицин бу саволга жавоб бермайди, фақат икки лунжини шишириб жуда исиб кетган кишидек уфлаб қўяди. У яна Катяга қарайди-да:

— Бизонлар подаси пампас<sup>2</sup> орқали югуриб кетаётганда ер титрайди, мустанглар<sup>3</sup> эса қўрққанларидан ер тепиниб кишнайдилар,— дейди.

Чечевицин хомушлик билан жилмаяди-да, қўшиб қўяди:

— Шунингдек ҳиндулар поездларга ҳужум қилади. Лекин искабтопарлар билан термитлар ҳаммадан ҳам ўтиб тушади.

— У нима ўзи?

— Чумолига ўхшаган нарса, лекин қаноти ҳам бор. Жуда қаттиқ чақади. Менинг кимлигимни биласизми?

— Жаноб Чечевицинсиз.

— Йўқ. Мен, Монтигосо Қирғий Чангал, енгилмаслар йўлбошчисиман.

Оиладаги энг кичик қиз — Маша аввал унга, кейин деразага қарайди. Ташқарида қоронғи тушмоқда эди. Қизча бир оз ўйланиб туради-да:

— Бизда кеча чечевицадан<sup>4</sup> овқат пиширишган эди,— деб қўяди.

Чечевициннинг тушуниб бўлмайдиган сўзлари, доимо Володя билан шивирлашиши, Володянинг эса ўйинга аралашмай, нуқул алланарсани ўйлаши жуда ғалати ва сирли эди. Шунинг учун ҳам икки катта қиз — Катя билан Соня болаларни кузата бошлашди. Кечқурун улар ухлашга ётганда қизлар оёқ учи билан юриб уларнинг ётоғи эшиги ёнига бориб, гапларини эшитиб туришади. Уҳ-хў, улар шундай гапларни эшитишдики! Болалар олтин излаш учун Амери-

<sup>1</sup> Майн Рид (1818—1883)— Америка ҳаётидан олиб ёзилган саргузашт романларнинг автори.

<sup>2</sup> Пампаслар — Жанубий Америкадаги текис, ут ўсган чўллар.

<sup>3</sup> Мустанглар — Шимолий ва Жанубий Америка чўлларида яшайдиган ёввойи отлар.

<sup>4</sup> Чечевица — ясмиқ.

кага қочишни мўлжаллаган эдилар: йўл учун керакли нарсаларнинг ҳаммаси тайёрлаб қўйилган бўлиб, тўппонча, иккита пичоқ, қоқнон, ўт ёқиш учун ишлатиладиган шиша, компас ва тўрт сўм пуллари бор эди. Қизлар болаларнинг бир неча минг чақирим пиёда юришларини, йўл-йўлакай йўлбарс ва ёввойи одамлар билан курашишларини, кейин олтин ва фил суяги топишларини, душманларни қириб, денгиз қароқчиларига қўшилиб кетишларини, джин ичишларини ва охирида гўзал маликаларга уйланиб, плантацияда деҳқончилик қилиб кун кечиришларини эшитишади. Володя билан Чечевицин гапирар, қизишиб кетиб бир-бирларининг сўзларини бўлар эдилар. Чечевицин ўзини: «Монтигомо Қирғий Чангал», деб атар, Володяни эса «заъфарон юзли биродарим», деярди.

— Яна ойимга айтиб қўйма,— дейди Катя Соняга ухлаш учун ўз хоналарига кириб кета туриб.— Володя Америкадан бизга тилла билан фил суяги олиб келади. Агар айтиб қўйсанг, уларни юборишмайди.

Сочельник байрами арафасида Чечевицин кун бўйи Осиё харитасини кўздан кечириб, алланарсаларни ёзиш билан шуғулланади, худди асалари чаққан кишиники сингарин юзи лўппи Володя ғамгин бир тарзда хонадан хонага ўтар, ҳеч нарса емасди. Ҳатто болалар хонасига кириб, икона ёнида тўхтаб, чўқиниб олади:

— Э, худойим, гуноҳларимни кечир! Худоё худовандо бечора онамни ўз паноҳингда сақла,— дейди.

Кечқурун бўлса йиғлаб юборади. Ухлашга ётиш олди-дан эса отғси, онаси ва сингилларини кучоқлайди. Катя билан Соня нега бундай қилаётганини билишади. Кичкина Маша эса, ҳеч нарсага тушунмас, Чечевицинга кўзи тушганда ўйланиб қолар ва:

— Энага рўза кунларида нўхат билан чечевица солинган овқат ейиш керак дейди,— деб қўяди уҳ тортиб.

Сочельник куни Катя билан Соня эрталаб вақтли ўринларида туришади ва болаларнинг Америкага қандай қилиб қочишларини томоша қилмоқчи бўлиб, писиб эшик ёнига келишади.

— Шундай қилиб бормайсанми?— дейди Чечевицин аччиқланиб.— Гапир, бормайсанми?

— Э, худо!— деб секин йиғлайди Володя.— Қандай қилиб кетай? Ойимга раҳмим келяпти.

— Заъфарон юзли биродарим, илтимос қиламан сендан, жўнайлик! Борамиз деб мени тоза ишонтирган эдингку. Ўзинг мени бу ишга бошлаб, кетадиган вақт етганда энди қўрқоқлик қиляпсан.

— Мен... Мен қўрқаётганим йўқ... Менинг..: Ойимга раҳмим келяпти.

— Қани, менга шунисини айт: борасанми, йўқми?

— Бораман, бораман... Фақат шошмай тур. Уйда бир оз турайлик.

— Бўлмаса ўзим кетаман!— дейди Чечевицин қатъият билан.— Сенсиз ҳам ишим битади. Яна бу киши йўлбарсларни овламоқчи, жанг қилмоқчи эдилар. Бормайдиган бўлсанг пистонларимни қайтариб бер!

Володя шу қадар алам билан йиғлайдики, сингиллари ҳам ўзларини тутолмай йиғлаб юборишади. Жимлик чўқади.

— Шундай қилиб бормайсанми?— деб яна сўрайди Чечевицин.

— Бо... бораман.

— Бўлмаса кийимларингни кий!

Чечевицин Володяни кўндириш учун Американи мақтар, йўлбарсга ўхшаб ўкирар, пароход бўлиб вишиллар, сўкиннар, фил суягининг ҳаммасини, арслон ва йўлбарс териларининг ҳаммасини Володяга беришга ваъда қилар эди.

Қорачадан келган, тиканак соч, сепкилли, озингина бола қизларнинг назарида ғаройиб бўлиб кўринади. Қизлар уни ҳеч нарсадан тап тортмайдиган қаҳрамон деб ўйлашади. Бунинг устига у шундай усталик билан ўкирадики, эшик орқасида турган одам ҳақиқатан йўлбарс ёки арслон ўкиряпти деб ўйлайди.

Қизлар ўз хоналарига қайтиб, кийинна бошлаганларида Катя кўзига жиққа ёш олиб:

— Жуда қўрқяпман!— деб қўяди.

Соат иккигача, тушки овқат егани ўтирганларида ҳаммаёқ жимжит эди. Фақат овқатга ўтирганларида болаларнинг йўқлигини сезиб қолишади. Хизматкорлар уйига, отхонага, ишбошилар турадиган уйга одам юборишади— болалар у ерларда йўқ эди. Қишлоққа одам юборишади— у ердан ҳам топиша олмайди. Кейин чой ичаётганларида ҳам болалар йўқ эди. Кечки овқатга ўтирганларида эса оналари жуда хавотирланади, ҳатто йиғлаб юборади. Кечаси яна қишлоққа бориб қидиришади, фонарь билан дарё бўйини ахтаришади. Уйда тоза олағовур кўтарилади!

Эртасига урядник<sup>1</sup> келади, ошхонада ўтиришиб, аллақандай қоғоз ёзишади. Она ўшанда ҳам йиғлаб ўтиради.

Мана, дарвоза олдида кенг, пастак чана тўхтади, унга қўшилган учта оқ от баданидан қуюқ буғ кўтарилар эди.

<sup>1</sup> Урядник — чор уезд полицияси.



— Володя келди!— деб қичқиради ҳовлида аллаким.

— Володичка келдилар!— деб бақиради Наталья, югуриб овқатхонага кириб.

Милорд йўғон товуш билан: «Вов! Вов!» дейди. Болаларни шаҳарда, гостинний дворда<sup>1</sup> тутиб олишибди (улар порох сотадиган жойни суриштириб юришган экан). Володя даҳлизга кирган ҳамоно ҳўнграб йиғлаб юборади ва онасининг бўйнидан қучоқлаб олади. Қизлар дир-дир титраб нима бўлар экан деб туришади. Улар оталари Володя билан Чечевицинни кабинетига олиб кириб кетганини, улар билан узоқ гаплашганини эшитишади: она ҳам гапирди ва йиғлайди.

— Шунақа қилиб бўладими ахир?— деб уқтирарди отаси.— Худо кўрсатмасин, бунга гимназияда билиб қолишса, ҳайдаб юборишади-ку.

— Уялмайсизми, жаноб Чечевицин? Яхши эмас! Шунларни сиз бошлагансиз. Ота-онангиз, албатта, адабингизни беришар! Шунақа қилиб бўладими ахир? Қаерда тунадингиз?

— Вокзалда,— деб жавоб беради Чечевицин гердайиб.

Кейин Володя ётиб қолади ва унинг бошига сиркага ҳўлланган сочиқ босиб турдилар. Аллақайёққа телеграмма юбордилар. Эртасига бир хотин — Чечевициннинг онаси келиб ўғлини олиб кетди.

Жўнаб кетаётганда Чечевициннинг чехраси шиддатли ва мағрур эди. Қизлар билан хайрлашаётиб ҳеч нарса демайди: фақат Катянинг дафтарчасини олиб эсдалик учун: «Монтигомо Қирғий Чангал», деб ёзиб қўяди.

## Қашқа

Оч она бўри ов қилмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Болаларининг учаласи ҳам ғуж бўлиб, бир-бирини иситиб, ширин уйқуда ётар эди. Она бўри болаларини ялаб-ялаб уясидан чиқди ва йўлга тушди.

Баҳор ойи — март кирган бўлса ҳам, дарахтлар ҳамон декабрь ойидаги каби кечалари совуқдан қарсиллаб ёрилади, бўри тилни чиқарса ўймалаб кетади. Бўри нимжон, чўчима бўлиб қолганидан тиқ этган товушдан қалтирар, ўзим йўғимда болаларимни биров хафа қилмасайди деб ташвишланаверарди. Одам ёки от изининг ҳиди, тўн-

<sup>1</sup> Гостинний двор — ўша вақтларда турли савдо магазинлари жойлашган ер.

калар, тахлаб қўйилган ўтин ёки қорайиб кўринган йўл ҳам уни қўрқитар; унга дарахтлар панасида одамлар тургандек, ўрмон орқасида аллақерда итлар увлаётгандек туюларди.

Унинг ёши қайтиб, сезгиси шундай сусайиб кетган эдики, тулкининг изини ит изи деб ўйлар, шу туфайли баъзан, ҳатто йўлдан адашиб кетарди, бундай аҳвол ёшлигида ҳеч қачон бўлмаган эди. Нимжонлигидан бузоқларни, катта қўйларни овламас, қулунлари билан юрган бияларнинг яқинига йўламас, фақат ўлимтик билан тирикчилик қиладиган бўлиб қолган; янги гўшти аҳён-аҳёнда ер, баҳор кезлари қуёнга дуч келиб қолса, унинг болаларини тортиб олар ёки деҳқонларнинг қўзичоқлари турган оғилхоналарга тушарди.

Унинг уясида тўрт чақиримча нарида, почта йўли ёқасида бир қишлоқ бор. У ерда етмиш яшар чол Игнат қоровуллик қилади, у нуқул йўталади, ўзи билан ўзи сўзлашади. У, одатда, кечаси ухлаб, кундузи бир оғизли милтигини олиб ўрмон кезади, секин-секин ҳуштак чалиб, қуён чақиради. Илгари механик эканми, ҳар гал тўхтамоқчи бўлганида: «Тўхта, машина!» деб қўяди, йўлга тушмоқчи бўлганида ҳам яна: «Бўшат тормозни!» дейди. Ҳамма вақт унинг ёнида Арапка деган зоти номаълум катта қора ит юради. Ит илдамлаб кетса, чол унга: «Бур, орқага!» деб қичқиради. Баъзан чол гандираклаб қўшиқ айтиб юради, тез-тез йиқилиб тушади, (бўри, шамолдан бўлса керак, деб ўйларди) ана шунда: «Издан чиқди!» деб қичқиради.

Ёз ва куз пайтларида ҳам қишлоқ атрофида қўчқор билан икки тўқли ўтлаб юргани бўрининг ёдидан чиққан эмас, яқиндагина шу ердан ўтиб кетаётганида оғилхонада нимадир маърагандек бўлди. Мана энди, қишлоқга яқинлашар экан, март ойи бўлгандан кейин оғилхонада албатта қўзичоқлар бўлса керак, деб ўйлади. У очликдан азоб чекар, салдан кейин зўр иштаҳа билан қўзичоқ гўшти ейишини ўйлаб, тишлари такиллар, кўзлари қоронғида чўгдек кўринарди.

Игнатнинг уйи, саройи, оғилхонаси, қудуғи атрофида қор уюб ташланган. Ҳаммаёқ жимжит. Арапка саройда ухлаб ётган бўлса керак.

Бўри, қор уюмидан оғилхона устига чиқди-да, тумшуғи ва оёқлари билан похол томни титкилай бошлади. Похол чириб қолганидан бўри оғилхонага тушиб кетаёзди; илиққина буғ, гўнг ва қўй сунининг ҳиди гуп этиб бурнига урди. Баданига совуқ теккан қўзичоқ пастда астагина маъраб қўйди. Бўри туйнукка ўзини урди, қўйга ўхшаш илиқ,

юмшоқ бир нарса устига олдинги оёқлари билан кўкраги аралаш тушди. Худди шу пайт оғилхонада нимадир ингиллади, ингичка товуш билан чўзиб-чўзиб вовуллади, қўйлар тумтарақай бўлиб бурчак-бурчакка қапишиб олди. Бўри қўрқиб кетганидан, дуч келган нарсани тишлаб олиб, ташқарига отилди...

У жон-жаҳди билан югурарди, бўри ҳидини сезиб қолган Арапка зўр бериб вовуллар, безовта бўлган товуқлар қақағлашарди. Игнат уйдан чиқиб, қичқирарди:

— Бўшат тормозни! Бос, Арапка!

Шундай деб, ўзи машинадек ҳуштак чаларди, яна «го-го-го» деган товуш чиқарарди. Ўрмондаги акс-садо бу шовкинни такрорларди.

Булар аста-секин босилгандан кейин бўри тинчлана бошлади; у тишлаб келаётган ўлжасининг баҳордаги қўзичоқлардан оғирроқ ҳам каттароқ эканини сезди; ўлжадан келаётган ҳид ҳам бошқачароқ туюлар, унинг товуши ҳам ғалатироқ эшитиларди... Бўри тўхтади-да, дам олиш ва овқатланиш учун юкини ерга қўйди-ю, жирканиб, сапчиб кетди. Бу қўзичоқ эмас, қоп-қора кучук эди. Унинг боши катта, оёқлари узун-узун, ўзи йирик зотли, оқ қашқаси Арапканикига ўхшаш бутун пешонасини эгаллаган. Қилиқларига қараганда, нодон, оддий кўппак эди. У эзилган, яраланган елкасини ялади-да, ҳеч нарса кўрмагандек думини ликиллатиб, бўрига қараб акиллай бошлади. Бўри итга ўхшаб бир ириллади-ю, югурганича қочиб қолди. Кучук ҳам унинг кетидан қолмади. Бўри орқасига қараб тишларини такиллатди; кучук ҳайрон бўлиб тўхтади-да, бўри ўйнашяпти деб ўйлади шекилли, қишлоқ томонга тумшуғини чўзиб, сен ҳам келиб ўйнашгин деб онаси Арапкани чақираётгандек, қувонч билан қаттиқ-қаттиқ акиллайверди.

Бўри қалин дарахтзордан уясига ўтиб кетаётганида, тонг отган, ҳар қайси дарахтни кўз илғайдиган бўлиб қолган, қушлар уйғона бошлаган, кучукнинг бесўнақай сакрашлари ва акиллашидан чўчиган чиройли қарқурлар патир-путур учарди.

Бўри бўлса: «Нега кетимдан қолмайди-я?— деб ғижинарди. — Еб қўя қол деяётган бўлса керак».

Бўри болалари билан пастаккина ғорда яшар эди; уч йил аввал қаттиқ бўрон туриб, бир кекса қарағайни илдири билан қўпориб ташлаган эди; бу ғор ана ўшанда пайдо бўлган. Энди ғорнинг тагида хашак ва эски барглар бор, шу ернинг ўзида суяклар, буқа шохлари сочилиб ётибди, бўри болалари буларни ўйнар эди. Улар аллақачон уйғо-

ниб, ғор лабига тизилиб олган ва қайтиб келаётган оналарига қараб, думларини ликиллатишар, учаласи ҳам бир-бирига жуда ўхшаш эди. Кучук бўриларни кўриб берироқда тўхтади-да, анчагина тикилиб қолди; бўриларнинг ҳам қаттиқ тикилиб турганини сезиб, бегоналарга акиллагандек, жон-жаҳди билан акиллай бошлади.

Аллақачон тонг отиб, офтоб чиққан, атрофдаги қор жилваланиб ётибди, у бўлса ҳамон ўша жойда туриб акиллар эди. Бўри болалари оналарининг озғин қорнига тармашиб эмар, бўри эса оқариб, қуриб кетган от суягини ғажир эди; у очликдан азобланар, кучукнинг акиллашидан боши оғриб, бу хира меҳмонга ташланиб, уни ёриб ташлагиси келарди.

Кучук охири чарчаб хириллаб қолди; унга қарамаётганларини, ҳатто парво қилмаётганларини кўргандан кейин, кўрқа-писа, гоҳ ўтириб, гоҳ дик-дик сакраб бўри болаларига яқин келди. Энди, кундузи уни яхшигина кўриш мумкин эди. Унинг оппоқ кенг пешонасида жуда ҳам бетамиз кучукларда бўладиган дўнг бор: кичкина кўк кўзлари нурсиз, башарасидан бетамизлиги яққол кўриниб турарди. Бўри болалари ёнига бориб, бесўнақай панжаларини олдинга чўзиб, тумшугини оёқлари устига қўйиб, қилиқ қила бошлади:

— Мня, мня... нга-нга-нга!..

Бўри болалари ҳеч нимага тушунмаган бўлсалар ҳам, думларини ликиллатиб туришди. Шунда кучук улардан биттасининг каттакон бошига панжаси билан тушириб қолди. Бўри боласи ҳам унинг бошига бир туширди. Кучук унга ён бериб, думини ликиллатганича кўз қирини ташлаб турди-да, бирданига югуриб келиб, ҳали ҳам сақланиб қолган, лекин юпқалашиб кетган муз устида бир неча марта айланиб чиқди. Бўри болалари унинг кетидан қувлади, у оёқларини осмонга қилиб ётиб олган эди, учаласи бирдан унга ёпишиб, чийиллаб, севина-севина тишлади, лекин ҳазиллашиб, оғритмай тишлади. Баланд қарағайда ўтирган қарғалар бу олишувни кўриб, ниҳоятда ташвишланди. Шовқин-сурон, хурсандлик авж олди. Офтоб энди кўкламдагидек исита бошлади; бўрон қулатган қарағай устидан уёқ-буёққа учиб ўтаётган қарқурлар қуёш нурида зумраддай товланиб кўринарди.

Она бўрилар одатда қўлга туширган ўлжаларини болаларига бериб, уларни овга ўргатади: мана ҳозир ҳам болаларининг кучукни қушлаб, у билан олишаётганини кўрган она бўри: «Майли, ўрганишаверсин», деб қўйди.

Обдан ўйнаб бўлгандан кейин, бўри болалари ғорга

кириб, ухлагани ётишди. Кучукнинг қорни очиб, бир оз фингшиб турди-да, кейин офтобда узала тушиб, ухлаб қолди. Ухлаб бўлиб, яна ўйнашаверди.

Бўри ўтган кеча оғилхонада қўзичоқ маъраганини, димоғига урган қўй сути ҳидини куни билан ўйлади. У очликдан тишларини такиллатар, эски суякни қўзичоқ хаёл қилиб, ҳеч тинмай чайнади. Бўри болалари эмиб-эмиб олишар, очиқиб кетган кучукча бўлса, гир айланиб, қор искаб юрарди.

«Шуни еб қўя қолайми...» деб ўйлади бўри.

Бўри унга яқинлашган эди, у ўйнашмоқчи деб ўйлаб, бўрининг тумшуғини ялаб, ингиллай бошлади. Бўри ит гўштини еган пайтлари ҳам бўлган эди, лекин кучукчадан бадбўй ҳид аниқиб турар, бўри нимжон бўлиб қолганидан, бу ҳидга тоқат қилолмас, шунинг учун у жирканиб, нари кетди...

Кечаси совуқ бўлди. Кучук зерикиб қолиб, уйига жўнади.

Болалари қаттиқ уйқуга киргандан кейин, бўри яна овга чиқди. Ўтган кечасидек, бу гал ҳам тиқ этган товушдан хавфсирар, тўнкалардан ҳам, ўтиндан ҳам, узоқдан одамга ўхшаб кўринадиган якка қора арчалардан ҳам қўрқар эди. У йўлдан юрмай чекка-чеккадан борди. Тўсатдан бир нарса узоқда қорайиб кўрингандек бўлди... У қаттиқ тикилиб жим қулоқ солди. Олдинда чиндан ҳам алланима юриб кетяпти, ҳатто салмоқлаб ташлаётган қадами ҳам эшитилиб турибди. Бўрсиқ бўлмасин яна? Бўри даммини ютиб, қора нарсадан секин айланиб ўтиб орқасига қараса, қашқа кучук битта-битта қадам ташлаб, қишловига қайтиб келаётган экан.

«Яна халал бермаса яхшийди», деб ўйлади бўри ва илдамлаб кетди.

Қишлов яқин қолган эди, бир нафасда етиб келиб, яна қор уюмидан оғилхона устига чиқди. Кечаги туйнук аллақачон баҳорги похол билан бекитилиб, томга иккита ходача бостириб қўйилибди. Бўри оёқлари ва тумшуғи билан ишга тушиб, кучук келиб қолмасайди деб, тез-тез орқасига қарарди, лекин иссиқ буғ билан гўнг ҳиди бурнига кирган заҳоти, орқадан севиниб акиллаган товуш эшитилди. Кучукча етиб келган эди. У, диллаб бўри ёнига чиқиб олди-да, туйнукдан ичкарига сакради, иссиққина уйига кириб ўз қўйларини танигандан кейин баттарроқ акиллай бошлади. Саройда ётган Арапка уйғониб кетди-да, бўри ҳидини сезиб, вовиллашга тушди, товуқлар қақоғлашиб кетди. Игнат уйдан бир оғизли милтиғини кўтариб чиққанида

бўри ўтакаси ёрилгудай бўлиб қишловдан узоқлашиб кетган эди.

— Ҳушт!— этиб ҳуштак чалди Игнат.— Ҳушт! Босиб қол олдинга!

У тепкини босиб юборди — пистон чақилмади; яна босди, яна чақилмади, у учинчи гал тепкини босди — милтиқдан каттакон аланга отилиб чиқди-да, «гумбур» этиб кетди. Милтиқ елкага қаттиқ тепди; Игнат бир қўлига милтиқ, бир қўлига болта олиб, шовқин чиққан тарафга хабар олишга кетди...

Бир оздан кейин у уйига қайтиб кирди.

Шу кеча Игнатникида ётиб қолган дарвиш шовқиндан уйғониб, бўғиқ овоз билан сўради:

— Нима гап?

— Ҳеч...— деди Игнат.— Бўлмаган савдо. Бизнинг Қашқамиз қўйлар билан иссиққинада ётадиган ҳунар чиқарган. Лекин эшикни тан олмай, хумпар нуқул томдан юради. Кеча кечаси том тешиб ўйнагани чиқиб кетибди, бу кеча қайтиб келиб, яна томни дабдала қилиб кирибди.

— Бетамизликни қаранг-а.

— Ҳа, мияси айниган. Бетамизларни кўрсам, жоним ҳиқилдоғимга келади!— деди уҳ тортиб Игнат, печь устига чиқа туриб.— Э, авлиё одам, ҳали жуда вақтли, тормозларни бўшатиб, бир ухлайлик-чи...

У эрта билан Қашқани чақириб олди-да, қулоғидан қаттиқ чўзиб, хипчин билан савалаб уқтирди:

— Эшикдан юр! Эшикдан юр! Эшикдан юр!

## Каштанка

БИРИНЧИ БОБ

ЯРАМАС ХУЛҚ

Қўппак билан хонаки итдан бўлган, тулки тумшуқ, сариқ кучук йўлкада уёқдан буёққа югурар ва ташвишланиб атрофига аланглар эди. У ҳар замон-ҳар замонда тўхтар, ва ингиллар, гоҳ совқотган бир оёғини, гоҳ иккинчисини кўтарар, қандай адашиб қолганини билишга уринарди.

Шу кунни у қандай ўтказганини, бу ёт йўлкага қандай келиб қолганини яхши эсларди.

Бугунги кун шундай бошланди: эгаси, дурадгор Лука Александрич шапкасини кийди, ёғочдан ясалган аллақандай нарсани қизил рўмолга ўраб, қўлтиғига қистирди-да:

— Каштанка, юр!— деб қичқирди.

Каштанка ўз номини эшитиб, ётган еридан — дурадгорлик столи тагидаги қиринди орасидан чиқди-да, ҳузур қилиб керишиб олгач, эгаси кетидан югурди. Лука Александричга буюртма берган кишилар шу қадар узоқда турардики, уларнинг ҳар бириникига етиб боргунча дурадгор йўл-йўлакай бир неча марта майхонага кириб томоғини ҳўллаб чиқарди. Каштанка йўлда ўзини жуда ёмон тутганини эслади. Сайрга чиққани учун севишиб кетганидан ирғишлар, от қўшилган коньканинг вагонларига қараб хураб, бегона ҳовлиларга кириб чиқар, бошқа итларнинг кетидан қувлар эди. Дурадгор уни йўқотиб қўяр, тўхтаб, аччиқланиб қақирарди. Бир марта у ғазабланиб итнинг тулкиникига ўхшаган шалпанг қулоғидан чўзиб тортди-да:

— Ҳе... ўлиб кетгур... расво!— деб койиди.

Буюртмачиларга учрашиб, қайтишда Лука Александрич синглисиникига кирди ва у ерда еб-ичиб чиқди, кейин таниш муқовасозникига борди, уникидан майхонага ўтди, у ердан ошнасиникига борди ва ҳоказо. Хуллас, Каштанка бегона йўлакка келиб қолганда кеч кира бошлаган, дурадгор эса ғирт маст эди. У қўлларини ҳавода силкитар ва чуқур нафас олиб ғўлдиарди:

— Гуноҳқор, осий бандамиз! Гуноҳимизни ўзинг кечир! Мана ҳозир кўчада фонарларни томоша қилиб юрибмиз. Ўлганимизда эса дўзах ўтида ёнамиз...

У гоҳ мулойимлашиб, Каштанкани чақириб олар ва унга қараб шундай дерди:

— Сен-чи, Каштанка, ҳеч нарса эмассан. Дурадгор билан ромсознинг орасида қанча фарқ бўлса, сен билан одам орасида ҳам шунча фарқ бор...

У Каштанка билан шу тарзда гаплашиб турганида, бирдан музыка янгради. Каштанка аланглаб қаради ва кўчада бир полк солдатнинг тўппа-тўғри бостириб келаётганини кўрди. Фашига тегаётган музыка товушига чидаёлмай ўзини уёқдан-буёққа уриб вовуллади. Дурадгорнинг қўрқиб, ғингшиш ва ҳуриш ўрнига тиржайганини, қаддини ростлаб, беш бармоғини чаккасига тақаб честь берганини кўриб, Каштанка ҳайрон бўлиб қолди. Эгасининг қаршилиқ кўрсатмаганини кўргач, Каштанка боягидан ҳам баттар вовуллади ва жонҳолатда кўчани кесиб ўтиб, нариги йўлгага югурди.

Каштанка ҳушини йиғиб олганда музыка тинган, полкдан эса асар ҳам қолмаган эди. У кўчани кесиб ўтиб, хўжайинини қолдириб кетган жойига югурди, лекин афсусл! У ерда дурадгор йўқ эди. Каштанка жонҳолатда олдинга

отилди, лекин дурадгордан ном-нишон қолмаган эди... Қаштанка эгасининг изини ҳидидан топиб олай деб йўлкани искади, лекин бундан сал илгари янги резинка калиш кийган аллақандай муттаҳам ўтган экан, барча нозик ҳидлар ўткир каучукнинг бурқсиб турган сассиқ ҳидига қўшилиб, ҳеч нарсани ажратиб бўлмади.

Қаштанка гоҳ олдинга, гоҳ кейинга югурди, эгасини тополмади. Бу орада қоронғи тушиб қолди. Кўчанинг ҳар икки томонидаги фонарлар ёқилди, уйларнинг деразаларида чироқ кўринди. Тезлаб ёғаётган лайлак қор тош кўчани, отларнинг яғринини, извошчиларнинг шапкасини оқартирарди. Қоронғи қуюқлашган сари нарсалар тобора оқроқ кўринарди. Қаштанканинг ёнида, унинг олдини тўсиб, оёқлари билан уни туртиб, бегона буюртмачилар уёқдан бу ёққа тинмай ўтиб турарди. (Қаштанка барча одамларни икки тоифага: хўжайинлар ва буюртмачиларга ажратарди; булар ўртасида катта фарқ бўлиб: хўжайинлар уни уришга ҳақли бўлса, Қаштанканинг ўзи буюртмачиларнинг болдиридан узишга ҳақли эди.) Буюртмачилар қаёққадир шошилар, унга парво ҳам қилмасдилар.

Жуда қоронғи бўлиб қолгач, Қаштанканинг юрагини қайғу ҳамда ваҳима босди, у аллақандай бир эшикка сиқилиб олиб, зор-зор йиғлади. Қаштанка Лука Александрич билан кун бўйи саёҳат қилиб чарчаган, қулоғи ва оёқлари совқотган, бунинг устига қорни ҳам жуда оч эди. Қуни бўйи у атиги икки марта овқатланди: муқовасозникида озгина елим, қовоқхоналарнинг бирида колбасанинг пўстлоғини топиб олди. Ана шу холос. Агар у одам бўлганда эди, балки:

«Йўқ, бундай яшаб бўлмайди! Ундан кўра ўзингни отиб ўлдирганинг яхши!» деб қўйган бўларди.

## Иккинчи БОБ

### *Сирли бир нотаниш одам*

Лекин Қаштанка ҳеч нарсани ўйламас, фақат ғингширди. Устини момиқдай юмшоқ қор қоплаб олган. Мадорсизликдан энди мудрай бошлаган эди ҳамки, бирдан эшик ичкаридан шақирлади. Кейин ғичирлаб очилди-да қирраси биқинига урилди. Қаштанка ирғиб турди. Буюртмачилар тоифасидаги аллақандай бир киши чиқди. Қаштанка ан-



гиллаб, унинг оёғи тагида ўралашиб қолгани учун бу кишининг эътиборини ўзига жалб этди. У энгашди-да:

— Ҳа, кучукча, бу ерга қандай келиб қолдинг,— деди.— Эшик билан эзиб қўйдимми? Вой бечорагина-е... қўй, ха-фа бўлма, қўя қол... Билмай қолдим.

Қаштанка кипригига ёпишган қор учқунлари орасидан нотаниш кишига қаради ва рўпарасида соқоли қирилган, лўппи юзли, бошига цилиндр кийган, эгнидаги пўстинининг олди очиқ, пакана ва бақалоқ одамни кўрди.

— Нега фингшийсан?— деб сўради у киши қўли билан Қаштанканинг устидаги қорларни қоқиб.— Эганг қани? Адашиб қолдингми? Эҳ, бечора кучукча-я! Энди нима қиламиз-а?

Нотаниш кишининг овозидаги меҳрибонлик оҳангини сезган Қаштанка унинг қўлини ялади ва аввалигидан қаттиқроқ фингшиди.

— Жуда ғалати, ёқимтой кучук экансан-ку!— деди нотаниш киши.— Тулкининг ўзгинасисан-а? Майли энди, нима ҳам қилардик, мен билан юра қол. Бирон нарсага яраб қоларсан... Маҳ-маҳ!

У киши лабини чўлпиллатди ва Қаштанкага қўли билан «юр» дегандек ишора қилди. Қаштанка унга эргашди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Қаштанка катта ёруғ хонада, стол олдида, нотаниш кишининг овқатланишини, бошини бир томонга эгиб, ийдирадиган тарзда мароқ билан кузатиб ўтирарди. У киши овқатланар, Қаштанкага ҳам овқатдан ташлаб қўярди... Аввал у Қаштанкага бир бурда нон ва пишлоқнинг кўк пўстлоғини ташлади. Кейин бир парча гўшт, яримта сомса ва товуқ суягини берди. Қаштанка оч бўлгани учун уларнинг ҳаммасини шу қадар тез ямлаб ютардики, мазасини ҳам билмай қоларди.

Қанча кўп еса ҳам тўймасди.

— Эганг яхши боқмас экан!— деди нотаниш киши итнинг овқатни очкўзлик билан чайнамай ютаётганини кўриб.— Мунча озғинсан? Қоқ суяксан...

Қаштанка кўп овқат еди, лекин тўймади, фақат ҳузур қилди, холос. Овқатдан кейин уйнинг ўртасига ётиб, оёғини узатди ва роҳат қилганидан думини ликиллатди.

Янги эгаси креслода ялпайиб ўтириб сигара чекаётганда Қаштанка думини ликиллатиб: бу ер яхшими ёки дуррадгорники яхшими, деб ўйлади. Бу ерда жиҳозлар оз ва бунинг устига хунук: кресло, диван, лампа ва гиламлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Шунинг учун ҳам уй бўшга ўхшаб

кўринади. Дурадгорнинг уйи эса ҳар хил нарсалар билан тўла: уникада стол, дурадгорлик дастгоҳи, бир уюм қиринди, рандалар, исканалар, арралар, саъва қамалган қафас, тоғора бор... Нотаниш кишиникида ҳеч қанақа ҳид йўқ, дурадгорникида эса доим елим, лак ва қириндиларнинг хушбўй ҳиди анқийди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, нотаниш кишининг кўпгина яхши томони бор: у овқатни кўп берди, Каштанка стол олдида думини ликиллашиб, термулиб турганда бирон марта ҳам урмади, ер тепиниб: «Йўқол лаънати!» деб ҳам қичқирмади.

Янги эгаси сигарасини чекиб бўлгач, чиқиб кетди ва кўрпача олиб кирди. Кўрпачани девор ёнига, бурчакка солар экан:

— Ҳой, кўппак, буёққа кел! Бу ерда ёт. Ухла!— деди.

Кейин у лампани ўчириб, чиқиб кетди. Каштанка кўрпачада ётди ва кўзини юмди. Кўчадан итнинг вовуллагани эшитилди, у ҳам жавоб қайтармоқчи бўлган эди, лекин бирдан кўнглини ғусса босди.

У Лука Александрични, унинг ўғли Федюшкани ва дурадгорлик дастгоҳи тагидаги шинамгина ўрнини эслади... Каштанка қишининг узоқ кечаларида дурадгор ёғоч ранда лаётганда ёки овозини чиқариб газета ўқиётганда, Федюшка билан ўйнашини эслади... Федюшка Каштанканинг орқа оёғидан тортиб дастгоҳ тагидан судраб чиқарар ва у билан шундай қилиқлар қилар эдики, кўз олди қоронғилашиб, аъзойи бадани оғрирди. Федюшка уни орқа оёғида юришга мажбурлар, Каштанкани кўнғироқ қилар, яъни думидан қаттиқ тортар, натижада у ангиллар ҳам вовулларди. Каштанкага тамаки ҳидлатарди... Айниқса, мана бу қилиғи жуда азоб берарди: Федюша бир парча гўштни ипга боғлаб Каштанкага ташлар, у ютиб юборгач эса, қаҳ-қаҳлаб кулиб, уни меъдасидан тортиб чиқарарди. Хотиралар кўз олдига равшанроқ келган сари Каштанка қаттиқроқ ва ғамгинроқ фингший бошлади.

Лекин кўп ўтмай ҳорғинлик ва иссиқ қайғуни енгди... У ухлаб қолди. Тушида итлар югуришиб юрарди: булар орасида Каштанка бугун кўчада учратган, кўзига оқ тушган, тумшуғининг ёнини тиканакдай жун босган, бароқ қари хонаки ит ҳам бор эди. Федюшка, бўлса, қўлига исканна ушлаб уни қувлаб юрибди, кейин Федюшка ҳам бирдан ит қиёфасига кириб, баданини бароқ жун босди, қувониб-қувониб, вовуллади-да, Каштанканинг ёнига келиб қолди. Каштанка иккаласи меҳрибонлик билан бир-бирларининг тумшуқларини искашди-да, югуриб кўчага чиқиб кетишди...

## Янги ёқимтой танишлар

Каштанка уйғонганда тонг ёришган, кўчадан эса фақат кундузлари бўладиган ғовур-ғувур эшитиларди. Уйда ҳеч ким йўқ. Каштанка керишди, эснади ва аччиқланиб хонада уёқдан буёққа кезиб юрди. У бурчакларни ва жиҳозларни искади, даҳлизга кириб чиқди, лекин биронта қизиқарли нарса топмади. Даҳлизга чиқиладиган эшикдан ташқари яна эшик бор эди. Бир оз ўйлаб кўргач, Каштанка икки оёғи билан эшикни тимдалаб очди ва қўшни хонага чиқди. Қаравотда буюртмачи тоифасидаги одам адёл ёпиниб ухлаб ётарди. Каштанка кечаги нотаниш кишини таниди.

— Ррр...— деди Каштанка, лекин шу заҳоти кечаги овқатни эслаб, думини ликиллатди ва искалана бўшлади.

Каштанка нотаниш кишининг кийимларини, эти зини искади ва улардан от ҳиди келаётганини аниқлади, ётоқхонада аллақайёққа чиқиладиган яна бир эшик бўлиб, у ҳам ёпиқ эди. Каштанка шу эшикни тимдалади, кўкраги билан итариб очди ва шу замоноқ ғалати, жуда шубҳали ҳидни сезди. Кўнгилсиз бир учрашувни олдиндан ҳис қилган Каштанка ириллади ва атрофига аланглаб, деворларига ёпиштирилган қоғозлар кир бўлиб кетган кичик уйга кирди-да, қўрққанидан тисланди. Қаштанка рўпарасида сира кутилмаган ва қўрқинчли бир нарсани кўрди. Кулранг бир ғоз бўйни ва бошини ерга эгиб, қанотларини ёзиб ва қағиллаб тўғри Каштанкага қараб бостириб келарди. Ундан сал нарида кичкинагина кўрпачада оппоқ мушук ётарди; Каштанкани кўриши биланоқ у ирғиб турди, белини камалак қилиб, думини хода қилди, юнгини ҳурпайтирди ва у ҳам пихиллади. Каштанка жуда қўрқиб кетди, лекин сир бой бермаслик учун қаттиқ вовуллаб мушукка ташланди... Мушук белини боягидан ҳам баттарроқ эгди, пихиллади ва панжаси билан Каштанканинг бошига бир урди. Каштанка ўзини четга олди, чўнқайди, мушук томон тумшугини чўзиб ғингшиди ва қаттиқ вовуллади: шу вақт орқа томондан келган ғоз Каштанканинг орқасини чўқиди. Каштанка сапчиб тушди ва ғозга ташланди.

Шу вақт бирдан:

— Бу нима деган гап?— деб жаҳл билан айтилган қаттиқ овоз эшитилди ва эгнига чопон кийган, сигара тишлаган кечаги нотаниш киши кириб келди.— Нима гап ўзи? Жой-жойингга бор!

У киши мушукнинг ёнига келди, эгилиб турган белига бир туртди-да:

— Федор Тимофеич, бу нимаси? Жанжал қўзғадингларми? Эҳ, қари тентак! Ёт!— деди.

Кейин ғоз томонга ўгирилиб бақирди:

— Иван Иванович, бор жойингга!

Мушук итоаткорлик билан кўрпачасига ётди ва кўзини юмди. Қизишиб кетиб, жанжалга аралашганидан ўзи ҳам порози экани тумшуқ ва мўйловидан сезилиб турарди. Қаштанка ранжиб гингшиди, ғоз эса бўйинини чўзиб, нима тўғридадир тез-тез, қизгин ва равшан гапирди, лекин унинг нима деганига ҳеч тушуниб бўлмас эди.

— Хўп, хўп!— деди хўжайин эснаб.— Аҳил бўлиб, дўст бўлиб яшаш керак.— У Қаштанкани силаб қўйди ва ғапини давом эттирди:— Сен, сариқ, қўрқма... Булар, яхши, сени хафа қилишмайди... Шошма, отингни нима қўямиз? Отсиз юриб бўлмайди-ку, оғайни.

Нотаниш киши ўйлаб тургач:

— Топдим...— деди.— Сенинг отинг — Тётка бўлади... Тушундингми? Тётка.

У, «Тётка» сўзини бир неча бор такрорлади-да, чиқиб кетди.

Қаштанка ўтирди ва атрофни кузата бошлади. Мушук кўрпачасида қимир этмай ўтирар ва ўзини уйқуга солар эди. Ғоз эса бўйинини чўзиб ва турган жойида ер тепиниб, алланарса тўғрисида тез ва қизгин гапирарди. Афтидан жуда ақлли ғоз кўринарди; ҳар гал узундан-узоқ гапиргандан кейин, ҳайрон бўлиб, орқасига тисланар ва сўзидан завқланаётгандай кўринарди... Қаштанка унинг гапига қулоқ солди, «ррр...» деб жавоб қайтарди-да, бурчакларни искай бошлади. Бир бурчакда кичкина тоғора турар, унда нўхат ва нон ивитиб қўйилган эди. Қаштанка нўхатни еб кўрди—бемаза экан, нондан еб кўрди—дуруст экан индамай еяверди. Ғоз бегона бир ит овқатини еб қўяётгани учун хафа бўлмади, аксинча, боягидан ҳам қизгинроқ гапирди ва ўзининг ишончини кўрсатиш учун тоғора ёнига келди-да, нўхатдан бир неча донасини териб еди.

## ТУРТИНЧИ БОБ

### *Чамбаракдаги мўъжиза*

Бир оздан кейин нотаниш киши яна кирди. Унинг қўлида дарвозага ва П ҳарфига ўхшаган ғалати бир нарса бор эди. Ёғочдан қўпол қилиб ишланган П ҳарфининг

тепасига қўнғироқ осилган ва тўппонча боғлаб қўйилган; қўнғироқнинг тилига ва тўппончанинг тепкисига каноп боғланган эди. Нотаниш киши П ни уйнинг ўртасига қўйди, анчагача алланарсаларни ечди, бойлади, кейин ғозга қаради-да:

— Қани, Иван Иванович, марҳамат!— деди.

Ғоз П нинг ёнига келди ва алланарсани кутган вазият-да тўхтади.

— Қани,— деди нотаниш киши,— бошлаймиз. Аввал бир салом қилиб қўй! Тез бўл!

Иван Иванович бўйини чўзди, ҳар тарафга қараб бош чайқади ва панжаси билан ер тепиниб қўйди.

— Яша, балли... Қани энди, ўл!

Ғоз оёғини осмонга кўтариб, чалқанча тушиб ётди. Ана шундай бир неча аҳамиятсиз фокуслардан кейин нотаниш киши бирдан бошини чангаллади ва юзида қўрқув акс эттириб қичқирди:

— Қоровул! Ўт кетди! Ёниб кетдик!

Иван Иванович П нинг ёнига югуриб борди, канопни тишлаб тортди-да, қўнғироқни чалиб юборди.

Нотаниш киши жуда мамнун бўлди. У ғознинг бўйини силади-да:

— Баракалла, Иван Иванович!— деб қўйди.— Энди, ўзингни заргар деб фараз қил, олтин ва брильянтлар билан савдо қиласан. Магазинингга келсангки, ўғрилар юрипти. Шунда нима қилардинг?

Ғоз иккинчи канопни тишлаб тортди, тўппонча пақиллаб отилди. Қўнғироқнинг жаранглаши Қаштанкага жуда ёқди, тўппончанинг пақиллаб отилиши эса уни шу қадар завқлантириб юбордики, П нинг атрофида югуриб вовуллади.

— Тётка, жойингга бор,— деб қичқирди нотаниш киши.— Тек тур.

Иван Ивановичнинг иши тўппонча отиш билан тугамади. Нотаниш киши хипчинини шапиллатиб уни бир соатча ўз атрофида югуртирди, ғозни ғовдан сакрашга, чамбарак ичидан ўтишга, думини ерга тираб, панжаларини силкитишга мажбур қилди. Қаштанка Иван Ивановичдан кўз узмай, завқланганидан ғингширди, бир неча марта қаттиқ вовуллаб, унинг кетидан югурди. Ғоз ҳам, ўзи ҳам чарчагандан кейин нотаниш киши пешонасининг терини артди-да:

— Марья, Хавронья Ивановнани чақир!— деб қичқирди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас хуриллаган овоз эши-

тилди... Каштанка акиллади, ўзига қаҳрамонона тус берди-да, ҳар эҳтимолга қарши нотаниш кишининг ёнига бориб турди. Эшик очилди, аллақандай кампир мўралади ва бир нималар деди-да, қоп-қора, жуда хунук бир чўққани киритиб юборди. Чўққа Каштанканинг ириллаганига парво қилмай тумшугини кўтарди-да, хурсандлик билан хуриллади. У, эгасини, мушукни ва Иван Ивановични кўрганига жуда севиниб кетганга ўхшарди. У мушукнинг ёнига бориб, тумшуги билан қорнига туртиб қўйганда ва ғоз билан алланарса ҳақида гаплашганда унинг ҳаракатлари, овози ҳамда думининг титрашидан анча кўнгилчанлиги сезилиб турарди. Бунақа шахсларга қараб ириллаш ва вовуллаш фойдасизлигини Каштанка дарров тушунди.

Хўжайин П ни олиб қўйди ва:

— Федор Тимофеич, марҳамат!— деб қичқирди.

Мушук эринчоқлик билан ўрнидан турди-да, истаристамас юриб, худди бир катта иш кўрсатаётгандек чўққанинг ёнига келди.

— Қани, Миср пирамидасидан бошлаймиз— деди хўжайин.

У анчагача алланарсаларни тушунтирди, кейин: «Бир... икки... уч!» деб команда берди. «Уч» дейилиши биланок Иван Иванович қанотларини қоқди ва сакраб чўққанинг устига чиқиб олди... Ғоз қанотларини ёйиб, бўйинини чўзиб, мувозанатини сақлаб, чўққанинг устига жойлашгач, Федор Тимофеич эринчоқлик билан шалвираб юриб, уларнинг ёнига борди ва ўз санъатини назар-писанд қилмаган бир қиёфада аввал истаристамас чўққанинг устига чиқди, кейин ғознинг устига чиқди-да, олдинги оёқларини кўтариб турди. Нотаниш киши айтган Миср пирамидаси ҳосил бўлди. Каштанка завқланганидан ингилаб юборди, лекин шу маҳал кекса мушук эснади ва мувозанатини йўқотиб, ғознинг устидан ағанаб тушди. Нотаниш киши бақирди, қўлларини силкиди ва яна алланарсани тушунтира бошлади. Хуллас, хўжайин пирамида билан бир соатча овора бўлгандан кейин Иван Ивановичга мушукка миниб юришни ўргата бошлади, кейин мушукка чекишни ўргатди ва ҳоказо.

Нотаниш киши пешонасининг терини артиб, чиқиб кетиши билан таълим тугади. Федор Тимофеич жирканиб пих-пих қилиб қўйди-да, кўрпачасига ётиб кўзини юмди.

Иван Иванович тоғора ёнига борди, кампир чўққани олиб чиқиб кетди.

Жуда кўп янги таассуротлар туфайли Каштанкага кун жуда тез ўтиб кетгандай туюлди, кечқурун эса деворларига ёпиштирилган қоғозлари кир бўлиб кетган уйга кўрпачаси билан кўчириб қўйилди-да, у ерда Федор Тимофеич ва ғоз билан биргаликда тунади.

## БЕШИНЧИ БОБ

### *Талант! Талант!*

Орадан бир ой ўтди.

Каштанка ҳар куни кечқурун яхши овқат билан боқишларига ва Тётка деб чақиришларига ўрганиб қолди. У, нотаниш кишига ҳам, янги ҳамроҳларига ҳам кўникди. Умр силлиқ ва равон ўтарди.

Кунлар бир хилда бошланарди. Одатда Иван Иванович ҳаммадан аввал уйғонар ва Тётка ёки мушук ёнига борар, бўйнини эгиб, алланарсалар тўғрисида қизғин ва берилиб гапирар, лекин унинг нима деяётганига аввалгидек сира тушуниб бўлмас эди. Баъзан у бошини баланд кўтариб узун монологлар ўқирди. Дастлабки танишган кунларида Каштанка, ғозни ақллилиги учун кўп гапирди деб ўйлаганди, лекин кўп ўтмай уни бутунлай иззат қилмайдиган бўлди: ғоз унинг ёнига келиб, узун нутқини бошлаганда, Каштанка аввалгидек думини ликиллатмас, аксинча ҳадеб гапиравериб ҳеч кимни ухлатмагани, эзмалиги учун сира менсимас ва ийманиб ўтирмай «ррр...» деб қўярди.

Федор Тимофеич эса бутунлай бошқача эди. У уйғонса ҳам даммини чиқармас, қимирламас, ҳатто кўзини ҳам очмас эди. Унга қолса сира уйғонмас эди, чунки ҳаётни унча яхши кўрмаса керак. Уни ҳеч нарса қизиқтирмас, ҳамма нарсага бепарво қарар, ҳамма нарсадан нафратланар, ҳатто мазали овқатни еб туриб ҳам жирканиб, «пих-пих»лаб қўярди.

Каштанка уйғонганидан кейин уйдан-уйга ўтиб юрар ва бурчакларни искар эди. Фақат унга ва мушукка ҳамма уйларга кириб юришга рухсат берилганди: ғоз бўлса, деворларига ёпиштирилган қоғозлари кир бўлиб кетган уйнинг остонасидан ҳатлашга ҳам ҳақсиз эди. Хавронья Ивановна ҳовлининг аллақаерида, оғилда яшар ва таълим пайтларидагина пайдо бўларди. Хўжайин кеч уйғонар ва чойини ичиб бўлиши биланоқ фокусларини бошларди. Ҳар куни уйга П, қамчи ва чамбарак олиб кирилар, ҳар куни шу фокуслар такрорланарди. Таълим уч-тўрт соат давом

этар, ҳатто баъзан шундай бўлардики, Федор Тимофеич ҳориганидан худди мастларга ўхшаб гандираклар, Иван Иванович тумшугини очиб оғир нафас олар, хўжайин эса қип-қизариб кетиб, ҳадеб пешонасининг терини артарди.

Таълим ва овқатланиш туфайли кун жуда хурсандчилик билан ўтар, кечқурунлари эса Тётка зерикар эди. Одатда кечқурун хўжайин аллақаерга жўнар, ғоз билан мушукни ҳам ўзи билан олиб кетарди. Ёлғиз қолган Тётка кўрпачасига ётар ва ғуссага ботар эди. Ғусса худди уйни босаётган қоронғилик сингари секин-аста бутун борлиғини қамраб оларди. Шундай бўлардики, итнинг вовуллашга ҳам, овқат ейишга ҳам, уйдан-уйга югуриб юришга ҳам, ҳатто қарашга ҳам ҳуши келмай қоларди; кейин итми, одамми эканлиги ноаниқ икки гавда хаёлига келарди. Уларнинг истараси иссиқ, ёқимтой, лекин кимлигини англаб бўлмасди; уларни кўрганда Тётка думини ликиллатар, назарида аллақаердадир кўргандай ва севгандай бўларди... Ухлаб кетар экан, улардан ҳар гал елим, қиринди ва лак ҳиди келаётгандай туюларди.

У янги ҳаётга жуда кўникиб, оғзин, суяклари чиқиб турган хонаки итдан тўқ ва шўх кўппакка айлангач, эгаси одатдаги таълим олдидан уни силаб қўйди-да, шундай деди:

— Тётка, энди ишни бошласак ҳам бўлар. Бекор юриш стар. Сени артист қилмоқчиман... Хўш, артист бўлгининг келадими?

Шундай қилиб унга турли ҳунар ўргата бошлади. Биринчи дарсда у кейинги оёқларида тик туришни ўрганди. Бу ҳунар ўзига ҳам жуда ёқди. Иккинчи дарсда кейинги оёқларида сакраб, эгаси ушлаб турган қандни оғзи билан олиб олиши керак эди. Кейинги дарсларда эса ўйин тушишни, эгасининг атрофида тизгинланган ҳолда югуришни, музикага жўр бўлиб увиллашни, қўнғироқ чалишни, тўппонча отишни ўрганди. Орадан бир ой ўтгач Миср пирамидасида бемалол Федор Тимофеичнинг ўрнини босадиган бўлди. У жоп-дили билан таълим олар, муваффақиятларидан эса ниҳоятда хурсанд эди; тилини осилтириб эгаси атрофида тизгинланган ҳолда югуриш, чамбарак орасидан сакраш ва кекса Федор Тимофеичга миниб юриш унга жуда ёқарди. Ҳар бир муваффақиятли чиққан фокусдан завқланиб қаттиқ вовуллар, эгаси эса ҳайрон бўлар ва завқланганидан қўлларини бир-бирига ишқаб:

— Талант! Талант! Ҳақиқий талант! Бу ўйинларини албатта, ҳаммага манзур бўлади!— деб қўярди.



Шундай қилиб Тётка «талант» деган сўзга ўрганиб қолди ва ҳар гал эгаси шу сўзни айтганда ирғиб турар, гўё бу сўз ўз исми бўлиб қолгандай, атрофга аланглаб қўярди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### *Нотинч кеча*

Тётка туш кўрди, тушида қоровул супурги кўтариб, қувлаб юрган эмиш. Тётка қўрққанидан уйғониб кетди.

Хона жимжит, қоп-қоронғи ва ўта дим эди. Бургалар таларди. Тётка илгари қоронғидан ҳеч қўрқмасди, лекин энди негадир юрагини ваҳима босди, вовуллагиси келди. Қўшни хонада хўжайиннинг чуқур нафас олгани эшитилди, орадан бир оз вақт ўтгач, оғилхонадаги чўчқа хуриллади, яна жимлик чўкди. Овқат ҳақида ўйласанг кўнглинг анча енгил тортади. Шунинг учун ҳам Тётка бугун Федор Тимофеичнинг овқати орасидан товуқнинг оёғини ўғирлаб олганини ва меҳмонхонада жавон ёнидаги ўргимчак ин қўйган ва чанг босган бурчакка яширганини ўйлади. Ҳозир бориб хабар олиб келса бўларди-я: товуқ оёғи турганмикан, ё йўқмикан? Эгаси топиб олиб, еб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Лекин тонг отмасдан у уйга кириб бўлмайди; бу ернинг тартиби шундай. Тётка тезроқ ухлай деб кўзини юмди, чунки қанчалик тез ухласа, шунчалик тез тонг отишни у тажрибада биларди. Лекин шу вақт ундан сал нарироқда ғалати бир товуш эшитилди. Тётка сесканиб кетди ва ирғиб ўрнидан турди.

Бу Иван Иваничнинг товуши эди. Лекин бу товуш одатдагидек эзма ва ишонарли бўлмай, эшикнинг ёғиллашига ўхшаш ғайри-табиий, жуда даҳшатли чинқириқ эди.

Тётка қоронғида ҳеч нарсани кўрмади ҳам, тушунмади ҳам. Шунинг учун боягидан баттар қўрқиб кетди-да гўлдираб:

— Ррр...— деб қўйдди.

Орадан яхши бир суякни тозаласа бўладиган муддат ўтди: қичқириқ такрорланмади. Тётка аста-секин тинчланди ва мудраб кетди.

Тушида сони ва ёнбошида бултургидан қолган юнглари осилиб турган иккита катта қора итни кўрди; улар катта

тоғорадаги оппоқ буғи осмонга кўтарилаётган ва жуда ма-  
зали ис келаётган ювиндини очкўзлик билан ичишарди;  
улар баъзи-баъзида Тёткага қарар ва тишларини иржай-  
тириб: «Сенга бермаймиз!» деб ғўлдирашади. Лекин уйдан  
пўстин кийган киши чошиб чиқди-да, уларни қамчи билан  
уриб, ҳайдаб юборди, шундан кейин Тётка тоғора ёнига бо-  
риб, ича бошлади, бояги киши дарвозадан чиқиб кетиши  
билан ҳалиги қора итлар ўкиришиб унга ташланди. Шу  
вақт яна қиғиллаган товуш эшитилди.

— Қ-ғў! Қ-ге-ге!— деб қичқирди Иван Иванович.

Тётка уйғонди, ирғиб ўрнидан турди-да, кўрпачасидан  
тушмасданоқ улиди. Унга Иван Иванович эмас, бошқа биров  
қичқираётгандай туюлди, оғилхонадаги чўчқа ҳам негадир  
яна ҳуриллаб қўйди.

Бирдан туфлининг шипиллаши эшитилди ва чопон кий-  
ган, шам кўтарган хўжайин кириб келди. Лип-лип этган  
нур деворларга ёпиштирилган кир қоғозларни ва шифтни  
ёритиб қоронғиликни қувиб чиқарди. Тётка қараса, уйда  
бегона кимса кўринмайди. Иван Иванович ерда, ухламай  
ўтирарди. Унинг қанотлари ёйилган, тумшуғи очилган,  
жуда чарчаб, сувсаб қолганга ўхшарди. Қари Федор Ти-  
мофеич ҳам ухлამасди. Бояги товуш уни ҳам уйғотиб  
юборган бўлса керак.

— Иван Иванович, сенга нима бўлди?— деб сўради хў-  
жайин ғоздан.— Нега бақирасан? Тобинг йўқми?

Ғоз жавоб бермади.

Хўжайин унинг бўйинини ушлаб қўйди, орқасини сила-  
ди-да:

— Вой, тентаквой-ей. Ўзинг ҳам ухламайсан, бошқа-  
ларни ҳам ухлатмайсан,— деб қўйди.

Хўжайин шамни олиб чиқиб кетгач, уй яна қоронғи  
бўлиб қолди. Тёткани ваҳима босди. Ғоз қичқирмас, лекин  
итнинг назарида қоронғиликда аллаким тургандай  
бўларди.

Ҳаммасидан даҳшатлиси шу эдики, ўша бегонанинг ўзи  
кўринмас, шакли бўлмагани учун қошиб ҳам бўлмас эди-да.  
Негадир Тётканинг назарида, шу кечаси бирон ёмон ҳодиса  
юз берадигандай сезиларди. Федор Тимофеич ҳам нотинч  
эди. Тётка унинг ўз кўрпачасида ивирсиётганини, эснаб  
бошини силкитаётганини эшитарди.

Кўчанинг аллақаерида дарвоза тақиллади. Оғилхонадаги  
чўчқа ҳуриллади. Тётка ғингшиди, олдинги оёқларини чў-  
виб, устига бошини қўйди. Дарвозанинг тақиллаши, нега-  
дир ухламаган чўчқанинг ҳуриллаши, қоронғида ва суку-  
нат ичида Тёткага Иван Ивановичнинг овозидаги сингари,

жуда ҳам ғамгин ва даҳшатли оҳанг эшитилди. Ҳаммаёқ ваҳима ва ташвиш ичида эди.

Нима бўлаётган экан-а? Ана шу кўринмаган ким экан-а? Мана, Тётканинг ёнида иккита кўк учқун бир он йилтиллаб кетди. Бу Федор Тимофеич бўлиб, танишганларидан бери унинг ёнига биринчи марта келиши эди. Унга нима керак? Тётка панжасини ялади-да, унинг нега келганини ҳам сўрамай, ҳар хил овоз чиқариб ғингиб қўйди.

— Қ-ғў!— деб қичқирди Иван Иванович.— Қ-ге-ге!

Яна эшик очилди-да шам кўтарган хўжайин кирди. Ғоз боягидек тумшуғини очиб, қанотини ёзиб ўтирарди. Унинг кўзлари юмуқ эди.

— Иван Иванович!— деб чақирди хўжайин.

Ғоз қимир этмади. Хўжайин унинг ёнига, ерга ўтириб бирпас индамай қараб турди-да:

— Иван Иванович,— деб чақирди.— Сенга нима бўлди? Ўзи нима гап? Ўйлаясанми? Ҳа, энди эсимга тушди!— деб қичқариб юборди у бирдан бошини чангаллаб.— Нега бунақа бўлаётганинга тушундим. Бугун сени от босиб олган эди-ку?! Эҳ, худойим, эҳ, худойим!

Тётка хўжайиннинг нима деяётганига тушунмас эди. Лекин шунга қарамай унинг бирор даҳшатли ҳол юз беришини кутаётганини пайқади.

Тётканинг назарида қоронғи деразадан аллақандай бегона мўралаётганга ўхшаб кўринарди. У дераза томонга тумшуғини чўзиб увлади.

— Тётка, ғоз ўляпти,— деди хўжайин ва қўлларини ёзди,— ҳа, ҳа, ўляпти! Уйингизга ўлим кириб келди. Энди нима қиламиз?— Ранги ўчган, зўр ташвишга тушган бечора хўжайин уҳ тортди, бошини чайқай-чайқай ётоқхонасига чиқиб кетди. Тётка қоронғида қолишдан қўрқиб унинг кетидан эргашди. Хўжайин каравотига ўтирди-да:

— Э, худойим-ей, энди нима қиламиз?— деди бир неча марта.

Тётка унинг оёғи тагида ўралашар, нима учун юраги сиқилаётганини ва бошқалар нега ташвишга тушаётганини тушунмай, сабабини билиш ниятида хўжайиннинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди.

Кўрпачасидан турмайдиган Федор Тимофеич ҳам хўжайиннинг хонасига кирди ва оёғига суйкала бошлади. У, ташвишли хаёлларни чиқариб ташламоқчи бўлгандай бошини силкитар ва каравот тагига хавотирланиб қараб-қараб қўярди.

Хўжайин бир ликопчага умивальникдан сув қўйди-да, яна ғоз олдига чиқди.

— Ич, Иван Иванич!— деди у, мулойимлик билан ликопчани ғоз ёнига қўятуриб.— Ича қол, жоним.

Лекин Иван Иванич қимир этмас, ҳатто кўзини ҳам очмас эди. Хўжайин унинг бошини ликопчага энгаштирди ва тумшугини сувга тегизди, аммо ғоз сувдан ичмади, қанотини яна ҳам кенгроқ ёзди, боши ликопчада қолаверди.

— Тамом, вассалом!— деб уҳ тортди хўжайин.— Тамом. Иван Иваничдан ажралиб қолдик!

Хўжайиннинг юзидан ялтироқ томчилар оқиб тушди, бунақа томчилар ёмғир ёққанда дераза ойналарида кўринади. Тётка билан Федор Тимофеич нима бўлаётганига тушунмай, унинг оёғига суйкалишар ва қўрқиб ғозга қарашарди.

— Бечора, Иван Иванич,— деди хўжайин ғамгинлик билан уҳ тортиб.— Мен бўлсам сени баҳорда дачага олиб кетаман, биргалашиб кўм-кўк майсазорда сайр этамиз, деб ўйлаган эдим. Бечора жонивор, содиқ ўртоқ, сендан айрилиб қолдим-ку! Сенсиз энди нима қиламан?

Тётканинг назарида ўзи ҳам худди шунақа бўладигандек, яъни нима учундир кўзи юмилиб, оёқлари чўзилиб, оғзи очилиб қоладигандек, ҳамма унга қўрқиб қарайдигандек туюлди.

Федор Тимофеичнинг мияси ҳам шундай фикрлар билан банд бўлса керакки, ҳеч қачон қари мушук бу қадар ғамгин ва маъюс бўлмаган эди.

Тонг ёриша бошлади. Тёткани қўрқитиб чиққан бегона нарса кўринмас эди. Тонг отгандан кейин қоровул келди, ғознинг оёғидан кўтариб аллақаяёққа олиб кетди. Бир оздан сўнг кампир кирди ва тоғорани кўтариб кетди.

Тётка меҳмонхонага чиқди ва жавон орқасига қаради: хўжайин товуқ оёғини еб қўймапти, суяк ўша жойда, чангда, ўргимчак ини орасида ётарди. Аммо Тётканинг юраги сиқилар ва йиғлагиси келарди. У товуқ суягини ақалли ҳидлаб ҳам кўрмади. Диваннинг тагига кириб ўтирди ва ингичка овоз билан секин-секин:

— Инг-инг-инг...— қилиб ғингшиди.

## Муваффақиятсиз чиқиш

Бир кун кечқурун хўжайин деворларига ёпиштирилган қоғозлар кир бўлиб кетган уйга кирди-да, қўлларини бир-бирга ишқаб:

— Хў-ўш...— деб қўйди.

У яна бир нима демоқчи эди-ю, ҳеч нима демай чиқиб кетди.

Таълим вақтларида хўжайиннинг қиёфаси ва овозининг оҳангини яхши ўрганиб олган Тётка унинг ҳаяжонланаётгани, ташвишланаётгани ва жаҳли чиқаётганини сездди. Бир оздан кейин у қайтиб келди-да:

— Бугун Тётка билан Федор Тимофеични олиб кетаман,— деди.— Тётка, Миср пирамидасида бугун сен марҳум Иван Иваничнинг ўрнини босасан. Нима бўларкан энди? Тайёргарлик кўрилмаган, машқ қилинмаган, репетиция ҳам жуда оз! Шарманда бўламиз! Майна қилишади!

Кейин у яна чиқиб кетди ва бир дақиқадан кейин пўстин ва цилиндрда қайтиб кирди. Мушукнинг ёнига келиб, уни олдинги оёқларидан ушлаб кўтарди ва қўйнига, пўстининг ичига тиқиб қўйди.

Федор Тимофеич эса жуда бепарво кўринарди, ҳатто кўзини очишга ҳам эринарди. Унга ётадим, хўжайини оғзидан кўтарадим, кўрпачасида чўзиладими ё хўжайиннинг қўйнида пўстин тагида ором оладими, бари бирга ўхшарди...

— Тётка, юр,— деди хўжайин.

Тётка ҳеч нарсага тушунмаса ҳам, думини ликиллатиб, эгасига эргашди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас у чанада, эгасининг оёғи остида ўтирар ва унинг совуқдан жунжикиб ҳаяжон билан:

— Шарманда бўламиз! Майна қилишади!— деяётганига қулоқ соларди.

Чана, тўнкарилиб қўйилган тоғорага ўхшаган каттакон, галати бир бино ёнида тўхтади. Бинога кираверишдаги учта ойнаванд эшик ичкарасида узун йўлакда ўн-ўн бешта равшан ёнаётган фонус нур сочарди. Эшиклар жаранглаб очилар ва шу ерда ўралашиб юрган одамларни худди оғизлар сингари ютарди. Бу ерда одамлар жуда кўп,

эшик олдига тез-тез отлар келиб тўхтарди, лекин итлар кўринмасди.

Хўжайин Тёткани кўтарди ва қўйнига, пўстин ичига Федор Тимофеич ёнига тиқиб қўйди. Бу ер қоронғи ва дим, лекин иссиқ эди. Шу маҳал иккита кўк учқун милтиллаб кетди.

Бу эса Тётканинг совуқ ва қаттиқ оёғи тегиб кетганидан безовталанган мушукнинг очган кўзи эди. Тётка унинг қулоғини ялади ва жойлашиб олиш учун ғивир-ғивир қила бошлади, совуқ оёқлари билан мушукни тагига босиб тўсатдан пўстиндан бошини чиқарди-ю шу замоноқ жаҳл билан ириллаб, яна бошини тортиб олди.

Турли-туман баҳайбат маҳлуқлар билан тўлган, хирагина ёритилган каттакон уйни кўргандай бўлди: уйнинг икки томонига тортиб қўйилган тўсиқ ва панжаралардан бадбашара каллалар: от каллалари, шохли, шалпангқулоқ каллалар кўринди, яна бурун ўрнига дум осилган ва оғзидан узун иккита суяк чиқиб турган семиз ва баҳайбат бош кўринди.

Тётканинг оёғи остида мушук бўғиқ овоз билан миёвлади, лекин шу вақт хўжайин пўстинини ёзиб: «Хўп!» деган эди, Федор Тимофеич ва Тётка сакраб ерга тушди.

Улар кулранг тахта деворли кичик бир уйда туришарди; бу ерда ойна қўйилган кичикроқ стол, курси ва бурчакларга илиб қўйилган латта-путталардан бошқа ҳеч қандай жиҳоз йўқ эди; лампа ёки шам ўрнига, трубкага улаб деворга қоқиб қўйилган, елпиғичсимон, ёруғ нарса нур сочиб турарди. Федор Тимофеич Тётканинг оёғи остида ғижим бўлган пўстинини ялади-да, курсининг тагига бориб ётди...

Хўжайин ҳамон ҳаяжонланар эди, қўлларини ишқаб ечина бошлади... У одатдагидек ечинди, яъни ички кийимларидан бошқа ҳамма нарсани ечди. Кейин табуреткага ўтирди-да, ойнага қараб башарасини ғалати бир қиёфага сола бошлади.

Энг аввал бошига фарқи очилган, иккита кокили шохга ўхшаб диккайган ясама соч қўндирди. Кейин юзига аллақандай оқ нарса сурди, оппоқ бўёқнинг устидан қош қўйди, мўйлов чизди ва икки бетига қизил сурди. Шу билан кифояланмади. Юзини ва бўйинини бўягач, аллақанақа кийимларини кия бошлади. Тётка бунақа кийимларни илгари уйда ҳам, кўчада ҳам ҳеч қачон кўрмаган эди.

Мешчанларнинг уйида дераза пардалари ёки мебель қоплаш учун ишлатиладиган парча гулли читдан тикилган

ҳаддан ташқари кенг, қўлтиғидан тугмаланадиган чолворни тасаввур қилинг, чолворнинг бир почаси жигарранг бўлса, иккинчи почаси оч сариқ читдан. Хўжайин чолворини кийиб бўлгач, каттакон кенгура ёқали, орқасига ҳалдан юлдуз расми туширилган чит камзулни илди, оёғига икки турли пайпоқ билан ковуш кийди...

Тётканинг кўзи қамашиб, тараддудланиб қолди. Оппоқ юзли, қўпол гавдали одамдан хўжайиннинг иси келади, овози ҳам таниш—хўжайиннинг овози, лекин баъзан Тётка иккиланар, ана шундай пайтларда чипор, одамдан қочмоқчи ва унга қараб вовулламоқчи бўларди. Янги жой, елпигисимон нур ва хўжайинида юз берган бу ўзгариш, юзига сурган мойларнинг иси—мана шуларнинг ҳаммаси унинг юрагига ғулғула соларди. Назарида, бурун ўрнида дум ўсган бадбашара махлуққа ўхшаган бирон нарса билан тўқнаш келадигандай туюларди. Бунинг устига деворнинг нариги томонидан ёқимсиз бир музика садоси келар, гоҳо аллақандай ғувиллаган товуш эшитиларди. Унга фақат бир нарса тасалли берарди—у ҳам Федор Тимофеичнинг бепарволиги эди. Мушук табуретканинг тагида пинагини бузмай ётар, ҳатто табуретка сурилганда ҳам кўзини очмас эди.

Фрак ва оқ жилет кийган бир киши эшикдан қаради ва:

— Ҳозир Мисс Арабелла чиқади. Ундан кейин сизнинг навбатингиз,— деди.

Хўжайин индамади. У стол тагидан кичкина бир чемоданни тортиб олди-да, табуреткага ўтириб кута бошлади. Қўли ва лабларининг ҳаракатидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Тётка унинг нафас олиши бежо эканини эшитди.

— Мистер Жорж, марҳамат!— деб қичқирди аллаким эшик орқасидан.

Хўжайин ўридан турди, уч марта чўқинди, кейин табуретка тагидан мушукни олиб чемоданига солди.

— Тётка, буёққа кел!— деди у секин.

Тётка ҳеч нарсага тушунмасдан унинг ёнига келди; хўжайин унинг бошидан ўпди ва Федор Тимофеичнинг ёнига солиб қўйди. Кейин ҳаммаёқ қоронғи бўлиб қолди... Тётка мушукнинг устида типирчилар, чемоданнинг деворини тимдаларди, қўрққанидан овози чиқмас эди. Чемодан эса худди тўлқинда чайқалаётгандай бўлар ва титрарди...

— Мана, мен ҳам келиб қолдим!— деб қичқирди хўжайин.— Мана, мен ҳам келдим!

Тётка бу сўздан кейин чемодан аллақандай қаттиқ нарсага текканини ва чайқалмай қолганини пайқади. Қат-

тиқ ва кучли ўкириш эшитилди: аллакимни олқишлашди, ана ўша аллаким эса ўкирди ва шу қадар қаттиқ қаҳ-қаҳ урдик, чемоданнинг қулфи жингиллаб кетди.

Бу ҳалиги бурни ўрнидан дум ўсиб чиққан бадбашара махлуқ бўлса керак. Бу ўкиришга жавобан хўжайин чийиллаган овоз билан кулиб юборди. У уйда ҳеч қачон бундай кулмас эди.

— Ҳа!— деди у қичқириб, ўкирган товушни бостириб юбориш учун.— Муҳтарам халойиқ! Мен ҳозир тўппа-тўғри вокзалдан келаяпман! Бувим ўлиб, менга мерос қолдириб кетди! Чемодан жуда оғир — ичида тилла бўлса керак... Ҳа-ҳа! Бирдан ичида миллион сўм тилла чиқса-я? Ҳозир очиб қараймиз...

Чемоданнинг қулфи шиқиллади. Уткир нур Тётканинг кўзини қамаштирди; у чемодандан сакраб чиқди ва гулдираган овозлардан қулоғи батанг бўлиб, хўжайиннинг атрофида гир айланиб қаттиқ вовуллади.

— Ҳа!— деб қичқирди хўжайин.— Федор Тимофеич, тоға! Қимматли холажон. Меҳрибон қариндошлар, сизларни қаранглар-а!

У қумга қорни билан йиқилиб, мушук билан Тёткани ушлаб олиб қучоқлай бошлади. Тётка хўжайиннинг қучоғида туриб, тақдир келтирган бу янги бир оламга кўз югуртириб чиқди, бу оламнинг ҳашаматини кўриб, аввал ҳайратда, завқ ичида қотиб қолди, кейин эса эгасининг қўйнидан отилиб чиқиб, таассуротнинг зўрлигидан пилдироқ сингари гир-гир айлана бошлади. Бу янги олам жуда ҳашаматли ва жуда ёруғ эди; қаерга қарама, ҳаммаёқда, ердан тортиб то шифтгача фақат одамларнинг юзи, юзи, юзи, бошқа ҳеч нарса кўринмади.

— Холажон, марҳамат, ўтиринг!— деб қичқирди хўжайин.

Тётка бу гапнинг маъносини эслади-да, ирғиб стулга чиқиб ўтирди. Кейин у эгасига қаради. Унинг кўзи ҳамма вақтдагидек, жиддий ва мулойим боқарди, аммо башараси, айниқса оғзи ва тишлари ҳаракатсиз табассумдан қийшайган эди.

Ўзи бўлса қаҳ-қаҳ уриб сакрар, кифтини қоқар ва минглаб кишилар тўлган бу ерда вақти чоғ эканини кўрсатмоқчи бўларди. Тётка унинг қувончига чиппа-чин ишонди, бирдан минглаб одамларнинг ўзига қараб турганини бутун вужуди билан ҳис қилди-да, тулки тумшугини осмонга кўтариб, шодлик билан увлади.

— Холажон, сиз, ўтира туринг,— деди унга эгаси,— биз тоғам билан камаринскаяга ўйин тушамиз.



Федор Тимофеич номаъқулчилик қилишни қачон буюришаркан, деб кутиб турар ва бепарволик билан атрофига қараб қўярди.

Унинг думидан, мўйловидан ва ҳаракатларидан бўшашиб, қовоғини солиб, пала-партиш ўйнашидан, тўпланган халойиққа ҳам, ўткир нурга ҳам, эгасига ҳам, ҳатто ўзига ҳам таҳқир кўзи билан қараётгани билиниб турарди... Ўз ҳиссасини ўйнаб бўлгач, у эснади ва ўтирди.

— Хў-ўш, холажон,— деди хўжайин,— аввал биз қўшиқ айтамыз, кейин ўйин тушамиз. Хўпми?

У чўнтагидап сурнайча чиқариб чала бошлади. Тётка чийиллашга чидай олмай бетоқатлик билан типирчилади ва улади. Ғовур ва гулдурос кўтарилди.

Хўжайин таъзим қилди ва гулдурос тингач, яна чала бошлади... Музика авжига чиққанда юқорида ўтирганлардан аллакимнинг: «Вой!» дегани эштилди.

— Дада!— деб қичқирди бир бола.— Бу Қаштанка-ку!

— Ҳа, Қаштанканинг ўзгинаси!— деб тасдиқлади ғўлдираган маст овоз.— Қаштанка! Федюшка, худо урсин, агар. Қаштанканинг ўзгинаси. Ма, ма!

Аллаким галереядан туриб ҳуштак чалди, бир ёш бола ва бир катта киши бараварига:

Тётка чўчиб тушди ва ўша овоз келаётган томонга қаради. Соқол босган, илжайиб турган маст башарага ва дўмбоққина, қизил юзини қўрқув босган болага кўзи тушиб, боя ёруғ шуълага дуч келгандагидек, кўзи қамашди...

У бирдан ўтмишни эслади, стулдан йнқилиб тушиб, кумда питирлаб қолди, сўнг қувончидан вангиллаганича улар томонга отилди. Ғовур ва гулдурос кўтарилди. Орасира ҳуштак товуши ва боланинг:

— Қаштанка! Қаштанка!— деб қичқирган овози эшитлиб турарди.

Тётка ғовдан сакради, кейин аллакимнинг екасидан ошиб ўтди-да, ложага чиқиб қолди: кейинги ярусга ўтиш учун баланд девордан ошиши керак эди; Тётка бир сакради, ошиб ўтолмай девордан сирғаниб тушди. Кейин у қўлдан-қўлга ўтди, аллакимларнинг қўли ва юзини ялаб, тобора юқорига кўтариларди.

Орадан ярим соат ўтгач, Қаштанка елим ва лак ҳиди келадиган кишилар кетидан кўчада борарди. Лука Александрич чайқалар ва тажрибада кўриб-билиб қолгани учун ариқлардан нарироқда юришга ҳаракат қиларди.

— Ғуноҳқор бандангман...— деб ғўлдиради у.— Сен бўлсанг, Қаштанка — ғалатисан, дурадгор билан ромсоз

орасида қанча фарқ бўлса, сен билан одам орасида ҳам шунча фарқ бор.

Унинг ёнида отасининг шапкасини кийиб олган Федюшка борарди. Қаштанка уларнинг орқасидан қарар, назарида, уларнинг кетидан кўпдан бери кетаётгандек, улардан ҳеч қачон ажралмагандек, қувонч билан борарди.

У деворга ёпиштирилган қоғозлари кир бўлиб кетган уйни, ғозни, Федор Тимофеични, мазали овқатларни, таълимни, циркни эслар, лекин энди буларнинг ҳаммаси узундан-узоқ, чалкаш, ташвишли тушдек туюларди...

## Ванька

Уч ой аввал Алёхин деган этикдўзга шогирдликка берилган тўққиз яшар Ванька Жуков рождествога ўтар кечаси ётмади. Хўжайинлари ва бошқа шогирдлари эрталабки ибодатга кетишгандан кейин у, хўжайиннинг жавонидан сиёҳдон билан пероси занг босиб кетган ручка олди-да, ғижимланган бир варақ қоғозни олдига ёзиб, хат битишга киришди.

Хатни бошлашдан олдин эшикка ва деразаларга бир неча марта қўрқа-писа қараб қўйди, икки томонига этик қолиплари тизиб қўйилган санамга ҳам кўз қирини ташлаб қўйди, кейин бир уф тортди. Қоғозни скамейка устига ёзиб, унинг олдига тиззалаб ўтирди.

*«Бобожоним Константин Макарич!— деб ёза бошладим у хатни.— Мен сизга дуойи салом ёзмоқдаман. Сизни рождество байрами билан қутлаб, у томонларда омон-эсон юришингизни худодан тилаб қоламан. Менинг отам, ҳам, онам ҳам йўқ. Сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ».*

Ванька шам шуъласи акс этиб турган қоронғи деразага қаради, Живарев деган бойникида кечаси қоровуллик қиладиган бобоси Константин Макарич дарров кўз олдига келди.

Бобоси олтинчи беш ёшлар чамасида, ушоққина, қотмадан келган, аммо ниҳоятда эпчил ва серҳаракат, юзлари доим кулиб турадиган, кўзлари сузук бир чол эди. Кундуз кунлари у хизматкорлар турадиган уйда ухлайди ёки ошпаз хотинларга тегишиб ўтиради, кечалари эса кенг пўстинини кийиб, қўрғон атрофида шақилдоғини чалиб юради, Унинг кетидан Қаштанка деган қари ит ва узун бўйи, қора жуни учун Вьюн деб аталган яна бир ит бошларини осил-

тириб эргашиб юради. Вьюн жуда итоаткор ва ювош ит, ўз одамларини ҳам, бегонани ҳам барабар ҳурмат қилади, аммо унга ҳеч ким ишонмайди. Унинг итоаткорлиги ва ювошлигида айёрлик бор.

Билдирмасдан келиб туриб оёқни узиб олишда, музхонага кириб, у ердаги гўшт-ёғларни уришда, деҳқоннинг товуғини қийратишда ундан ўтадигани йўқ. Одамлар бир неча марта унинг орқа оёғини уриб майиб қилишган, икки марта дорга ҳам осишган, чала ўлик қилиб ҳам уришган, бироқ ҳар сафар омон қолган.

Бобоси шу топда дарвоза олдида қишлоқ бутхонасининг чароғон деразаларига кўзини сузиб қараб тургандир ё бўлмаса совқотганидан пиймаси билан ер тепиниб, қароллар билан ўйнашаётгандир. Шақилдоғини белбоғига осиб олгани аниқ. Қўлларини бир-бирига ишқаб, совуқдан сескана-сескана, ҳиринглайди ва ё бека оқсочининг, ё ошпаз хотиннинг биқинини чимчилайди.

— Қани, тамакидан ҳидлайлик, тамакидан, — дейди-да, хотинларга тамаки тутади.

Хотинлар тамаки ҳидлаб, чучқуришади. Чол бундан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетади-да, қаҳ-қаҳ уриб кулади ва:

— Бурнингни арт, яхлаб қопти!— деб қичқиради.

Кейин итларга ҳам тамаки ҳидлатади. Каштанка чучқуради, хафа бўлганидан бошини чайқай-чайқай четга чиқиб чўнқаяди. Вьюн одоб сақлаб, чучқурмайди, думини ликиллатиб туради. Ҳаво салқин, жимжит, мусаффо. Тун қоронғи, аммо бутун қишлоқ, унинг оппоқ томлари, мўрилардан буралиб-буралиб чиққан тутунлар, кумушдай қиров босган дарахтлар, қор босган тепаликлар равшан кўриниб туради. Осмон чарақлаб турган жилвагар юлдузлар билан тўла, сомон йўли ҳам ойдиндек ёруғ, арафада уни ювиб, қор билан ишқалангандай...

Ванька бир уҳ тортди-да, перони сиёҳга ботириб, яна хатни ёзаверади:

*«Кеча бўлса мени ўлгудек қийнашди. Хўжайинларнинг беланчадаги боласини тебратиб ўтириб, билмасдан ухлаб қолибман. Хўжайин сочимдан судраб, ҳовлига олиб чиқиб, қайиш билан роса савалади.*

*Утган ҳафта бека мени шўрбалиқ тозалашга буюрди. мен уни думидан тозалай бошлаган эдим, бека балиқни қўлимдан тортиб олиб, унинг калласини башарамга ишқадди. Халфалар мени масхара қилишади, қовоқхонага араққа юборишади, хўжайинниқидан бодринг ўғирлаттириша-*

ди, хўжайин бўлса қўлига тушган нарса билан уради. Овқатдан ҳеч нарса йўқ. Эрта билан нон берилади, тушда бўтқа, кечқурун ҳам қуруқ ноннинг ўзи: чойни, карам шўрваларни нуқул ўзлари туширишади.

Кечаси ётадиган жойим — йўлак, хўжайиннинг боласи йиғласа мижжа қоқмай кечаси билан беланчак тебратиб чиқаман. Жон бобо, худо хайр берсин, мени бу ердан уйга, қишлоққа олиб кетинг, ҳеч тоқатим қолмади...

Оёқларингизга бошимни қўйиб ялинаман, ўлгунимча дуо қилай, мени бу ердан олиб кетинг, бўлмаса ўлиб қоламан...»

Ваньканинг лаблари буришди, қоп-қора мушти билан кўзларини артди-да, пиқиллади.

«Мен сизга тамакиларингизни майдалаб бераман,— деб давом этди бола,— ибодат қиламан, бирон айб қилсам итдай саваланг. Агар менга иш топилмайди десангиз, ялиниб-ёлвориб гумаштага этик тозаловчи бўлиб кираман, ё бўлмаса Федьканинг ўрнига подачига шогирд бўламан. Бобожон, сира тоқатим қолмади, жонимдан тўйдим. Қишлоққа пиёда жўнай десам этигим йўқ, совуқдан қўрқаман. Бу қилган яхшилигингизга катта бўлганимда сизни боқаман, ҳеч кимга хўрлатмайман, ўлганингизда онам Пелагеяга қилингандай, сизга ҳам дуойи фотиҳа қиламан.»

Москва катта шаҳар. Ҳамма уйлар бойларга қарайди, от кўп, қўй биттаям йўқ, итлари ювош. Бу ернинг болалари барат ойи қўшиғини айтишмас экан. Бутхоналарда ҳам ҳеч кимга қўшиқ айттиришмайди, бир куни бир дўконда ипи ва ёғочи билан сотиладиган қармоқ кўрдим, бунақа қармоққа ҳар қанақа балиқ илинади, ҳатто бир пуд келадиган лаққабалиқ илинадиган қармоқ ҳам бор. Шунақанги дўконлар ҳам борки, у ерда бадавлат кишиларнинг кучи ётадиган милтиқлар бор, ҳар биттаси юз сўмдан турар дейман... Гўшт дўконларида эса қирғовуллар, какликлар, қуёнлар тўлиб ётипти, уларнинг қаерда отилганини қас-соблар сира айтишмайди.

Бобожон, хўжайинингизникида арча байрами бўлганда менга усти ялтироқ ёнғоқдан олиб, кўк сандиққа солиб, яшириб қўйинг. Ванькага десангиз ойимқиз Ольга Игнатьевна беради».

Ванька яна бир хўрсинди-да, деразага тикилиб, хаёлга ботди. Хўжайинга арча олиб келиш учун бобосининг ўрмонга боришини ва ўзи билан бирга Ванькани ҳам олиб борганларини эслади. Қандай яхши замонлар экан! Бобо-

си зўр берарди, совуқ ҳам, уларга қараб Ванька ҳам зўр берарди.

Бобоси баъзан арча кесишдан олдин трубка чекиб оларди, тамаки ҳидларди, совқотган Ванькани масхара қиларди. Қировга ўралган ёш арчалар қайси бирларининг кунни битганини билмасдан тик турарди. Бир ёқдан лип этиб қуён чиқар ва қор уюмлари устидан ўқдай учиб ўтиб кетарди... Бобоси эса:

— Ушла! Ушла уни! Ҳа, шайтон!— деб кетидан қич-қириб қоларди.

Кесилган арчани бобоси хўжайинлар уйига судраб олиб келарди, кейин уни безатишарди. Ванькани яхши кўрадиган ойимқиз Ольга Игнатьевна ҳаммадан кўп жон куйдирарди. Ваньканинг онаси Пелагея тириклигида хўжайинларникида оқсоч эди. Ванькага Ольга Игнатьевна попуқлар берарди, зериканидан уни ўқишга, ёзишга, юзгача санашга ва ҳатто танца тушишга ўргатган эди.

Пелагея ўлгандан кейин етим қолган Ванькани қароллар турадиган ошхонага чиқариб, бобосига қўшиб қўйишди, у ердан Москвага, Алёхин этикдўзникига жўнатишди.

*«Тезроқ келинг, бобожон,— деб хатини давом эттирди Ванька,— худо хайр берсин, мени бу ердан олиб кетинг. Мендек бечора етимга раҳмингиз келсин, бу ерда мени узуккун савалайдилар, ўлардек оч юраман. Шундай зерикдимки, йиғлаганим йиғлаган.*

*Қайси кун хўжайин қолип билан бошимга шундай урдидики, йиқилиб тушдим, зўрға ўзимга келдим. Турмушим ҳар қандай итникидан ҳам баттар... Алёнага ҳам салом айтинг, ғилай Егоркага ҳам, кучерга ҳам, менинг гармонимни ҳеч кимга берманг, деб неварангиз Иван Жуков, жон бобо, тезроқ келинг».*

Ванька хатни тўрт буклади-да, кеча бир тийинга сотиб олган конвертга солди... Бир оз ўйлаб туриб кейин перони сиёҳга ботирди-да:

«Бобомнинг қишлоғига»

деб адрес ёзди.

Кейин қаншарини қашиб, бир оз ўйланиб, «Константин Макаричга тегсин», деб қўшиб қўйди. Ҳеч ким халақит бермасдан хат ёзганидан хурсанд бўлиб, бошига қалпоғини кийди ва кўйлакчан югурганича кўчага чиқиб кетди...

Кундуз куни сўраганида қассоблар, «хат почта қутисига солинади, қутилардан олиниб, маст ямшиқлар минган, уч отли қўнғироқлар осилган араваларда бутун ер юзига тарқатилади», деб айтишган эди. Ванька энг яқин почта қутисига чопиб борди-да, қимматбаҳо хатни қутига солди.

Бир соатлардан кейин умидлар алласи остида қаттиқ уйқуга кетди... Тушига печь кирди. Печда бобоси яланг оёқларини пастга осилтириб, ошпаз хотинларга хат ўқиб бераётган эмиш... Печь ёнида Вьюн думини ликиллатиб айланиб юрганмиш...

Л. Н. ТОЛСТОЙ







## Одамга икки газ ер кифоя

### I

Опаси шаҳардан қишлоққа, синглисининг уйига келди. Савдогарга теккан опа шаҳарда, мужикка теккан сингил қишлоқда яшарди.

Опа-сингил чой ичиб, суҳбатлашиб ўтиришди. Каттаси кеккайиб, шаҳар ҳаётини, кенг ва шинам, озода уйларда яшашини, болаларини қўғирчоқдай кийинтириб қўйишини, егани олдида, емагани кетида эканини, яхмалакка, сайрга ва театрларга боришини гапириб мақтанди.

Опасининг гаплари синглисига алам қилди-да, у ҳам савдогар ҳаётини ерга уриб, ўзининг қишлоқдаги турмушини мақтаб кетди.

— Мен ҳаётимни сира-сира сеникига алмаштирмайман. Турмушимиз ўртамиёна бўлса ҳам тинчгина яшаймиз. Сизлар бадавлат бўлсаларинг ҳам хотиржам яшай олмайсизлар: бугун катта даромад қилиб, эртага синиб қолишларинг ҳеч гап эмас. Оч қорним, тинч қулоғим, дегандай, биз бунақа ташвишлардан холимиз. Сизлар бугун бой, эртага гадой бўлиб қолишларинг мумкин. Деҳқоннинг иши бўлакча: ошиб-тошиб ҳам кетмайди, кўкка ҳам совурмайди, аммо қорни ҳамиша тўқ.

Опаси синглисининг гапини бўлди:

— Шу ҳам тўқ турмуш бўлдимиз? Бузоқ ва чўчқалар билан бирга яшайсизлар. Ҳаммаёқ ифлос. На дурустроқ буюмларинг бор, на дурустроқ муомалани биласанлар. Эринг кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилса ҳам бири икки бўлмайди. Болаларингнинг кўрадиган куни ҳам шу бўлади.

— Ҳа, нима бўпти,— деди синглиси,— ишимиз шунақада. Лекин биз ҳеч кимга таъзим қилмасдан, ҳеч кимдан кўрқмасдан, ҳеч кимдан тап тортмасдан хотиржамгина

яшаймиз. Аммо шаҳарда тинч яшаб бўлмайди. Бугун яхши, лекин эртага шайтон йўлдан уриб, эрингнинг қартагами, виногами ё бирорта таннозга ишқи тушиб қолса борми, ҳаммаса чаппасига кетади. Шундай бўлиши мумкинми, йўқми?

Уйнинг хўжайини Пахом печка устида хотинларнинг гапига қулоқ солиб ётган эди.

— Ҳақ гапни, ҳақиқатни гапиряпти,— деди Пахом ичида.— Биз деҳқонлар онадан туғилибмизки, ер ҳайдаймиз, аҳмоқона ишлар хаёлимизга ҳам келмайди. Қани энди ер кўпроқ бўлса! Ерим кўпроқ бўлганда мен ҳеч кимдан, ҳатто шайтондан ҳам кўрқмас эдим!

Хотинлар чой ичиб бўлгач, яна кийим-кечак, латта-путта ҳақида лақиллашиб ўтиришди. Идиш-товоқни йиғиштириб, ухлагани ётишди.

Шайтон печканинг орқасида ўтирган экан, бу гапларнинг ҳаммасини эшитди. Мужик хотинининг гапидан ғурурланиб мақтанганига қувониб кетди. Пахомнинг, «ерим бўлса шайтондан ҳам кўрқмас эдим», деб гердайганига қараб:

«Бўпти,— деди шайтон,— кўрамиз ҳали. Мен сенга истаганингча ер бераман. Сен эса ер деб жонингдан айрилсан».

## II

Мужикларга помешчик аёл қўшни эди. Унинг бир юзу йиғирма десятина ери бор эди. Аввал мужиклар билан жуда иноқ яшар, ҳеч кимни хафа қилмас эди. Истеъфога чиққан бир солдатни бошқарувчи қилиб олди-ю, мужикларнинг боши балога қолди: ишбошқарувчи ҳар хил баҳона билан мужикларни жарима тўлашга мажбур қиларди. Пахом қанчалик кўз-қулоқ бўлмасин, ҳали оти арпазорга ўтиб кетади, ҳали сигири чорбоққа кириб қолади, ҳали бузоқлари ўтлоққа бориб қолади — ҳаммасига жарима тўлаш керак.

Жарима тўлагач, Пахом аламини уйдагилардан олади: уларни сўкади, калтаклайди. Ишбошқарувчи туфайли ёз бўйи Пахомнинг бошига кўп кулфатлар тушди. Кузда моллар молхонага қамалганида, ем-хашак кўп кетса ҳам Пахом ташвишдан қутулганига шукр қилди.

Қишда, помешчик аёл ерини бир муттаҳамга сотмоқчи, деган миш-миш тарқалди. Бу хабарни эшитгач, мужикларнинг фиғони фалакка чиқди: «Ер муттаҳамга ўтса, бизни худо урди. Тирикчилигимиз ҳам шу ернинг устида эди,

энди нима қилдик», деб ваҳимага тушишди. Мужиклар баҳамжиҳат бўлиб помешчик аёлнинг олдига боришди, сотсанг бизга сот, у муттаҳамга сотма, деб илтимос қилишди. Пулни ҳам кўпроқ беришга ваъда қилишди. Помешчик аёл кўнди. Мужиклар бир ёқадан бош чиқариб, ерни биргалашиб сотиб олмоқчи бўлишди ва шу мақсадда бир-икки йиғилишди. Лекин келишишолмади, ораларига шайтон оралаб, бош-бошга қовушмади. Мужиклар ҳар ким ўз ҳолига қараб-баҳоли қудрат ер сотиб оладиган бўлишди. Бека бунга ҳам рози бўлди. Пахом бир қўшниси помешчик аёлдан йигирма десятина ер олиб, пулнинг ярмини нақд тўлаб, қолган ярмини бир йилдан кейин бермоқчи бўлганини эшитиб ич-ичидан куюнди. «Ҳамма ерни сотиб олади, мен қуруқ қоламан», деб ўйлади ва хотини билан маслаҳатлашди.

— Ҳамма ер сотиб оляпти, биз ҳам ўн десятинача олишимиз керак. Бўлмаса ҳолимиз хароб бўлади, бу ишбошқарувчи жарима солавериб жонимдан тўйдирди.

Эр-хотин ер сотиб олиш режасини тузишди. Юз сўм жамғармалари бор эди. Тойчоқни сотишди, асаларининг ярмини сотишди, ўғилни хизматкорликка беришди, яна божасидан қарз олишди, ишқилиб, пулнинг ярмини йиғишди.

Пахом ўн беш десятина дарахтзор ерни танлаб, помешчик аёлнинг ҳузурига борди. Уни кўндиргач, савдони пишитиб, бай пулини ҳам берди. Шаҳарга бориб, васиқа ҳам қилиб олди. Пулнинг ярмини тўлаб, қолган ярмини икки йил мобайнида тўлашга ваъда берди.

Энди Пахом ер эгаси бўлиб қолди. Қарзга уруғлик олиб, сотиб олган ерига экин экди. Ҳосил мўл бўлди. Бир йил ичида Пахом помешчик аёлнинг пулини ҳам берди, божасидан олган қарзини ҳам тўлади. Энди Пахомнинг ўзи помешчикка айланди-қолди. У ўз ерини ҳайдаб, ўз ерига экар, ўз еридан ҳосил йиғиб олар, ўз еридан дарахт кесар, ўз ерида мол боқарди. Пахом шудгор қилгани чиқса ҳам, экин-тикинни, ўтлоқзорларни айлангани чиқса ҳам қараб тўймайди. Назарида, унинг ерида ўсган ўт-ўланлар ҳам бошқача, гуллаб ётган экинлар ҳам бошқача. Илгарилари ҳам шу ерлардан ўтар эди, аммо у вақтларда бу жойлар кўзига бунақа иссиқ кўринмас эди, ҳозир мутлақо ўзгача бўлиб кўринарди.

### III

Пахом ғам-ташвишсиз яшай бошлади. Қўшни мужикларнинг моллари Пахомнинг буғдойзор, ўтлоқзорларини пайҳон қилмаганда унинг ҳеч қайғуси йўқ эди. Бошда Па-

хом яхшиликча илтимос қилди, ҳеч ким эътибор бермади. Ҳали чўпонлар чорвани ўтлоққа қўйиб юборишар, ҳали ўтлаб юрган отлар бугдойзорга кириб кетарди. Пахом қўшнилар билан ади-бади айтишиб ўтирмасдан молларни ўзи ҳайдади, ҳаммасини кечирди. Жонидан тўйгач эса волостнойга ариза берди. Мужиклар бу ишни атайлаб қилмаётганини, ер тор бўлгани важдан шундай бўлаётганини билса ҳам барибир: «Буларни бундайлигича қўйиб бўлмайди, индамай ўтирсам ҳаммаёқни пайҳон қилиб ташлашади, адабини бериш керак», деб ўйлади.

Бир-икки судга ҳам бериб кўрди, бир-иккитасига жарима ҳам солдирди. Қўшни мужиклар Пахомга ўчакишиб молларини жўрттага экинига қўйиб юборадиган бўлишди.

Бир куни кечаси, биров ўрмонзорга бориб, ўнтача аргувон ниҳолни чипта кавуш тўқиш учун кесиб кетибди. Пахом ўрмонзор ёнидан ўтиб кетаётиб бундай қараса, дарахтларнинг ораси очилиб қолибди. Яқинроқ борса, пўстлоғи шилиниб олинган шохлар ҳар ер-ҳар ерда сочилиб ётганмиш, тўнкачалар кўриниб қолибди. Четроқдан ва орасидан кесганда ҳам гўрга эди, йўқ, ноинсоф қаторасига кесиб ташлабди. Пахомнинг фиғони ошди. «Ким қилганини билганимда онасини кўрсатар эдим», деди. Уйлаб-ўйлаб: «Сёмкадан бошқаси қилмайди», деган қарорга келди. Тўғри Сёмканинг қўрасига борди, бироқ пўстлоқдан асар тополмади. Шундай бўлса ҳам Семёнга ёпишди. Бу Семённинг иши деган фикр хаёлидан кетмади. У Семённинг устидан ариза берди. Суд бўлди. Суд ишни қайта-қайта кўрди. Бироқ ҳеч қанақа далил-гувоҳ бўлмагани туфайли ахйри суд мужикни оқлади. Пахом ғазабланиб, оқсоқол билан ҳам, судьялар билан ҳам жанжаллашди.

— Сизлар ўғри-муттаҳамларга ён босасизлар,— деди Пахом,— ўзларинг яшаганларингда эди, ўғриларни оқламас эдиларинг!

Пахомнинг қўни-қўшни билан ҳам, судьялар билан ҳам муносабати бузилди. Қўшнилар, уйингга ўт қўямиз, деб дўқ-пўписа ҳам қилишди. Пахомнинг ери кўп бўлса ҳам, дунё кўзига торлик қила бошлади.

Уша йили одамлар янги ерларга кетаётган экан, деган миш-миш тарқалди. «Мен-ку, уй-жойимни ташлаб ҳеч қачаётман, аммо қўшнилардан бир-иккитаси кетса менга жой кенгроқ қолар эди. Уларнинг ерларини олиб, ўзимникига қўшардимиз маза қилардим. Ҳозир ерим камлик қиляпти», деб ўйлади Пахом.

Бир кунн Пахомнинг уйига йўловчи мужик келиб, тунашга жой сўради. Пахом мужикни уйга киргизиб, қоринни тўйғизди, уёқ-буёқдан гаплашиб ўтириб, қаёқдан келаётганини, қаёққа бораётганини сўради. Шунда мужик қуйи томондан, Волганинг нариги ёғидан келаётганини, у ерда ишлаганини айтди. Мужик одамлар ўша томонга кўчиб кетаётганини, унинг таниш-билишлари ҳам ўша ерга борганини, ҳаммаси бир обшинага ёзилишганини, киши бошига ўн десятинадан ер беришганини гапириб берди.

— Ермисан ер, — деди мужик, — жавдар эксанг одам бўйи ўсиб кетади, шу қадар бўлиқ бўладики, беш бошоғидан бир ҳовуч дон чиқади. Бир камбағал мужик келган эди. Ҳеч вақоси йўқ эди. Ҳозир эса олти оту икки сигирли бўлди.

Бу гапларни эшитиб Пахомнинг юрагига ғулғула тушди. «Бундан яхшироқ ҳаёт кечириш мумкин экан, нега энди бир парча ер деб ўзимни қийнаб ўтираман. Уй-жойни ҳам, ерни ҳам сотаман-у, шу пулга ўша ердан уй-жой, асбоб-ускуна оламан. Бу ерда сиқилиб яшаш гуноҳ-ку. Фақат аввал бориб ўз кўзим билан кўриб келишим керак».

Ёзда йўл тадоригини кўриб жўнади. Волга бўйлаб қуйи томонга, Самарагача пароходда борди, кейин тўрт юз чақиримча йўлни пиёда босди. Ниҳоят ўша жойга етиб борди. Мужикнинг айтганича бор экан. Мужикларнинг жони роҳатда экан. Киши бошига ўн десятинадан ер беришган. Истаган одамни обшиналарига жон деб қабул қилишаркан. Пули борлар чекига тушган ердан ташқари яна истаганича ер олиши мумкин. Бир десятина энг унумдор ер уч сўм; қанча истасанг шунча олишинг мумкин!

Пахом ҳаммасини билиб, суриштириб, кузда уйига қайтди. Ерни фойдаси билан сотди, ҳовли, мол-ҳолни пуллади, обшинадан чиқди ва баҳор келиши билан бола-чақасини олиб, янги ерга қараб жўнади.

#### IV

Янги ерга келгач, Пахом катта қишлоқдаги обшинага ёзилди. Оқсоқолларни маст қилиб қўйиб, қоғозларни тўғрилатиб олди. Пахомни обшинага қабул қилишди, беш кишининг чекига, яйловдан ташқари, ҳар ер-ҳар ердан эллик десятина ер тегди. Пахом иморат қурди, мол сотиб олди, унинг ери илгаригига нисбатан энди уч ҳисса ошди. Ер ҳосилдор экан. Турмуши олдингига нисбатан ўн ҳисса

яхши бўлди. Экинзор ҳам кўп, ем-хашак ҳам мўл, эплаганинчга мол боқининг мумкин.

Бошда иморат солиб, хўжалигини тиклаётганда бу жойлар кўзига дуруст кўринган эди, бирмунча вақт ўтиб, анча ўрганиб қолганидан кейин, бу жой ҳам унга торлик қила бошлади. Чекига тушган ерга биринчи йил буғдой экди, ҳосил жуда яхши бўлди. Буни кўриб Пахомнинг иштаҳаси очилиб кетди. Лекин афсуски, чекига тушган ер оз. Бори ҳам ярамайди. Буғдойни бу ерда анча вақт экин экилмаган ерга экишаркан. Бир-икки йил буғдой эккандан кейин чалов ўссин, ер дам олсин деб, ташлаб қўйишар экан. Чалов ўсиб дам олган ерларнинг талабгори жуда кўп. Ҳамманинг талабини қондириб бўлмайди. Серҳосил ерга ўчлар кўп. Бойроқлар бунақа ерни ҳеч кимга бермай, ўзлари экин экишади. Қамбағаллари ўлпон ўрнига бойларга беришади. Пахом кўпроқ ерга экин экиш ниятида келаси йили бойнинг олдига борди ва бир йилга ер ижара олди. Буғдой экди, ҳосил яхши бўлди, фақат ер қишлоқдан йироқроқ, ғаллани ўн беш чақиримча ердан ташиш керак эди. Бундай қараса, атрофдаги мужиклар хутор-қишлоқ бўлиб яшаб, йил сайин бойиб кетяпти. «Шу ҳам турмуш бўлдими, ерни таг-туги билан сотиб олиб, хутор қилиб қўя қолсам бўлмайдими. Ҳосилни уёқдан-буёққа ташиб юришга ҳам эҳтиёж қолмайди», деб ўйлади ва ер сотиб олиш ғамига тушди.

Пахом уч йил шу тарзда яшади. Ижарага ер олиб буғдой экди. Об-ҳаво яхши келиб, ҳосил мўл бўлди. Қўлига ортиқча пул ҳам тушди. Шундай яшайверса ҳам бўларди, лекин ҳар хил одамлардан ер ижара олиш жонига тегди. Яхши ҳосил берадиган ерларнинг ҳамиша харидори кўп бўлади. Бошқалар сотиб олади-ю, сен яна қуруқ қоласан. Учинчи йил бир бой билан шерикликка мужиклардан ер сотиб олди. Ерни ҳайдаб экишга тайёрлагандан кейин, мужиклар билан савдолари келишмай, қилган меҳнатлари бекорга кетди. «Ўз еринг бўлганда,— деб ўйлади Пахом,— бировга муҳтож ҳам бўлмайсан, келишмовчиликлар ҳам бўлмайди».

Шундай қилиб, Пахом ер сотиб олиш пайига тушди. Бир мужик билан учрашиб қолди. Мужик беш юз десятина ер олган экан, синиб, ерини арзонгинага сотмоқчи бўлибди. Пахом ўша одам билан савдолашди. У қилиб-бу қилиб, уни бир минг беш юз сўмга кўндирди. Пулнинг ярмини нақд бериб, қолган ярмини кейинроқ тўлашга келишди. Энди иш битганда бир савдогар отига ем-хашак бериш ва дам олиш учун Пахомнинг ҳовлисида тўхтади-ю, иш бу-

зилди. Пахом чой ичиб уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирди. Савдогар узоқ элдан — Бошқирдистондан келаётгани, у ерда бошқирдлардан беш минг десятина ер сотиб олганини, шунча ер унга минг сўмга тушганини ҳикоя қилиб берди. Пахом ҳаммасини батафсил суриштириб олди. Савдогар айтиб берди.

— Қарияларнинг кўнглини бошлаб овладим,— деди савдогар,— юз сўм сарф қилиб уларга тўн кийгиздим, гилам ҳада қилдим, бир яшик чой улашдим, ичадиганларига вино қуйиб бердим. Хулласи калом, ҳар бир десятина ер менга йигирма тийинданга тушди,— деб бой васиқани кўрсатди.— Ермисан ер — ариқ бўйида, яна чалов ўсиб дам олиб ётибди.

Пахом ипидан-игнасигача ҳаммасини суриштириб олди.

— У жойларда ернинг чегараси йўқ, бир йил юрсанг ҳам охирига етолмайсан.— деди савдогар.— Ҳаммаси бошқирдларга қарашли. Одамлари ҳам жуда галати: бамисоли қўй, ерни текинга ҳам олиш мумкин.

«Минг сўмга беш юз минг десятина ер олиш мумкин бўлса-ю, мен аҳмоқ бўлиб, минг сўмга беш юз десятина ер олиб, яна қарзга ҳам ботиб ўтираманми?» — деб ўйлади Пахом.

## V

Қандоқ бориш йўлларини суриштириб олгач, Пахом савдогарни кузатди-ю, йўл ҳаракатига тушди. Уй-рўзгорни хотинига топширди, ўзи хизматкорини олиб жўнади. Шаҳарга тушиб савдогар айтган нарсаларни — бир яшик чой, совгалар, вино сотиб олди. Беш юз чақиримча йўл юргач — етти кун деганда бошқирдларнинг элига етиб келди.

Савдогар таърифлаганича ҳам бор экан. Бошқирдлар қирда, анҳордан юқорида, ўтовда яшашаркан. Ўзлари экин экишмас, нон ейишмас экан. Қирга молларни қўйиб юборишаркан, отлар эса уюри билан юраркан. Тойчоқларни ўтовларнинг орқасидаги қозиққа боғлаб қўйишаркан. Қунда икки маротаба бияларни соғиб, сутини қимиз қилишаркан. Аёллари қимиздан пишлоқ тайёрларкан, эркаклари эса фақат қимиз ичиб, чойхўрлик қилиб, қўй гўшти еб, най чалиб ўтиришаркан. Ҳаммасининг ранги қип-қизил, тикмачоқдек, димоғи чоғ. Қиладиган иши фақат ҳараллатаралла. Бирортаси ҳам ўқимаган, рус тилини умуман билишмайди. Лекин муомалалари яхши.

Пахомни кўришлари биланоқ ўтовдан чиқиб, уни қуршаб олишди. Тилмоч ҳам пайдо бўлди. Пахом ер туфайли

келганини аяглади. Бошқирдлар суюниб кетишди. Даррса Пахомни гиламлар тўшалган яхши ўтовга олиб кириб, иззат-ҳурмат билан пар якандоз устига ўтқизишди. Чой, қимиз билан сийлашди. Қўй сўйиб меҳмон қилишди. Пахом соябон арава — тарантасидан ҳадяларни олиб келиб, бошқирдларга улашди. Ҳаммасига совға, чой берди. Бошқирдлар ўзида йўқ хурсанд. Улар ўзаро алланималар ҳақида гапириб, кейин тилмочга мурожаат қилишди.

— Сен бизга маъқул бўлдинг, деб айтгин деяпти булар,— деди тилмоч,— бизнинг таомилимиз шу: меҳмонни қўлимиздан келганча иззат-ҳурмат қилиш, берган ҳадялари бадалига бирор нима инъом этиш. Сен бизга шунча нарса ҳада этдинг, энди айт, сенга нима ёққан бўлса биз ўша нарсани бажонидил муҳайё қиламиз!

— Менга ҳаммадан кўпроқ ерларинг ёқди,— деди Пахом.— Бизда ер кам, бунинг устига яна кам ҳосил. Сизларда эса ер ҳам кўп, ҳосил ҳам мўл экан. Умрим бино бўлиб бунақа ерни кўрмаганман!

Тилмоч унинг сўзларини бошқирдларга тушунтириб берди. Бошқирдлар ўзаро алланималар деб гаплашишди. Пахом уларнинг сўзига тушунмаса ҳам, кайфлари чоғ бўлиб, қизишиб, хахолаб кулишаётганини кўриб турарди. Кейин ҳаммаси жим бўлиб, Пахомга қарашди. Тилмоч ударнинг сўзини тушунтира кетди.

— Қилган лутф-марҳаматинг эвазига булар қанча истасанг шунча ер беришга тайёр. Фақат қаердан олишингни айтсанг бас — ўша ер сеники!

Улар яна нима ҳақдадир гапириб, баҳслаша бошлашди. Пахом тилмочдан, булар нима ҳақда гаплашишяпти, деб сўради. Тилмоч:

— Бирини ерни оқсоқолнинг маслаҳатисиз бериб бўлмайди, деяпти, иккинчиси оқсоқолсиз ҳам келишсак бўлади, деяпти,— деб тушунтирди.

## VI

Бошқирдлар мунозара қилаётган пайтда тулки телпак кийган бир киши пайдо бўлди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб ўрнидан турди. Тилмоч Пахомга:

— Оқсоқол шу, — деди.

Пахом энг чиройли тўн билан беш қадоқ чойни оқсоқолга тутди. Оқсоқол ҳадяни қабул қилиб олди-ю, тўрга ўтирди. Бошқирдлар дарров унга алланималарни тушунтира бошлашди. Оқсоқол буларнинг гапига қулоқ солиб



турди-турди-ю, ҳа, бўлди, деган маънода бош ирғаб, Пахомга русчалаб гапира кетди.

— Майли,— деди оқсоқол,— олавер. Қаер таъбингга ёқса, ўша ердан олавер. Ер кўп.

«Қанақа қилиб мен истаганимча оламан,— деб ўйлади Пахом.— Васиқа қилиб беришлари ҳам керакдир. Бугун сеники деб, эртага тортиб олишлари ҳам мумкин.»

— Яхши гапларинг учун сизларга минг карра қуллуқ,— деди Пахом.— Сизларнинг ерларинг кўп, аммо менга бир парча ер бўлса кифоя. Фақат қайси ер меники бўлишини билсам бас. Ҳар ҳолда ўлчаб, васиқа-пасиқа қилиб берсаларинг ёмон бўлмасди. Улим ҳамманинг бошида бор гап. Бугун сизлар лутф-марҳамат қилиб беряпсизлар, эртага болаларинг келиб тортиб олиши ҳам мумкин.

— Гапинг тўғри,— деди оқсоқол,— васиқа қилиб беришимиз мумкин.

— Эшитишимча, бир бой олдиларингга келган экан. Сизлар унга ҳам ер ҳадя этиб, васиқа қилиб берган экан-сизлар. Менга ҳам ўшанақа қилиб берсаларинг бўлар эди.

Оқсоқол дарров мақсадга тушунди.

— Хотиржам бўл, ҳаммасини қилса бўлади,— деди оқсоқол,— мирзамиз ҳам бор, шаҳарга бориб муҳр ҳам қўйдириб берамиз.

— Нархи қанақа бўлади?— деб сўради Пахом.

— Нархи аввалгича: бир кунни минг сўм.

Пахом тушунмади.

— Бир кун деганинг қанақа ўлчов, неча десятина бўлади?

— Биз десятинага тушунмаймиз. Бир кунни ҳисоблаймиз. Бир кунда қанча ерга белги қўйиб чиқсанг, ўшанча ер сеники. Бир кун юрган еринг минг сўм.

Пахом ҳайрон бўлиб қолди.

— Бир кунда жуда кўп масофани босиб ўтиш мумкин-ку!— деди Пахом.

Оқсоқол кулди.

— Қанча юрсанг, ҳаммаси сеники!— деди оқсоқол.— Фақат битта шарт бор: қаердан жўнаган бўлсанг, ўша ерга кун ботгунча қайтиб келишинг шарт, етиб келмасанг, пулинг куйди деган гап.

— Ўтган еримни қандай белгилайман?— сўради Пахом.

— Сен қаердан оладиган бўлсанг, биз ўша ерда тура-миз. Сен бориб белги қўйиб келсан: қўлингга белкуракни олиб, ерингни узунасига ҳам, энига ҳам белги қўйиб, ҳар ер-ҳар ерига чуқурча қазиб, чим босиб чиқасан. Кейин ўша белгига қараб омон билан ажратиб берамиз. Хоҳлаганинг-

ча олишинг мумкин. Фақат кун ботмасдан олдин биз турган ерга қайтиб келишинг шарт. Белги қўйиб чиққан ернинг ҳаммаси сеники.

Пахом суюниб кетди. Азон пайти далага чиқадиган бўлишди. Уёқ-буёқдан гаплашиб, яна қимиз ичишди, қўй гўштидан ейишди, яна чой ичишди. Шундай қилиб, ётадиган вақт ҳам бўлди. Пахомга пар тўшаклардан ўрин солиб бериб, бошқирдлар тарқалишди. Азонда тўпланиб, кун чиқмасдан далага чиқмоқчи бўлишди.

## VII

Пахом пар тўшакда ётди, лекин кўзларига сира уйқу келмади, унинг хаёли ҳамон ерда эди. «Қаттакон бир майдонни эгаллаб оламан. Бир кунда эллик чақирим ерни босиш мумкинدير. Ҳозир кун жуда узун. Эллик чақирим ер айтишга осон, десятина ҳисобига неча десятина бўларкин? Энг яхши ерни ўзимга қолдириб, ёмонроғини ё сотаман, ё мужикларга ижарага бераман. Ерни шудгорлаш учун қўш хўкиз оламан, бир-иккита хизматкор ёллайман. Эллик десятина ерга экин экиб, қолганида мол боқаман».

Пахом кечаси билан кўз юммади. Тонг пайти сал кўзи илинди. Кўзи илиниши билан туш кўрди. Тушида шу ўтовда ётган эмиш-у ташқарида кимдир хахолаб кулаётган эмиш. Пахом нима гаплигини билиш учун ўрнидан туриб ташқарига чиқибди. Ўтовнинг олдида бошқирдларнинг оқсоқоли, иккала қўли билан қорнини ушлаб, ичаги узилгудек бўлиб кулаётганмиш. Пахом унинг олдига бориб: «Нега куляпсан?»— деб сўрабди. Бундай тикилиб қараса, бу оқсоқол эмас, уйига келиб бир кеча тунаб, бошқирдлардан арзонгина ер олганини гапириб берган ўша бой эмиш. Пахом бойдан: «Сен бу ерга қачон келдинг?»— деб сўрашга улгурмасдан, бу одам кўзига Волганинг нариги томонидан келган мужик бўлиб қолди. Кейин бу мужик шохли, туёқли баҳайбат шайтонга айланди. Шайтон хахолаб кулар, унинг қаршисида оёқяланг, кўйлак-иштондаги бир одам чўзилиб ётганмиш. Пахом бу ким бўлди экан, деб синчиклаб қараса — мурда эмиш, ўзининг мурдаси эмиш. Пахом қўрққанидан уйғониб кетди. Уйғонди-ю: «Ҳа, тушга ҳар бало кириши мумкин», деб ўйлади ва уёқ-буёққа қаради; очиқ эшикдан тун оқаришиб келаётгандек туюлди. Демак, кун ёришмоқда. «Туриб одамларни уйғотиш керак, вақт бўпти», деб ўйлади Пахом. У ўрнидан турди, соябон аравада ётган хизматкорини уйғотиб, аравани қўшишни буюрди-ю, ўзи бошқирдларни уйғотгани кетди.

— Туринглар, — деди, — далага чиқиб ерни ўлчаш керак.

Бошқирдлар ўринларидан туришди, ҳаммалари йиғилишди, оқсоқол ҳам келди. Бошқирдлар яна қимиз ичишди, Пахомни ҳам чой билан сийламоқчи бўлишди, бироқ Пахомнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмасди.

— Борадиган бўлсак бора қолайлик, — деди у сабри чидамай.

## VIII

Бошқирдлар тўпланишди, биров отлиқ, биров соябон аравада жўнашди. Пахом белкуракни олиб, ўз хизматкори билан соябон аравада кетди. Далага етиб келишди, қуёш энди қизариб келмоқда эди. Тепаликка — бошқирдчасига шиханга чиқиб, соябон арава, отлардан тушишди ва бир ерга йиғилишди. Оқсоқол Пахомнинг олдига келиб, қўли билан ишора қилди:

— Мана шу кўзга кўриниб турган ернинг бариси бизники. Хоҳлаган ерингни олавер.

Пахомнинг кўзлари ўйнаб кетди. Ер кафтдай, текис, қорамағиздай қоп-қора, чалов ўсиб, дам олиб ётибди. Пасқамликдаги ерда ҳам бўйи ҳар хил ўт-ўлан ўсиб ётибди.

Оқсоқол бошидан тулки телпагини олиб ерга қўйди.

— Белги мана шу, — деди. — Мана шу ердан бориб, яна шу ерга қайтиб келасан. Қанча ерга белги қўйиб чиқсанг, ҳаммаси сеники.

Пахом пулни чиқариб телпак ичига қўйди, тўнни ечди, камзули устидан белини маҳкам боғлади, нон солинган халтачани қўлтиғига қистирди, сувдонни белбоғига боғлади, этикнинг қўнжини тортиб қўйди, белкуракни хизматкор қўлидан олди-ю, юришга чоғланди. Қайси томонга бурилишни билмасдан бир оз ўйланиб қолди, чунки қаёққа қарамасин, кишининг ҳаваси келарди. «Бари бир, ҳамма ери ҳам ермисан ер», деди ичида Пахом ва кунчиқарга қараб юра қолди. Офтобга рўбарў туриб, қадди-қоматини ростлади-ю, кун чиқишига кўз тутиб турди. «Вақтни бекорга ўтказиб ўтирмасдан, салқинроқда юрсам ёмон бўлмайди», деб ўйлади Пахом. Қуёш шуъласи кўринди дегунча Пахом белкуракни елкасига олиб далага қараб кетди.

Бошда у тез ҳам эмас, секин ҳам эмас, ўртача қадам ташлаб юрди. Бирор чақиримча йўл юргандан кейин тўхтаб, белги қўйиш мақсадида, чуқурча қазиб, устма-уст чим босиб қўйди ва яна олға қараб юрди. Ҳаво қизиган-

дан кейин илдамроқ юриб кетди. Бирмунча масофани босгандан сўнг яна чуқур қазиб чим босди.

Пахом орқасига ўгирилиб қаради. Офтоб нурида шихан ҳам, шиханда турган одамлар ҳам, соябон араваларнинг қуёшда ярқираб турган ғилдираклари ҳам баралла кўринарди. Пахом беш чақиримча юргандирман, деб тахмин қилди. Исиб кетиб, камзулини ечди-ю, елкасига ташлаб, олға қараб юрди. Яна беш чақиримча йўл босди. Ҳаво ҳам анча исиб қолди. Офтобга қараса, нонушта чоғи бўлиб қолибди.

«Бир манзил юрдим,— деб ўйлади Пахом, бир кунда тўрт манзил юриш мумкин. Ҳали сўлга қараб бурилишга эрта. Оёқ кийимимни ечиб олсам бўлади». Пахом ўтириб этигини ечди, белига осди-ю, оёқ-яланг юра кетди. Қадам босиши хийла осон бўлди. «Кел, яна беш чақиримча юрай, кейин сўлга буриламан. Жуда яхши ер экан, ташлагани кўзим қиймаяпти. Ўзиям борган сайин яхши бўлиб боряпти», деб ўйлаб, яна олға қараб кетди. Қайрилиб қаради, анча масофани босибди, шихан зўрға кўринди, одамлар ҳам худди чумолидай қорайиб, нимадир йилтиллаб турибди.

«Узунаси кифоя,— деб ўйлади Пахом,— энди энига қараб юриш керак. Ўзим ҳам лоҳас бўлиб қолдим, чанқадим». Пахом тўхтаб, каттароқ чуқурча қазиди, чим босди, сувдонни белидан ечиб сув ичди-ю, сўлга бурилди. Юраверди, анчадан кейин одам бўйи ўсиб кетган ўтларнинг орасида юриш оғирроқ бўлди, ҳаво ҳам исиб кетди.

Пахомнинг тинкаси қурий бошлади; қуёшга қаради, туш пайти ҳам бўлиб қолибди. «Хайр энди, озроқ нафасни ростласам ҳам бўлади», деб ўйлади ва ерга ўтирди. Нонни сувга ботириб еди, аммо чўзилгани юраги дов бермади — чўзилсам ухлаб қолишим мумкин, деб қўрқди. Бир оз дамани олгач, яна юра бошлади. Бошда хийла тез юрди, овқат озгина бўлса ҳам кучига куч қўшди. Ҳаво жуда исиб кетди: уйқу боса бошлади. Лекин бари бир юришни давом эттираверди. Бир оз чидаш берсам, умр бўйи роҳат-фароғатда яшайман», деб ўйлади.

Оладиган ерини энига ҳам анча юрди, энди чапга бурилай деганда пастқамликка кўзи тушди — ўт ўсиб, барқ уриб турган яхши ерни ташлашга кўзи қиймади. «Зигир-поя яхши ўсадиган жой экан», деб ўйлади-ю, яна олға қараб қадам босди. Пастқамликни ҳам «эгаллагач», унинг нарёғига чуқурча қазиб, чим босди-ю, бўлажак дачасининг иккинчи бурчагини белгилади. У қайрилиб шиханга қаради: иссиқдан атрофни туман босгандай, ҳавода бир нима

ҳаракат қилаётгандай бўлар, шихандаги одамлар саробда аранг кўзга кўринарди. Ўзи билан улар орасидаги масофа ўн чақиримча келарди. «Етар,— деб ўйлади Пахом,— узунаси жуда чўзилиб кетди, буёғи сал қисқа бўлса ҳам майли». Энди учинчи томонини ўлчаётган бошлади ва қадамини тезлатди. Қуёшга қаради — туш пайти бўлибди. Аммо учинчи томондан юрган бўлса икки чақирим юргандир, холос. Шиханга ҳали ўн беш чақирим бор. «Йўқ,— деди Пахом ўзича, — дачам қийшиқ бўлса ҳам майли, ўртадан кесиб бормасам улгурмайман, ортиқча ернинг ҳожати йўқ. Ҳали ҳам анча-мунча ерни ўзимники қилдим». Пахом дарров чуқурча қазиб чим босди-ю, шиханга қараб юрди.

## IX

Пахом шиханга қараб юраркан, оёқ босиши қийинлашди, ўзи лоҳас бўлди, яланг оёқлари кесилиб, қавариб, оқсоқланиб қолди. Тўхтагиси, дам олгиси келди, бироқ кун ботгунча етиб боролмайман, деб қўрқиб тўхтамади. Қуёш унинг толиққанига қарамасдан, аста-секин ботмоқда эди. «Кўзи очлик қилиб янглишмадиммикин,— деб ўйлади Пахом,— улгурмасам нима бўлади?» Унинг бир кўзи шиханда, бир кўзи қуёшда, шихан билан ўзи орасидаги масофа анча келар, қуёш эса Пахомга қарамасдан ботишга чоғланарди.

Юришга мажоли қолмаган бўлса ҳам Пахом қадамини катта-катта ташлашга уринар, қанча юрмасин, бари бир ҳали шихан узоқ эди. Ахийри чор-ночор югуришга мажбур бўлди. Қамзулини, этигини, сувдонини телпагини ечиб ташлади-ю, белкуракни ҳасса қилиб югура кетди. «Очкўзлик қилиб ишни расво қилдим,— деб ўйлади Пахом,— энди кун ботишдан олдин етиб боришим амри маҳол». Ваҳимадан жони ҳалқумига келган бўлса ҳам югуришда давом этди. Унинг қўйлак-иштони тердан ивиб, баданига ёпишиб қолди, оғзи қуруқшади, кўкраги темирчининг дамига ўхшаб кўтарилиб тушади, юраги болға ураётгандай дукиллайди, оёқларида мадор қолмаган. Пахом даҳшатга тушиб: «Зўр бериб югураман деб, ўзимни ўлдириб қўймай», деб ўйлади.

У ўлиб қолишдан қўрқса ҳам тўхтолмади. «Шунча югуриб, энди озгина қолганда тўхтасам номардлик бўлар, одамлар аҳволимга кулар», деб ўйлади ва яна югурди. Масофа яқинлашган сайин бошқирдларнинг қийқириғи, уни гиж-гижлаб шовқин-сурон кўтариши баралла эшитила бошлади. Бу шовқин-сурон яна унга далда бўлди. Пахом бор кучини тўплаб югурди. Қуёшнинг чети булутлар ора-

сига кириб, каттакон қизил баркашга айланди, ҳаш-паш дегунча ботиб кетиши мумкин. Қуёш ҳам яқин, шихан ҳам яқин. Одамлар қўлларини пахса қилиб, уни жадаллашга ундайдилар. Пахом ердаги тулки телпакни, ундаги пулни, қорнини ушлаб ўтирган оқсоқолни баралла кўриб турибди. Шу пайт унинг эсига кўрган туши келди. «Ер-ку кўп-а, — ўйлади Пахом, — лекин бу ерларда яшашни худо насиб қилганмикин. Билиб туриб ўз жонимга ўзим жабр қилдим».

Пахом бошини кўтариб қуёшга қаради. Қуёш ерга тегай-тегай, деб турибди. Мана, бир чети ерга ботиб, иккинчи чети чўғдай қизариб ҳам қолди. Пахом зўрға оёғини судраб, бор кучини йиғиб, бутун гавдаси билан олға интилди ва шиханга етиб бориши биланоқ қоронғи тушди. Бошини кўтариб қаради, қуёш ботяпти. «Оббо худо урди, — деди Пахом, — қилган меҳнатим бекор кетди». Энди тўхтаيمان деганда бошқирдларнинг шовқин-сурони, ҳайқиригини эшитди-ю, пастдан қуёш ботгандай кўринса ҳам баландликдан — шиханга ҳали кўринаётгандир, деб ўйлади. У шиханга чиқди. Дарҳақиқат, шихандан қуёшнинг шуъласи кўриниб турарди. Пахомнинг кўзи телпакка тушди. Телпак қаршисида оқсоқол икки қўли билан қорнини ушлаб алланималар деб турарди. Пахом яна тушини эслади, оёқларининг мадори қуриб, қўлини телпакка чўзиб, ўзини ерга ташлади.

— Яша! Офарин! — деб оқсоқол қичқирди. — Шунча ерга эга бўлдинг-а!

Пахомнинг хизматкори хўжайинини кўтармоқчи бўлиб югуриб келди. Бироқ хўжайин оғзидан қон келиб, ўлиб қолган эди.

Бошқирдлар танглайларини тақиллатиб, ачинишди.

Хизматкор белкуракни олиб, Пахомнинг жасади қанча ерни эгаллаб ётган бўлса шунча ерни — икки газ ерни қазиб, уни кўмди.

1886 йил

## Акула

Бизнинг кемамиз лангар ташлаб, Африка қирғоқларидан бирида тўхтади. Кун жуда ажойиб, денгиздан муздек шабада эсиб турарди. Бироқ кечга бориб ҳавонинг авзойи ўзгарди: саҳро томондан тандирдан чиққан ҳовурдек гармсел ёпирилиб келди.

Қуёш ботиши олдидан палубада пайдо бўлган капитан:

— Чў-ми-лиш-га!— деб қичқирди.

Матрослар дарҳол сувга сакрадилар, елканни ҳам сувга тушириб, «ҳовузча» ясадилар ва унинг ичида чўмила бошладилар.

Кемамизда иккита бола ҳам бор эди. Биринчилардан бўлиб сакраган болалар «ҳовузча»га сигмагач, очиқ денгизда ким ўзар ўйнамоқчи бўлдилар.

Улар сувга шўнғиб, лангар устидаги бочкача сари жонжаҳдлари билан сузиб кетдилар.

Болалардан бири дастлаб ўртоғидан яхшироқ сузса-да, кейинчалик орқада қола бошлади. Кекса бир артиллериячи палубадан ўғлининг ортда қолаётганини кузатиб тураркан, астойдил қичқира бошлади:

— Ҳой, бўш келма! Ғайрат қил, азамат!

Шу пайт палубадан кимдир: «Акула!» дея бақириб юборди.

Ҳаммамизнинг нигоҳимиз сувни ёриб бораётган бу денгиз маҳлуқига тушди.

Акула тўғри болалар томон сузиб борарди.

— Орқага! Ҳой, орқага қайтинглар! Акула!— деб жонҳолатда қичқирди артиллериячи.

Аммо болалар унинг овозини эшитишмади шекилли, аввалгидан ҳам қувноқроқ қичқириб, бамайлихотир сузишда давом этдилар.

Артиллериячининг ранги бўздек оқарган, турган жойида тошдек қотиб қолган эди.

Матрослар дарҳол қайиқни сувга тушириб, кучлари борича эшкак эша бошладилар. Болаларга ҳали анча узоқ, акуланинг эса уларга етишига бор-йўғи йигирма қулоч қолганди, холос.

Болакайлар бизнинг бақирӣқ-чақирӣғимизни ҳам, орқадан хавф солиб келаётган акулани ҳам сезмасдилар; нимаям бўлиб улардан бири ортига ўгирилди-ю, беихтиёр чинқириб юборди.

Иккалови ўзини икки томонга ташлади.

Бояги чинқирӣқдан фақат бизгина эмас, ёнимиздаги артиллериячи ҳам уйғониб кетгандек бўлди ва ўрнидан сакраб турди-да, замбарак томонга отилди. У ҳаш-паш дегунча замбаракни нишонга тўғрилаб, пилтани тортиб юборди.

Бутун кема аҳли ҳаяжонга тушган, ҳамма нафасини ичига ютиб, ҳозир нимадир рўй беришини кутарди. Ногаҳон гумбурлаган овоздан ҳушимиз жойига келди. Қарасак замбарак ёнида артиллериячи юзини қўллари билан бекитганича узала тушиб ётибди. Атрофни қуюқ тутун

қоплади. Денгиздагиларга нима бўлганини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди. Тутун тарқагандан кейин ҳамма нарса ойдинлашди. Олдин сувнинг шовуллаши, кейин қийқириқлар эшитилди.

Ниҳоят, кекса артиллериячи кўзларини очиб, ўрнидан турди ва ён-верига назар ташлади.

Улик акуланинг сарғимтир қорни тўлқинлар мавжида оҳиста чайқалиб ётарди. Кўп ўтмай қайиқдаги матрослар болаларга етиб олиб, уларни соғ-омон кемага олиб қайтдилар.

## Сакраш

Бир кема ер шарини айланиб чиққач, ниҳоят ватанига қайтди. Кун яхши эди. Ҳамма палубага чиққан. Оломон орасида каттакон бир маймун думини ликиллатганича уёқдан буюққа юрар эди. У дам-бадам сакрар, афтини бужмайтириб-тириштирар, халойиқнинг кулаётганини кўриб, янада авжига чиқарди.

Шу топда маймун кема капитанининг ўн икки ёшли ўғли томонга сакради-да, унинг бошидаги шляпасини юлқиб олиб, мачтага тирмашиб кўтарила бошлади. Одамлар уни олқишлашди, бола бечора эса шляпасиз қолганидан кулишни ҳам, аччиқланишни ҳам билмай ҳайрон эди.

Маймун мачтадаги биринчи тўсинга чиққач, шляпани бошидан олиб мижғилашга тушди. У гўё боланинг жиғига тегиш учун турли хил муқомлар қилар, уни масхараларди.

Маймуннинг таҳқиромуз қилиқларига чидай олмаган боланинг жаҳли чиқди ва «хап саними» дегандек муштини дўлайтириб пўписа қилди. Маймуннинг эса парвойи фалак, баттар қутуриб шляпани йиртар, пастдагилар эса бетиним қарсак чалардилар. Бу капитаннинг ўғлига алам қиларди ва уялганидан лавлагидай қизариб кетди. Охири дик этиб ўрнидан турди-да, камзулни ечиб ташлаб, арқонга ёпишди. У бир зумда мачтанинг биринчи тўсинига чиқди. Бироқ энди шляпага етдим деганда маймун яна юқорига тирмашди.

— Ҳа, энди қўлимдан осонликча қутилиб бўлсан!— деб бақирди болакай ҳам унинг кетидан эргашиб.

Маймун болани имлар, ўзи эса яна тепага тирмашарди. Боланинг ҳам ғайрати кўзиб кетди шекилли, маймуннинг орқасидан эргашаверди. Орадан кўп ўтмай улар мач-



танинг охирги тўсинига етиб бордилар. Ҳа, бу мачтанинг ниҳояси эди. Аммо абжир маймун шу ерга келганда яна бир нарсани ўйлаб топди: орқа панжалари<sup>1</sup> билан арқонни маҳкам ушлади-да, кўндалангига дорбозларча юриб, харининг энг учига шляпани кийдирди. Кейин тирмаша-тирмаша мачтанинг юқорисига чиққач, тишларининг оқини кўрсатиб, мағрурона илжайиб қўйди.

Бола турган жойдан шляпа қўндирилган хари учига-ча роса икки қулоч масофа бор эди. Арқон ёрдамисиз бу баландликда юриш жуда хавфли, бунинг устига у томонда арқон ҳам йўқ эди.

Боланинг шу сонияда қизиққонлиги тутиб кетди. У ўйлаб ўтирмай, мачтани қўйиб юбориб, харига қадам қўйди.

Маймунининг турли муқомларига ишқибоз халойиқ-нинг буёқда қулочларини ёзган қўйи хари устида юриб бораётган болага кўзи тушгач, даҳшатдан ҳуши оғаёзди.

Бола сал оғиб кетса, палубанинг устига қулаб тушиб, парча-парча бўлиб кетиши шубҳасиз эди. Мабодо омади келиб, шляпага етиб борганида ҳам, ортига қайрилиб, мачтага келиши даргумон эди.

Ҳамманинг нигоҳи тепага қадалган, сукутга чўмганча қандай ҳодиса рўй беришини кутишар эди.

Кутилмаганда халойиқ орасидан кимнингдир қути ўчиб, беихтиёр қичқириб юборди. Бола бу овоздан сесканиб, пастга қаради-ю, чайқалиб кетди.

Худди шу пайт боланинг отаси — кема капитани лоп этиб каютадан чиқиб қолди. У оқчорлоқларни отиш учун қўлида милтиқ кўтариб олган эди. Мачта юқорисида турган ўғлини кўрди-ю, милтиқни дарҳол ўша томонга тўғрилади:

— Сувга! Ҳозироқ сувга сакра! Йўқса отаман!

Ўғли қалқиб кетди, бироқ отасининг бу сўзларини туншунмади.

— Сакра деяпман, йўқса отаман! Бир, икки...

Капитан эндигина «уч» деган эдики, ўғли қулочини ёзиб сувга сакради.

У ўқдек учиб шалоп этиб денгизга тушди. Тўлқинлар болани гирдобига тортиб кетмасин учун йигирмага яқин матрос сувга сакради.

Орадан қирқ секундлар чамаси ўтгач сув юзида боланинг ушоққина, нозик гавдаси кўринди ва матрослар уни даст кўтариб кемага олиб чиқдилар.

<sup>1</sup> Маймуларнинг оёлари ҳам қўл вазифасини бажараверади.

Сал вақтдан кейин оғзи ва бурнидан сув отилиб чиққан бола бир текис нафас ола бошлади.

Бу ҳодиса устида турган, ўғлининг бир ўлимдан қолганини кўрган капитан ўкириб юборди ва йиғлаганини бошқалар кўрмасин учун шитоб билан каютасига кириб кетди.

## Булька

*Офицер ҳикояси*

Бир вақтлар Булька деган чиройлигина, тумшуғи катта итим бўларди. Унинг ҳамма жойи қоп-қора бўлиб, фақат олдинги панжаларининг учигина оқ эди.

Одатда итларнинг пастки жағи узунроқ, шунинг учун юқори жағи пастдагисининг ичига кирган бўлади. Бульканинг жағлари орасига эса битта бармоқ бемалол сиғарди. Итимнинг юзи япалоқ, кўзлари дум-думалоқ бўлиб, жуни ялтираб турарди. У пастки жағини доим осилтириб юрганидан худди ҳабашга ўхшаб кетарди. Булька сергак, бақувват бўлсада, бировни бўлар-бўлмасга хафа қилмас, лекин бирор сабаб билан чангалига тушганини осонликча қўйиб ҳам юбормасди. Унинг бир одати бор эди: мабодо бирор нарсани тишлагудек бўлса, жағлари омбурдек сиқилар, ҳеч ким унинг оғзидан бу нарсани тортиб ололмасди.

Бир кун уни айиққа гижгижлаган эдилар, у бир сакраб айиқнинг қулоғига ёпишди. Айиқ баҳайбат оёқларини силтар, итни қучоқлаб қаттиқ сиқар, уёқдан буёққа ирғитарди. Ҳеч бўлмагач, Булькани эзиб-янчиб ташлаш мақсадида ағанаб ҳам кўрди. Булькаси қурмағур то устидан совуқ сув қуйишмагунча айиқни қўйиб юбормади.

Мен уни ёшлигидан асраб олганман. Кавказга хизмат қилиш учун жўнашга тўғри келиб қолди. Булькани бирга олиб кетиш ноқулай эди, шунинг учун унга билдирмай, бир хонага қамаб қўйдим-да, ўзим йўлга отландим.

Биринчи бекатда бошқа перекладна<sup>1</sup>га ўтаётган эдим, бундоқ қарасам, бир ялтироқ қора маҳлуқ мен томон югуриб келмоқда. Дарров танидим — мис бўйинбоғини ша-

---

<sup>1</sup> Перекладна — почта бекатларида алмашадиган экипажли арава, темир йўллар қурилгунга қадар Россияда шунда саёҳат қилишган.

қирлатганича Булька учиб келарди. Ит югуриб келиб қучоғимга отилди, қўлларимни, юзимни роса ялаб-юлқагач, арава остига бориб чўзилди. У тилини бир қарич осилтирганича сўлагини оқизиб ётарди. Шўрлик ит ҳансираб нафас олганидан икки биқини тинимсиз кириб-чиқиб турарди. Булька бир ёндан иккинчи ёнига ағдарилиб, думи билан ерни супуриб ҳам қўйди.

Мен унинг ёнимга келиши тафсилотини кейинроқ аниқладим. Мен чиқиб кетгач, ит ромни синдириб, деразадан сакраб тушибди-да, жазирама иссиқда йигирма чақирим йўл босиб, мени топиб келибди.

## Булька ва тўнғиз

Кавказдалигимда бир куни тўнғиз овига чиқдим. Булька ортимдан эргашди. Эндигина осмонга кўтарилган қушлар галасини кўргач, у югурганича ўрмон ичкарасига кириб кетди. Айна ноябрь ойи, тўнғиз ва чўчқаларнинг семирган пайти эди.

Кавказнинг тўнғизлар яшайдиган ўрмонларида ёввойи узум, кедр ёнғоғи, олма, нок, маймунжон, чўчқаёнғоқ, тоғолча каби хуштаъм мевалар кўп ўсади. Қишда аёз урган меваларни тўнғизлар бўккунча ейишади.

Тўнғизлар бу пайтда анча семиришади, шунданми, мабодо итлар қувиб қолса ҳам икки соатча югургач, ҳолсизланиб ўзларини панага — чангалзорга уришади. Худди шу вақт чангалзорга овчилар келиб тўнғизларни осонгина отиб қулатишади.

Ўрмонда итнинг овозига қараб тўнғиз турибдими ёки қочиб боряптими — бирпасда билиб олиш мумкин. Агар тўнғиз қочаётган бўлса, итлар худди калтак еяётгандай қаттиқ вовуллашади, мабодо улар чарчаб тўхтаб қолса, итлар чўзиқ ув тортиб қўйишади.

Бахтга қарши, ҳарчанд елиб-югурмайин, тўнғиз зоти учрамасди. Ниҳоят, ўша кутилган овоз — чўзиқ улиш, итларнинг акиллагани қулоғимга чалиндию ўша ёққа югурдим. Тахминимча, тўнғиз яқин ўртада эди. Аммо овозларга қараганда, ҳамла қилишга итларнинг юраги дов бермай, тўнғизни қуршаб олаётганга ўхшардилар. Шу вақт ёнимда нимадир шитирлаб кетди, қарасам, Булька чопиб бормоқда. У афтидан, ўрмонда тўнғиз изидан тушган ит-

лардан ажралиб, адашиб қолган, энди эса уларнинг во-  
вуллашини эшитиб, худди мен сингари ўша томонга югу-  
риб бормоқда эди. У дала бўйлаб елиб борар, фақат қоп-  
қора бошию оппоқ тишларигина кўзга ташланарди.  
Булькани бир неча бор чақирсам ҳамки, у ортига қайри-  
либ қарамади. Мен ҳам унинг ортидан югурдим. Ўрмон  
тобора қуюқлашар, шох-шаббалар телпагимни тушириб  
юборган, юзимни тимдалар, тоғолча игналари кийимларим-  
га дам-бадам илашарди. Афтидан итга етай деб қолдим,  
лекин ҳеч нарсани кўрмадим.

Қўққисдан итларнинг акиллагани, шох ва буталарнинг  
қарсиллаб сингани ва тўнғизнинг ҳуриллаган товушидан  
хушёр тортидим. Чамамда Булька эндигина «ўлжаси»га  
етиб борган эди.

Сўнги кучларимни йиғиб олдга юрар эканман, чан-  
галзор ичкарасида уймалашиб ётган итлар тўдасига кў-  
зим тушди. Булька турган жойида типирчилаб вангиллар,  
берироқда қандайдир қора нарса ётарди.

Яқинроқ бориб қарасам, ётган нарса тўнғиз экан. Буль-  
ка янаям қаттиқроқ вовуллаган эди, тўнғиз қимирлади-ю;  
ҳуриллаганича итга ташланди. Аммо Булька чаққонлик  
қилиб, думини қисганича қочиб қолди. Энди тўнғиз менга  
яққол кўриниб турарди. Унинг биқинини мўлжал олиб от-  
дим. Ўқ нишонга теккач, у даҳшат билан ўкирди ва ла-  
панглаганча чангалзорга ўзини урди. Ортидан шовқин-  
сурон солиб този итлар эргашди. Мен ҳам ўша ёққа югу-  
рар эканман, оёғим тагида нимадир ўралашаётганини  
пайқадим. Бу Булька эди. Ит бетоқат типирчилади ва  
ангилаб ёнбошига ағдарилди. Шунда унинг қорнидан  
қон сизиб оқаётганини кўрдим. Итдан айрилдим деб ўйла-  
дим кайфиятим бузилиб. Бироқ вақт жуда тўнғиз эди, шу-  
нинг учун дарҳол тўнғиз томонга чопдим.

Ниҳоят, тўнғиз кўринди. Итлар галаси унинг қалин,  
хурпайган юнгларидан тортқилашарди. Тўнғизнинг нигоҳи  
менга тушди-ю, бўкириб шу томонга ташланди.

Мен ҳаялламай иккинчи маротаба ўқ уздим. Бу гал ўқ  
худди нишонга тегди чоғи, унинг дағал жунлари ҳам ёниб  
кетди. Тўнғиз бўкириб юборди, бир оз хириллаб тургач,  
тебранди-да, гурсиллаб ерга қулади. Атрофдаги тозилар  
галма-галига қорни силкиниб турган чала ўлик тўнғизга  
ёпишдилар, баъзилари унинг ярасидан оқаётган қонни  
чапиллатиб ялашарди.

Шу пайт лоп этиб Булька эсимга тушди-ю, уни қидира  
кетдим. Булька буталар орасидан ангиллаганича судра-  
либ келарди. Дарҳол ёнига чўкка тушиб, ярасини кўздан

кечирдим. Унинг аҳволи чатоқ, бечоранинг қорни тилниган, узун ичаги сўлиган ўтлар устида судраларди.

Ортимдан етиб келган овчи ўртоқларим ёрдамида ичнинг ичагини жойига келтириб, терисини авайлаб тикдик. Уни тиккунимизга қадар Булька қўлимни ялаб ўтираверди.

Урмондан қайтишнинг ҳам осон йўли топилди. Тўнғизни отнинг думига боғладик, ярадор Булькани эса эгар устига оҳиста ётқизиб қўйдик. Булька уйда олти ҳафтача ётгач, яралари тузалиб кетди.

## *Мильтон ва Булька*

Мен қирғовул овига исковуч ит Мильтонни бирга олиб борадиган бўлдим. Унинг бўйи баланд, озгин, кулранг, тумшуги ҳамда қулоқлари узун, бақувват, ақлли ит эди. Булька иккаласи жуда иноқ. Ҳали-ҳануз биронта ит Булькага ҳамла қилолмаган. У ўткир тишларини кўрсатдим, тамом, итлар думларини қисиб қочиб қолишади. Шундай қилиб, овга фақат Мильтонни олиб жўнадим. Биз ўрмонга яқинлашган ҳам эдикки, аллақайдан Булька пайдо бўлди. Уни ҳар қанча ҳайдамайини, уддасидан чиқолмадим. Уйга ташлаб келай десам йўл узоқ, мен халақит бермас керак деган ўй билан индамай қўя қолдим. Бироқ Мильтон ўтлар орасига тумшугини суқиб, қирғовулнинг ҳидини ола бошлаши билан Булька шошилиб сакрай бошлар, Мильтондан илгари қирғовул тутмоқчи бўлар, аммо сезгир эмаслиги сабабли кўпинча адашар эди. Ёлғиз ўзи ҳид топишига ишонмагач, ноилж Мильтонга эргашди. Булька шу йўсинда халақит беравергач, охири олдимга чақириб, адабини бердим. Бироқ Булька ўз билганидан қолмасди. Ҳафсалам пир бўлиб, уйга қайтишга қарор қилдим.

Шунда Мильтон яна жонимга ора кириб, Булькани алдашнинг йўлини топди. Қандай қилиб дейсизми? Булька унинг кетидан эргашгани ҳамон у шартта бошқа томонга отилар, муғамбирлик қилиб, ўзини қирғовул қидираётгандек тутаар, Булька ишониб унинг изидан тушар, Мильтон эса думини ликиллатганича менга нигоҳ ташлаб, бошқа ёққа югурарди. Озгина қидиргач, Булька тағни унинг орқасидан тушарди. Бироқ Мильтон атайлаб ўн қадамча

юрарди-да, уни яна алдаб, мени ҳақиқий издан эргаштириб кетарди. Кун бўйи Мильтон шу йўсинда Булькани алдади ва овимиз бароридан келди.

## Тошбақа

Қунларнинг бирида Мильтонни ёнимга олиб, яна овга жўнадим. Урмонга яқин қолганимизда итнинг қулоқлари диккайди ва думини ликиллатиб ён-верини искашга тушди. Қирғовул ёки қуёни пойлаятимикан, деб ўйлаб дарҳол милтиқни ростладим. Нимагадир у ўрмон қолиб, дала томон ела кетди. Мен изма-из эргашиб бордим. Шу пайт олдинроқда ит излаётган нарсаси — дўппи шаклидаги кичикроқ тошбақани кўриб қолдим. Тошкосалар орасидан унинг чўзинчоқ бўйни, яланғоч тўқ кулранг бошчаси кўриниб турар, биқини деярли тош билан қопланган эди. У Мильтонни кўриб оёғи ҳамда бошчасини ичига тортди ва кўм-кўк майсалар устига шундай ёпишиб олдики, косаси зўрға кўзга ташланарди холос. Шунда Мильтон тошбақани тишлашга уринди, аммо бунинг иложини топмади. Тошбақа олд, орқа, ён томонларидаги тешикчалари орқали боши, оёғи ва думини хоҳлаган маҳали чиқарарди.

Мен итдан тошбақани тортиб олиб, косаси устидаги чиройли нақшлари, яшириниш жойини қизиқиб томоша қилдим. Дарвоқе, тешикларидан қарасанг, худди қоронғи ертўладаги каби қоп-қора тирик нарса кўринаркан. Тошбақани майсалар устига ташлаб, йўлимда давом этдим. Аммо ити тушмагур тошбақани қолдиришни истамай тишлаб олиб келарди. Бир вақт тошбақа панжаларини чиқариб итнинг танглайини тирнаб олибди шекилли, Мильтон акиллашга тушди. Бирпасдан кейин эса яна уни тишлари орасига олди. Менинг гапимга кирмагач, ундан тошбақани тортиб олиб, ерга ташладим. Аммо ит барибир қулоқ осмади ва илож тополмагач, шу жойнинг ўзида шоша-пиша чуқур қазиди-да, тошбақани чуқурга итариб, устидан тупроқ тортиди...

Тошбақалар сувилон, қурбақалар каби қуруқликда ҳам, сувда ҳам яшайверадиган жонивор. Улар тухумларини босиб ётмай, кўмиб қўядилар. Бу тухумлар худди балиқ увилдириғи каби ўзидан-ўзи ёрилиб, ундан тошбақачалар чиқади. Тошбақалар ҳар хил: ликопчага ўхшаган кичик-

ларидан тортиб узунлиги уч газ, оғирлиги йигирма пуд<sup>1</sup> келадиган йирикларига қадар бўлади. Йирик тошбақалар денгизда яшашади.

Ёз кунларида битта тошбақа юзтага яқин тухум қўяди. Унинг косаси қовурға вазифасини ҳам ўтайди. Маълумки, одам ва ҳайвонларда қовурғалар алоҳида жойлашган, тошбақаларда эса улар битта чаноққа бирлашган. Фақат фарқи шундаки, бошқа ҳайвонларда қовурға этнинг остида бўлса, тошбақаларнинг эти қовурға остида бўлади ва бу уларни кўп бало-қазолардан асрайди.

## Булька ва бўри

Кавказдан жўнаб кетаётганимда уруш айни авжида, йўлларда кечаси конвой<sup>2</sup> сиз юриш хавфли эди.

Шу сабабли эрталаб тонг саҳардан йўлга чиқмоқчи бўлдим.

Мени кузатгани келган дўстим билан кечқурун ва тун бўйи ухламасдан бирга ўтириб чиқдик.

Атрофни туман қоплаган, дилбар кеча. Осмонда ой кўринмаса-да, ташқари ёруғ, бемалол китоб ўқиш мумкин эди.

Тўсатдан тун сукунатини кўчанинг аллақаерида чўчка боласининг даҳшатли чийиллагани бузди. Шу пайт кимдир:

— Бўри чўчкачани бўғяпти!— деб бақириб юборди.

Кўрага югуриб кириб, ов милтиғимни кўтариб чиқдим. Чўчкача чинқирган жойга етиб борганимизда анча одам тўпланган эди.

— Мана буёққа!— дея бақиринди менга.

Милтиқни кўрган Милтон овга кетяпти деб ўйлаб ортимдан югурди. Булька ҳам бемаҳалда ким безовта қилди, дея калта қулоқларини диккайтирган кўйи изимдан келарди.

Дарҳақиқат, четан девор нариёғида бир ҳайбатли ҳайвоннинг шарпаси кўринди. Бу бўрининг ўзгинаси эди. Ҳозир девордан сакраб ўтади-ёв деган фикр кечди хаёлимдан. Узимни дарҳол панага олиб, ўқ узишга тайёр турдим. У девордан ошиши биланоқ нақ қорнини мўлжаллаб теп-

<sup>1</sup> 16,3 килограммга тенг оғирлик ўлчови (Тарж.)

<sup>2</sup> Конвой — бу ерда сокчи маъносига.

книги босдим. Аммо милтиқ панд берди: бир «чиқ» этди-ю, отилмади. Бўри кўчани кесиб ўтиб қочаверди. Итлар унинг орқасидан қувишди. Чаққон Милтон бўрига яқинлашса-да, ташлагани ҳайиқар, оёқлари калта Булька қанчалик елиб-югурмасин, бўрига ҳеч етолмас эди. Кўпчилик бўлиб улар ортидан чопдик, аммо сал фурсат ўтмаёқ бўри ва итлар кўздан ғойиб бўлишди.

Қишлоқ чеккасидаги зовур бўйига етганимизда тўстўполон бирдан авжига чиқди. Туман ичра чанг-тўзон кўтарилди, бу пайтда итлар бўрига ташланган эди. Уша жойга ҳансираб етиб борганимизда бўри аллақачон қочиб қутулган, итлар эса қовоғини солган ҳолда қайтишарди. Бульканинг ҳам шашти паст эди. Ёнимга келганида у ириллаганича бошини силкитиб мени туртди. Афтидан, нимадир демоқчи бўлар, аммо айтолмасди. Итларни кўздан кечирганимда Бульканинг бошида кичкина жароҳат борлигини сезиб қолдим. Тахминимча, зовур бўйида Булька ўлжасига етиб олгану бўри бир тишлаб, нариги томонга сакраганга ўхшарди. Жароҳат унчалик қўрқинчли эмаслиги сабабли хавфсирамаса ҳам бўларди.

Биз кулбамиз олдидаги супачага қайтиб, ҳозиргина рўй берган ҳодиса ҳақида гаплаша бошладик. Мен милтигининг отилмаганига юз карра лаънатлар ўқидим, чуйки у отилганида бўрининг жонини жаҳаннамга жўнатишим аниқ эди. Кекса казак дўстим агар ҳалиги ҳақиқий бўри бўлса, қўрага тап тортмай киролмасди, демак бу махлуқ алвасти, деб мени ишонтиришга уринарди. Милтигини алвасти сеҳрлаб қўйди, зеро бунинг ажабланадиган жойи йўқ, дерди у.

Гурунгимиз айни қизиган маҳалда итлар жон-жаҳди билан ҳуришди, кейин кўчанинг қоқ ўртасида тагин бояги бўри кўринса бўладими? Бироқ бу гал кучимиз борича бақирган эканмизми, бўри ҳуркиб бирам қочдики, ҳатто қаердандир келган итлар галаси ҳам қувиб етолмади.

Унинг алвасти эканлигига кекса казак энди буткул ишонганди. Мен қувиб юборилган бўрининг одамлар ёнига тагин қайтиб келганини зинҳор эшитмаганим учун у қутурган эмасмикан, деган хаёлга бордим.

Бульканинг жароҳатига ҳар эҳтимолга қарши милтиқдори қўйдим, бирпас ўтгач милтиқдорига ўт қўйдим.

Аслида қонга қўшилиб кетмасин учун сўлак сачраган жароҳат жойини куйдиришади. Чунки сўлак қонга аралашса, касаллик танага ёйилиши ва кейин даволаб бўлмаслигига ақлим етарди.



## Пятигорскда Булькага нима бўлди?

Мен станциядан Россияга ўта олмадим, йўлда Пятигорскда икки ойча яшаб туришга тўғри келди. Мильтонни бир казак овчига совға қилиб юбордим. Булька ўзим билан бирга эди.

Бу шаҳарни Бештов этагида жойлашганлиги учун Пятигорск деб аташади. Яъни, татарчасига тоғ — тоғ маъносини билдиради. Шундоққина тоғ бағридан олтингугуртли қайноқ сув оқади. Суви шу қадар қайноқки, ундан самоварникига ўхшаб ҳаммавақт буғ кўтарилиб туради. Шаҳар ва унинг теварак-атрофи кишини лол қолдирадиган даражада гўзал! Бештов тоғи юқорисидаги кичик булоқлар, қуйироқда Подкумок сойи бор. Тўрт тараф ям-яшил ўрмон, дала, ҳув олисларда эса қорга бурканган Кавказ тоғлари ястаниб ётибди. Бу томонларда қор эримайди. Шунинг учун ҳаво илиқ кунлари Эльбурс тоғига узоқдан боқсангиз, худди оппоқ либосли фариштанинг бошига ўхшаб кўринади. Қайнаб ётган сувларга даво истаб келган беморлар булоқлар атрофидаги боғ-гулзорли шийпончаларда дам оладилар. Эрталабки ёқимли музикадан кайфияти чоғ бўлган халқ чўмилишга ёки сайрга отланади.

Ҳали айтганимдек, шаҳар тоғнинг юқори қисмида бўлиб, унинг қуйироғида эса посёлка жойлашган эди. Мен шу посёлкадаги кичкина кулбада яшаб турдим. Кулбанинг дарчаларида ихчамроқ боғ ва хўжайиннинг асаларилари кўзга ташланади. Асаларилар буёқларда Россиядагидай алоҳида катакларда эмас, шундоқ айлана деворларнинг ковагига қўйиларкан. Эрталаблари одатим бўйича боғ йўлкасидаги соя-салқинда Булька билан узоқ ўтираман. Хўжайиннинг арилари беозор, чақмайди.

Булька тинч турмайди: бетиним сакрайди, искайди, арилар гўнғиллашига қулоқ солади, эҳтиёткорона қадам ташлагани туфайли унга арилар тегинишмайди. Бир куни эрталаб чўмилишдан қайтгач, боғдаги супачада қаҳва ичгани ўтирдим. Булька қулоқларини қашиб, бўйинбоғини шақирлатганича безовталанаверди. У ҳализамон асаларилар тинчини бузади деб бўйинбоғини ечиб юбордим. Ҳақиқатан, шаҳар ёқдан аллақандай ғалати овозлар келарди. Итлар тинимсиз ангиллашар, вовуллашар, одамлар бақриб-чақришарди. Ғала-ғовур яқингинадан эшитила бошлади. Булька қулогини қашидан тўхтаб, сергак тортди ва

хумдек калласи ҳамда тумшуғини олд панжаларига тираб, тилини осилтирганича ёнимга чўкди. Сал фурсат ўтгач, Булька шовқин овозларини таниди шекилли, қулоқларини диккайтириб, ўрнидан сакраб турди-да, нарироққа қочиб, тинимсиз ириллайверди. Ғала-ғовур янада кучайди. Энди шаҳарнинг тўрт бурчидан итлар вангиллар, ув тортар эди. Мен нима ҳодиса рўй берганлигини билиш мақсадида кўча эшигига югурдим.

— Нима бўляпти ўзи?— дея сўрадим эшик олдида турган уй бекасидан.

— Острогадагилар<sup>1</sup> итларни савалашмоқда. Эшитишимча, кучуклар ҳаддан ташқари кўпайганидан шаҳар бошлиғи уларни калтаклаш билан йўқотишни буюрибди,— деб жавоб берди у.

— Қўлларига тушса, Булкани ҳам уришар эканда-а?— дея сўрадим қўрқув аралаш.

— Йўғ-е, бўйинбоғи бор кучукларга тегмайдилар,— деди ишонч билан уй бекаси.

Худди шу пайт маҳбуслар қўрамиз ёнига келиб қолишди.

Солдатлар орқасидан занжирларини шақирлатган кўйи тўртта банди секин келарди. Улардан иккитасининг қўлида узун темир илмоқ, қолган иккитаси калтак ушлагай эди.

Банди эшигимиз рўпарасида кўча итларидан бирини илгаги билан маҳкам қисди-да, ўртароққа тортиди, шериги уни калтаклашга тушди. Кучукча таёқ зарбидан даҳшатли ангилларди, бандилар эса парво ҳам қилмай бир-бирларига нимадир деб хаҳолаб кула бошладилар. Кейин банди кучукчани ёнбошига ағдарди, унинг овози ўчган эди. У илгакни тезда очиб олгач, ажали етганлардан яна бормикан, дея ён-верига қаради.

Шу вақт Булька бир вақтлар айиққа ташланганидек, зинғиллаганича келиб маҳбусга отилди. Унинг бўйинбоғсиз эканлиги бирдан ёдимга тушгач:

— Булька, қайт!— деб қичқирдим ва маҳбуслардан уни урмасликларини сўрадим.

Аммо банди Булькага нигоҳи тушгани замон илжайиб дарҳол илгакни ташлади ва уни илинтириб, ерга босди. Булька сиртмоқдан чиқишга уринди, бироқ банди сиртмоқни тортиб, ёнидаги шеригига бақирди:

— Ур бунин!

У калтакни чунонам кўтариб ташладик, жонивор та-

<sup>1</sup> Острогадагилар — қамоқдаги бандилар.

мом бўлди, деб ўйладим. Бироқ Булька иккинчи силтанишида биқин териси шилинса ҳам илгакдан чиқди ва оёғидан оқаётган қонга қарамай қочди.

Мен етиб борганимда у кўча эшигини очиб қўрага кирган ва боғдаги каравотим тагига чўзилган эди.

Бульканинг илгак қисган жойидан бир бўлак териси таёқ зарбидан шилиниб тушган, хуллас у омади чопиб бир ўлимдан қутулиб қолган эди.

## *Булька ва Мильтоннинг ўлими*

Кутилмаганда бир вақтнинг ўзида ҳам Булька, ҳам Мильтондан айрилиб қолдим. Кекса казак мен совға қилган ажойиб ит — Мильтонга қарашни уддалай олмади. Айтишларича, Мильтонни у қушларга эмас, нақ тўнғиз овига бошлаб борибди. Оқибатда ўша куздаёқ секач<sup>1</sup> тўнғиз бечоранинг қорнини ёриб ташлабди, уни тикиб қўйиш ҳеч кимнинг қўлидан келмабди. Натижада у ўлиб қолибди. Булька бандилар қўлидан эсон-омон қутулгач, сал ўтмай зерикадиган, дуч келган нарсани ялайдиган одат чиқарди. Эндиликда у узоқ вақт тилини қўлимга теккизиб турар, оппоқ тишларини кўрсатиб ириллайверарди. Афтидан, қўлимни жудаям тишлагиси келарди. Шу сабабли Булькага қўлимни бермайдиган бўлдим. Шунда у этигимни, стол оёғини такрор-такрор ялай бошлади. Бу ҳолат икки кун давом қилди, учинчи кун эса Булька йўқолди. Унинг қаёққа кетгани номаълум эди.

Бульканинг кетиши мен учун кутилмаган ҳол эди. Чунки бу қопагон ит ёнимдан бир қадам ҳам силжимас, бунинг устига уни ўғирлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермасди. Ваҳоланки, бу воқеа уни бўри тишлаганидан кейин олти ҳафта ўтгач рўй берган эди. Бўри қутурганлиги ҳақидаги ўша пайтдаги тахминим тўғри чиқди: Булька қутургач, уйдан қочиб кетди. Овчилар тили билан айтганда стечка бўлган, яъни қутурган бўрининг сўлагч итнинг қонига ўтганди. Шу вақт ҳайвон бўйнидан нимадир бўғиб, талвасага тушар, қаттиқ чанқар, бироқ бўғилиши янаям кучайишидан қўрқиб, сув ичмас экан.


<sup>1</sup> Секач — ўткир, қайрилган козиқ тишли икки ёшли тўнғиз. *Л. Н. Толстой изоҳи*).

Ахййри, оғриқ ва чанқоқлик ҳолдан тойдиргач, ҳайвон ўзини тамом йўқотиб, тўғри келган нарсасини тишлашга ўтади. Менимча, Булькада қутуриш аломатлари қўлларимни ялаб-юлқагани-ю, столнинг оёқларига суйкалгани, сўнг тишлашга уринганида бошланган эди.

Мен Булькани чор атрофдан узоқ ахтардим, одамлардан суриштирдим, аммо ҳеч ким на тиригини, на ўлигини айтиб бера олди. Мабодо у қутурган итлар каби қошиб юрганида дарағи етиб келмасмиди?! Балким узоқ овлоқ жойларга қочиб кетиб, ўша ёқларда дарбадарликда ҳалок бўлгандир.

Овчиларнинг айтишича, қутурган ақлли итлар дала ёки ўрмонга қочишар ва доривор гиёҳни топгач, ялангликдаги шабнам устида думалаганча ўз-ўзини даволармиш. Афтидан, Булька ўзини даволай олмаганга ўхшайди. Шу тариқа у бошқа қайтиб келмади.

В. Г. КОРОЛЕНКО





# Кўр музикачи

АВТОРДАН

(Олтинчи нашрга<sup>1</sup>)

Бир неча марта нашр этилган дostonни яна қайта кўчириб кўриб чиқиш ва унга қўшимчалар киритиш кутилмаган бир ҳодиса бўлиб, баъзи бир тушунтиришларни талаб этишини сезиб турибман. Дostonнинг асосий психологик мотиви ёруғликка интенсив, узвий интилишидан иборат. Қаҳрамонининг руҳий кризиси ва бу кризиснинг ҳал этилиши ҳам шундан келиб чиқади. Оғзаки ва матбуот орқали билдирилган танқидий мулоҳазалардан бир эътироз жуда асосли эътирозга ўхшайди: эътироз билдирувчилар онадан кўр туғилган болада бундай мотивлар бўлмаслиги керак, ҳеч қачон ёруғликни кўрмаган одам билмаган нарсаси учун қайғурмаслиги керак дейдилар. Менимча, бу фикр тўғри бўлмаса керак: биз ҳеч қачон қушлар каби учган эмасмиз, аммо болалик ва ёшлик чоғимизда анча вақтгача тушимизда учиб юрганлигимиз ҳаммага маълум. Бироқ шуни ҳам эътироф этишим керакки, менинг дostonимга кирган бу мотив фақат хаёлий бўлиб, ҳеч қандай тажрибага асосланган эмас, фақат орадан бир неча йил ўтгач, яъни дostonим айрим китоб бўлиб чиққандан кейинги сафарларимдан бирида кўрларни бевоста кузатишга муваффақ бўлдим. Кўр ва кўр бўлиб қолган икки кўнғироқчи фигураси (китобхон буларни VI бобда кўради), уларнинг феъл-атворидаги фарқлар, болалар билан бўлган воқеа, Егорнинг туш кўриши тўғрисидаги сўзлари—буларнинг ҳаммасини мен Тамбов епархиясидаги Саров монастирининг кўнғироқхонасида бевосита кўриб, ёндафтаримга ёзиб олдим; эҳтимол, ўша икки кўр кўнғироқчи ҳозир ҳам одамларни кўнғироқхонага бошлаб чиқиб юргандир. Шундан буён бу эпизод—мен юқорида кўрсатилган масалада ҳал этувчи эпизод деб ўйлайман—менинг дostonим ҳар сафар қайтадан нашр этилганда, вждонимни азоблаб келарди; эски темани яна қайта олишнинг қийинлиги бу қўшимчани ўз вақтида киритишга халақит бериб келди. Ҳозир бу нарса ушбу нашрга киритилган қўшимчалар ичида энг муҳимини ташкил этади. Қолганлари майда-чуйда қўшимчалардир, чунки, модомики эски темани қайта қўлга олган эканман, мен номигагина қўшимча киритиш билан чеклана олмадим ва илгариде муайян бир изга тушиб қолган тасаввур самараси табиий равишда дostonнинг бошқа қисмларига киритилган қўшимчаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

1898 йил, 25 феврал

<sup>1</sup> Олтинчи нашрга анчагина қўшимчалар киритилди. (Автор изоҳи.)

## БИРИНЧИ БОБ

### I

Бола Жануби-ғарбий ўлкадаги бой онлада, сокин тунда тугилди. Она ҳушидан кетиб ётар, лекин хонада чақалоқнинг кишини ачинтирадиган йиғисн эшитилиши биланоқ, у кўзи юмуқ ҳолда ётган ерида типирчилаё бошларди. Унинг лаблари алланималар деб пичирларди; ёш боланики сингарни юзи чидаб бўлмас азобдан буришиб кетди. У бехосдан юз берган кулфатни бошдан кечираётган эркатой болага ўхшар эди.

Доя хотин унинг алланималар деб пичирлаётган лабларига қулоғини тутди.

— Нега йиғлаяпти... нега?— деб сўради бемор, эшитилар-эшитилмас товуш билан.

Доя хотин саволга тушунмади. Чақалоқ яна чинқириб йиғлай бошлади. Беморнинг юзида кучли азоб аломатлари пайдо бўлди. Юмуқ кўзларидан бир томчи ёш думалаб тушди.

— Нега, нега?— боягидек секин пичирлади унинг лаблари. Бу гал доя хотин саволга тушунди ва бамайлихотир жавоб берди:

— Бола нега йиғлаяпти деб сўраяпсизми? Ўзи шунақа бўлади-да, ташвиш тортманг.

Аммо она ҳамон тинчлана олмасди. У ҳар гал бола йиғлаганда сесканиб тушар ва ғазаб аралаш бетоқатлик билан:

— Нега... бунақа... нега бунақа чинқириб йиғлайди?— дерди.

Доя хотин чақалоқнинг йиғисида ҳеч қандай шубҳали нарса сезмади ва она ҳушидан кетиб ётгани учун алаҳлаяпти, деб ўйлади-да, уни қўйиб, чақалоқ билан овора бўлди.



Жувон жим бўлди, ҳаракат билан ҳам, сўз билан ҳам ташқарига ёриб чиқолмай турган қандайдир чуқур азоб унинг кўзларидан йирик-йирик ёш томчиларини оқизмоқда эди. Бу ёш томчилари қалин киприклар орасидан сизиб ўтиб, мрамардай оқариб кетган юзидан думалаб тушарди.

Балки она қалби янги туғилган чақалоқ билан бирга қандайдир туганмас бахтсизлик дунёга келгани, бу бахтсизлик гўдак билан то қабрга қадар бирга бориш учун беланчакка маҳкам ёпишиб олганини сезгандир.

Балки у ҳақиқатан ҳам алаҳлаётгандир. Лекин шима бўлмасин, бола кўр туғилган эди.

## II

Дастлаб буни ҳеч ким сезмади. Барча чақалоқлар каби, бу бола ҳам маълум вақтгача кўзини парда босгандек атрофга хира ва маъносиз боқар эди. Кунлар бирин-кетин ўтаверди, чақалоқ бир неча ҳафталик бўлиб қолди. Боланинг кўзлари равшанлашди, кўзидаги хира парда йўқолди, қорачиғи кўринди. Лекин бола қушларнинг шўх сайрашларига ва дераза олдида тебраниб турган кўм-кўк бук дарахтларининг шитирлаган овозларига қўшилиб уйга кирган офтоб нурига ўгирилиб боқмас эди. Анча ўзига келиб қолган она боланинг юзидаги бу ғалати аҳволни: ҳаракатсиз ва гўдакларга бутунлай ёт бўлган жиддийликни ҳаммадан олдин сезиб, ташвишланди.

Жувон худди чўчиган мусичадек атрофдаги одамларга қарар ва:

— Менга айтишлар, нега у бунақа-я?— деб сўрар эди.

Одамлар бепарволик билан:

— Қанақа?— деб сўрашарди.— Ўз тенгқурларидан ҳеч қандай фарқи йўқ.

— Унга қараишлар, қўли билан аллаимани ахтаряпти...

— Бола ёш, ҳали у қўл ҳаракатини кўриш сезгиси билан мувофиқлаштиролмайдн,— деб жавоб берди доктор.

— Нега у нуқул бир томонга қарайди? У... у кўр эмасми?— деб бирдан даҳшат билан қичқириб юборди она шубҳаланиб. Ҳеч ким уни юпата олмади.

Доктор болани қўлига олиб дарров юзини ёруққа тутди ва унинг кўзларига қаради. Доктор бир оз хиёлат тортди ва бир-икки оғиз бўлар-бўлмас гап айтди-да, икки кундан кейин келаман, деб чиқиб кетди.

Она боласини бағрига босиб йиғлар ва худди ўқ еган қуш сингари типирчиларди, боланинг кўзи эса илгаригидек бақрайиб, бир нуқтага тикилиб турарди.

Доктор ҳақиқатан ҳам икки кундан кейин офтальмоскоп<sup>1</sup> олиб келди. Шам ёқиб, боланинг кўзига яқинлаштириб ва узоқлаштириб кўрди, боланинг кўзига тикилди, ниҳоят, хи-жолатлик билан:

— Хоним, бахтга қарши, сиз янглишмабсиз... Бола ҳақиқатан ҳам кўр, тузатишнинг иложи йўқ...— деди.

Она бу сўзларни вазминлик билан, изтироб ичида тинглади. Кейин секингина:

— Мен буни аллақачон билган эдим,— деди.

### III

Кўр бола кичик оилада туғилди. Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, бу оилада боланинг отаси билан «Максим тоға» бор эди.

Уни уйдагилар ҳам, ҳатто бегоналар ҳам «Максим тоға» деб аташарди. Отанинг Жануби-ғарбий ўлкадаги мингларча қишлоқ помешчикларидан фарқи йўқ эди: у кўн-гилчан ва мулойим киши бўлиб, ишчиларга яхши қарар, тегирмон қуришни ва тузатишни жуда яхши кўрадиган одам эди. Унинг бутун вақти шу билан ўтарди, шунинг учун ҳам уйда фақат маълум соатлардагина: тушки овқат вақтида, нонуштада ёки шунга ўхшаш пайтлардагина овози чиқиб қоларди. Шундай вақтларда у одатдагича: «Азизим, соғмисан?» дерди-да, кейин стол ёнига ўтириб тегирмоннинг дубдан ясалган ўқи ёки парраклари ҳақида бирон сўз гапириб қўймас, бошқа ҳеч нарса демас эди. Табиийки, унинг осойишта ва соддагина ҳаёти ўглининг руҳий ҳаётига кам таъсир қиларди. Бироқ Максим тоға бутунлай бошқача одам эди. Бу ерда тасвир этилаётган воқеалардан ўн йилча илгари Максим тоғанинг ўтакетган жанжалкаш ва уришқоқлигини фақат шу атрофдагина эмас, балки Киевдаги «Контрактларда»<sup>2</sup> ҳам яхши билардилар. Ота фамилияси Яценко бўлган Попольская хонимнинг ҳар жиҳатдан ҳурматга сазовор онласидан бундай бебош одамнинг туғилганига ҳамма ҳайрон бўлар эди. У билан қандай муомала қилиш ва қайси йўл билан унинг кўнглини топишни ҳеч ким билмас эди. У панларнинг иззат-ҳурмат билан қилган хуш муомалаларига кўрс ва дағаллик билан жавоб қайтарар, деҳқонларнинг ўзбошимчалик ва қўполликларини эса кечирарди, ҳолбуки «шляхтич»ларнинг энг ювоши ҳам бундай муомала учун деҳқоннинг юзига

<sup>1</sup> Офтальмоскоп — кўзни текширадиган асбоб.

<sup>2</sup> «Контрактлар» — бир вақтлар Киевда машҳур бўлган ярмарканинг маҳаллий номи (Автор изоҳи).

тарсаки тортиб юборар эди. Ниҳоят, бир куни, андишали кишиларнинг бахтига Максим тоға негадир австрияликлардан қаттиқ аччиқланиб, Италияга кетиб қолди. У ерда худди ўзига ўхшаш жанжалкаш ва бидъатчи Гарибальди<sup>1</sup> билан топишиб олди. Пан-помешчикларнинг ваҳима билан айтишларига қараганда, Гарибальди шайтон билан оғиз-бурун ўпишармиш, ҳатто Папани<sup>2</sup> ҳам тўққиз пулга олмас эмиш. Албатта бу йўлга кириб, Максим ўзининг беҳаловат кечгувчи умрига жафо қилди, бироқ «Контрактлар»да жанжал анча камайди ва кўпгина олий насаб оналар ўз ўғилларининг тақдири ҳақида ортиқча қайғуришдан қутулдилар.

Австрияликлар ҳам Максим тоғадан жуда қаттиқ ғазабланган бўлсалар керак, пан-помешчикларнинг қадимдан севиб ўқийдиган газеталари «Курьерка»да босилиб чиқадиган хабарларда, баъзан ашаддий гарибальдичиларнинг номлари орасида Максим тоғанинг номи ҳам учраб турарди. Бу ҳол кунлардан бир кун панлар Максимнинг жанг майдонида оти билан бирга ағдарилганини яна шу «Курьерка»да ўқишгунча давом этди. Бу ашаддий волинка<sup>3</sup> қарши кўп вақтдан бери тишларини қайраб юрган австрияликлар уни қилич билан қийма-қийма қилишибди. (Ватандошларнинг сўзига қараганда, Гарибальди жангда қарийб биргина Максим тоғага суяниб қолган экан.)

— Ахийри ўз бошини еди, авлиё Пётр ўз ноибига атайлаб раҳмдиллик қилибди,— деб қўйишди панлар. Шу билан Максимни ўлдига чиқариб юборишди.

Бироқ австрияликларнинг қиличи Максимнинг метин жонини танидан жудо қилолмаган экан, гарчи Максим оғир ярадор бўлган бўлса ҳам, лекин жони танида қолган экан. Гарибальдичилар ўзларининг иззат-ҳурматга сазовор бўлган сафдошини ўликлар орасидан топиб чиқишибди-да, аллақердаги госпиталга юборишибди. Шундай қилиб, орадан бир неча йил ўтгач, Максим тўсатдан сингисининг уйига келиб, шу ерда яшаб қолди.

Энди унинг дуэллар билан ҳам иши йўқ эди. Унг оёғи бутунлай кесиб ташлангани учун қўлтиқтаёқ билан юрарди, чап қўли ҳам шикастланган бўлиб, фақат қўлтиқтаёққа таянишга ярарди. Ўзи ҳам анча қуюлиб, вазмин бўлиб қолган, фақат бир вақтлардаги қиличи сингари ўткир тили билан узиб-узиб олар эди. У, «Контрактлар»га бормай қўй-

<sup>1</sup> Гарибальди—XIX аср ўртасида Италиядаги миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси.

<sup>2</sup> Папа — католик динининг олий руҳонийси.

<sup>3</sup> Ҳозирги Волинь области назарда тутилади. (Тарж. изоҳи.)

ди, кўпчиликка ҳам жуда кам аралашар эди. Вақтини кўпинча ўзининг кутубхонасида аллақандай китобларни ўқиш билан ўтказарди; буларнинг қандай китоб эканлигини ҳеч ким билмас эди, фақат мутлақо ҳаёсиз китоблар бўлса керак, деб ўйлашар эди. Бундан ташқари, у алланималардир ёзар, лекин унинг ёзганлари «Курьерка»да босилмагани учун ҳеч ким унга жиддий эътибор бермас эди.

Қишлоқ уйида чақалоқ туғилиб ўса бошлаган пайида Максим тоғанинг калта қирқилган сочларига оқ туша бошлаган эди. Ҳадеб қўлтиқтаёққа таяниб юраверганидан елкалари кўтарилиб кетган, гавдаси тўртбурчак шаклида бўлиб қолган эди. Унинг ғалати қиёфаси, қош-қовоғини солиб, қўлтиқтаёқни дўқиллатиб юриши ва оғзидан трубкасини қўймаслиги — нотаниш одамларни қўрқитарди, бу чавақланган танада оташин ва меҳрибон юрак ураётганини, қалин сочлар билан қопланган сўпоқ бошида эса толмас фикр ишлаётганини ногироннинг яқин кишиларигина биларди, холос.

Аммо яқин кишилари ҳам ўша вақтда унинг қандай муаммолар устида фикр юритаётганини билмасдилар. Улар баъзан Максим тоғанинг трубка тутатиб соатлаб қимирламай, қалин қошларини чимириб, хаёлга ботиб ўтирганини кўрардилар, холос. Ҳолбуки, баданида соғ ери қолмаган жангчи, ҳаёт курашдан иборат эканлиги ва унда ногиронлар учун ўрин йўқлиги тўғрисида ўйларди. Унинг хаёлига: «Энди мен бутунлай сафдан чиқдим, фурштатни<sup>1</sup> бекорга эгаллаб турирман, деган фикрлар келарди. У ўзини ҳаёт гирдобидан четга улоқтириб ташланган ва ерга қулатилган паҳлавон деб ҳисобларди. Янчилган чувалчанг сингари тупроқ остида тўлғаниб ётмоқ қўрқоқлик эмасми, ғолибнинг узангисига ёпишиб, арзимаган ҳаётни тилаб олмоқ номардлик эмасми?» деб ўйларди.

Максим тоға дадиллик ва хотиржамлик билан мана шундай аччиқ-аламли фикрлар юритиб, бу фикрнинг яхши ва ёмон жиҳатларини ҳар томонлама муҳокама қилишда ва таққослашда давом этар экан, хаёлидан дунёга ногирон бўлиб келган бола кетмасди. Дастлаб, у кўр болага эътибор бермай юрди, лекин кейинчалик боланинг тақдирини ҳам ўзиникига жуда ўхшаб тушгани учун Максим тоғанинг диққатини ўзига тортди.

Бир куни болага кўз қирини ташлаб, ўйчанлик билан:

---

<sup>1</sup> Ф у р ш т а т (немисча) — ҳарбий карвонда хизмат килувчилар штаби.

— Ҳм... шундай, бу гўдак ҳам ногирон экан. Агар икковимиз бирга қўшилсак, икки ёрти бир бутун бўлиши мумкин,— деди.

Уша кундан кейин болани кўпроқ кузатадиган бўлиб қолди.

#### IV

Бола кўр бўлиб туғилган эди. Унинг бахтсизлигига ким айбдор? Ҳеч ким! Бу ерда бировнинг «ёвуз нияти»дан асар ҳам йўқ, шу билан бирга: бу бахтсизликнинг сабаби ҳаёт ва унинг мураккаб жараёнлари ичида беркиниб ётарди. Ҳар сафар боласига кўзи тушганда, онанинг юрак-бағри эзиларди. У она бўлгани учун, ўғлининг ногиронлигини ва келажакда уни қандай оғир кулфатлар кутаётганини сезиб, азоб чекарди. Мана шу бахтсизликнинг айбдорлари— болани дунёга келтирган бизлар—ота билан онадир, деган даҳшатли фикр ҳам она қалбини эзарди... Уйдагиларнинг бутун диққати чиройли, лекин кўзи кўрмайдиган ана шу ёш болага қаратилганлиги арзанда бўлиб ўсиши учун, ҳар қандай истаги ҳеч сўзсиз адо этилиши учун шунинг ўзи етарли эди.

Агар фалакнинг гардиши ва австрияликлар қиличи Максим тоғани қишлоққа, сингисининг уйига келиб туриб қолишга мажбур қилмаганда, ўз бахтсизлигидан ғазабланган ва атрофдагиларнинг ҳаммаси эрка ва инжиқ қилиб тарбиялаётган боланинг келажакда ким бўлиб етишини номаълум эди.

Бу уйда кўр боланинг туғилиши ногирон жангчининг фикрларини аста-секин ва сездирмай бошқа томонга бурниб юборди. У аввалгидек соатлаб трубкасини тутатиб ўтирар, аммо энди кўзларида чексиз дард-алам ётмас, балки бола билан қизиқиб, чуқур фикрга чўмганлиги сезилиб турарди. Максим тоға болани қанча кўп кузатган сари қовоғи шунча осила борар ва трубкасини баттар тутатарди. Ниҳоят бир куни гапга аралашмоққа қарор қилди. У трубкасидан паға-паға тутун чиқара туриб:

— Бу гўдак мендан ҳам баттар бахтсиз бўлади. Аслида, туғилмагани яхши эди,— деди.

Жувон бошини қуйи солди, кўзларидан оққан ёш думалаб қўлидаги тикиб ўтирган каштасига тушди.

— Буни юзимга солмасанг ҳам бўларди, Макс,— деди У оҳиста.— Буни эслатиш фойдасиз...

— Мен фақат бор гапни айтяпман,— деб жавоб қайтарди Максим.— Мен қўл-оёқсизман, лекин кўзим кўради.

Боланики эса йўқ. Бир вақт келиб қўли ҳам, оёғи, ирода-си ҳам ишламай қолади...

— Нима учун?

— Сўзимга қулоқ сол, Анна,—деди Максим осойишта.— Мен сенга аччиқ гапларни бекорга сўзлаб ўтирмас эдим. Боланинг асаблари жуда нозик. Қисман бўлса ҳам, кўрлигининг ўрнини босиш, ўзининг бошқа қобилиятларини ўстириш учун ҳамма имкониятлар бор. Бироқ бунинг учун машқ қилиш керак, машқ эса эҳтиёж орқасида бўлади. Болани ҳаракат қилиш заруриятидан сақлайдиган беҳуда ғамхўрлик уни мукамал ҳаёт кечириш учун бўлган ҳамма имкониятлардан маҳрум этади.

Она ақлли эди. Шунинг учун ҳам боласи ҳар гал йиғлаганда ҳовлиқиб, ҳеч нарсага қарамай, унинг ёнига югуришдан ўзини тута олди. Шу гапдан бир неча ой ўтгач, бола бир уйдан иккинчи уйга эмаклаб чиқадиган, бирон шарпани сизди дегунча диққат билан қулоқ соладиган, қўлига тушган ҳар қандай нарсани бошқа болалардан кўра сезгирлик билан илғаб оладиган бўлиб қолди.

## V

Тез орада онасини юришидан, кўйлагининг ҳилпирашидан, ёлғиз ўзигагина маълум ва бошқаларнинг ақли етмайдиган аллақандай аломатларидан таниб оладиган бўлиб қолди. Уйда одам қанча кўп бўлмасин, улар қанақасига юрмасинлар, бола ҳамма вақт, ҳеч бир хатосиз онаси ўтирган томонга қараб борарди. Онаси уни беҳосдан олганда ҳам, унинг тиззасига ўтирганини дарҳол билиб олар эди. Бошқалар кўтарганда эса бу одамнинг юзини кичкина, нозик бармоқчалари билан пайпаслаб кўрарди ва энагасини, Максим тоғасини, дадасини ҳам дарров билиб оларди. Бегона одамнинг қўлига тушиб қолгудай бўлса, қўлчаларининг ҳаракати секинлашар эди. Бола унинг юзини бармоқлари билан оҳишта пайпаслаб кўрарди, чеҳрасидан диққат билан синчиклаб текшираётгани сезилиб турар, у худди бармоқларининг учи билан «тикилиб қараётгандек» бўларди.

У табиатан жуда ҳам тетик ва серҳаракат эди, бироқ вақт ўтган сари кўзининг кўрлиги эндигина ўсиб келаётган мижозига тобора кўпроқ таъсир қила бошлади, ундаги серҳаракатлик аста-секин йўқола борди. У бурчакка тикилиб олиб, худди бир нарсага қулоқ солаётгандек, соатлаб қимирламай ўтирарди. Уйда жимжитлик ҳукм суриб, турли-туман товушлар боланинг эътиборини ўзига тортма-

ган пайтларда, жиддий ўйланаётгандек кўринар, чиройли ва болаларга хос бўлмаган сокин юзида таажжубланиш аломатлари пайдо бўлар эди.

Бунинг маъносини Максим тоға пайқади. Боладаги сезгининг ғоят ўткирлиги ҳаммани ҳайратда қолдирарди. Баъзан у ҳатто рангларни ҳам бир-биридан ажрата биладигандек туюларди. Қўлига яхши бўялган бирорта лахтак тушиб қолгудек бўлса, у ўзининг нозик бармоқчалари билан анча вақтгача пайпаслаб турар, чеҳрасидан таажжуб билан тикилиб, текшираётганлиги сезиларди. Аммо шундай бўлсада, унинг фақат эшитиш қуввати кўпроқ такомиллашаётганлиги тобора яққол кўзга ташлана бошлади.

Тез орада бола уйдаги нарсаларни уларнинг овозларидан жуда яхши ажратиб оларди: уйдагиларнинг юришини, ногирон тоғаси ўтирган стулнинг қисирлаб кетишини, онасининг қўлидаги қатим ипнинг бир оҳангда шитиллашини, девордаги соатнинг бир маромда чиқиллашини фарқ қиладиган бўлди. Баъзан девор тагидан эмаклаб кета туриб, бошқалар учун эшитилмайдиган паст овозга диққат билан қулоқ солиб қолар ва девор сатҳидан ўрмалаб кетаётган пашшага қўлини чўзарди. Пашша ҳуркиб учиб кетса кўрнинг юзида ҳайронлик ва ачиниш аломатлари пайдо бўларди. У пашшаларнинг сирли равишда йўқолишига тушуна олмас эди. Бироқ кейинчалик, чеҳрасидан буни ҳам тушунганлиги сезила бошлади. У пашша учиб кетган томонга юзини бурар — такомиллашган, сезгир эшитиш қуввати ҳатто пашша қанотларининг визиллаган товушини ҳам биларди.

Теварак-атрофда жўшқин ҳаракат қилиб турган ва жанангалар эшитилаётган бутун ёруғ дунё кўр боланинг кичкина бошига фақат товуш шаклидагина кирар, у фақат шуларнигина тасаввур эта оларди холос. Товуш эшитганда чеҳраси тек қотиб қолар, ингичка бўйнини чўзиб туриб тингларди. Кўрнинг қошлари тез-тез ҳаракатга келар, чиройли, лекин кўр кўзлари унинг юзига жиддий ва аллақандай аянчли тус бериб турар эди.

## VI

У учинчи баҳорни қаршиламоқда эди. Ҳовлида қор эрир, кўклам сувлари шилдираб оқарди, касал бўлгани учун қиши билан уйда яшаб, очиқ ҳавога чиқмаган боланинг соғлиғи ҳам кундан-кунга яхшиланар эди.

Деразаларнинг иккинчи қавати кўчириб олинди, уйғониш фасли шабадаси уйга ҳам кириб келди. Ёруғ дераза-

лардан қуёш жилмайиб боқар, дарахтларнинг ҳали япроқ ёзмаган шохлари шамолда тебранарди, узоқдан баъзи жойларида эриб кетаётган қор оқариб турган, баъзи жойларида эса энди кўкариб келаётган кўм-кўк майсалар, аста-секин бош кўтараётган шудгорлар кўрнарди. Бутун коинот тўйиб-тўйиб эркин нафас олар, баҳор борлиққа янги ва ҳаётбахш куч бағишлар эди.

Кўр бола учун эса баҳор уйга кириб келаётган шовқин шовқини билангина сезиларди. У бир-бирини қувлашиб, тошдан тошга сакраб, юмшоқ ер бағрига сингиб оқаётган сувларнинг шилдирашини, деразининг нарёғида дарахт шохларининг бир-бирига тегиб қисирлашини ва дераза ойналарига енгил урилишини эшитарди. Эрталабки совуқда томнинг бўғотларига осилиб музлаб қолган, энди офтобда эрий бошлаган сумалаклардан чак-чак томаётган томчилар минг хил оҳангда жўрангларди. Бу садолар уйга, худди майда тошлар шарақ-шуруқидек тўхтовсиз кириб турарди. Баъзан мана шу товушлар ва шов-шувлар орасидан баланд осмонда учиб кетаётган турналарнинг овозлари ҳам эшитилиб қолар ва бора-бора ҳавода эриб кетгандек оҳиста йўқоларди.

Боланинг чеҳрасидан табиатнинг бундай уйғонишига тушунмай, изтироб чекиб ҳайрон бўлаётганлиги кўриниб турарди. У қошларини қаттиқ чимираб, бўйинини чўзар, диққат билан қулоқ солар, сўнгра нотаниш товушлардан ҳаяжонга келгандек бирдан қўлини чўзиб онасини ахтарар, ўзини она қучоғига ташлаб, маҳкам ёпишиб оларди.

— Бунга нима бўлди?— деб сўрарди онаси ўзидан ва бошқалардан.

Максим тоға боланинг юзига термулар, лекин унинг нимадан қўрққанини англай олмас эди.

Ўглининг юзларидаги ҳайронлик ва савол аломатини англаган она:

— У тушуна олмаяпти,— дерди.

Ҳақиқатан ҳам бола ҳаяжонланар ва безовталанар эди: чунки у янги-янги товушларни эшитар, ўзига таниш бўлган товушларни бирдан таниб, уларнинг аллақасёққа йўқолиб кетаётганига ҳайрон бўларди.

## VII

Баҳор шов-шуви тинди. Офтобнинг иссиқ шуълалари остида табиат ўз ийи билан тобора кўпроқ куймаланарди. Ҳаёт гўё тобора кучга тўлган, худди ўқдек учиб бораётган поезддек олға қараб тез кетмоқда. Яйловлар кўм-кўк май-



са билан қоплана бошлади, ҳавода қайин дарахтининг ёқимли ҳидлари анқиди.

Болани далага, шу ерга яқин бўлган дарё бўйига олиб чиқмоқчи бўлишди.

Онаси унинг қўлидан етаклади. Уларнинг ёнида қўлтиқтаёғини дўқиллатиб Максим тоға борарди. Улар қирғоқдаги офтоб қизитиб, шамол қуритган тепалик томонга йўл олишди. Бу тепаликда қалин ўсган кўкатлар кўм-кўк бўлиб ётар, у ердан узоқ-узоқ жойлар кўринарди.

Куннинг ёруғлигидан она билан Максим тоғанинг кўзлари қамашиб кетди. Қуёш нури уларнинг юзларини иситар, баҳор шамоли эса кўзга кўринмас қанотлари билан уларнинг юзларини елпиб ўтарди. Ҳавода кишини маст қилувчи алланарса сузиб юргандек туюларди. Она етаклаб кетаётган боласининг нозик қўли маҳкам қисилаётганини сезган бўлса ҳам, баҳорнинг маст қилувчи шабадаси унга шундай таъсир қилган эдики, у боласининг ҳаяжонига унча эътибор бермасди. У кўкрагини тўлдириб нафас олар ва ён-верига қарамай, илгарилар эди. Агар она ўгирилиб қараганида, боланинг чеҳрасидаги ғалати бир ифодани кўрган бўлар эди. Бола очиқ кўзларини қуёш томонга ўгириб, ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бўлиб борар эди. У худди сувдан олинган балиқдек, оғзини каппа-каппа очиб, тез-тез нафас оларди. Боланинг ҳайрат тўла юзида ўқтин-ўқтин шодлик аломатлари пайдо бўлар, бу нарса чеҳрасини бир лаҳза ёритиб ўтгандай туюларди. Сўнгра бу шодлик даҳшатга бориб етувчи ҳайрат билан алмашинар, боланинг чеҳрасида савол аломати кўринар эди. Унинг кўр кўзларигина илгаригидек, ҳамон бир томонга бақрайиб қараб турарди.

Тепаликка чиқиб, учовлари ерга ўтиришди. Она ўғлини яхшироқ ўтқизиб қўйиш учун кўтариб олганида, бола қўрққанидан яна онасининг кўйлагига ёпишди. У худди чуқур жарликка йиқилишдан қўрққандек, ўз остидаги заминни сезмаётгандек эди. Лекин она бу гал ҳам ўғлининг ҳаяжонланаётганини пайқамади, чунки ажойиб баҳор манзараси унинг бутун эътиборини ўзига жалб қилган эди.

Туш вақти эди. Қуёш мовий осмондан аста-секин ўтиб бормоқда. Улар ўтирган тепаликдан тўлиб-тошиб оқаётган дарё кўришиб турибди. Дарё музларни аллақачон оқизиб кетган, аҳён-аҳёнда сув бетида сузиб ўтаётган ва эриб кетаётган охирги муз парчалари оппоқ ямоқдай бўлиб кўринарди. Ўтлоқларни сув босган; сув бетида тўнтарилиб кўринган кўм-кўк осмондаги оқ булут парчалари секин-секин сузар, бояги муз парчалари сингари эриб кетаётгандай

кўздан йўқоларди. Баъзан шамол жимирлатиб кетган сув бети офтобда ялтирарди. Дарёнинг нариги томонида сўл-қиллаб ётган ерлар қорайиб, узоқлардаги похол томли кулбалар, кўзга зўрға чалинадиган кўм-кўк ўрмонлар ердан бурқсаб чиқиб турган ҳовурда товланиб кўринарди. Ер худди нафас олаётганга ва ундан бурқсаб ҳовур чиқиб турганга ўхшарди.

Бутун табиат буюк бир байрамга тайёрланаётган улкан қасрдек ясанган. Аммо буларнинг ҳаммаси — ҳайқириб, пишқириб, жаранглаб вужудини янгидан-янги тасаввурлар билан тўлдираётган таассуротлар, одатдан ташқари тўлқинланаётган кўр бола учун чексиз бир зулмат эди; кўрмаган, билмаган гўдак юрагини ачиштирар эди.

Бола ташқарига қадам қўйиб, қуёшнинг илиқ нурлари юзига тушган ва нозик баданини иситган замониёқ, гўё атрофдаги ҳамма нарсанинг қандайдир битта марказга интилаётганини сезгандек, кўр кўзларини беихтиёр қуёш томонга тикди. Унинг учун оламда на бепоён ва тип-тиниқ оламлар, на мовий осмон ва на кенг ёйилган уфқ бор эди. У фақат аллақандай моддий, илиқ бир нарсанинг юзини эркалаб силаётганини сезар эди холос. Сўнгра муздек ва енгил, аммо офтоб шуъласидан оғирроқ бир нарса келиб, унинг юзидан бу роҳатбахш нарсани сидириб, ялаб ўтиб кетарди. Уйда бола атрофида халал берадиган бирон нарсанинг йўқлиги туфайли, бемалол юришга одатланган эди. Бу ерда эса, уни ажойиб ва тез ўзгарувчан ғалати тўлқинлар қуршаб олди. Бу тўлқинлар уни гоҳ эркалатар, гоҳ қитиқлаб ҳузур бахш этарди. Офтобнинг илиқ шуълаларини кимдир елпий бошлар ва қулоқлари ёнидан ғувиллаб ўтиб, юзини, чаккаларини силаб бутун вужудини қамраб, гўё уни кўтариб аллақаяёқларга, бола кўролмайдиган бўшлиққа олиб кетишга уринаётгандек туюлар, боши айланиб кетаётгандек бўларди. Шундай пайтларда бола онасининг қўлини янада маҳкамроқ қисиб ушлар, юраги худди уришдан тўхтаб қолаётгандек, шувиллаб кетарди.

Ерга ўтқизишганда, бола бир озгина тинчлангандек бўлди. Энди у бутун вужудини тўлдирган ғалати туйғуларга қарамай, айрим товушларни бир-биридан ажрата бошлади. Майин ва мулойим тўлқинлар илгаригидек тўхтовсиз келиб турар, қон томирларининг уриши мана шу тўлқинлар билан бирга бир маромда бўлгани учун, улар вужудига ҳам кираётгандек бўларди. Бироқ энди бу тўлқинлар гоҳ тўрғайларнинг янгроқ овозини, гоҳ япроқ ёзган қайин дарахтларининг оҳиста шитирлашини, гоҳ дарёнинг эшитилар-эшитилмас шилдирашини бирга олиб

келарди. Осмонда қалдирғоч қанотларини визиллатиб, гир айланиб парвоз этиши, чивинларнинг ғинғиллаган овози далада қўш ҳайдаётган ва ҳўкизларни тезроқ юришга қистаётган қўшчининг баъзан чўзиб қичқирган ғамгин овози бу товушларни босиб кетарди.

Бироқ бола буларнинг ҳаммасини бир йўла тутиб ололмас, уларни бир-бирига қўшиб, тартибга сололмас эди. Бу товушлар боланинг қоронғи шуурига аралаш-қуралаш бўлиб кирар, баъзан оҳиста, ноаниқ, баъзан эса қаттиқ ва равшан эшитиларди. Баъзида бу товушларнинг ҳаммаси бирданига пала-партиш ва қўпол эшитиларди. Даладан эсаётган шамол ҳамон боланинг қулоғида ғувилларди, унинг назарида тўлқинлар тез елиб келаётгандек, уларнинг ғувиллаган товушлари бошқа барча товушларни, худди кечаги куннинг хотираси сингари аллақандай бошқа дундан келаётган товушларни босиб кетаётгандек бўларди. Булар тинган сари боланинг қалби толиқарди.

Юзи пир-пир қилиб уча бошлар, кўзлари гоҳ очилиб, гоҳ юмиларди, ҳаяжондан қошлари чимирилар, бутун қиёфасидан савол ёғилар, фикр ва тасаввурининг зўр бериб ишлаётгани сезилиб турарди. Янги таассуротлар билан тўлиб-тошган ва ҳали мустаҳкамланиб улгурмаган ёш мия толиқа бошлади: у атрофдан ёпирилиб келаётган янгидан-янги таассуротлар билан курашиб, уларга бардош беришга ҳаракат қилар, уларнинг ҳаммасини бирга жамлаб ўзига сингдиришга, улардан ғолиб чиқишга интиларди. Бироқ гўдак мияси бунинг уддасидан чиқолмас, чунки буни қилиш учун унда кўриш қобилияти етишмас эди.

Турли-туман товушлар, ҳар хил жарангдор садолар ҳали ҳам бирин-кетин тизилишиб келаверарди... Болани қуршаб олган тўлқинлар борган сари кучайиб, атрофдаги гулдираётган зулматдан чиқиб янги тўлқинлар, янги овозлар билан алмашилиб, яна ўша зулматга қайтар эди... Улар болани янада тезроқ, баландроқ кўтариб, тебратар ва аллалар эди... Қўшчи айтаётган қўшиқнинг узун ва ғамгин садоси шу зулмат ичида яна бир марта янгради-да, сўнгра ҳаммаёқни жимжитлик босди.

Бола секин ингради-да, ўзини орқага, кўкатлар устига ташлади. Она бирдан ўғлига қараб оҳ тортиб юборди: бола кўкатда, ранги оппоқ оқарган ҳолда беҳуш ётарди.

## VIII

Бу воқеа Максим тоғани қаттиқ ташвишга солди. Яқиндан бери у физиология, психология ва педагогикага доир

китобларга ёзила бошлади ва бола руҳининг сирли ўсиши ва ривожланиши ҳақида фан нимаки билса, ҳаммасини ўзига хос ғайрат билан ўргана бошлади.

Бу машғулот уни борган сари кўпроқ қизиқтирар ва шу сабабдан у ҳаёт учун курашга ярамаслиги ҳақидаги, «янчилган чувалчанг сингари тупроқ орасида тўлғанмоқ» ва «фурштат», шу каби хаёллар унинг жисмидан аллақачон сездирмай чиқиб кетган эди. Буларнинг ўрнига у болани диққат билан кузата бошлади, баъзан эса ширин хаёллар кекса қалбини элитиб қўярди. Болани кўр қилиб яратган табиат уни бошқа жиҳатлардан сийлаганлигига Максим тоға тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлади. Бола ўзига тушунарли бўлган ташқи таассуротларга жуда ҳам меҳр билан қулоқ соларди. Максим тоға ўз вазифасини: ўз фикри ва таъсири билан кўр боланинг қисматидаги адолатсизликни юмшатишдан, ҳаётни деб курашувчи жангчиларни сафига, ўз ўрнига бу янги жангчини қўйиш учун бола зеҳнини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат, деб тушунди. Бу ишни ундан бошқа ҳеч ким қилолмас эди.

«Ким биледи,— деб ўйларди кекса гарибальдичи,— фақат найза ва қилич билангина курашмайдилар-ку. Эҳтимол, тақдир ноҳақ ранжитган бу гўдак, вақти келганда, ўзига муносиб қурол топиб, ҳаётдан маҳрум қилинган бошқа одамларни ҳимоя қилишга чиқар, ўшанда мендай ногирон кекса солдат ҳам бу дунёда беҳуда яшамаган бўладн...»

Ҳатто қирқинчи ва эллингинчи йиллардаги эркин мутафаккирлар ҳам табиатнинг «сирли башорати» тўғрисидаги хурофотдан холи эмас эдилар. Шунинг учун ҳам қобилияти зўр бўлган бу бола ўсган сари Максим тоғада кўрликнинг ўзи «сирли башорат»нинг бир тури деган фикрнинг узил-кесил қарор топа бошлаши бежиз эмас эди. У ўзи тарбиялаб ўстираётган боланинг жанговар байроғига ҳозирданоқ: «Бадбахтларнинг бахтсиз ҳомийси», деган шиорни ёзиб қўйди.

## IX

Баҳордаги биринчи сайрдан кейин бола бир неча кунгача алаҳлаб ётди. У гоҳ қимирламай жим ётар, гоҳ алланималар деб довдирар, нималаргадир қулоқ соларди. Шу кунларда унинг чеҳрасида ўзига хос таажжубланиш аломатлари сира ҳам йўқолмади.

— У нималарнидир тушунмоқчи бўляпти-ю, лекин тушуна олмаяпти,— дерди она.

Максим ўйга чўмган ҳолда бошини тебратиб қўярди. У боланинг ҳаяжонланишига, тўсатдан ҳушидан кетиб қолишига ҳар хил таассуротларнинг кўплиги, мурғак мия буларни ўзлаштира олмаганлиги сабаб бўлса керак, деб ўйлади ва аста-секин соғайиб келётган болага бу таассуротларни ҳижжалаб тушунтиришга қарор қилди. Қасал бола ётган уйнинг деразалари зичлаб беркитилган эди. У соғайган сари деразаларни вақт-вақти билан очиб қўядиган бўлишди. Сўнгра уни хонама-хона етаклаб юрдилар, баъзан йўлакка, ҳовлига, боққа олиб чиқдилар. Ҳар сафар боланинг юзида ҳаяжонланиш аломатлари пайдо бўлганда, онаси уни таажжублантирган товушларни тушунтириб турарди:

— Чўпон чалаётган найнинг овози ўрмон орқасидан эшитиляпти,— дерди онаси.— Мана бу чумчуқларнинг чирқиллаши орасида тоғ чумчуғининг чирқиллаши ҳам эшитиляпти. Лайлак ўз ғилдирагида<sup>1</sup> томоғини тақиллатяпти. У яқиндагина узоқ ўлкалардан учиб келди, энди эса жойига янги уя қурыпти.

Бола миннатдорчилик билан порлаган чеҳрасини онаси томон ўгирар, маъносига тушунган ҳолда зўр эътибор билан тинглашда давом этиб, унинг қўлини ушлаб, бошини тебратар эди.

## Х

У эътиборини тортган ҳамма нарса ҳақида суриштирар, онаси ва кўпинча Максим тоға ҳар хил товушлар чиқараётган нарса ёки жониворлар ҳақида гапириб берардилар. Онасининг жонли ва равшан қилиб гапириб берганлари болада чуқурроқ таассурот қолдирарди, баъзан бу таассуротлар болага оғир таъсир қиларди. Она азобланар, чеҳрасидан ғам ёғилар, ўкинч ва аламга тўлган кўзлари билан термулиб, боласида шакл ва турли ранглар ҳақида тушунча ҳосил қилишга тиришарди. Бола зўр эътибор бериб тинглар, қошларини чимираар, ҳатто пешонаси тиришиб, ажин ҳам пайдо бўларди. Афтидан боланинг мияси кучи етмайдиган оғир масалани ечишга уринар, фақатгина эшитган, аммо кўрмаган нарсаларини кўз олдида гавдалантирмоқчи-ю, лекин бундан ҳеч нати-

<sup>1</sup> Малороссияда ва Польшада лайлақлар учун узун устун ўрнатилиб, устига ғилдирак боғлаб қўйилади. Лайлак шу ғилдиракка уя куради. (Автор изоҳи.)

жа чиқмаётгандек кўринарди. Бундай ҳолларда Максим тоға қовоғини соларди. Онанинг кўзларида ёш пайдо бўлиб, бола эса кучли диққат билан тинглаганидан юзлари оқариб кетганда, Максим гапга аралашарди. У синглисидан гапни илиб олар эди-да, фақат бўшлиққа ва товушга тааллуқли тасаввурларга асосланишга ҳаракат қиларди. Шунда кўр боланинг чеҳраси тинчланарди.

Бола ўз уясида ҳадеб томоғини тақиллатаётган лайлак ҳақида:

— Хўш, у қанақа, каттами?— деб сўрарди.

Шу гапни айтаётганда бола қўлларини ёзиб кўрсатарди. Бу хил саволларни берганда у одатда шундай қиларди. Максим тоға эса керак бўлган ерда боланинг қўлини тўхтатиб: «Ҳа, шундай келади», дерди. Лекин бу сафар бола ўзининг кичкинагина қулочини батамом ёзиб юборди, шунда ҳам Максим тоға:

— Йўқ, йўқ, ундан ҳам катта,— деди.— Агар уни уйга келтириб, полга қўйилса, боши стулнинг суянчигидан ҳам юқорида туради.

— Катта экан...— деди бола, хаёл суриб.— Тоғчумчуқ эса мана шунча!— У жуфтлаб турган кафтларини сал очиб кўрсатди.

— Ҳа, тоғчумчуқ шунақа кичкина... лекин катта қушлар ҳеч қачон кичкина қушлардай яхши сайрай олмайди. Тоғчумчуқ ўз овозини ҳаммага ёқтиришга ҳаракат қилади. Лайлак эса, басавлат қуш, уясида бир оёқлаб туради ва худди малайларидан аччиқланган хўжайиндек атрофга қарайди, овозининг хириллашига ҳам, уни биров эшитиб қолишига ҳам парво қилмай, овозининг борича қичқираверади.

Бола бу тасвирларни эшитиб кулар, онасининг сўзларини тушуниш учун ҳаракат қилган вақтдаги толиқишларини ҳам унутиб юборарди. Лекин шунга қарамай, онасининг сўзлари уни кўпроқ қизиқтирарди ва у Максим тоғадан эмас, онасидан сўраб билишни афзал кўрарди.

## ИККИНЧИ БОБ

### I

Боланинг қоронғи шуури янгидан-янги тасаввурлар билан бойиб борган сари кучаяётган эшитиш қобилияти билан ўзини қуршаб олган табиатни тобора мукамалроқ била бошлади. Кўр болага бутун олам илгаригидек

қоп-қора зулмат ичида эди. Бу зулмат унинг мияси устида оғир қора булутдек осилиб турарди ва гарчи бу зулмат туғилган кунидан бошлаб унинг тепасида шу тахлит турса ҳам, бахтсизлигига кўникишга мажбурдек туюлса, ҳам, табиати қандайдир бир савқи табиийга кўра, бу зулматдан қутулиш учун зўр бериб интиларди. Боланинг ноаниқ ёруғликка бунчалик зўр бериб интилиши унинг юзидаги борган сари ортаётган азобланиш аломатларидан яққол сезилиб турарди.

Шунга қарамай, унинг жуда хурсанд, болаларча шод бўлган пайтлари ҳам бўларди, бундай ҳоллар — унинг ўзига таниш бўлган ташқи таассуротлар унга янги туйғулар берган, кўзга кўринмас оламнинг янги ҳодисалари билан таништирган пайтларда юз берарди. Буюк қудратли табиат кўр бола учун бутунлай қоронғи ва зулмат бўлиб қолмаган эди. Масалан, бир кун уни дарёнинг соҳилидаги баланд тепага олиб чиққанларида, у жуда пастдан оқаётган дарёнинг шовуллашига алоҳида диққат билан, нафасини чиқармай қулоқ солар экан, оёғининг остидан кўчиб кетган майда тошларнинг пастга думалаб кетганини эшитиб, онасининг этагига маҳкам ёпишди. Шундан бери у чуқурликни баланд қоя остида сувнинг секин шовиллаб оқаётган товуши шаклида ёки пастга думалаб кетаётган тошларнинг шарпаси шаклида тасаввур этадиган бўлди.

Узоқлик унинг қулоқларига бўғиқ, сўниб борувчи қўшиқ каби эшитиларди. Баҳорги момақалди роқ осмонни гулдурашиб, бутун оламни ларзага келтирганда ва ғазаб билан бўкириб булутлар орасига кириб кетганда, кўр бола бу овозга қўрқув аралаш эҳтиром билан қулоқ солар ва юраги дукиллаб урар экан, осмоннинг нақадар кенлиги ва баландлигини тасаввур қиларди.

Шундай қилиб, товушлар унинг учун ташқи дунёни бевосита ифодаловчи бирдан-бир асосий восита эди, бошқа йўллар билан олинган таассуротлар эшитиш орқали олинган таассуротларга қўшимча эди.

Баъзан кун қизиғида теварак-атрофда жимжитлик ҳукм сурган, одамлар ҳаракати сусайган ва табиатда унинг ўзига хос осойишталик ҳукм сурган пайтларда кўр боланинг чеҳрасида аллақандай ўзига хос ифодалар пайдо бўларди. Ташқи сукунатнинг таъсири остида унинг юрагидан фақат ўзи учун тушунарли аллақандай товушлар қайнаб чиқаётгандай ва бу товушларга зўр диққат билан қулоқ солаётгандай туюларди. Бундай пайтларда болага назар солган одам унинг қалбида туғилаётган

ноаниқ фикр оқиста, лекин тобора жаранглаб эшитилаётган қўшиқдек зўрайиб бораётганини сезарди.

## II

Бола тўрт ёшга тўлиб, бешга қадам қўйди. У нимжон ва нозик бўлса ҳам, уйда эркин ва ҳатто бемалол чопқиллаб юрарди. Унинг уйда сира адашмай бемалол ва дадил юрганни, бурилиш лозим бўлган ерда бурилганини ва истаган нарсасини қидириб топиб олишини кўрган бегона киши, бу бола кўр эмас, балки узоқларга ўтки назар ташлаб, қаттиқ хаёл суриб юрибди деб ўйлар. Аммо ҳовлида юрганда, ҳасса билан ерни пайпасла туртиниб-суртиниб, қийинчилик билан қадам ташла, Агар қўлида ҳассаси бўлмаса, йўлда учраган ҳар нарсани қўли билан пайпаслаб, унинг нималигини тегириб, ерда эмаклашини афзал кўрарди.

## III

Ёзининг сокин оқшоми эди. Максим тоға боғда ўтирди. Отаси, одатдагидек, қаердадир, узоқ далада иш бевора бўлиб юрарди. Ҳовли ва теварак-атроф жи эди. Қишлоқ ҳам уйқуга чўмган, қовоқхонада хизм ва ходимларнинг говур-гувури ҳам босилган эди. Бс ётқизишганига ярим соатча бўлди.

У мудраб ётар эди. Кейинги вақтларда шундай т соатларда аялақандай бир хотиралар унинг ёдига тудиган бўлиб қолди. У мовий осмонни қандай қилиб қорғилик босишни, юлдузлар чарақлаган осмон фон дарахтларининг қорайиб кўринган учларининг силкинини, ҳовлининг атрофидаги қатор уйларнинг қорай кўринадиган бўғотларини, ой ва юлдуз нур бил бирга ерга кўкитир қоронғи тушишини кўрмас эди, а батта. Бироқ бола бир неча кундан буён аялақанда жозибадор бир таассурот ичида уйқуга кетар, эртасини нима бўлганини ўзи билолмас эди.

Унинг миясини бутунлай мудроқ чулғаган пайтларда, дарахтларининг ғира-шира шитирлашлари бутунлай тинган чоғларда у, узоқда қишлоқ итларининг ҳуришини ҳам дарёнинг нариги томонида сайраган булбуллар овозини ва яйловда ўтлаб юрган тойлар бўйнидаги қўнғироқчаларининг жиринглашини ҳам ажрата олмай қолган вақтларда, бу айрим товушларининг ҳаммаси бир-биринга қў-



шилиб кетганда, назарида, битта мунтазам оҳангга уйғунлашган бу товушларнинг ҳаммаси деразадан оҳиста учиб кириб, каравоти устида узоқ парвоз қилиб юргандек ғалати бир ноаниқ, лекин ажиб тотли туйғулар бахш этгандек бўларди. Эрталаб ҳузур билан уйғонаркан, она-сидан:

— Кеча... нима бўлди? Нима ўзи?— деб сўрарди.

Онаси унинг нима тўғрисида гапирётганини билмасди. Болани кўрган тушлари ҳаяжонга солаётган бўлса керак, деб ўйларди. Ўғлини онасининг ўзи ётқизар, меҳрибонлик билан чўқинтирар ва боласи мудрай бошлаганигагина чиқиб кетар экан, ҳеч нарсани сезмас эди. Лекин сўзасига бола, ўзини ёқимли ҳаяжонга солган алланиматлар ҳақида яна гапирарди:

— Бирам яхшики, ойи, бирам яхшики! Бу нима ўзи?

— Бу ғалати сирни билиш учун онаси бу сафар, боласининг ёнида узоқроқ ўтиришга қарор қилди. Каравот ёниги стулда ихтиёрсиз равишда тўрини тез-тез тўқиб, трусининг нафас олишига қулоқ солиб ўтирарди. Бола лаб қолгандек кўринди, бироқ бирдан қоронғида унинг уста гапирган овози эшитилди:

— Ойи, шу ердамисан?

— Ҳа, ҳа, ўғлим, шу ердаман...

— Чиқиб кет, у сендан қўрқяпти, шунинг учун ҳали келмаяпти. Мен ухлаб қолай деган бўлсам ҳам, ҳа-ча ундан дарак йўқ...

Таажжубда қолган она уйқу аралаш айтилган бу ғам-ин пичирлашни аллақандай бир ҳолатда тинглади... Бо-ўзининг ширин ва тотли тушлари ҳақида худди аниқ бир нарса тўғрисида гапиргандек ишонч билан гапирарди. Шунга қарамай она ўрнидан туриб болага энгашиб қаради, юзидан бир ўйиб, боғ томондан келиб очиқ турган деразадан қулоқ солиш мақсадида секин уйдан чиқиб кетди.

Онаси дераза олдига етиб келгани ҳам йўқ эдики, сир очилди. У бирдан жанубнинг тунги шамолига қўшилиб, отхона томондан найнинг оҳиста янграётган овозини эшитиб қолди. У бола мудраётган пайтда келаётган най садолари унинг миясида ғоят ёқимли таассуротлар туғдирганини англади.

Ўзи ҳам малорос куйининг ёқимли садоларига қулоқ солиб бир неча дақиқа туриб қолди-да, бутунлай хотиржам бўлгач, боғнинг қоронғи хиёбони бўйлаб Максим тоға турган уйга қараб кетди.

«Иохим найни яхши чалар экан. Ажабо, қўпол кўринган бу йигитнинг шундай нозик санъати бор экан-а»,— деб ўйлади она.

#### IV

Иохим чиндан ҳам найни яхши чаларди. Скрипка чалиш унга чўт эмас эди. Якшанба кунлари қовоқхонада «Қазак» ёки полякча шўх «Краковяк»ни ҳеч ким унчалик яхши чала олмас эди. Шундай пайтлар бўлардики, у бир бурчакдаги курсига ўтириб олиб, скрипкани соқоли қирилган ияги билан маҳкам қисиб, қалпоғини чапаничасига орқага суриб қўйиб, камонини скрипканинг таранг торларига зарб-ла уриб чалиб юборганда, қовоқхонада ўйинга тушмаган одам қолмас эди. Ҳатто Иохимга қўшилиб контробасда<sup>1</sup> жўр бўлаётган бир кўзи кўр кекса яҳудий ҳам қизишиб кетарди. Унинг бесўнақай «контробаси» ўзининг салмоқли, йўғон овози билан Иохим скрипкасининг оҳангдор, нозик ва енгил товушларига етиб олишга ҳаракат қилар, кекса Янкульнинг ўзи эса елкаларини учириб, ермолка кийган ялтироқ бошини ликиллатиб, бутун гавдаси билан ўйноқи, шўх музика оҳангига мос дикиллар эди. Ўйноқи, шўх музикани эшитиши биланоқ оёқларининг ўзи ўйинга тушиб кетишга одатланиб қолган оддий халқ тўғрисида нима ҳам деб бўлар эди?

Бироқ Иохим, қўшни паннинг Мария деган оқсоч қизига ишқи тушиб қолгандан бери, нима учундир, скрипканинг шўх садоларидан айниди. Дарҳақиқат, скрипка ҳам қизнинг юрагини мафтун эта олмади. Мария музикачи хохолнинг мўйловдор «башарасидан» кўра, паннинг уйида мўйловини қирдириб юрадиган камердинер немиснинг афт-ангорини афзал кўрди. Шундан бери кечқурунлари қовоқхонада ва кечки базмларда Иохим скрипкасининг овози эшитилмай қолди. У чолғусини отхонадаги қозиққа илиб, бир вақтлар астойдил кўнгил қўйиб чалиб юрган скрипкасининг энди зах отхонада ётавериб, торлари бирин-кетин чирсиллаб узилаётганига ҳам парво қилмай қўйди. Улар узилганда худди нола қилгандек жаранглар, ҳатто отларнинг ҳам уларга раҳми келиб, бошларини шафқатсиз хўжайин томонга буриб, кишнаб қўярди.

Иохим скрипканинг ўрнига кўчадан ўтиб кетаётган бир тоғли карпатликдан най сотиб олди. У найнинг ҳазин

<sup>1</sup> Контробас — Энг йўғон овоз чиқарадиган скрипкага ўхшаш музика асбоби.

ва ёқимли товушлари бу шўрпешонамга кўпроқ мос тушади, поймол этилган муҳаббатимнинг аччиқ аламларини яхшироқ ифода этади, деб ўйлаган бўлса керак. Бироқ карпатликдан сотиб олинган най унинг ишончини оқламади. Иохим ўнточа най сотиб олди, ҳар қанақасига чалиб кўрди. Учини қирқди, сувга солиб ҳўллаб, офтобда қуритиб кўрди, кейин шамолда қуритиш учун ипга боғлаб бўғот тагига осиб ҳам қўйди, аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади: тоғликнинг найи хохолнинг қалбига қулоқ солмади. У куйлаш ўрнига чийиллаб борарди, кўнгилни эритувчи садо кутганда чириллар эди. Шундай қилиб, най унинг кайфиятига қулоқ солмади. Ниҳоят, тоғли саёқларнинг биронтаси ҳам яхши най ясай олмаслигига ишонч ҳосил қилгач, улардан ихлоси қайтди. Шундан кейин Иохим ўз қўли билан най ясамоқчи бўлди. У бир неча кунгача қовоғини солиб дала ва ботқоқликларда ўз дидига ёқадиغان новдани қидириб юрди. Ҳар бир тол ёнига бориб новдасини бирма-бир ушлаб кўрарди, баъзиларини кесиб ҳам олди, лекин уларнинг биронтаси унга маъқул тушмади. У илгаригидек қовоғи солинган ҳолда новда қидиришда давом этди. Бир кун секин жилдираб оқаётган сой ёнидан чиқиб қолди. Кўл бўлиб ётган сой суви нилуфарларнинг оппоқ гулларини секин-секин қимирлатиб қўярди, чуқур сойнинг қорайиб кўринган сатҳига эгилиб турган қалин толлар орасидан бу ерга шамол ҳам кирмасди. Иохим буталарни икки ёнга қайириб, сой ёқасига келди, бир неча дақиқа тургандан кейин, қидирган нарсасини худди шу ердан топа олишини пайқади. Пешонасидаги ажинлар ҳам йўқолиб, чеҳраси ёришди. Этигининг қўнжидан қайишга боғлаб қўйилган қаламтарошини олди, толларнинг оҳиста шитирлаётган новдаларига бирпас қараб турди-да, сув бўйидаги жарлик устида тикка ўсган бир толнинг олдига бориб тўхтади. Нима учундир уни чертиб кўрди, тебранишига алланечук завқланиб қараб турди-да, баргларнинг шилдираган овозига қулоқ солиб, бошини силкитиб қўйди.

Иохим қувонганидан:

— Худди ўзгинаси-я,— деб пичирлади ва олдин кесиб олган новдаларининг ҳаммасини сувга ташлади.

Най ҳам жуда аломат чиқди. Новдани яхшилаб қуритгандан кейин, унинг ичини қизиган темир билан тешиб тозалади, олти жойидан тешди, еттинчисини қийтиқ қилиб тешди-да, найнинг бир учини пўкак билан маҳкам беркитиб, пўкакнинг ичидан кичкина тешикча очиб қўй-

ди. Сўнгра най бир ҳафтагача ипда осифлиқ турди, қуёш-да исиб, шамолда қуриди. Шундан кейин уни йўнди, тарашлади, бир парча қалин мовут билан яхшилаб ишқаб, пардоз берди. Найнинг юқори томони думалоқ, ўртаси силлиқ қилиб тарашланган бўлиб, унинг устига қизиган темир билан ўйиб ҳар хил гул солди. Найни уч-тўрт марта чалиб кўриб, хурсанд бўлганидан бошини силкитиб, томоғини қирди ва шошилганича найни кўрпасининг тагига беркитиб қўйди. У ўзи ясаган найни кундузги ғалафовурда чалиб кўришни истамади. Лекин ўша куни кечқурун отхонадан найнинг нозик, ёқимли ва жарангдор овозлари эшитилди. Иохим ўзи ясаган найдан жуда мамнун эди. Гўёки най унинг жони-дили эди. Таралаётган садолар худди унинг илиқ ва мулойим қалбидан қайнаб чиқаётгандай туюлар ва туйғусидаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир қайғу-ҳасрати дарҳол бу ажойиб найда акс этгандай бўларди, ундан бирин-кетин завқ билан жаранглаб чиқаётган садолар оқшомнинг тинч қучоғида секин-аста эриб кетаётгандай бўларди.

Иохим ўз найини шу қадар севиб қолдики, қаёққа борса уни ёнида олиб кетадиган бўлди. Кундузи отларга қарар, уларни суғоргани олиб борар, извошга қўшиб «Бекач» ёки Максимни сайрга олиб чиқарди. Баъзан бағри тош Мария яшаган қишлоқ томонга қараганда, ишқ-муҳаббат ҳасрати унинг юрагини эзәрди. Лекин кеч кириши билан дунёдаги ҳамма нарсани унутарди, ҳатто қорақўз, қорақош Мариянинг қиёфаси ҳам кўринмасди. Бу қиёфа ўзининг аниқ шаклини йўқотар, Иохимнинг кўзига тумандек ғира-шира кўринар, фақат ажойиб найнинг куйларига мунгли оҳанг берарди холос.

Ўша куни кечқурун Иохим отхонада худди мана шундай куйни чалиб, бутун туйғуларини най куйига бағишлаб, ҳузур қилиб ётар эди. У шафқатсиз гўзалнигина эмас, ҳатто ўзини ҳам унутиб юборган бир пайтда бирдан чўчиб ўрнидан сал кўтарилди. Куйнинг энг таъсирли ерига етганда, аллакимнинг мулойим бармоқлари уни найпаслаётганини, сўнгра бу бармоқлар қўлидан сирғалиб ўтиб, найни пайпаслай бошлаганини сизди. Шу билан бирга, ёнида бировнинг ҳаяжонланиб тез-тез нафас олаётганини эшитди.

— Ё бисмилло, ё бисмилло,— деб калима келтирди Иохим.— Шайтонмисан ё одам?— деб қўшиб қўйди, жинлар оралаб қолмадимикан, деб қўрқиб кетди. Бироқ отхонанинг қия очилиб турган дарвозасидан мўралаб турган ой нури унинг янглишганини кўрсатди. Ёғоч кара-

воти ёнида кўр бойвачча унга қўлларини чўзиб турар эди.

Бир соатдан кейин ухлаб ётган Петрусдан хабар олмақчи бўлиб кирган онаси, ухи ўрнида тополмади. Аввал у жуда қўрқиб кетди, бироқ оналик ҳисси йўқолган ўғлини қаердан қидириш кераклигини айтиб берди. Иохим нафасини ростлаш учун тўхтаган эди, отхона дарвозаси ёнида турган «муҳтарам пани»га кўзи тушиб, хижолат бўлди. Афтидан, она музикага қулоқ солганча каравотда Иохимнинг пўстинига ўралиб, тўхтаб қолган куйни ҳамон тинглаб ўтирган ўғлига анчадан бери қараб турган бўлса керак.

## V

Шундан кейин бола ҳар оқшом отхонага, Иохимнинг олдига келиб турадиган бўлди. Кундуз кунлари най чалиб беришни Иохимдан илтимос қилиш унинг хаёлига ҳам келмас эди. Унинг назарида кундузги гала-говурда найнинг сокин ва нозик садоларини эшитиш гайритабиий бир нарса бўлиб кўринарди. Аммо қош қорайиши билан Петрусь типирчилаб қолар эди. Кечки овқат ва кечки чой маҳали Петруснинг тоқатсизлик билан кутган дақиқалари яқинлашиб келаётганидан дарак берарди. Бу тунги музика сеанслари онасига ёқмаса ҳам, эркатойиннинг уйқу олдидан отхонага, отбоқар найчининг олдига бориб, бирикки соат музика эшитиб келишини тақиқлай олмасди. Бу соатлар боланинг ҳаётида энг бахтли онлар бўлиб қолди. Онаси кечқурунги таассуротлар ҳатто эртасига ҳам болаинг миясини банд этганини, ҳатто ўзининг эркалашларига ҳам илтифотсиз қарайдиган бўлиб қолганини сезар, тиззасида ўтириб бўйнидан қучоқлаган кезларида ҳам, Иохимнинг кечаги куйларини хаёлчанлик билан эслаганига жуда ҳам рашки келарди.

Шунда у бундан бир неча йил бурун пани Радецкаянинг Киевдаги пансиониди<sup>1</sup> ўқиб юрган вақтларида турли «нозик санъатлар» қаторида музика чалишни ҳам ўрганини эслади. Сирасини айтганда, бу унча ҳам ширин хотиралардан эмас эди, нега деганда, буни эслаганида, музикадан дарс берган қари немис қиз Клапс эсига тушиб кетарди: муаллима ҳаддан ташқари ориқ, ранги совуқ ва баджаҳл эди. Бу ўтакетган заҳар қари қиз толибаларининг бармоқларини «эпчил» қилиш учун нуқул

<sup>1</sup> Пансион — ётоқхона ҳам бериб ўқитадиган ўрта мактаб.

эзар, қайирар ва шу йўл билан қизларнинг музыкага бўлган ҳар қандай орзу-ҳавасларини совутарди. Қизлар Клапснинг бундай таълим-тарбия усуллари уёқда турсин, уни кўрганларидаёқ турган жойларида қотиб қолишарди. Шу сабабли Анна Михайловна пансионни тамомлагач, ҳатто эрга теккандан кейин ҳам музыка билан шуғулланишни сира ҳавас қилмади. Ҳозир эса, отбоқар найчининг музыкасини тинглар экан, боласини ундан қизганиш билан бирга ўз қалбида музыкага аста-секин муҳаббат туйғулари уйғониб келаётганини, қари немис қизнинг сиймоси эса тобора хиралашиб йўқолиб бораётганини сездди. Натижада Попельская хоним шаҳардан пианино олдириб келишни эридан илтимос қилди.

— Ихтиёринг, жоним,— деди меҳрибон эри.— Музикани унча ёқтирмас эдинг шекилли.

Уша куниёқ шаҳарга хат ёзилди, лекин пианино сотиб олиниб шаҳардан келтирилгунча, орадан икки-уч ҳафта ўтиши турган гап эди.

Ҳолбуки, ҳар куни кечқурун отхонадан найнинг ёқимли наволари эшитиларди, бола эса, ҳатто онасидан сўрамасданоқ, ўша томонга югурадиган бўлиб қолди.

Отхонанинг ўзига хос ҳиди, қуруқ пичаннинг ёқимли иси ва хом теридан қилинган қайишларнинг қўланса ҳидлари билан қўшилиб кетган эди. Отларнинг панжара орасидан тумшуқларини суқиб, юлқиб олган пичани карсиллатиб кавшаши эшитиларди. Найчи нафасини ростлаш учун тўхтаган пайтларда, боғдаги кўм-кўк дарахтларнинг шитирлаган овозлари эшитилиб турарди. Петрик музыкага мафтун бўлиб тинглаб ўтирарди.

У Иохимнинг музыка чалишига халақит бермас эди. Иохим нафасини ростлаш учун тўхтаб, икки-уч минут сукут қилган пайтларда, боланинг мафтунлиги ғалати бир ҳавас билан алмашар эди. У қалтираган қўлларини чўзиб, найни олар, лабига қўйиб пуфлаб кўрарди. Шу вақтда бола ҳовлиқиб қолиб, нафаси тикилгани учун, найнинг овози ҳам хирллаб, секин чиқарди. Лекин Петрик аста-секин бу содда асбобнинг тилини билиб олди. Иохим унинг кичкина бармоқларини найнинг тешикларига қўйиб кўрсатар ва гарчи боланинг бармоқчалари найнинг тешикларини беркитишга кичиклик қилса ҳам, ҳарҳолда у кўп ўтмай айрим мусиқа оҳангларини яхши ўрганиб олди. Шу билан бирга, унинг назарида ҳар бир нотанинг алоҳида, ўзига хос шакли ва ҳислари бордай туюлар эди. Петрик ҳар бир товушнинг қайси тешикда туришини, унинг қаердан чиқишини билиб олди. Баъзан Иохим би-

ронта осонгина жуйни чалгудек бўлса, боланинг бармоқларни ҳам қимирлай бошлар эди. У ҳар бир товушнинг қайси тешикдан чиқаётганини жуда аниқ сезиб турарди.

## VI

Ниҳоят, орадан роса уч ҳафта ўтгач, шаҳардан пианино олиб келишди. Хизматкорлар шаҳардан олиб келинган «музыка»ни уйга олиб кириш учун шов-шув кўтариб, ҳовлиқиб юришганда, Петя ҳовлининг ўртасида диққат билан қулоқ солиб турар эди. «Музыка» жуда оғир бўлса керак, чунки уни аравадан туширмоқчи бўлганларида арава қарсиллаб кетди, хизматкорлар эса ҳарсиллашиб, зўр-базўр нафас олишарди. Ана, улар оҳиста, битта-битта қадам ташлаб юра бошладилар. Ҳар бир қадам ташлаганларида уларнинг тепасида бир нарса гоҳ гурунглаб, гоҳ жаранглаб эшитилар эди. Бу ғалати музикани меҳмонхонага олиб кириб ерга қўйишганда, у худди бировга ғазаб билан дўқ қилгандек, қандайдир бўғиқ товуш билан ўкириб қўйди.

Буларнинг ҳаммаси боланинг юрагига ғулғула солди, у кўрқди. Янги келган жонсиз ва шу билан бирга оғир ва сержаҳл меҳмон унинг дидига тўғри келмади. Шунинг учун у боққа чиқиб кетди ва пианинони ўрнатишганини, шаҳардан келган созловчи унинг торларини калит билан бураб, клавишларини босиб созлаганини эшитмади. Ҳамма нарса тахт бўлгандан кейингина онаси Петяни уйга чақиришни буюрди.

Венанинг энг яхши устаси ясаган асбоб билан қуролланган Анна Михайловна, содда қишлоқ найи устидан ғалаба қозонишига асло шубқа қилмай, қувона бошлади. У энди Петя отхона билан найчини бутунлай унутиб юборади, энди бутун шодликни ўзимдан олади, деб қатъий ишонган эди. У Максим билан қўрқа-писа уйга кирган ўғлига ҳамда чет элдан келтирилган музикани эшитишга ижозат сўраб келган ва кўзини ерга тикиб, сочини пешонасига осилтириб эшик ёнида хижолат тортиб турган Иохимга кулиб қарарди. Максим тоға билан Петя ўриндиққа ўтиришгандан кейин, Анна Михайловна пианино клавишларини босиб чала кетди.

У пани Редецкая пансионида қари немис қизи Клапс қўли остида жуда яхши ўрганиб олган пьесани чала бошлади. Бу пьеса жуда ғалати ва дабдабали бўлиб, бармоқларни ниҳоятда усталик билан ишлатишни талаб қиладиган қийин бир асар эди. Имтиҳонда Анна Михайловна

ишу куйни чалиб, ўзини, айниқса, муаллимасини ҳурматга сазовор этган эди. Қамгап пан Попельский панна Яценко худди ана шу қийин куйни моҳирлик билан ижро этган чорак соат ичида унга ошиқ бўлиб қолганини биров аниқ айтмаса ҳам, лекин кўплар буни сезган эди. Энди эса, жувон бу қийин куйни бошқа бир ғалабани қўлга кири-тиш умидида чалаётган эди: у отбоқар найини севиб қолган боласининг кўнглини ўзига қаттиқроқ жалб этиш-ни истарди.

Бироқ бу гал унинг умидлари пучга чиқди: Венадан келтирилган асбоб Украинанинг кичкинагина тол новда-сига бас кела олмади. Тўғри, Вена пианиносининг кучли воситалари бор эди, у қимматбаҳо ёғочдан ясалган, тор-лари жуда яхши, веналик уста ҳам уни ясашда бор ҳу-нарини ишлатган, оҳанглари ҳам минг хил эди. Лекин Украина найининг ҳам дўстлари оз эмас эди: у ўз вата-нида, қадрдон Украина табиати қўйнида эди.

Иохим пичоғи билан кесиб бағрини қизиган темир би-лан тешмасдан илгари, бу тол новдаси шу ерда, бола учун қадрдон бўлган сой бўйида чайқалиб турар эди. Украин найчисининг ўткир кўзлари бу новдага тушмасдан илгари жар тепасида уни Украина қуёши иситиб, Украина шамоли тебратиб турар эди. Шунинг учун келгинди му-зика асбоби содда най билан курашишга ожизлик қилар эди, нега деганда, бу найнинг ёқимли садолари сокин оқ-шом пайтида, сирли шарпалар ва уйқуга кетаётган да-рахтларнинг шитирлаши орасида, қадрдон Украина та-биатининг ажойиб сирли куйлари билан биргаликда кўр бола қалбига жо бўлган эди.

Пани Попельская билан Иохим ўртасида ҳам фарқ катта эди. Анна Михайловнанинг бармоқлари тез ва чақ-қон ҳаракат қилиши, чалган куйи анча мураккаб ва оҳангларга бой эканлиги, қари қиз Клапс ҳам ўз шогир-дини бу мураккаб асбобни чалишга ўргатиш учун анча меҳнат сарф этгани тўғри. Аммо Иохимда узвий музыка туйғуси зўр эди. У севарди, соғинарди, ўзининг муҳаббат ва ғам-ҳасратини қадрдон табиат билан ўртоқлашарди. Шу табиат, ундаги ўрмонларнинг шовқини, чўллардаги ўтларнинг оҳишта шитирлаши, ёшлик чоғларида эшитган ва киши юрагини эзиб юборадиган қадимги қўшиқлар ун-га илҳом берарди.

Шундай қилиб, Венадан келган музыка асбоби отбо-қар найини енга олмади. Орадан бир дақиқа ўтмай, Мак-сим тоға қўлтиқтаёғини тўқиллатиб ерга урди. Анна Михайловна акаси томонга ўгирилиб қараганда, Петрик-



нинг ўша биринчи баҳор кунда саёҳатга чиққанда кўкат устида беҳуш ётганидагига ўхшаб ранги ўчиб кетганини кўрди.

Иохим болага ачиниб тикилди, кейин немис музикасига жирканиб бир қараб қўйди-да, оёғидаги қўпол «этик-лари» билан полни дўқиллатиб чиқиб кетди.

## VII

Муваффақиятсизликка учраган бечора она қаттиқ хижолат тортди, аламига чидаёлмай йиғлади. «Асилзодалар»нинг гулдурос қарсақларига сазовор бўлган «муҳтарам пани» Попельскаянинг мағлубиятга учраши, яна кимдан денг? Ана шу оддий отбоқар Иохимдан, унинг арзимайдиган найидан бунчалик мағлубиятга учраши унга жуда қаттиқ таъсир қилди. Концерт муваффақиятсизликка учрагандан кейин хохол отбоқарнинг илтифотсиз назар ташлаши эсига тушганда, ғазабидан юзи қип-қизариб кетарди, у «жирканч малай»ни жуда ёмон кўриб қолди.

Шундай бўлишига қарамай, ўғли ҳар кун кечқурун отхонага қараб югурганда, у деразани очиб, икки қўлини иягига тираб, иштиёқ билан тинглар эди. Дастлаб у, «бемаъни чириллаш»нинг фақат келишимсиз жойларинигина илиб олишга уриниб, ғазаб билан қулоқ солар эди. Бироқ бу бемаъни чириллаш аста-секин унинг диққатини ўзига тортганини, ўйчан, мунгли куйларни завқ билан берилиб тинглай бошлаганини ҳам ўзи сезмай қоларди. Сўнгра бирдан ўзига келиб, бу оҳангларнинг жозибаси нимада, уларнинг мафтун этувчи сири нимадан иборат, деб сўрарди ўз-ўзидан. Қуёшнинг оҳиста ботиши, аста-секин қош қорайиши ва куйнинг табиат билан ҳамоҳанглиги бунинг сирини ойдинлаштирди.

«Ҳа, тўғри, бу ерда аллақандай алоҳида самимий ҳиссиёт, кишини мафтун этадиган поэзия бор, уни нота билан ўрганиб бўлмайди»,— дерди у ўз-ўзига ва мағлубиятга учраганини тан оларди.

Бу ҳақиқат эди. Бу поэзиянинг сири, аллақачонлар йўқ бўлиб кетган ўтмиш билан шу ўтмишнинг шоҳиди ва инсон қалбида абадий яшовчи табиат ўртасидаги ажойиб боғланишда эди. Катта ва қўпол этик кийган, қўллари қаварган бу мужикда ана шу монандлик, табиатнинг ўша жонли ҳиссиётлари мужассам эди.

Такаббур «пани» ана шу отбоқар малайга ён берганини ўзи ҳам сезган эди. У кўзларини сузиб турган Иохимнинг йиртиқ, кпр кийимларини, ундан бурқсаб турган

арава мойнининг ҳидларини унута бошлади. Энди у чалинаётган куйни эшитаётганда, Иохимнинг мулойим очиқ чеҳраси, узун мўйловлари остида жилмаяётган лаблари кўз олдига келар эди. Баъзан, жувоннинг яна жаҳли чиқиб, қизариб-бўзариб кетарди, боласининг диққатини ўзига тортиш учун курашаман деб, мана шу мужик билан жанг қилмоқ учун майдонга чиққанини, курашда «малай» голиб келганини сезар эди.

Боғдаги дарахтлар аёлнинг тепасида нималарнидир шивирлашар, кўкимтир осмонда юлдузлар тобора чарақлаб, ер юзи борган сайин қоронғилашиб борар, Иохимнинг ёқимли куйлари жувоннинг қалбини аллақандай қайғу-ҳасратларга тўлдирар эди. У борган сари тақдирга тан берарди-да, табиий соф ва содда поэзиянинг сирларини чуқурроқ ўргана борарди.

## VIII

Дарҳақиқат, Иохимнинг ҳиссиётлари жонли ва самимий эди! Уники-чи? Наҳотки, унда шунақа ҳиссиётдан бир қатра ҳам бўлмаса? Нега бўлмаса унинг кўкси ёнади, юраги ҳаяжонланиб ўйнайди, беихтиёр кўзига ёш келади?

Ахир бу Иохим сингари жонли ҳузур ва роҳат бера олмагани сабабли, Иохим ёнига қочиб кетувчи бахтсиз, мазлум бир кўр ўғлига оташин муҳаббат ҳисси эмасми?

У пианино чалганда, боласининг юзида пайдо бўлган азоб аломатларини эслаган эди, кўзидан қайноқ ёшлар куйила бошлади. Бир неча марта ҳўнграб йиглаб юборишдан ўзини зўрға тийди.

Шўрлик она! Боласининг кўрлиги учун ҳам абадий бедаво бир дард бўлиб қолди. Бу унинг боласига чексиз муҳаббатида, куйган юраги боласининг тортган азоблари билан кўзга кўринмас мингларча иплар воситаси-ла боғланганлигида кўриниб турарди. Бошқа одам фақат аччиқланиб қўя қоладиган мана шу сабаб, яъни отбоқар найчи хоҳол билан бўлган рақобат унинг учун жуда зўр ва аламли азоб бўлиб қолди.

Вақт онага ҳеч қандай энгиллик келтирмай ўтаверди, лекин бефойда ҳам бўлмади: у Иохимнинг найдан чиққан бу ёқимли поэзиянинг ўзига ҳам зўр таъсир этаётганини яққол сеза бошлади. Шундан кейин қалбида умид пайдо бўлди. Тўсатдан пайдо бўлган бу умид таъсирида, у пианинонинг олдига бир неча бор яқин келиб, заиф найнинг овозини босиб юбормоқ учун пианино клавишларини қаттиқ-қаттиқ босмоқчи бўлиб, қопқоғини очар эди.

Бироқ ҳар гал юраги бетламас, уят аралаш қўрқув ҳисси уни бу нарсадан қайтарарди. У ўғлининг қўрққанидан юзи оппоқ оқариб кетгани, хохолнинг илтифотсиз қарашини эслар ва уялганидан қоронғида юзи қизарар, қўли эса қўрқув ва ҳавас билан пианино устида, ҳавода югурар эди...

Шундай бўлса ҳам, унинг ўзига бўлган руҳий ишончи кундан-кунга орта борарди. Кечқурунлари боласи узоқ хиёбонга ёки боққа ўйнагани чиқиб кетган пайтларда, у ўтириб пианино чалар эди. Дастлабки машқлар ўзига унча ёқмади, бармоқлари ички кайфиятига бўйсунмай пианинонинг овозлари ҳам унинг қалбидаги ҳиссиётларга мос келавермас эди. Лекин унинг кайфияти борган сари товушлар билан уйғунлаша бошлади, хохол берган сабоқ бекор кетмади. Оналик муҳаббати ва боласини нима ўзига тортаётганини тўғри сеза билиш ҳисси бу сабоқларни тезда ўзлаштиришга ёрдам берди. Энди унинг бармоқлари остидан гумбура-гумбур қўпол «пьеса»лар эмас, балки Украинанинг мунгли ва ёқимли куйлари нолир ва йиғлар, бу куйлар қоронғи хоналарда янграб, она юрагини эритар эди.

Ниҳоят, у очикдан-очиқ курашга чиқиш учун ўзида етарли журъат топди. Шундай қилиб, оқшом пайтлари хўжайин уйи билан Иохим яшайдиган отхона ўртасида ғалати бир мусобақа бошланди. Бўғотидан қамишлар осилиб турган қоронғи отхонадан найнинг ёқимли садоси эшитилганда, ой нури тушиб турган дарахтлар орасидан йилтираб кўринган уйнинг деразаларидан пианинонинг ёқимли жаранглаган садолари эшитилар эди.

Дастлаб бола ҳам, Иохим ҳам уйдан эшитилаётган «маккор» музыкага эътибор беришмади: улар бу музикани ёмон кўриб қолган эдилар. Иохим най чалишдан тўхтагудек бўлса, бола уни:

— Э! Чалсанг-чи,— деб қистар эди.

Бироқ орадан уч кун ўтар-ўтмас, Иохим най чалаётганда тез-тез тўхтайдиган бўлиб қолди. Иохим найини бир четга қўйиб, пианинонинг овозини тобора диққат билан тинглай бошлади, ҳатто бола ҳам Иохимни: «Чалсанг-чи», деб қисташни унутиб, иштиёқ билан қулоқ соладиган бўлиб қолди. Ниҳоят, Иохим ўйчанлик билан:

— Қара, нақадар ёқимли... Жуда аломат нарса экан...— деди.

Кейин Иохим ҳамон ўша паришонхотирлик билан болани етаклади-да, боғдан ўтиб, меҳмонхонанинг очик деразаси томон юрди.

Иохим, «мухтарам пани» ўз дилхушлиги учун чаляпти, бизга эътибор бермайди, деб ўйлаган эди. Лекин Анна Михайловна тўхтаган пайтларда рақибни бўлмиш найнинг «овози» тинганини сезгач, ўзининг ғалаба қозонганини кўриб, ўзида йўқ қувонган эди.

Шу билан бирга унинг Иохимга бўлган ғазаби ҳам тамомила йўқолди. У ўзини бахтли сезар ва бу бахт учун Иохимдан миннатдор эканлигини яхши биларди: болани қандай қилиб яна ўзига оғдириб олиш йўлини унга ўша Иохим ўргатди. Агар боласи энди ўз онасидан дунё-дунё янги таассуротлар олаётган бўлса, бунинг учун онаси ҳам, боласи ҳам ўша найчи мужикдан, ўз устозларидан миннатдор бўлишлари керак.

## IX

Ишлар юришиб кетди. Эртасига бола оҳиста юриб меҳмонхонага кирди: у бу ерда шаҳардан келган ва унга ёт кўринган баджаҳл ва бақироқ меҳмон келиб қўнган кундан бери сира кирмаган эди. Эндиликда бу меҳмоннинг кечаги куйлари болани ўзига тортган ва унга бўлган муносабатини ўзгартган эди. У пианино турган ерга келганда тортинчоқликдан асар ҳам қолмади, ундан бир неча қадам нарида тўхтади-да, қулоқ солди. Меҳмонхонада ҳеч ким йўқ эди. Онаси нариги хонада нафасини чиқармай боласининг ҳар бир ҳаракатини, асабий чехрасидаги ҳар бир ифодани қувонч билан кузатиб, диванда кашта тикиб ўтирар эди.

Бола анча наридан қўлини чўзиб, пианинонинг силлиқ қопқоғини ушлаб кўрди-ю, дарров орқасига тисланди. Бир-икки марта шу ҳаракатни такрорлагач: яқинроқ борди-да, пианинонинг ҳаммаёғини пайпаслаб, диққат билан текшира бошлади, оёқларини ушлаб кўриш учун энгашди, атрофидан айланиб чиқди. Ниҳоят, унинг қўллари пианинонинг силлиқ клавишларига тегди.

Пианино торларидан чиққан сокин овоз ҳавода секин янгради. Бола онасининг ўйлашича, аллақачон сўниб бўлган товуш тўлқинларига анча вақтгача қулоқ солиб тургач, зўр диққат билан бошқа клавишни босди. Сўнгра ҳамма клавишларни бирма-бир босгач, пировардида энг юқори овоз чиқарадиган клавишга етди. У ҳар бир товушга анча вақтгача қулоқ солиб турарди, бу товушлар бирин-кетин жаранглаб эшитилгач, ҳавода тўлқинланиб, оҳиста сўниб кетарди. Кўр боланинг юзида диққат билан бир қаторда ҳузур ифодалари ҳам акс этар-

ди, афтидан, у ҳар бир товушни завқ билан тингларди. Унинг бу айрим товушларга диққат билан қулоқ солиши, унинг санъаткорлик қобилиятига эга эканидан дарак берарди.

Аммо бундан ташқари, кўр бола ҳар бир товушга ҳам яна қандайдир алоҳида эътибор бергандай бўларди. У ингичка товуш чиқарадиган клавишларни босганда шўх ва жарангли садо янграб эшитилса, унинг чеҳраси очилар ва бу товушларни осмонгача кузатаётгандек, бўйинни чўзиб қулоқ солиб турарди. Аксинча, зўрға эшитиладиган йўғон товуш оҳиста жаранглаб эшитилганда, ерга энгашиб қулоғини тутарди, унинг назарида бу паст ва йўғон товуш ер узра тарқалиб, полнинг устига ёйилиб, уйнинг бурчакларига сингиб кетаётгандек туюларди.

## Х

Максим тоға бунақанги тажрибаларга анча бепарво қарарди. Шуниси қизиқки, боланинг музыкага бўлган ҳаваси бу майиб одамда икки хил туйғу уйғотди. Бир томондан, боланинг мусиқага бу қадар берилиб кетиши, унинг қобилиятини, шу билан бирга, унинг келажакда ким бўлиб етишажагини кўрсатар эди. Иккинчи томондан, бу фикрга кекса солдатнинг қалбида ноаниқ ўксиниш қўшилар эди.

«Албатта, музыка ҳам яхши нарса, у ҳам халойиққа яхши таъсир қиладиган кучли восита,— деб ўйларди Максим.— Кўр ўз атрофига юзларча олифта ва бойвуччаларни тўплаб, уларга ҳар хил... «вальс» ва «ноктюрн»<sup>1</sup>-ларни чалиб беради, улар эса рўмолчалари билан кўзёшларини артадилар. (Тўғриси айтганда, Максимнинг музика соҳасидаги маълумоти «вальс» ва «ноктюрн»лардан нарига ўтмас эди.) Афсуски, менинг ниятим бошқа эди, лекин иложим қанча! Бола кўр, майли, ҳаётда нимага қобил бўлса, шунга эришсин. Ҳарҳолда, ашулачи бўлса, дуруст бўлармиди, дейман-да. Қўшиқ ҳаммага ҳам таъсир қиладди. У образлар яратади, мияда фикр, қалбда жасорат туғдиради».

Бир куни Максим бола кетидан Иохимнинг отхонасига кириб:

— Ҳой, Иохим! Шу ҳуштак чалишингни ҳеч бўлмаса бир нафас тўхтат. Бу кўча болаларига ёки даладаги подачи болага ярашади. Мариянинг ишқида мажнун бўлиб қолган бўлсанг ҳам, ҳарҳолда сен кап-катта одамсан-ку!

<sup>1</sup> Ноктюрн — кичик лирик музика асарининг бир тури.

Уялсанг бўлмайдами? Қиз ташлаб кетди, деб намунча шалвилламасанг? Худди қафасга тушган беданадек, эртадан-кечгача сайраганинг-сайраган-а!— деди.

Иохим, паннинг узундан-узоқ ўғит-насиҳатини тинглар экан, Максимнинг сабабсиз ғазабланишидан қоронғида кулимсираб турарди. Фақат паннинг болалар ва подачилар ҳақида айтган гаплари Иохимга сал алам қилди.

— Ундай деманг, пан,— деди Иохим.— Подачи бола уёқда турсин, Украинанинг ҳеч қайси подачисида ҳам, бунақанги найни тополмайсиз... Уларники най эмас, шунчаки бир ҳуштак, бу бўлса... Мана, бир эшитиб кўринг-а!

У бармоқлари билан найнинг ҳамма тешикларини бекитиб октава икки ораллиғидаги тонни олди-да, баралла чиққан товушлардан ниҳоятда шодланди. Максимнинг аччиғи чиқиб, тупурди.

— Туф-ей, падарингга қусур! Бутун ақлдан ажралипти, бу йигит! Найингни бошимга ураманми? Бунинг ҳам, хотинлар ҳам, сенинг Мариянг ҳам, ҳаммаси бир гўр. Ундан кўра, агар билсанг, қадимги яхши ашулалардан айтиб берсанг-чи!

Максим Яценко малоросслардан бўлиб, мужиклар ва қароллар билан яхши муомалада бўларди. У кўп бақирар ва сўкар эди-ю, лекин озор бермас эди, шунинг учун ҳам одамлар уни ҳурмат қилар ва у билан бемалол сўзлашаверардилар.

— Нима бўпти?— деб жавоб берди Иохим, паннинг таклифига жавобан.— Бир вақтлар ашула айтишда бошқалардан қолишмасдим. Балки бизнинг мужикча ашуламиз ҳам сизга ёқмас?— деб суҳбатдошига киноя қилди.

— Бемаъни валдирашингни қўй,— деди Максим.— Агар одам ашулани яхши айта билса, найни бу билан тенглаштириб бўлмайди! Қани, Петрусь, Иохимнинг ашуласини эшитайлик-чи! Лекин буни тушунармикансан?

— Бу «малайлар»нинг ашуласими?— деб сўради бола.— Мен «малайлар» гапини тушунаман.

Максим ҳўрсинди. У романтик эди, бир замонлар янги, эркин ҳаётни хаёл қилиб юрар эди.

— Вой, болаи нодон-эй! Бу «малайлар»нинг ашуласи эмас... Бу қудратли, эркесвар халқ қўшиғи. Онангнинг боболари буларни Днепр даштларида, Дунай ва Қора денгиз бўйларида куйлаганлар... Сен буни бир кун катта бўлганингда тушуниб оларсан,— деди у ўйчанлик билан.— Лекин мен бошқа нарсдан қўрқаман.

Ҳақиқатан ҳам Максим, боланинг бошқа бир нарсани тушунмаслигидан қўрқар эди. У қўшиқда куйланган халқ

ҳаётининг ёрқин манзаралари кишига таъсир қилиши учун, албатта, буларни кўрувчи кўз бўлиши шарт, деб ўйларди. Боланинг қоронғу шуури халқ поэзиясининг тасвирий тилини ўзлаштиролмайди, деб қўрқар эди. У Украинада ўтган қадимги машҳур қўбизчи ва бандурачиларнинг кўпчилиги кўрлар эканини унутган эди. Шўрпешона ва ногиронлик садақа ҳамда хайр-эҳсон сўраб тиланчилик қилишга, кўча-кўйларда лира ёки бандура<sup>1</sup> чалиб юришга мажбур қилгани ҳам рост. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам тиланчи ва дағал овозли хониш қилувчилар эмас, уларнинг ҳаммаси ҳам қариб кўздан қолган ожиз кишилар эмас эдилар. Сўқирлик ёруғ дунёни қора парда билан тўсиб турарди, бу парда, албатта, мияни қоплаб, унинг ишини оғирлаштиради, лекин ҳарҳолда, ирсий ва бошқа йўллар билан олинадиган таассуротлар туфайли, мия гарчи зулматда бўлса ҳам, ғамгин, қайғули ва қоронғи, аммо ўзига хос поэзияга эга бўлган дунёни вужудга келтиради.

## XI

Максим билан бола пичан устига ўтиришди. Иохим эса сўрига чиқиб ёнбошлади (бу ҳолат унинг артистлик кайфиятига кўпроқ мувофиқ келарди), бир оз ўйлагач, ашула айта бошлади. Тасодифданми ёки зеҳни ўткирлигиданми, ҳарҳолда танлаган қўшиғи айна муддао эди. Қўшиқ тарихий манзараларни тасвирларди:

Ой, там на гор; тай женці жнуть.<sup>2</sup>

Бу ажойиб халқ қўшиғини моҳир ашулачи оғзидан эшитган одамлар хотирасида тарихий ёдгорликларнинг баланд овоз билан чўзиб айтиладиган ғамгин, қадимий куйи яхши сақланган бўлса керак. Бу қўшиқ қонли жанглар ва қаҳрамонликларни тасвирламайди. Бу қўшиқ казак йигитининг гўзал ёри билан хайрлашувини ҳам, жасоратли ҳужумни, қайиқларда мовий денгиз ва Дунайни кезишни ҳам тараннум этмайди. Лип этиб ўтиб кетган ширин хаёл, тарихий ўтмиш тўғрисида хотирадан бир парча сифатида украиналик кишининг қўққисдан эсига тушиб кетган бу қўшиқ фақат бир манзара эди. Аллақачонлар йўқ бўлиб кетган қадрдон ўтмишни эслатувчи бу туман каби хира ва ёқимли манзара ҳозирги роҳатсиз ва ҳузур-ҳаловатсиз кунларда бирдан кўз олдига келди.

<sup>1</sup> Л и р а, б а н д у р а — Украина чолғу асбоблари.

<sup>2</sup> Вой, ўрокчи кирда ўромкада ғалла.

Қадрдон ўтмиш ғойиб бўлиб кетган бўлса ҳам, лекин ҳали батамом йўқолмаган! Қазакларнинг жасади кўмилган қабрлар ана шу ўтмишнинг шоҳидлари бўлади. У ерда ярим кечада оловлар ёнадн, инграган овозлар эшитилади. Халқ достони ва замон ўтиши билан йўқолиб кетаётган халқ қўшиғи ҳам ана шунн куйлайди.

Ой, там на гор  
тай женці жнуть.  
А по-під горою,  
по-під зеленою  
Козаки ідуть!..  
Козаки ідуть!..<sup>1</sup>

Максим Яценко ғамгин қўшиқни зўр қизиқиш билан тинглади. Қўшиқнинг мазмунига жуда мос тушган бу ёқимли оҳанг гўё уфқа ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурлари остида ялтираб кўринган ана шу манзарани унинг кўз олдида гавдалантирди. Тинч далаларда ва кўм-кўк қирларда, экинзорларда ўроқчилар қадрларини букиб ғалла ўрмоқдалар. Пастда отрядлар бирин-кетин ўтиб бормоқда, водийнинг кечки сояларида аста-секин кўздан ғойиб бўлиб бормоқда.

По переду Дорошенко  
Веде свое військо,  
військо запорожське  
Хорошенько.<sup>2</sup>

Ўтмиш ҳақидаги қўшиқнинг чўзиқ садолари тўлқинланади ва зулмат ичидан янгидан-янги одамларни чақиритиш учун жаранглайди ва охири оҳиста сўнади.

## XII

Бола қўшиқни жуда ғамгин ва хомушлик билан тинглади. Ашулачи тепаликда ғалла ўраётган ўроқчилар ҳақида куйлаганда, Петрусь дарҳол ўзига таниш бўлган тепаликни тасаввур қиларди. У тепаликни, пастда, тошга урилиб оқаётган тўлқинларнинг узоқдан шовуллаган товуш-

<sup>1</sup> Вой, ўроқчи қирда ўрмоқда ғалла  
Этагидан эса ям-яшил қирнинг  
Қазаклар келар!..  
Қазаклар келар!..

<sup>2</sup> Дорошенко олда  
бсиллар лашкарин.  
Жасур Запорожьє аскарларини.



ларидан таниди. У ўроқчилик нима эканини ҳам билади, ўроқларнинг жаранглаши, ўрилган ғаллаларнинг шилдираб ерга ётиши қулоғига эшитилиб туради. Ашулачи тепалик тагида нималар бўлаётганини куйлаганда, кўр боланинг хаёли дарров тепаликдан пастга, водийга кўчарди...

Ўроқларнинг жаранглаши тинди, лекин бола ўроқчиларнинг тепаликда қолганликларини билади, уларнинг овозлари эшитилмаслигини тушунади, чунки тикка қоя тагида туриб, шовуллаган овозни эшитган қарағай дарахлари каби, бу тепалик ҳам жуда баланд. Пастдан, дарё бўйидан отларнинг дупури эшитилади. Отлар жуда кўп, уларнинг овози қоронғида, тепалик тагидан гуриллаб эшитилмоқда. «Келаётган казаклар» ана шулар.

У казакнинг ҳам ким эканлигини билади. Аҳён-аҳёнда қўрғонга кириб юрадиган қари Хведько чолни ҳам «кекса казак» деб атарди. У кўпинча Петрусни тиззасига ўтқазарди-да, қалтироқ қўллари билан сочларини силаб, эркалатарди. Бола ҳам одати бўйича, чолнинг юзларини пайпаслаб силаб кўрганда, ўзининг нозик ва сезгир бармоқлари билан унинг юзини чуқур ажин босганини, осилиб тушган узун мўйловларини, оқиб тушаётган қарилик кўзёшларини сезарди. Чўзиб айтилаётган қўшиқни эшитганда, у пастда, тепалик тагида худди мана шу Хведькога ўхшаган «казаклар»ни тасаввур қилар эди. Боланинг назарида, улар Хведько каби қари, букчайган, соқоллари пахмоқ, юзлари буришган отлиқ казаклар эди. Ана, улар қоронғида аста-секин келишяпти ва нима учундир Хведькога ўхшаб йиғлашяпти, бунинг сабаби эҳтимол, Иохим айтган қўшиқнинг — ёш хотинини ташлаб, жанговор сафарга кетаётган «беғам казаклар» ҳақидаги қўшиқнинг узоқ ва ғамгин садолари ҳамон тепалик устида ҳамда бутун водийда жаранглаб турганидадир.

Бола кўр бўлса ҳам, лекин унинг ўткир сезгилари қўшиқнинг поэтик образларини яхши тасаввур эта олишини Максим бир қарашдаёқ пайқади.

## УЧИНЧИ БОБ

### I

Максим ўрнатган тартибга кўра, бола иложи бўлган жойда ўз ҳолига қўйиб берилди, бу эса энг яхши натижаларни берди. Бола уйда ўзини жуда эркин сезар, ҳамма ерда ўзи бемалол юрар, хонасини ўзи йиғиштирар, ўйин-

чоқлари ва бошқа нарсаларни тартиб билан сақлар эди. Бундан ташқари, Максим боланинг ҳолига яраша жисмоний тарбия билан ҳам шуғуллантирди: боланинг ўзига хос гимнастикаси бор эди, олти ёшга қадам қўйганда Максим унга битта хушбичим, ювош тойчоқ олиб берди. Онаси, дастлаб, кўр боланинг от миниб юра олишига кўзи етмасди ва акасининг бу ишини тентакликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблади. Лекин инвалид ўзининг бор кучини сарф қилиши натижасида орадан икки-уч ой ўтгач, Петрусь Иохим билан бирга бемалол от чоптириб юрадиган бўлди, фақат муюлишларга келгандагина Иохим уни огоҳлантириб қўярди.

Шундай қилиб, унинг кўрлиги жисмоний жиҳатдан тўғри тарбиялашга халал бермади, бундан ташқари, кўрликнинг руҳий табиатига таъсири анчагина сусайтирилди. У ёшига нисбатан новча ва қотма, келишган, бир оз нурсиз чехрасининг бичими нозик ва маънодор эди. Қоп-қора сочлари чехрасини янада оқартириб кўрсатар, катта, қора ва камҳаракат кўзлари одам диққатини тортувчи бир ифода берар эди. Қоши тепасида пайдо бўлган ингичка ажин, бўйнини бир оз олдинга чўзиш одати, аҳён-аҳёнда чиройли чехрасида пайдо бўладиган ғамгинлик ифодаси — кўрлигини кўрсатувчи аломатлари шугина эди. У таниш ерда сира янглишмай, дадил юрарди, шундай бўлса-да, ундаги табиий ғайратнинг бўғилиб турганлиги ва вақти-вақти билан чехрасида асабийланиш аломатлари пайдо бўлгани сезилиб турарди.

## II

Эшитиш орқали ташқи дунёдан таассурот олиш кўр бола учун энди бирдан-бир восита бўлиб қолди. Товуш унинг учун ягона фикр манбаи, бутун ақлий фаолиятнинг дастаги бўлиб қолди. У қўшиқларнинг мафтункор ёқимли оҳангларини тингларкан, дарров ёдлаб олар, уларнинг мазмуни билан танишар, уни ўзича ғамгин, хурсанд ёки ўйчан оҳангларга кўмар эди. У атрофидаги табиат товушларига янада синчиклаб қулоқ солар ва улардан олган ғира-шира таассуротларини ўзига таниш бўлиб қолган товушларга қўшар, баъзан бу товушларни умумлаштириб, шундай куйга солардики, бундай қулоққа ўрнашиб қолган куй қаерда тамомланиб, ўзиники қаерда бошланишини ажратиш олиш қийин эди. Иккаласи бир-бирига шундай чамбарчас боғланиб кетар эдики, унинг ўзи ҳам қўшиқларда бу икки нарсани ажратиш ололмас эди. Онаси пианинода ўр-

гатган нарсаларнинг ҳаммасини дарҳол ўрганиб оларди, лекин Иохимнинг найини ҳам яхши кўрарди. Пианино товушга бой, овози тўлиқ ва жаранглаб чиқарди, аммо у уйда турарди, найни эса далага ҳам олиб кетиш мумкин. Найнинг ёқимли садолари даланинг эркин нафасига шу қадар қўшилиб кетардики, баъзан, бу садоларни узоқлардан шамол учириб келтираётиптими ёки унинг ўзи найда чаляптими, билмай ҳам қоларди.

Музикага бундай қаттиқ берилиб кетиши унинг фикрини ўстиришда асосий восита бўлиб қолди, музика — унинг ҳаётини тўлдирад ва янгилаб турарди. Максим, болани ўз она юртининг тарихи билан таништириш учун музикадан фойдалана бошлади ва бу тарих кўр боланинг хаёлида товушлар орқали гавдаланиб кўринди. Бола қўшиқлар тингларкан, уларнинг қаҳрамонлари билан, бу қаҳрамонларнинг тақдири, ўз ватанининг тақдири билан танишишга қизиқар эди. Адабиётга бўлган ҳаваси ҳам ана шундан бошланди. Бола тўққиз ёшга қадам қўйганда, Максим унга дарс бера бошлади. Максимнинг яхши дарс бериши болага ёқиб қолди (бунинг учун Максим кўрларни ўқитиш усулларини обдан ўрганиб чиққан эди). Бу дарслар боланинг аҳвол-руҳиясига янги аломатлар киритди, ғира-шира сезиладиган мусиқавий ҳиссиётлар равшан ва аниқроқ сезила бошлади.

Шундай қилиб, боланинг бекорчи вақти қолмади, ташқи таассуротлар камлик қилади, деб бўлмас эди. У соғлом болалар сингари тўлиқ ҳаёт кечирар эди. У ўзининг кўрлигини сезмаётгандай ҳам бўларди.

Шунга қарамай, унинг табиатида болаларга хос бўлмаган аллақандай ғамгинлик аломатлари сезилиб турарди.

Максим бунинг сабаби болалар билан бирга бўлмаслигидан деб ўйлар, бу етишмовчиликни тўлдиришга ҳаракат қиларди.

Кўрғонга чақириб келтирилган қишлоқ болалари тортинар, эркин ўйнаша олмас эди. Нотаниш ва бегона шароитга тушиб қолишларидан ташқари, «панич»нинг кўрлиги уларни хижолат қилар эди. Улар Петрусга қўрқиб-писиб қарашар, бир ерга ғуж бўлиб олиб жим туришар ёки бир-бировлари билан пичирлашиб сўзлашардилар. Болаларни далада ёки боғда ёлғиз қолдиришганда эса, улар ўзларини эркин ҳис этар, ҳар хил ўйинлар ўйнашиб шўхлик қилишарди, лекин кўр бола ҳамма вақт бир чеккада қолиб кетар, ўртоқларининг тўполонларини маъносиз бир ҳолда тинглаб ўтирарди.

Баъзан Иохим болаларни атрофга тўплаб, уларга ҳар хил эртаклар айтиб беради. Ҳар хил тентакнамо шайтонларни, айёр алвастиларни ва жинларни яхши биладиган қишлоқ болалари ҳам ўз билган-эшитганларини сўзлаб, Иохимга қўшимча қилишарди, умуман бу суҳбатлар қизгин ўтарди. Кўр буларни зўр иштиёқ билан қизиқиб тингларди, лекин камдан-кам куларди. Афтидан, унга жонли тилдаги юмор унчалик тушунарли бўлмаса керак, чунки Петрусь эртакчининг кўзлари кулиб туришини, юзидаги ажинларнинг ҳаракатга келишини, мўйловларининг қимирлашини кўрмас эди.

### III

Тасвир этилаётган вақтдан сал илгари қўшни имениеда янги «посессор»<sup>1</sup> пайдо бўлди. Ҳатто энг ювош пан Попельский билан тез-тез уришиб турадиган илгариги қўшни ўрнига, энди кекса Яскульский хотини билан кўчиб келган эди. Икковининг ёшини бирга қўшганда юзга етса ҳам, улар яқиндагина турмуш қурган эдилар, чунки пан Якуб ижарага имение олиш учун анча вақтгача пул жамғара олмади, шу сабабдан бировларникида хўжалик мудирини бўлиб ишлаб юрди. Пани Агнешка эса бахтиёр дақиқалар келишини кутиб, графиня Потоцкаянинг уйида фахрий «ходима» бўлиб ишлади. Кутилган дам келиб, куёв билан келин қўл ушлашиб костёлга<sup>2</sup> борган вақтда куёвнинг сочлари ва мўйлови мош-гуруч бўлиб қолган, келиннинг уяганидан лоладек қип-қизарган юзи атрофидаги сочлари ҳам оқара бошлаган эди.

Бироқ, бу ҳол уларнинг бахтиёр яшашларига халал бермади, қарилликда келган бу муҳаббатнинг самараси ўлароқ бир қизча туғилди, бу қизча кўр бола билан деярли тенгдош эди. Қариган чоғларида уй-жойли бўлиб, бировники бўлса ҳам ҳарҳолда ўзларини тўла ҳуқуқли хўжайин ҳис қилган чолу кампир неча йиллар «бегоналарники»да тортган азоб-уқубатлари эвазига эндиликда ўзларини ардоқлаб, тинч ва осойишта ҳаёт кечири бошладилар. Илгари ижарага олган именнелари анча қимматга тушган эди, шунинг учун арзонроқ имение топишга тўғри келди. Лекин бу ерда ҳам улар ўзларича ҳаёт кечири бошладилар.

<sup>1</sup> Жанубий-ғарбий ўлкада имениени ижарага қўйиш кенг тарқалган бўлиб, ижарачи (маҳаллий тилда «посессор») имениени бошқариб туради. У имение эгасига маълум миқдорда ҳақ тўлагандан кейин, оз ёки кўп даромад олиш унинг шахсий ҳаракатига боғлиқ бўлади (Автор изоҳи).

<sup>2</sup> Черков.

Яскульская уйнинг бир бурчагига бахмалга ўралган иконалар қўйди. Тол новдалари ва қаттиқ бўрон турганда ёқиладиган ёки ўлаётган касалнинг қўлига тутқазиб қўйиладиган шамлар, аллақандай гиёҳ ва илдизлар солинган халталар ҳам шу бурчакда турарди. Пани Яскульская эрини ва қишлоқ халқини ана шулар билан даволар эди. Бу гиёҳларнинг аллақандай ёқимли ҳиди бутун уйни тутиб кетганди. Бу ҳидлар ҳар бир одамда шу озода уй ҳақида, унинг тинч ва осойишталиги ҳақида, у уйда бизнинг замонамиз учун ғайритабиий тарзда тинч ҳаёт кечираётган чолкамбир тўғрисида яхши таассурот қолдирарди.

Чол-камбир тарбиясида биринчи кўришдаёқ ўзининг жиддийлиги билан ҳаммани ҳайратда қолдирадиган узун, сариқ сочли, кўккўз, яккаю ягона қизча ўсмоқда эди. Отананинг қарилликда келган сокин муҳаббати қизнинг сермулоҳазалигида, вазмин ҳаракатларида, ўйчанлигида ва мовий кўзларининг теранлигида акс этгандек кўринарди. У ҳеч қачон бегоналардан ётсирмас, болалар билан танишишдан қочмасди, улар билан барабар ўйнаб кетаверарди. Лекин қиз буларни шу қадар камтарлик ва самимият билан қилар эдики, гўёки буларни шахсан ўзи учун эмас, балки ана шу ўртоқлари учун қилаётгандек кўринарди. Дарҳақиқат, у ёлғиз юрганда ҳам зерикмас, ўзи ўйнаб, гул териб, қўғирчоғи билан суҳбатлашиб юрар эди ва буларнинг ҳаммасини шу қадар жиддийлик ва салмоқ билан қилар эдики, олдингизда гўдак қизча эмас, балки кичкинагина аёл тургандек туюларди.

#### IV

Кунлардан бир куни Петрик дарё бўйидаги тепаликда ёлғиз ўтирарди. Қуёш ботиб борар, атроф жимжит, фақат қишлоққа қайтаётган поданинг маъраши узоқдан эшитилиб турарди. Бола най чалишдан эндигина тўхтаб, майса устида ётар ва ёз оқшомида лаззатланиб мудрарди. У мудрай бошлаган эдиямки, кимнингдир енгил қадам товуши унинг уйқусини қочириб юборди. У ранжигансимон тирсагига тиралиб қаддини кўтарди-да, қулоқ солди. Оёқ товуши тепаликнинг ёнбағрига келганда тўхтади. Бу қадам ташлаш унга нотаниш эди.

Шу пайт тўсатдан бир ёш қизчанинг:

— Ҳой бола! Бу ерда ҳозир ким най чалди, билмайсанми?— деган товушини эшитди.

Кўр бола ёлғиз ўтирганда олдига биров келишини ёқтирмас эди. Шунинг учун ҳам у саволга истар-истамас:

— Мен эдим...— деб жавоб берди.

Унинг жавобини эшитган қизча ҳайратланиб: «Вой!» деб юборди-да, шу ондаёқ соддадиллик билан:

— Жуда яхши чаларкансан!— деди.

Кўр бир нафас индамай турганидан кейин:

— Нега кетмаяпсиз?— деб сўради, кутилмаган ҳамсуҳбат қизчанинг ҳамон жойида турганини пайқаб.

— Нимага мени ҳайдайсан?— деб сўради қизча, самний, ажабланган оҳангда.

Бу болаларга хос сокин товуш кўрнинг қулоқларига ёқимли эшитилса ҳам, у аввалги оҳангда:

— Мен олдимга биров келишини ёқтирмайман...— деди.

Қизча кулиб юборди.

— Буни қара-я... Ҳамма ер сеникими, одамларнинг юришини тақиқлашга ҳаққинг борми?

— Ойим менинг олдимга ҳеч ким келмасин, деб буюрган.

— Ойинг-а?— деб ўйчанлик билан сўради қизча.— Менинг ойим дарё бўйида юришимга рухсат берган...

Болани ҳамма эркалатиб юборгани учун, бошқаларнинг бу хилда қаршилик кўрсатишини ёмон кўрар эди. Унинг чеҳрасида ғазаб аломатлари пайдо бўлиб, асабийлашди, қаддини кўтариб, ранжиган овоз билан:

— Кетинг, кетинг, кетинг!..— деди.

Агар шу маҳал кўрғондан болани чойга чақираётган Иохимнинг овози эшитилмаганда, бу воқеа нима билан тугаши номаълум эди. Петрик тепаликдан ғизиллаб тушиб кетди. Орқасидан қизчанинг аччиғи келиб:

— Вой, ёмон бола экансан!— дегани эшитилди.

## V

Эртаси кунн бола яна ўша жойда ўтирганида, кечаги воқеани эслади. Энди у воқеа, унинг аччиғини келтирмас эди. Аксинча, у кечаги мулойим ва юмшоқ товушли қизчанинг яна келишини истарди. У бундай мулойим товушни сира эшитмаган эди. Унга таниш бўлган болалар қаттиқ бақиришар, шовқин солишар, кулишар, уришар ва йиғлашар эди, лекин уларнинг биронтаси ҳам бунчалик ёқимли сўзлаёлмас эди. У нотаниш қизчани хафа қилганига ачинар, энди сира ҳам келмас деб ўйларди.

Ҳақиқатан ҳам қизча уч кунгача келмай юрди. Бироқ тўртинчи кунн Петрусь пастда, сой бўйида унинг оёқ товушини эшитиб қолди. Қиз секин келарди. Қирғоқдаги

шағаллар қизчанинг оёқлари остида оҳиста ғижирлар, ўзи эса эшитилар-эшитилмас полякча ашула айтиб келарди.

— Менга қаранг! Келаётган яна сизмисиз?— деб сўради бола, қизча яқин келганда.

Қизча индамади. Шағаллар илгаригидек, унинг оёқлари остида ғижирларди. Унинг ашула айтган вақтидаги ясама, бенаво товуши, болага ўша кунги хафагарчиликни ҳали унутмаганидан дарак берарди.

Шундай бўлса ҳам қизча бир неча қадам юргандан кейин тўхтади. Икки-уч дақиқа жимлик ҳукм сурди. Қизча бу вақтда қўлидаги ёввойи гулларни саралаб турарди, бола эса унинг жавобини кутарди. Бу тўхташдан ва ундан кейинги жимликдан бола қизчанинг жўрттага менсимасдан турганини пайқади.

— Мен эканимни кўрмаяпсизми?— деди қизча кибр билан, гулларини яхшилаб дасталагач.

Бу оддий савол кўрнинг кўнглига қаттиқ ботди. У жавоб қайтармади, фақат ерга тиралиб турган қўллари бирдан қалтираб кетиб, ўтларни ғижимлай бошлади. Аммо суҳбат бошланган эди, қизча турган жойида, ҳамон гулдастаси билан овора бўларкан:

— Сенга найни бунчалик яхши чалишни ким ўргатди?— деб сўради.

— Иохим ўргатди,— деб жавоб берди Петрусь.

— Жуда яхши! Нима учун бунақа сержаҳлсан-а?

— Мен... сиздан хафа бўлаётганим йўқ!— деди бола секингина.

— Ундай бўлса, мен ҳам хафа эмасман... Кел, бирга ўйлаймиз.

— Мен сиз билан ўйнай олмайман,— деди бола бошини қуйи солиб.

— Ўйнай олмайсан? Нима учун?

— Шундай...

— Нима учун, ахир?

— Шундай-да,— деди бола секин ва бошини янада қуйи солди.

У ўзининг кўрлиги ҳақида ҳали ҳеч ким билан сўзлашмаган, ҳадеб: «Бирга ўйнайлик», деб илтимос қилувчи софдил қизчанинг мулойим сўроқлари унинг кўнглига янада қаттиқроқ ботарди.

Қизча тепага чиқди.

— Жуда ғалати бола экансан,— деди меҳрибонлик билан боланинг ёнидаги майсага ўтириб.— Ҳали мен билан таниш бўлмаганинг учун шунақадирсан. Мени яхши таниб

олсанг, кейин қўрқмайдиган бўласан. Мен ҳеч кимдан қўрқмайман.

Қизча бу сўзларни бепарволик билан айтарди, шу онда Петрусь қизчанинг гулдасталарни этагига солганини эшитди.

— Гулларни қаердан тердингиз?— деб сўради у.

— Ҳув анави ердан,— келган томонини боши билан ишора қилиб кўрсатди қизча.

— Ўтлоқданми?

— Йўқ, анави ердан.

— Демак, ўрмонзордан терибсиз-да? Булар қанақа гул?

— Ҳали гулларнинг қанақалигини ҳам билмайсанми?.. Вой, жуда ғалати экансан-ку... Ростдан ҳам сен жуда ғалати бола экансан...

Бола битта гулни қўлига олиб, барглари ва косачасини бармоқлари билан тез, лекин енгилгина пайпаслаб кўрди.

— Бу айиқтовон, мана буниси гунафша,— деди у.

Сўнгра бола ўз ҳамсуҳбати билан ҳам шу йўсинда танишмоқчи бўлди: чап қўли билан қизчанинг елкасидан ушлади-да, ўнг қўли билан сочларини сийпалай бошлади, сўнгра кўз-қовоқларини сийпалади ва бармоқлари билан юзғни силаб кўрди, баъзан қўлини тўхтатиб, қизнинг юзидаги нотаниш жойларни диққат билан ушлаб кўра бошлади.

Буларнинг ҳаммаси шундай кутилмаганда ва шунақа тез қилиндики, ҳайрон қолган қизча нима дейишини биллолмай қолди; фақат у кўзларини катта очиб, ваҳима билан болага тикилиб турарди. У янги танишининг юзида қандайдир, одатдан ташқари бир нарса борлигини фақат энди сезган эди. Қонсиз ва нозик чеҳрасидаги диққат аломати ҳаракатсиз кўзларининг бақрайиб туришига сира ҳам даҳлсиздек эди. Боланинг кўзи қаёққадир, бошқа бир томонга қарар, унинг қараши қилаётган ишига сира боғланмас, ботаётган қуёшнинг нури кўзига тушиб, ғалати бўлиб ялтирарди. Буларнинг ҳаммаси қизчага бир дақиқалик зўр даҳшатдек кўринди.

Қизча елкасидан боланинг қўлини олиб ташлаб, ирғиб ўрнидан турди-да, йиғлаб юборди.

У йиғи аралаш ғазаб билан:

— Нимага мени қўрқитасан, ярамас бола? Мен сенга нима ёмонлик қилдим?.. Нима учун?..— деди.

Бола бошини қуйи солиб, нима дейишини билмай ўтирарди, юрагини ғалати оғир туйғу — хафалик билан хўр-



ланиш туйғуси эзарди. У ўзининг заифлиги, жисмоний камчилиги фақат ачинтиришгина эмас, балки одамни даҳшатга солишга ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини биринчи марта ҳис қилди. Албатта, у ўзини азобловчи оғир туйғининг нималигини аниқ англай олмасди, аммо тасавури ёрқин ва равшан бўлмагани учун ҳам азоби камаймас эди.

Аччиқ хўрлик ва алам боланинг томоғига келиб тўхтаб қолди, у кўкат устига ўзини ташлади-да, йиғлаб юборди. Унинг йиғиси борган сари кучаяр, ғурур ҳисси уни йиғидан тийишга ундаган сари, баттар ҳўнграб йиғлар ва кичкина танаси титраб эди.

Тепаликдан тушиб келган қизча бу йиғини эшитиб ҳайрон бўлди-да, орқасига қайрилиб қаради. Янги танишининг мук тушиб аччиқ-аччиқ йиғлаётганини кўриб, раҳми келди ва секин тепаликка чиқиб, боланинг олдига келди.

— Ҳой бола,— деди секингина қизча.— Нега йиғлаяпсан? Сен мени бориб чақади, деб ўйлаяпсанми? Қўй, йиғлама, ҳеч кимга айтмайман.

Меҳрибонлик билан айтилган бу мулоим сўзлар болага яна қаттиқ таъсир қилди, у баттар йиғлаб юборди. Қизча унинг ёнига чўққайди, шу тарзда ярим минутча ўтиргандан сўнг секингина боланинг сочларини силай бошлади. Она жазолаган боласини юпатгандек, қизча ҳам боланинг бошини ердан кўтарди-да, дастрўмолчаси билан унинг кўзёшларини арта бошлади.

— Қўй, йиғлама, бўлди!— деди катталарга хос товўш билан.— Мен ҳеч аччиқланмайман. Мени қўрқитганингни учун афсусланаётганингни сезиб турибман...

— Мен сени қўрқитмоқчи эмас эдим,— деди бола чуқур хўрсиниб, ўзини босиб олиш мақсадида.

— Майли, майли! Мен аччиқланмайман!.. Энди сен ҳеч шундай қилмайсан-а?— деди қизча ва уни ўрнидан турғизиб, ўзининг ёнига ўтқизмоқчи бўлди.

Бола қизчага бўйсунди. Энди у яна боягидек, кун ботаётган томонга қараб ўтирарди: қизча боланинг қизғиш қуёш нури акс этган юзига қараркан, унга яна ғалати бўлиб кўринди. Боланинг кўзёшлари тийилмаган, кўзлари эса ҳамон илгаригидек ҳаракатсиз эди. Чехраси асабийлашиб тортишар, шу билан бирга унда болаларга хос бўлмаган оғир, чуқур қайғу акс этарди.

— Ҳарҳолда, сен жуда ғалати бола экансан,— деди қизча хаёлга чўмиб.

— Мен ғалати эмасман,— деб жавоб берди бола ўксиниб.— Йўқ, мен ғалати эмасман... Мен...: кўрман!

— Кўрман дейсанми?— деб қичқириб юборди титроқ товуш билан қизча, боланинг секингина айтган бу аянч сўзи қизчанинг нозик ёш қалбига ханжардай санчилди.— Кў-ўрман дейсанми?— деб такрорлади у, яна баттар титроқ товуш билан, ачиниш ҳисларидан қутулиш учун чора излагандек, бирдан боланинг бўйнидан қучоқлади-да, юзига юзини қўйдн.

Тўсатдан очилган бу аянчли сирдан воқиф бўлиб қолган дилбар қиз ўзининг юксак вазминлигида туролмай, бирдан қайғуга чўмган ва ҳимоясиз қолган гўдакка айланди-да, ўкраб йиғлаб юборди.

## VI

Бир неча дақиқа индамай қолдилар.

Қизча йиғидан тўхтади, лекин хўрсиниб, ўпкасини тутолмас эди.

Темирдай қизиган осмонда гир айланиб, уфқнинг қора чизиги орқасига яширинаётган қуёшга жиққа ёшга тўлган кўзлари билан термулар эди. Оловли шарнинг олтинсимон чизиги яна бир марта ялт этиб кўринди-ю, бир оздан сўнг икки-уч учқун сачратган эди, бирдан узоқдаги қоронғи ўрмонни кўкимтир рангга бўяди.

Дарёдан шабада эсди, сокин оқшомнинг кириб келиши боланинг юзида акс этди, у қизчанинг раҳмдиллигига ҳайрон қолиб, бошини эгиб ўтирарди.

•Қизча ўзининг кўнгилчанлигини англатмоқчи бўлиб:

— Сенга раҳмим келади,— деди ҳамон пиқиллаб йиғлаб.

Сўнгра, ўзини бир оз тутиб олгач, гапни иккови ҳам бепарво қарайдиган бошқа нарсага бурмоқчи бўлди.

— Қуёш ҳам ботди,— деди у хаёл суриб.

Бола маъюс оҳангда:

— Мен унинг қанақалигини билмайман, фақат уни сезаман, холос...— деди.

— Қуёшни билмайсанми?

— Ҳа, билмайман.

— Ойингни-чи... уни ҳам билмайсанми?

— Ойимни биламан. Узоқда келаётгандаёқ юришидан дарров пайқаб олавераман.

Сухбат осойишта давом этди.

— Биласанми,— деди кўр бир оз жонланиб.— Мен қуёшни сезаман, унинг қачон ботганини ҳам биламан.

— Қандай қилиб биласан?

— Шундай... нима десам экан... Қандай қилиб билишимни ўзим ҳам тушунолмайман...

— Ҳа-а!— деди қизча худди жавобга қаноатлангандай. Шундан кейин иккиси ҳам жим қолишди.

— Мен ўқишни биламан, яқинда ёзишни ҳам ўрганиб оламан,— деб сўз бошлади Петрусь.

Қизча:

— Қандай қилиб...— деб сўз бошлаган эди, лекин хижолат бўлиб, бу қалтис саволни давом эттирмади. Аммо бола бунни дарров тушунди.

— Мен ўз китобимни ўқийман,— деб тушунтирди бола,— бармоқ билан.

— Бармоқ билан? Мен бўлсам сира бармоқ билан ўқишни ўргана олмас эдим... Ҳатто кўзим билан ҳам аранг ўқийман. Дадам, хотин-қизлар илм-фанни яхши тушунишмайди, дейди.

— Мен ҳатто французча ўқишни ҳам биламан!

— Французчани ҳам дейсанми?.. Бармоқ билан-а... Қандай ақлли бола экансан!— деб завқланди қизча чин кўнгилдан.— Бироқ шамоллаб қолмасанг деб қўрқаман. Ана, дарёдан туман кўтариляпти...

— Ўзинг-чи?

— Мен қўрқмайман, менга ҳеч нарса қилмайди.

— Бўлмаса, мен ҳам қўрқмайман. Эркаклар хотин-қизлардан кўра тезроқ шамоллаши мумкинми? Максим тоғам: «Эркак киши ҳеч нарсадан — совуқдан ҳам, очликдан ҳам, момақалдиروқдан ҳам, булутдан ҳам қўрқмаслиги керак», дейди.

— Максим тоға дейсанми?.. Қўлтиқтаёқ билан юрадиган кишими?.. Мен уни кўрганман. У жуда кўрқинчли одам!

— Йўқ, у ҳеч қўрқинчли эмас. Жуда меҳрибон одам.

— Йўқ, қўрқинчли!— деди қизча қатъий ишонч билан.— Сен билмайсан, чунки сен уни кўрмагансан.

— У менга ҳамма нарсани ўргатади-ю, нега билмай!

— Урадими?

— Ҳеч қачон урмайди, менга қаттиқ ҳам гапирмайди... Ҳеч қачон қаттиқ гапирмайди...

— Буниси яхши. Кўр болани уриб бўладими? Бу гуноҳ бўлади-ку.

— Ҳа, у ҳеч кимни урмайди,— деди Петрусь паришон ҳолда, чунки унинг сезгир қулоқлари, яқинлашиб келаётган Иохимнинг оёқ товушини эшитган эди.

Ҳақиқатан ҳам сал вақтдан кейин қўрғонни қирғоқдан

ажратиб турган тепалик устида Иохимнинг барваста қомати кўринди. Унинг:

— Па-ни-чу-у-у!— деб қичқирган товуши ҳаммаёққа тарқалиб, оқшом сукунатида жаранглаб эшитилди.

— Сени чақиришяпти,— деди қизча ўрнидан тураётиб.

— Эшитдим. Лекин сира кетгим келмаяпти.

— Майли, бора қол! Мен эртага сенинг олдинга келман. Ҳозир сени ҳам кутишяпти, мени ҳам.

## VII

Қизча ўз ваъдасида туриб, Петрусь кутгандан ҳам эртароқ етиб келди. Эртаси Петрусь ўз бўлмасида Максим билан дарс тайёрлаб ўтирганда, бирдан бошини кўтариб қулоқ солди-да, ҳаяжон билан:

— Бир минутга рухсат бер, тоға! Қизча келди,— деди.

— Тагин қанақа қиз?— ажабланди Максим ва боланинг кетидан ташқари эшикка чиқди.

Ҳақиқатан ҳам Петруснинг кечаги таниш қизи худди шу вақтда дарвозадан қўрғонга кириб келмоқда эди. У ҳовлидан ўтиб кетаётган Анна Михайловнани кўриб, ҳеч тортинмасдан, тўппа-тўғри унинг ёнига борди.

Қизни бирон иш билан юборган бўлсалар керак деб ўйлаган Анна Михайловна:

— Хўш, нима иш билан келдинг, яхши қиз?— деб сўради.

Қиз жиддийлик билан қўлини узатиб кўришди-да:

— Сизнинг кўр ўғлингиз бор-а?— деб сўради.

— Ҳа, бор, жонгинам, кўр бола менинг ўғлим бўлади,— деб жавоб берди Попельская хоним, қизнинг тиниқ, нузли кўзлари ва очиқ муомаласига суқланиб қараб.

— Биласизми... Ойим ўғлингизнинг олдига келишимга рухсат берди. Уни кўрсам бўладими?

Бироқ шу пайтда қизчанинг олдига Петруснинг ўзи югуриб келди, айвонда Максимнинг қораси кўринди.

— Ойи, мен сизга айтган кечаги қиз шу!— деди Петрусь қиз билан кўришиб.— Лекин ҳозир дарсим бор-да.

— Майли, бу сафар Максим тоғанг рухсат этар, ўзим ундан сўраб бераман,— Максим тоға ёнига ўз уйидагидек сира тортинмасдан борди-да, кўришиб, мамнун оҳангда:

— Кўр болани урмас экансиз, яхши қиласиз. У менга ҳаммасини айтиб берди,— деди.

— Шундайми, хоним?— деди Максим, ҳазиломуз жиддийлик билан, қизнинг кичкина қўлчасини ўзининг улкан

қўли билан ушлаб.— Шундай гўзал қизчани мендан мамнун қила олгани учун, ўз шогирдимдан беҳад миннатдорман.

Максим қизчанинг қўлини силаб, кулиб юборди. Қизча эса хотин зотини ёмон кўрувчи Максимнинг қалбини эритиб, тиниқ кўзлари билан унга термулиб турарди.

— Аннуса, бунга қара,— деди Максим синглисига аллақандай кулиб қараб.— Кўрдингми, Пётримиз ўзига таниш орттирадаган бўлиб қопти. Кўзи кўр бўлса ҳам, ҳарҳолда янглишмапти, анча тузуккина қизчани топиб олибди, диди жойида, тўғри эмасми?

— Бу нима деганинг, Макс?— деб сўради жувон ва юзлари қип-қизариб кетди.

Максим ўзининг ҳазили билан ҳушёр онанинг дилига қаттиқ текканини ва унинг қалбидаги яширин сезгисини қитиқлаганини сезди-да:

— Ҳазиллашяпман!— деди.

Анна Михайловна баттароқ қизарди ва дарҳол энгашиб қизчани астойдил меҳр билан бағрига босди, қизча эса бу кутилмаган меҳрибончиликни тушунмай, таажжубланган бўлса ҳам, лекин буни илгаригидек очикқўнгил билан қарши олди.

## VIII

Шу кундан бошлаб, ижарага олинган имение билан Попельскийларнинг қўрғони ўртасида энг самимий муносабат бошланди. Қизчанинг номи Эвелина эди. У ҳар куни Попельскийлар қўрғонига келадиган бўлди. Орадан бир оз вақт ўтгач, қизча ҳам Максим қўлида ўқий бошлади. Болаларнинг биргаликда ўқиши дастлаб пан Яскульскийга ёқмади. Биринчидан, у хотин киши ювишга берилган кирни ёзиб олиш ва харажат дафтарларини эплай олса кифоя, деб ҳисобларди. Иккинчидан, Яскульский тақводор католиклардан эди, шунинг учун, Максимнинг Рим папаси талаб ва иродасига қарамай, австрияликларга қарши уруш қилганини маъқулламасди. Ниҳоят, у осмонда худо бор, Вольтер<sup>1</sup> ва вольтерчилар эса дўзах ўтида куяди, деб ишонар, кўп кишиларнинг фикрига кўра, пан Максимнинг ҳам тақдири шундай бўлиши керак эди. Бироқ Максим билан яхшироқ танишгандан кейин бу шаккок жанжалкаш даҳрий-

<sup>1</sup> Вольтер — XVIII асрда ўтган француз ёзувчиси ва философи бўлиб, феодал тузум ва черковга қарши эди. В о л ь т е р ч и л а р — Вольтернинг маслакдошлари.

нинг самимий ҳамда доно одам эканлигини билгач, унга ён беришга мажбур бўлди.

Шундай бўлса ҳам, кекса шляхтичнинг кўнгли гаш эди, шу сабабдан у қизини биринчи марта ўқишга олиб келганда унга дабдабали суратда насиҳат қилди, аслида бу сўзлар Максимга тегизиб айтилаётган эди.

У қизнинг елкасига қўлини қўйиб, унинг бўлажак муаллими Максимга тикилиб:

— Қизим Веля... осмонда худо борлигини, Римда унинг муқаддас «ноиб» — папа борлигини унутма. Буни сенга мен, Валентин Яскульский айтаман, сен менга ишонмоғинг керак, чунки мен сенинг отанг бўламан — бу — Ргіто<sup>1</sup>, — деди.

Шундан кейин, у Максим турган томонга яна бир қараб қўйди. Бу билан пан Яскульский, мен ҳам лотин тилини биламан, илм-ҳикматдан хабарим бор, мен алдаш қийин, дегандек қилиб қўйди.

— Secundo<sup>2</sup>, мен ўзимизга яраша герб эгасиман.<sup>3</sup> Бизнинг гербда «ғарам билан қарга» суратидан ташқари, кўм-кўк далада турган хочнинг сурати ҳам солинганлиги бежиз эмас. Яскульскийларнинг яхши рицарь бўлиш билан бирга, қилчларини ташлаб, худога итоат қилган вақтлари ҳам бўлган, осмонда худо борлигини биладилар, шунинг учун сен менга ишонмоғинг керак. Orlisterragumга, яъни бу дунёга тааллуқли ҳамма нарса тўғрисида пан Максим Яценко нима деса, унга қулоқ солгин ва яхши ўқинг.

Бу сўзларга жавобан Максим кулимсираб:

— Пан Валентин, хотиржам бўлинг, биз қизчаларга Гарибальди отрядига киришни таклиф этаётганимиз йўқ, — деди.

## IX

Болаларнинг бирга ўқиши иккиси учун ҳам жуда фойдали бўлди Петрусь, табийки, қиздан яхшироқ ўқирди, ammo шундай бўлса ҳам, икки ўртада мусобақа борарди. Бундан ташқари, дарс тайёрлашда Петрусь кўпинча қизга кўмаклашарди. Қизча эса, Петрусь яхши тушунмаган баъзи нарсаларни тушунтириш учун жуда яхши ва қулай йўл топар эди. Бундан ташқари, қизнинг бирга ўқиши Петруснинг ақлий машғулотини анча жонлантирди.

<sup>1</sup> Ргіто (лотинча) — биринчидан, дегани.

<sup>2</sup> Secundo (лотинча) — яқинчидан, дегани.

<sup>3</sup> Герб эгаси — Ғарбий Европа дворянларининг ҳар бири ўз герби, ўз байроғига эга бўларди.

Умуман айтганда, бу дўстлик, ҳақиқатан ҳам, тақдирнинг муруввати эди. Энди бола ёлғизликни изламас эди. У шундай бир ўртоқ топиб олдики, катталарнинг муҳаббатини ҳам унга бундай таъсир бағишламас эди: сезгир руҳини роҳат топган пайтларда, қизнинг шу ердалиги уни севинтирарди. Улар тепаликка ёки дарё бўйига ҳамини бирга боришарди. Петрусь най чалганда қизча маҳлиё бўлиб тингларди. Бола най чалишни тўхтатганда, қизча атрофдаги манзаралардан олган таассуротларини болаларга хос жонли тил билан ҳикоя қиларди. Албатта, у кўрган-билганларини керакли сўзлар топиб тўлиқ айтиб беролмас эди, лекин унинг содда сўзларидан, гапининг оҳангидан ҳам бир воқеанинг ўзига хос хислатларини дарров пайқаб оларди. Масалан, қизча ер устига рутубатли қоронғи тун бостириб келаётгани ҳақида сўзлаганда, бола қизнинг чўчиган овозидан бу қоронғиликни кўраётгандек бўларди. Ёки баъзан қизча ўйчан бошини осмонга кўтариб: «Ху, ана, қоп-қора булут сузиб келяпти!» деганда, Петрусга дарҳол совуқ шабада эсгандай сезиларди ва узоқларда, баланд осмонда секин-аста сузиб келаётган даҳшатли қоп-қора бир нарсанинг шарпаси эшитилгандек туюларди.

## ТўРТИНЧИ БОБ

### I

Шундай одамлар бўладики, уларнинг қисматларига муҳаббат йўлида қайғу-ҳасрат чекиш ва шу билан бирга ўзларини фидо этиш ёзилган бўлади, бундай кишиларга ўзганинг қайғу-ҳасрати худди табиий бир эҳтиёждай бўлиб қолади. Табиатнинг ўзи уларни хотиржам қилиб яратган, шу хотиржамлик бўлмаса, кундалик ҳаёт қаҳрамонлиги ҳам бўлмас эди. Табиат улардаги шахсий манфаатпарастликни атайлаб пасайтирган, бу интилиш ва эҳтиёжларни мижознинг энг асосий хусусиятига бўйсундирган бўлади. Бундай кишилар кўпинча совуққон, мулоҳазали, туйғу-ҳиссиётлардан маҳрум кўринади. Улар инсоний ҳаёт талабларига бер-парво қарайдилар ва ўз зиммаларига тушган бурч йўлидан, худди шахсий бахтларининг ёрқин йўлидан кетаётгандек, хотиржам кетаверадилар. Ҳаётнинг чиркин ишлари уларнинг оёқлари остида қолиб кетаверади. Ҳатто уларга қилинган ифво ва тўхматлар ҳам худди оққуш қанотларидан ифлос томчилар думалаб тушгандек, тушиб кетаверади...

Пётрнинг кичкина дўсти ҳам ана шундай кишининг ҳам ма фазилатларига эга эди. Бу фазилатларни тарбия ҳаёт етиштирмайди, балки даҳо каби камдан-кам одамларда ёшлик чоғидаёқ пайдо бўлади. Кўр боланинг онаси дўстликни ўғлига берилган катта бир бахт деб билар. Максим тоға ҳам бунини яхши тушунарди. У энди шогирд илгари етишмаган нарсаларга эришди, энди кўр боланинг ҳий тарбияси равон йўлдан тинчгина давом этади, дедлар эди...Аммо бундай деб ўйлаш катта хато эди.

## II

Бола ёшлик вақтида, Максим унинг бутун руҳий тарбиясини батамом қўлга олдим ва бола бевосита менинг таъсирим остида бўлмасда-да, ҳарҳолда, ҳар бир қадами, ҳар, бир янги таассуроти менинг назоратимдан ташқари бўлмайди, деб ўйларди. Бироқ, бола улғайиб, болалиқдан ўсмирликка ўтиш пайти келганда, Максим ўзининг бу мағрурона педагогик ҳаёллари пуч эканини англади. Деярли ҳар ҳафта бирон янгилик бўлиб турарди, бу янгилик кўр боладан чиқишига баъзан одамнинг ишонгиси ҳам келмасди. Максим эса болада пайдо бўладиган янги гоё ва тасаввурнинг манбаини биламан, деб сира билолмасди. Боланинг қалбида аллақандай сирли куч булоқдек қайнаб турар, унинг энг теран ерларидан бола руҳий ўсишининг кутилмаган намуналарини юзага чиқариб турар эди, Максим эса ўзининг педагогик ишига аралашувчи ҳаётий ҳодисаларнинг изчиллик билан ривожланувчи сирли жараёнларига таъбир берар эди. Табиатнинг бу каби ундашлари унинг ўз сирларини очиб бериши болага шундай таассуротлар берардики, кўр бола буларга шахсий тажрибалари орқали эриша олмас эди. Максим бу ишда ҳаётий ҳодисаларнинг алоҳида турмуш шароитида юзага келадиган минг хил жараёнлар билан боғлиқ эканини пайқар эди.

Олдинига бу ҳол Максимни жуда қўрқитиб юборди. У боланинг онгини эгаллаган ёлғиз ўзи эмаслигини, бу онгининг ўсишида ўз таъсиридан бегона нарсалар ҳам борлигини кўриб, ўзи тарбиялаб ўстираётган боланинг қисмати учун қаттиқ қайғуриб, кўр болада фақат қайғу-ҳасратлар манбаи бўлиши мумкин бўлган талабларнинг юзага келишиндан қўрқарди. Шунинг учун Максим, аллақайлардан пайдо бўлувчи бу манбаини қаердан бўлса ҳам қидириб топишга ва кўр боланинг фойдасини кўзлаб, бу ҳиссиётлар манбаига олиб борадиган йўлни тўсишга ҳаракат қила бошлади.



Бу қутилмаган таассуротларни онаси ҳам сеза бошлаган эди. Бир кун эрталаб Петрик ҳаддан ташқари саросимага тушган ҳолда онасининг олдига югуриб борди.

— Ойи, ойи!— деб қичқирди у.— Мен туш кўрдим.

— Тушингда нималарни кўрдинг, болам?— деб шубҳаланиб сўради онаси.

— Мен тушимда... сени ва Максим тоғамни кўрган эмишман, ийнайкейин, ҳамма нарсани кўрар эмишман... Ойинжон, шундай яхшики, шундай яхшики!

— Яна нималарни кўрдинг, болам?

— Эсимда йўқ.

— Мен эсингда борманми?

— Йўқ.— деди бола, ўйланиб туриб.— Ҳаммаси эсимдан чиқиб қолди... Аммо туш кўрганам рост, рост...— деди, бир нафас жим тургандан кейин ва бирдан чеҳрасида ғамгинлик аломатлари пайдо бўлди. Кўр кўзлари жиққа ёшга тўлди...

Бу нарса яна бир неча марта такрорланди ва ҳар сафар бола борган сари кўпроқ хафаланиб, ҳаяжонланадиган бўлиб қолди.

### III

Бир кун Максим ҳовлида ўтиб кетаётиб, одатда музика дарси ўтказиладиган меҳмонхонадан ғалати машқни эшитиб қолди. Бу куй икки хил нотадан иборат эди. Олдин тез-тез ва кетма-кет чалиш натижасида энг ингичка товуш жараиглаб эшитиларди, унинг кетидан пастки йўғон товуш дарангларди. Бу ғалати машқни билишга қизиққан Максим, қўлтиқтаёғини дўқиллатиб ҳовлидан ўтди-да, меҳмонхонага кирди. Қутилмаган манзара устидан чиқиб қолган Максим турган жойида қотиб қолди.

Ун ёшга қадам қўйган бола онасининг олдида пастаккина курсида ўтирар эди. Унинг олдида пианино Иохим тутиб берган ва қўлга ўриатилган лайлак боласи бўйинини чўзиб, тумшугини ҳар томонга қаратиб турарди. Бола уни ҳар кун эрта билан ўзи овқатлантирарди, лайлак ҳам янги хўжайинининг кетидан эргашиб юрар эди. Ҳозир Петрусь чеҳрасида зўр диққат аломатлари акс этган ҳолда, бир қўли билан лайлакни ушлаб, иккинчи қўли билан унинг бўйинидан бошлаб то думчгача силаб турарди. Чеҳраси ҳаяжондан ловиллаётган, кўзлари маъюс, онаси эса бармоқлари билан пианино клавишларини босиб, энг ингичка товушда чаларди. Шу билан бирга, она ўтирган жо-

йида бир оз энгашиб, ўғлининг юзига диққат билан тикилиб боқарди. Боланинг қўли лайлакнинг оппоқ патларини сийпалаб бориб, қанотларининг учидаги қора патларига ўтганда, Анна Михайловна дарҳол бошқа клавишни босарди, шунда уйни йўғон ва бўғиқ товуш тўлдирадди.

Она ҳам, ўғил ҳам ўз машғулотларига шу қадар берилиб кетган эдиларки, ҳайратда қолган Максим то ўзига келиб:

— Аннуся! Бу нимаси? — деб савол бермагунча, унинг кирганини ҳам пайқамадилар.

Жувон, акасига кўзи тушгач, худди ножўя ҳаракат қилаётганида устози кўриб қолган шогирддай қизариб кетди.

— Мана бунни қара,— деди у, хижолат чекиб,— Петрусь лайлакнинг ранги ҳар хиллигини пайқармиш-у, лекин ранглар ўртасидаги тафовутни яхши тушуна олмас эмиш... Рост, бу гапни олдин ўзи бошлади, менимча, тўғри айтяпти...

— Хўш, нима бўпти?

— Ҳеч нима, фақат мен унга... озгина... бу фарқни товушлар воситаси билан тушунтирмақчи бўлдим, холос... Аччиғинг келмасин, Макс, аммо менимча, буларнинг бир-бирига жуда ўхшашлиги борга ўхшайди...

Бу кутилмаган фикр Максимни шу қадар таажжублантирдики, у бир неча минут синглисига нима деярини билмай қолди. Максим бу тажрибани яна бир марта такрорлашни сўради-да, диққат билан қулоқ солиб ўтирган Петрусга қараб, бош чайқади.

Петрусь чиқиб кетганидан кейин Максим синглисига:

— Анна, сўзимга қулоқ сол,— деди, синглиси билан иккови ёлғиз қолгач.— Болада ҳеч вақт яхшилаб тушунтириб беролмайдиган савол туғдиришинг яхши эмас...

— Ахир бу ҳақда даставвал унинг ўзи гап бошлади-ку...— деб акасининг гапини бўлди Анна Михайловна.

— Барибир. Боланинг кўрлигига тан беришдан бошқа чораси йўқ, биз эса шундай қилишимиз керакки, у ёруғликни бутунлай унутсин. Мен ҳеч қандай ташқи таассуротлар унда бефойда саволлар туғдирмаслигига уринаман. Агар бу ташқи таассуротларни йўқота олсак эди, худди биз беш сезгига эга бўла туриб, олтинчиси етишмайди, деб қайғурмаганимиздек, бола ҳам ўз сезгиларининг етишмаслигини пайқаманган бўларди.

— Биз қайғурамыз,— деб оҳиста эътироз билдирди Анна Михайловна.

— Аня!

— Биз қайғурамыз,— деди у ўжарлик билан.— Биз эришолмаган нарсаларимиз устида кўп қайғурамыз...

Сингил акасининг далилларига кўнди, лекин бу сафар Максим қаттиқ янглишган эди: боладаги ташқи таассуротларни четлатишга уриниб, боланинг қалбига табиат ўз қудрати билан жойлаштириб қўйган истакларнинг нақадар зўрлигини эсдан чиқарган эди.

«Кўз — кўнгил ойнасидир», деган экан аллаким. Балки кўзни кўнгилга ёрқин, ёруғ дунёдан таассуротлар қуйилдиган деразага ўхшатса тўғрироқ бўлар. Руҳий тузилишимизнинг қандайдир бир улуши ёруғликдан оладиган таассуротларга қанчалик боғлиқ эканлигини ким билади?

Одам — бепоеён ҳаёт занжирининг бир бўғинидир, қадим замонлардан бошланган ва инсон авлодлари орқали боғланиб келаётган бу занжир келажагининг ҳам поёни йўқдир. Ана шундай бўғинларнинг бирда, маълум тасодиф кўр болада шу деразаларни беркитди: унинг бутун умри зулмат ичида ўтадиган бўлди. Аммо бу, боланинг кўнглидаги ёруғлик таассуротларига жавоб берувчи тюрлар бутунлай узилиб кетди, дегани бўладими? Йўқ, ёруғликни сезиш ана шу қоронғи ҳаёт орқали ҳам давом этиши ва келажак авлодга етиши мумкин. Боланинг қалби турли инсоний қобилиятларга эга бўлган бутун қалб эди, ҳар қандай қобилият қониқишга интилгани каби, боланинг қоронғи қалбида ҳам ёруғликка интилиш бениҳоя кучли эди.

Наслдан ўтган ноаниқ «нимконият»ларнинг мудраётган, биринчи ёруғ нур томон кўтарилишга тайёр турган куч, сирли теранликнинг аллақасерида даҳлсиз ётарди. Аммо деразалар ёпиқлигича турар, боланинг тақдири ҳал эди: у ҳеч қачон бу ёруғликни кўрмайди, унинг ҳаёти зулматда ўтиб кетади...

Бу зулмат эса минг хил шарпалар билан тўла эди.

Агар боланинг ҳаёти йўқчилик ва қайғу-ҳасрат билан ўтганда эди, эҳтимол, бу унинг фикрини азобнинг ташқи сабаблари билан банд қилган бўларди. Лекин унинг яқин одамлари болани хафа қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсаларни четлатар эдилар. Уларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун барча шароитни яратиб бердилар, шунинг учун кўнглида ҳукм сурган ана шу тинчликда унинг руҳан қониқмаслиги тобора кўпроқ сезилар эди. Уни қуршаб олган осойишталик ва зулмат орасидан қониқишни истовчи қандайдир эҳтиёж келиб чиқар, қалбнинг энг теран ерида мудраётган туганмас кучни ишлатишга иштиёқ пайдо бўлар эди.

Ҳар қандай одам ёшлигида учинга интилгани каби, шу ёшда ўзининг ажойиб тушлари билан бошланувчи интилиш ва олдиндан сезиш ҳиссиётлари мана шулардан келиб чиқади.

Ниҳоят, боланинг юзида оғир савол аломати бўлиб кўришган ёш миянинг ихтиёрсиз ҳаракати ҳам мана шундан келиб чиқади. Мана шу наслдан ўтган, лекин шахсий ҳаётда ишлатилмаган нурни тасаввур этиш «имкониятлари» боланинг кичкина бошида шаклсиз, чалкаш ва қора шарпа бўлиб турар, уш қийнар ва зўр бериб тиришишга ундар эди.

Табиат умумий қонунни бузган тасодифий «ҳодиса»га беихтиёр равишда қарши турмоқда эди.

## V

Шундай қилиб, Максим ташқи таассуротларни йўқотиш учун ҳар қанча уринмасин, лекин қаноатланмаган талабнинг бостириб келишини йўқота олмади. Максим ўзининг эҳтиёткорлиги билан эришган энг катта нарсаси боладаги эҳтиёжларни вақтидан илгари рағбатлантирмаслик ва кўрнинг дардини оширмаслик бўлди. Қолган ҳамма масалада боланинг шум тақдири бутун аччиқ оқибатлари билан бирга ўз йўлида давом этиши керак эди.

Унинг шум тақдири эса қора булутдек ёпирилиб келмоқда эди. Боладаги табиий ғайрат худди қайтаётган тўлқин каби, йил сайин камайиб борар, ғамгинлиги ва маъюслиги эса тобора ошар, хулқини ўзгартириб борар эди. Болалигида ҳар бир янги таассуротдан қаҳ-қаҳ уриб кулса, энди борган сари кам кулар эди. Ҳар қандай қизиқ гаплар, кулги ва шодликлардан маҳрум эди. Аммо жанубий ўлка табиатида мавжуд бўлган ва халқ қўшиқларида акс этган ғамгин ва маъюс туйғуларни дарров илиб оларди. «В пол могила в тром говорила»,<sup>1</sup> қўшиғини эшитганда, ҳар гал кўзи ёшланарди, ўзи ҳам далага чиқиб, шу суҳбатни тинглагиси келарди. Унда ёлғиз қолиш истаги кундан-кунга зўраяр, дарсдан бўш вақтларида ёлғиз ўзи сайр қилгани чиққанда, уйдагилар унга халал бермаслик учун бола юрган томонга боришмас эди. Адирдаги тепалардан бирида ёки дарё бўйидаги тепаликда, ёинки таниш тик қояда ўтириб олиб, япроқларнинг шитирлашини, кўкатларнинг пичирлашини ё бўлмаса, адир шамолининг оҳ-зорини тинглаб ўтирар эди. Буларнинг ҳаммаси унинг кайфиятига айна

<sup>1</sup> «Ел билан сўзлашар даштдаги қабр»

муддао бўлиб тушарди. Шундай пайтлардагина у табиатни тўлиқ равишда тушунар эди. Бу ерда уни табиат ҳеч қандай муайян ва мажхул муаммолар билан қийнамас эди. Бу ерда шамол тўппа-тўғри кўнглига келиб қуйилар, кўкатлар эса худди ачиғиб пичирлагандай бўлар эди. Усмирнинг кўнгли атрофини қуршаб олган табиат билан уйғунлашиб, унинг меҳрибонлик билан эркалатишидан эриб кетганда кўкрагидан алланарса кўтарилиб, бутун вужудига тарқалганини сезар эди. Шунда у зах ерга ё нам кўкатга ётар эди-да, пиқиллаб йиғлар эди, лекін унинг бу кўзёшларида алам бўлмас эди. Баъзан қўлига найини олар эди-да, ўзининг шу ондаги кайфиятига ва адирнинг жимжитлигига мос келадиган бироикуйни чалар ва ўзини буткул унутиб юборар эди.

Табиий, шу кайфиятда бирдан қулоққа кирган ҳар қандай одам товуши унга оғир таъсир қилар, кайфини бузар эди. Бундай пайтларда фақат энг яқин дўст, энг яхши кўрган одам билан сўзлашиш мумкин. Боланинг эса ўзи билан тенг дўсти фақат биргина эди, у ҳам бўлса — посесор қўрғонида турадиган сариқ сочли қизча эди...

Бу дўстлик жуда самимий бўлиб, кундан-кунга мустаҳкамланиб борарди. Икки ўртадаги муносабатга Эвелина ўзининг хотиржамлигини, шодлигини киритса, ҳаётнинг янги нозик кўринишларини кўрга тушунтириб борса, кўр ўз навбатида қизни ўзининг қайғу-ҳасратига ошно қиларди... Бола билан биринчи танишиш маъсуманинг зийрак қалбини яралагандек, юракка урилган ханжар суғуриб олинса, қон тирқираб оқиб кетадигандек туюлар эди. Кўр бола билан адирдаги тепаликда биринчи учрашганда, қиз унинг аҳволига жуда ачинган эди, энди эса бола билан бирга бўлиш унинг учун заруратга айланди. Уни кўрмаган пайтларда худди шу жароҳат яна очилгандек туюлар, оғриғи кучаяр эди ва қиз ўзининг ана шу азобланишларини болага узлуксиз ғамхўрлик қилиш билан қондириш учун, кичкина дўсти ёнига боришга ошиқарди.

Кузнинг илиқ кечаларидан бирида иккала она уй олдидаги супачада кўм-кўк осмонда чарақлаб турган юлдузларни томоша қилиб ўтирар эди. Кўр, одатдагидек, дўсти Эвелина билан онасининг ёнида ўтирарди.

Ҳаммалари бирдан жим бўлиб қолишди. Қўрғон атрофи жимжит, фақат япроқлари баъзан бир сесканиб нималарнидир шивирларди-да, яна жим бўлиб қоларди.

Шу онда катта бир юлдуз кўм-кўк осмоннинг аллақаярида ялтираб учди-да, ортидан узун из қолдириб осмон

кўксини ёриб ўтди, бу из аста-секин сўниб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳамма бирдан осмонга қаради. Петрикнинг қўлини ушлаб ўтирган онаси, ўғлининг чўчиб тушганини сездди.

— У нима... нима эди?— дея ҳаяжон билан сўради Петрик, онасига ўгирилиб.

— Юлдуз учди, болам.

— Ҳа, юлдуз учдими,— деди бола хаёл суриб,— мен ҳам шундайдир деб ўйлаган эдим.

— Сен буни қаёқдан била қолдинг, ўғлим?— деб сўради онаси, унинг товушида ғамгинлик ва шубҳа сезиларди.

— Йўқ, у тўғри айтяпти,— деб гапга аралашди Эвелина.— У кўп нарсани билади... «шундай...»

Боладаги сезиларнинг бундай тараққий этиши унинг ўсмирликдан йигитлик даврига кира бошлаганидан дарак берарди. Аммо унинг ўсиши ҳозирча жуда хотиржамлик билан борар эди. У ўз тақдирига тан берган, ҳамиша унинг вужудини тўлдириб келган ва ўзи ўрганиб қолган қайғу-аламлар ҳам энди бир оз қайта бошлагандай кўринарди. Бироқ булар вақтинча эди. Бундай тинччиш даврини табиат жўрттага берса керак, бу даврда ёш вужуд янги бўронни қарши олиш учун пишиб, тобланади. Мана шу тинч даврда янги муаммолар туғилиб, етилиб туради. Бир туртки бўлса бас, руҳий тинчлик худди тўсатдан турган бўрондан ҳаракатга келган денгиз каби, таг-тугигача ларзага келиб, чайқала бошлайди.

## БЕШИНЧИ БОБ

### I

Шу тарзда яна бир неча йил ўтди.

Тинч қўрғонда ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Богдаги шамшод дарахтлари ҳамон илгаригидек шитирлар, фақат япроқлари бир оз қорайгандек, тўқ тусга киргандай эди. Кўркам деворлар ҳамон илгаригидек оқариб кўринар, лекин ҳозир улар бир томонга сал қийшайган ва чўккандай эди, похол томларнинг бўғотлари илгаригидек қовоғини солиб тургандай туюларди, ҳатто Иохим чалган найнинг садолари ҳам худди ўша пайтлардагидай отхонадан эшитилиб турарди, аммо қўрғонда бир умр бўйдоқ ўтаётган отбоқар Иохимнинг ўзи ҳам энди кўр паничнинг найдами ёки фортепьянодами, барибир, чалганини тинглашни яхши кўрарди.

Максимнинг сочлари оплоқ оқариб кетган. Попельский-

ларнинг бошқа фарзанди бўлмаганидан, тўнғич кўр ўғил илгаригидек уйдагиларнинг арзандаси бўлиб, ҳамманинг диққат-эътибори шу болага қаратилганди. Уни деб қўрғондагилар тинчгина ҳаёт билан қаноатланиб, ўз доирасидан четга чиқмасдилар, фақат ўз «кулбаси»да худди шундай тинч ҳаёт кечираётган посессор оиласи билан яқин эдилар. Шунай қилиб, балоғатга етиб қолган Пётр, бамисоли теплицада битган гулдай бепоеъ ва йироқ ҳаётнинг кескин таъсирларидан ажратилган ҳолда ўсмоқда эди.

Пётр илгаригидек, улкан қоронғи дунё марказида турарди. Унинг тепаси ҳам, атрофи ҳам, ҳамма томони поёнсиз зулмат эди; унинг нозик ва сезгир вужуди ҳар қандай ташқи таассуротни қарши олишга ва таранг тортилган тордай жаранглашга тайёр турарди. Бундай зийраклик унинг кайфиятига қаттиқ таъсир қиларди, назарида, ана шу зулмат ҳозир ўзининг кўзга кўринмас қўлларини менга чўзади-ю, қалбимда толиқиб мудраётган ва ёруғликка интилаётган аллақандай туйғуларни қўзғатиб юборади, деб ўйларди.

Бироқ қўрғоннинг таниш, меҳрибон ва кишини зериктирадиган қоронғи ҳаёти ҳамон эски боғнинг кишини аллаловчи, ноаниқ ва ширин ҳаёлларга чўмдирувчи шовқинидан иборат эди холос. Кўр бола дунёни ашулалардан, тарихдан, китоблардангина биларди. Боғдаги дарахтларнинг секин шитирлаши ва қўрғоннинг ҳар кунги мўътадил ҳаёти билан яшаётган кўр, йироқ ҳаётнинг шиддатли ғалаёнларини фақат ҳикоялардан эшитиб биларди. Буларнинг ҳаммаси унга ашула, дoston, эртак каби сеҳрли бўлиб кўринарди.

Бундан ортиғи ортиқ эди. Ҳар томондан гўёки девор билан қуршаб олинган ўғлининг қалби қандайдир бир сеҳрли, сунъий, лекин тинч уйқуда мудраб ётганини онаси яхши биларди ва ўғлининг бу осойишта ҳаётини бузишни истамас, бузишга қўрқарди ҳам.

Аста-секин ўсиб, бўйи етиб қолган Эвелина бу сеҳрли осойишта ҳаётга тиниқ кўзлари билан назар ташлар экан, унинг бу боқишларида, баъзан ниманидир тушунмай турганини, келажакни ўйлаётганини кўриш мумкин эди-ю, бироқ сабрсизланишидан асар ҳам йўқ эди. Кўрнинг отаси Попельский имениени яхшилаб йўлга солиб юборди, лекин у содда одам бўлганидан, ўз ўғлининг истиқболи билан сира қизиқмас эди, албатта. У ҳамма нарса ўз йўли билан бўлаверади, деб ўйларди. Фақат биргина Максим, ўз табиатида кўра, бу тинчликка зўрға чидаб келар ва режамга

вақтинча кириб қолган бир нарса деб қарар эди. Максим, ҳаётнинг кескин ўзгаришига бардош бера олиши учун боланинг руҳига дам бериб, мустаҳкамлаш, чиниқтириш керак, деб ўйларди.

Ҳолбуки, бу сеҳрли чегарадан ташқарида ҳаёт тинмай қайнар, мавж урарди. Ниҳоят, шундай бир пайт келдики, кекса устоз, нҳотани бузиб, иссиқхона эшигини очиб юборишга, ташқи дунё шабадасини киритишга қарор берди.

## II

Биринчи тажриба сифатида Максим Попельскийлар қўрғонидан 70 чақиримча нарида турадиган ўзининг эски бир ўртоғини меҳмондорчиликка чақирди. Максим илгарилари ҳам баъзан ўртоғиникига бориб-келиб юрарди, лекин ҳозир Ставрученколарникига бир қанча ёшлар меҳмон бўлиб келганини эшитиб, ҳаммаларини меҳмонга чақириб, унга хат ёзди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Қариялар эскидан кадрдон дўст эдилар, ёшлар эса Максим Яценконинг бир замонлар донг чиқарганини, маълум анъаналар унинг номи билан боғлиқ эканлигини билар эдилар. Ставрученконинг ўғилларидан бири Киев университетининг ўша вақтда янги расм бўлган филология факультетида ўқир эди. Яна бир ўғли Петербург консерваториясида музикадан таълим оларди. Улар билан бирга яқин помешчиклардан бирининг ўғли ёш бир кадет<sup>1</sup> ҳам келган эди.

Ставрученко бақувват, сочлари оппоқ, казакча узун мўйловли чол эди, казакчасига кенг чолвор кийиб юрарди. У тамаки халтачаси билан трубкасини доым камарига осиб юрарди, гапирганда фақат малорус лаҳжасида гапирар ва узун чопон билан малорусча гул солиб тикилган кўйлак кийган икки ўғлининг олдида худди Гоголнинг Тарас Бульбаси билан унинг ўғилларига ўхшаб кетарди. Аммо Гоголь қаҳрамони ўзининг романтиклиги билан ажралиб турса, Ставрученкода романтизмдан асар ҳам йўқ эди. Аксинча, у бутун ҳаётини крепостной муносабатлар билан жуда яхши мослаштира билган, эндиликда эса, «қуллик» тугатилгандан кейин, янги шаронтларга ҳам жуда яхши мослашиб олган тажрибали, уста помешчик эди. Помешчиклар ўз одамларини қай даражада билса, у ҳам ўз одамларини шу даражада биларди, яъни у, ўз қишлоғидаги ҳар бир деҳ-

---

<sup>1</sup> К а д е т — подшо Россиясида ўрта ҳарбий мактаб ўқувчиси.



қонни ва ҳар бирининг сигирини ва ҳаттоки, деҳқоннинг ҳамёнида қанча пули борлигини ҳам биларди.

Бироқ гарчи у Бульбага ўхшаб ўз ўғиллари билан муштаклашмаса ҳам, ҳарҳолда улар ўртасида доим жанжал чиқиб турарди, бу даҳанаки жанглар исталган вақтда, исталган жойда бўлаверарди. Ҳамма ерда, уйда ҳам, меҳмондорчиликка борганда ҳам, арзимаган баҳона билан чол ва ёшлар ўртасида тортишув бошланиб кетарди. Одатда, бу тортишувлар шундай бошланарди: чол, «идеал паничларни» масхара қилиб куларди. Буни кўриб ёшлар қизишиб кетарди, уларнинг кетидан чол ҳам қизишар, патнжада икки ўртада шундай жанжал-тўполон кўтарилиб кетарди, икки томон ҳам ҳазилакам калтакланмас эди.

Бу, «оталар ва болалар» ўртасидаги маълум низонниг акс этиши эди, фақат бу ерда бунақанги ҳодисалар анчагина юмшоқроқ шаклда бўларди. Болалигидаёқ мактабга юборилган ёшлар қишлоқни фақат қисқа муддатли каникул вақтларидагина кўришарди, шунинг учун улар халқни помешчик оталаридай яхши билмас эдилар. Жамиятда «халқпарварлик» тўлқини кўтарила бошлаганда, бу йигитлар гимназиянинг юқори синфларида ўқир эдилар, улар ана шу вақтдан бошлаб халқни ўрганишга киришдилар, аммо бу ишни китобдан бошладилар. Иккинчи қадам уларни, «халқ руҳининг» шу халқ ижодида ифодаланганини бевосита ўрганишга олиб келди. Паничларнинг узун оқ чопон ва гул солиб тикилган кўйлак кийиб қишлоқма-қишлоқ юриши ўша вақтларда Жанубий-ғарбий ўлкада жуда расм бўлиб кетган эди. Иқтисодий шароитларни ўрганишга унчалик эътибор берилмас эди. Йигитчалар халқ қўшиқларини ва музыкаларини ёзиб олардилар, қадимги дoston ва ҳикояларни ўрганардилар, тарихий фактларни халқ хотирасида қолган фактлар билан таққослаб кўрардилар, умуман улар, мужикка миллий романтизмнинг шоирона кўзгуси орқали қарардилар. Бу одат қарияларда ҳам бор эди, аммо улар, ҳарҳолда, ёшлар билан бирон мурасага кела олмас эдилар.

Юзлари қип-қизариб кетган студент кўзларини чақна-тиб ваъзхонлик қиларкан:

— Ана бунинг гапини бир эшит,— дерди Ставрученко, тирсаги билан Максимни туртиб.— Вой итвачча-ей, тилининг бийронлигини айтмайсанми!.. Уни қара-я, ҳақиқатан ҳам мияси жойида кўринади! Ҳой олим, ундан кўра, менинг Нечипорим сени қандай аҳмоқ қилганини айтиб бер-чи!

Чол мўйловини силаб, кула-кула, бўлган воқеани хохолларга хос юмор билан сўзлаб берар эди. Йигитлар уялиб қизаришар, лекин улар ҳам бўш келмасди. «Биз фалон қишлоқлик Нечипор билан Хведькони танимасак ҳам, ҳарҳолда биз бутун халқнинг умумий хусусиятларини ўрганамиз, биз юксак нуқтадан қараймиз, шундай қарагандагина умумий хулоса чиқариш ва кенг равишда умумлаштириш мумкин. Улар бир назар билан узоқ келажакни кўрадилар, эскилик ботқоғига тикилиб қолган амалиётчилар эса бир дарахтни кўрадилар-у, унинг ортидаги ўрмонни кўрмайдилар».

Ўз ўғилларининг доно нутқларини эшитган чол мамнун бўлмай иложи йўқ эди.

— Мактабда бекорга ўқимаганликларинг кўриниб турипти,— дерди у, гурур билан атрофдагиларга қараб.— Шундай бўлса ҳамки, менинг Хведьком ҳар икковингни ҳам сувга олиб бориб, суғормай олиб келади, ҳа!.. Мен бўлсам, бу муттаҳамни икки буклаб халтачамга жойлайманда, чўнтагимга солиб кетавераман. Демак, сенлар, менинг назаримда, бир пашшадайсанлар холос.

### III

Ана шундай тортишувларнинг бири эндигина тугаган эди. Қариялар уйга кириб кетишди, Ставрченко турли қизиқ воқеаларни завқ билан ҳикоя қилганида, ўтирганларнинг хахолаб кулишлари очиқ турган деразадан эшитилиб турарди.

Еш-яланглар боғда қолишди. Студент ўзининг узун чопинини тагига солиб, қорақўл шапкасини чаккасига қўндириб, гўё ўзини эркин тутгандай, майса устига ётди. Унинг акаси супачада Эвелина билан ёнма-ён ўтирар эди. Унинг ёнида мундирининг ҳамма тугмалари солинган кадет ўтирарди, ундан сал нарироқда эса, дераза тоқчасига суяниб ва бошини қуйи солиб кўр бола ўтирарди, у ҳозиргина тугаган, ўзини ниҳоятда ҳаяжонга солган тортишувлар устида фикр юритиб ўтирар эди.

— Бу ерда ўтган гаплар тўғрисида сиз нима дейсиз, панна Эвелина? — деб, ёнидаги қиздан сўради кичик Ставрченко.— Сиз сира гапирмадингиз шекилли.

— Буларнинг ҳаммаси, яъни отангизга айтганларингиз, жуда яхши гаплар эди. Бироқ...

— Хўш, кейин нима бўпти?.. Ҳа... нима бўпти?

Қиз анча вақтгача жавоб бермади. У қўлидаги каштасини тиззасига қўйдди, қўли билан силаб текислади-да, бо-

шини сал эгиб, чуқур хаёлга чўмган кишидек, каштасига тикилиб ўтирди. У тўрнинг каттароғини олиш кераклиги тўғрисидами ёки қайтармоқчи бўлган жавоби тўғрисида ўйлаяптими, билиш қийин эди.

Ҳолбуки, йигитчалар унинг жавобини сабрсизлик билан кутар эдилар. Студент тирсагига тиралиб кўкрагини кўтарди-да, юзини қиз томонга ўгириб мароқ билан унга қаради. Қизнинг ёнидаги йигит унга бемалол тикилиб ўтирарди. Кўр ўз вазиятини оҳиста ўзгартириб, қаддини ростлади ва бўйинини чўзиб, суҳбатдошлардан юзини четга бурди.

— Бироқ— деди қиз, каштасини қўли билан текислашда давом этар экан,— жаноблар, ҳар бир одамнинг ўзига яраша ҳаёт йўли бор.

— Ана, холос!— деб қичқириб юборди студент.— Қандай донолик. Ўзингиз нечага кирдингиз, панночка?

— Ўн еттига,— деб соддагина жавоб берди Эвелина, лекин шу ондаёқ,— сиз мени анча катта деб ўйлаган эдингиз-а, шундай эмасми?— деди, ўзини биллиб билмасликка солиб.

Йигитлар кулишди.

— Агар сизнинг ёшингизни мендан сўрашганда,— деди қизнинг ёнида ўтирган йигит,— мен ўн учда деб айтишимни ҳам, йигирма учда деб айтишимни ҳам билмас эдим. Ҳақиқатан ҳам, баъзан худди ёш гўдакларга ўхшаб кетасиз, баъзан эса худди кўпни кўрган кампирлардек фикр юртасиз.

— Жиддий нарса устида жиддий фикр юритмоқ керак, Гаврило Петрович,— деди насихатомуз оҳанг билан ва яна ишга тутинди.

Ҳамма жим қолди. Эвелина ҳам секин кашта тика бошлади, ёш йигитлар эса доно қизчанинг кичкинагина қадди-қоматига ҳайрат билан тикилганча қолдилар.

#### IV

Пётр билан биринчи марта учрашгандан бери Эвелина, албатта, анча ўсган, улғайган, лекин унинг қадди-қомати тўғрисида студент айтган гап мутлақо тўғри эди. Унинг навниҳолдай қадди-қомати биринчи қарашда ҳали худди ёш қизчалардек кўринарди, лекин унинг шошилимай қилган оҳиста ҳаракатларидан жиддий аёл эканлиги сезилиб турарди. Унинг чеҳраси ҳам кишида худди шундай таассурот қолдирарди. Бундай қиёфалар фақат славян аёлларида учраса керак. Тўғри, бичими келишган, кўҳлик чеҳраси оғир табиатли эканлигини кўрсатар эди,

кўм-кўк кўзлари бирдек ва мулойим қарарди, унинг оппоқ юзи камдан-кам қизарарди, лекин бу кучли эҳтирос алангаси билан ёнишга тайёр турган одатдаги оқ юз эмас эди, унинг чеҳраси кўпроқ оппоқ қорға ўхшарди. Эвелинанинг силлиқ сариқ сочлари унинг мрамардай юзида сал-пал ажралиб турар ва юрганда худди бошини орқага тортиб тургандек туюларди.

Кўр ҳам ўсиб, улғайди. Ҳозиргина тасвир этилган улфатлардан сал нарида ранги оқариб, ҳаяжонланиб ўтирган чиройли кўрга ана шу дақиқада қараган киши ғайритабиий юзининг тез-тез ўзгариб туришини дарҳол сезарди. Қоп-қора сочлари ҳалитдан ажин тушган дўнг пешонасига осилиб тушган эди. Юзи бирдан қизариб кетар ва шу ондаёқ яна оқарарди, сал-пал пастга осилиб тушган пастки лаби баъзан липиллаб учар, қошлари чимирилиб турар, бир текисда ҳаракатсиз тикилиб турган чиройли катта кўзлари эса унинг юзини ғамгин ва қайғули қилиб кўрсатарди.

— Шундай қилиб,— сўз бошлади студент, бир оз жим ўтиргандан кейин кулимсираб,— панна Эвелина, биз бу ерда нима тўғрисида гапирган бўлсак, буларнинг ҳеч қайсисига ҳам хотин-қизларнинг ақли етмайди, аёл кишининг қисмати бола боқиш ва овқат пиширишдан иборат деб ўйлайди.

Йигитчанинг сўзларидан унинг ўзига бино қўйганлиги сезилиб турарди (ўша кезларда бу сўзлар янги чиқиб, энди расм бўлиб қолмоқда эди), бир неча дақиқа ҳамма жим қолди, хижолатдан қизнинг юзи қизарди.

— Сиз жуда тез хулоса чиқарар экансиз,— деди қиз.— Бу ерда бўлган гапларнинг ҳаммасига тушунаман, демак хотин-қизларнинг ақли етади. Мен фақат шахсан ўз тўғримда гапирдим, холос.

Қиз жим бўлди-да, кашта тикишга шу қадар берилиб кетдики, қайта савол беришга йигитнинг юраги дов бермади.

— Қизиқ,— деди йигит.— Демак, бутун ҳаётингизнинг режасини тузиб қўйгансиз деб ўйлаш мумкин экан-да.

— Ҳеч қандай қизиқ жойи йўқ, Гаврило Петрович,— деб мулойимгина эътироз билдирди қиз.— Ҳатто Илья Иванович ҳам (кадетнинг номи) мендан ёш бўлишига қарамай ўз йўлини белгилаб олган бўлса керак, деб ўйлайман.

— Бу тўғри,— деди кадет, бу сўзлардан мамнун бўлиб.— Мен яқинида N. N. деганининг таржимаи ҳолини ўқидим. У ҳам пухта ишланган планга мувофиқ иш қи-

лар экан. Йигирма ёшда уйланибди, ўттиз без ёшида ҳарбий қисмга қўмондонлик қила бошлабди.

Студент лабини масхараомуз буриб кулди, қиз сал қизариб кетди.

— Ана, кўрдингизми?— деди қиз, бир оздан кейин кескин оҳангда.— Ҳар кимнинг йўли ҳар хил.

Ортиқ ҳеч ким эътироз билдирмади. Ёш улфатлар ўртасига чуқур сукунат тушди, уларнинг кўрқув аралаш ҳайрон қолганликлари сезилиб турар эди: сўз шахсият устида бораётганлигини, бу оддий сўзларнинг маъноси чуқур эканлигини ҳамма пайқади.

Бу жимжитликда фақат қорайиб турган ва нимадандир шикоят қилаётган кўҳна боғнинг шитирлашигина эшитиларди.

## V

Суҳбатлар ва тортншувлар, ёшларнинг юрагидан қайнаб чиққан талаблар, тўлқиндай мавж уриб турган умид, орзу-ҳавас ва туйғулар — буларнинг ҳаммаси кўр қалбига кутилмаган равишда ёпирилиб кела бошлади. У олдинга бу суҳбатларни завқ билан қизиқиб тинглади, лекин орадан бир оз вақт ўтгач, бу жонли ҳаёт тўлқинининг ўзига боқмай ўтиб кетаётганлигини пайқади. Унга ҳеч ким савол ҳам бермасди, сизнинг фикрингиз қандай, деб ҳеч ким сўрамасди ҳам, охирида у ёлғиз қолди, кўрфонда ҳаёт қанча жўш уриб қайнаб тошса, унинг ҳаёти шунча ғамга ботиб борарди.

Шунга қарамай, ўзи учун янгилик бўлган ҳамма суҳбатларга иштиёқ билан қулоқ солиб, астойдил тинглаб ўтиргани қошларининг чимирилишидан, чеҳрасидаги ўзгаришлардан сезилиб турарди.

Она ўғлига ғам тўла кўз билан қарарди. Эвелинанинг ҳам кўнгли ачишиб, ташвиш чекаётганини сезилиб турарди. Жўшқин ҳаётнинг кўрга қандай таъсир қилаётганини фақат биргина Максим сезмагандек кўринар ва меҳмонларни тез-тез келиб туришга очиқкўнгли билан таклиф қиларкан, йигитчаларга яна келишларигача жуда кўп этнографик материаллар тўплаб қўяман, деб ваъда қиларди.

Меҳмонлар яна келишга ваъда бериб жўнаб кетишди. Йигитлар Пётрнинг қўлини самимий хурсандлик билан қаттиқ сиқиб хайрлашдилар. Пётр эса бу қўл сиқишларга ҳаяжон билан жавоб қайтарди ва меҳмонлар тушиб кетган арава филдиракларининг ёғирлашига узоқ вақт-

гача қулоқ солиб турди. Сўнгра, у бирдан ўгирилди-да, боққа чиқиб кетди.

Меҳмонлар кетгандан кейин қўрғон ҳувиллаб жимжит бўлиб қолди, лекин бу жимжитлик кўрга қандайдир буткул бошқача, ғайритабиий ва ғалати туюлди. Жимжитлик бу ерда муҳим бир воқеа бўлиб ўтганини эслатиб тургандай бўларди. Фақат шамшод дарахти ва сиреннинг шитирлаган овозигина эшитилиб турган хиёбонларда кўр яқинда бўлиб ўтган гапларнинг акс-садосини эшитаётгандек бўларди. Онаси билан Эвелинанинг меҳмонхонада бир нима тўғрисида Максим билан тортишаётганликлари ҳам кўр болага очиқ турган деразадан эшитилиб турарди. Онасининг ялиниб-ёлвориб, Эвелинанинг эса ғазоби қайнаб гапираётганини, Максимнинг эса хотинларнинг ҳужумини қизишиб, лекин қатъий равишда рад этиб турганини пайқади. Пётр деразага яқинлашиши билан ҳамма бирдан жим бўлди.

Максим онгли равишда ва сира раҳм-шафқат қилмай шу вақтгача кўрни қуршаб турган девордан туйнук очиб юборди, туйнукдан дастлабки кучли тўлқин ёпирилиб кирди-да, ёш йигитнинг руҳий мувозанати бу зарбага бардош беролмай, ғалаёнга келди.

Эндиликда бу сеҳрланган доирадаги ҳаёт унинг учун танглик қилиб қолди. Қўрғоннинг сокин ҳаёти, кўҳна боғнинг оҳиста шитирлашлари, ёш ҳаётнинг доимо бир хилда ўтиши унга малол кела бошлади. Зулмат кўр билан ўзининг ширин тилида гапириша бошлади, янги ноаниқ манзаралар билан уни қизиқтираверди.

Зулмат уни чақирарди, имларди, унинг ичида яшири-ниб ётган талабларни уйғотарди. Унинг дастлабки чақирқиқлари натижасида боланинг ранги синиқиб, қалби эса гарчи ҳали ноаниқ бўлса ҳам, ҳарҳолда, қаттиқ азоб чекарди.

Кўрнинг бундай ташвишга тушиб қолганини аёллар сезиб қолишди. Бизнинг кўзимиз очиқ, биз бировнинг ташвишга тушиб, безовта бўлаётганини унинг юзидаги аломатлардан кўриб биламиз, шунинг учун ўзимизнинг сиримизни яширишга ҳаракат қиламиз. Бу жиҳатдан кўрлар мутлақо ожиз бўладилар, шунинг учун Пётрнинг ранги синиққан чеҳрасидаги ўзгаришлар унинг энг махфий сирларини ошкор қилиб турарди... Унинг юзида зўр ташвиш акс этарди. Бунинг ҳаммасини Максим ҳам сезганини хотинлар билишарди, аммо буларнинг ҳаммаси чолнинг режасига кирар эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам буни болани азоблаш деб билар, она ўғлини ўз қўли билан

ҳимоя қилмоқчи бўларди. «Иссиқхона? Хўш, агар унинг боласи шу вақтгача иссиқхонада ҳузур қилиб яшаб келган бўлса, нима бўпти? Майли, бундан кейин ҳам шундай яшайверсин. Тинч, хотиржам, беташвиш...» Афтидан, Эвелина юрагидаги бор гапларининг ҳаммасини айтмасди, лекин бирмунча вақтдан буён Максим билан чиқишмай қолган ва Максимнинг баъзи бир, гоҳида эса арзимаган таклифларига ҳам қаттиқ гап қайтарадиган бўлиб қолган эди.

Чол бароқ қошлари остидан синчиклаб боқар экан, баъзан унинг кўзи навқирон қизнинг ғазаб билан ёниб турган кўзларига дуч келарди. Максим бошини чайқар, нималарнидир пичирлаб трубкасидан паға-паға тутун чиқариб тамаки торта бошларди, бу эса унинг мияси зўр бериб ишлаётганини билдирарди, лекин у, ўз сўзида қаттиқ турар, баъзан ҳеч кимга эътибор бермай, хотинларнинг бемаъни муҳаббати ва уларнинг сочи узун, ақли қисқалиги тўғрисида сўзлар, шунинг учун ҳам хотин киши бир дақиқалик роҳатдан бошқа нарсани кўролмайдди, дерди. У Пётрнинг беташвиш эмас, балки мумкин қадар жўшқин ва тўла ҳаёт кечиришини орзу қиларди. Ҳар бир мураббий ўзи тайёрлаётган болани худди ўзига ўхшатиб тарбиялашга ҳаракат қилади, дейдилар. Максим ўз бошидан кечирганларини ва ўзи жуда эрта маҳрум бўлган қаттиқ қийинчилик ва курашни ҳавас қиларди. Максим қай йўсинда амалга оширишини ўзи билмаса ҳам, кўрнни қаттиқ ҳаяжонга соладиган ўзгаришларга қарамай, Пётрни кўзи ожизлар тушуна оладиган даражада ташқи дунё билан кенгроқ таништиришга интиларди. Кўрнинг онаси билан Эвелинанинг фикри эса бутунлай бошқача эканлигини Максим биларди.

— Сенга уй бўлса бўлгани экан!— дерди баъзан синглисига, уй ичида қўлтиқтаёқларни дўқиллатиб юриб... Лекин у камдан-кам аччиқланарди. Кўпинча синглисининг далилларига мулоҳим ва очиққўнгилчк билан эътироз билдирарди. Бунинг устига кўрнинг онаси ҳам ўз акаси билан ёлғиз қолган пайтларда у билан тортишиб ўтормас эди: лекин шунга қарамай, ҳар сафар сўзни яна Анна Михайловна бошларди. Аммо суҳбат чоғида Эвелина ҳам бор бўлса, иш жиддий тус оларди, бундай ҳолларда чол жим ўтиришни афзал кўрарди. Афтидан, чол билан ёш қиз ўртасида қандайдир кураш бошланмоқда, лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз сирларини яшириб, бир-бировларини синаётгандай кўринар эдилар.

Орадан икки ҳафта ўтгач, ёш йигитлар отаси билан бирга яна келганда, Эвелина уларни совуқ қарши олди. Бироқ ёшларнинг шўхлик ва ўйин-кулгиларидан четда қолншга қурби етмади. Ёшлар эртадан кечгача қишлоқда сайр қилиб юришар, ов қилишар, далада ўроқчилар, аёлларнинг қўшиқларини ёзиб олишарди, кечқурунлари ҳаммалари боққа, қўрғон олдидаги супага тўпланишарди.

Шундай оқшомлардан бирида Эвелина ҳушини бир жойга йиғишга улгурмасданоқ сўз яна қалтис мавзуга кўчди. Бу сўз қандай бошланди, ким бошлади — буни Эвелина ҳам, бошқалар ҳам билмас эди. Қуёш қандай сезилмай ботган ва кечки қоронғилик қандай сезилмай бошланган, бутазордаги булбул ўз ашуласини қандай сездирмай бошлаган бўлса, бу суҳбат ҳам шундай беихтиёр бошланган эди.

Студент келажакда нима бўлишини суриштирмасдан ўзини курашга ташлайдиган ёшларга хос эҳтирос билан гапирарди. Келажакка ва унинг ажойиб мўъжизаларига бўлган бу ишончнинг кишини мафтун қиладиган аллақандай алоҳида, қарийб енгиб бўлмайдиган кучи бор эди.

Қиз қип-қизариб кетди: у ғаразсиз айтилган бу гаплар менга қаратиб айтилаётган бўлса керак, деб ўйлаган эди.

Қиз кашта тикиб қулоқ солиб ўтирарди. Унинг кўзлари чақнаб, юзлари лоладек қизариб кетди, юраги гуп-гуп урарди... Сўнгра кўзлари сўнди, лаблари юмилди, юраги эса янада тез ва қаттиқ ура бошлади, оқариб кетган юзида қўрқув аломати пайдо бўлди.

Унинг кўз олдини тўсиб турган қоп-қора девор иккига ажралиб, пайдо бўлган ёриқдан тушган шуъла кенг ва жўшқин ҳаётнинг истиқболини ёритиб юборгандай бўлди — у ана шундан қўрқиб кетган эди.

Шундай, бу ҳаёт уни кўпдан бери ўзига жалб этиб келарди. Илгари қиз буни сезмас эди, аммо кўҳна боғнинг салқинида, скамейкада танҳо ўзи ўтирган пайтларда чуқур хаёлга чўмиб, кўпинча бир неча соатлаб ўтирарди. У узоқ келажакнинг ёрқин манзараларини кўз олдига келтиришга уришар экан, унинг хаёлида кўр учун ўрнни йўқ эди...

Эндиликда ўша ҳаёт яқинлашиб келган, қизни фақат жалб этибгина қолмай, балки унга нисбатан қандайдир ҳуқуқи борлигини кўрсатмоқда эди.

Қиз Пётр томонга ялт этиб қаради-ю, нимадир юра-



гига қадалгандек бўлди. Пётр қимир этмай хаёл суриб ўтирар эди, унинг бутун гавдаси худди зилдай оғир туюлди ва қизнинг хаёлида қора бир доғдай кўринди. «У... ҳамма гапга тушунади», деган фикр унинг миёсида худди чақмоқдек «ярқ» этди-да, бадани жунжикиб кетди. Юраги орқасига тортиб, ранги ҳам бирдан оқариб кетганини сизди. Шу онда қизнинг дилига: «Мен ўша ҳаётга етиб олдим. Пётр эса мана бу ерда бошини эгиб ўзи танҳо ўтирибди ёки йўқ... ўша куни мен тепасида йиғлаб ўтирган бола ҳу анави ерда, дарё бўйидаги тепаликда ўтирибди», деган хаёл келди.

Уни даҳшат босди, хаёлида кимдир, битиб кетган ярасидан ханжарни суғуриб олаётгандек туюлди.

Қиз Максимнинг индамай узоқ тикилиб қарашларини эслади. Буларнинг маъноси шу экан-да! Максим қизнинг кайфиятини қиздан ҳам яхши биларди, қизнинг қалбида ҳали яна кураш бўлишини ва оқибат биттасини танлаяжagini, қизнинг ўзига ишонмаслигини билар эди... Йўқ, йўқ, у янглишади! Қиз ўзининг ташлаган биринчи қадамини яхши билди, ҳаётдан яна нималар олиш мумкинлигини у келажакда кўради...

Қиз, худди оғир ишдан кейин қаттиқ чарчаган одамдек, чуқур ва оғир хўрсинди-да, атрофига қаради. Сукунат қанча давом этганини, студентнинг қачон гапдан тўхтаганини, у яна нималар деганини қиз айта олмас эди... У ҳозиргина Пётр ўтирган томонга қаради.

Пётр туриб кетиб қолган эди.

## VII

Қиз ҳам секин ишини йиғиштириб, ўрнидан турди.

— Кечирасиз, жаюблар,— деди меҳмонларга қараб.— Мен ҳозир келаман.

Қиз қоронғида хиёбон бўйлаб кетди.

Бугунги оқшом ёлғиз Эвелина учунгина ташвишли бўлмаган эди. Қиз хиёбоннинг муюлишида, скамейка турган жойда ҳаяжон билан сўзлашаётган овозларни эшитиб келди. Максим синглиси билан сўзлашиб турган эди.

— Шунда, бу масалада Пётр ҳақида қанча ўйлаган бўлсам, уни ҳам шунча ўйладим,— дерди чол, жиддий оҳангда.— Ўзинг бир ўйлаб кўр, ахир, у ҳаётни билмайдиган бир қизча-ку! Сен гўдакнинг тажрибасизлигидан фойдаланишингга сира ишонгим келмайди.

Анна Михайловна йиғламсираб жавоб қайтарди:

— Макс, агар... агар қиз... унда ўғлимнинг ҳоли нима кечади?

— Нима бўлса шу!— деб қатъий жавоб берди кекса солдат.— Бир гап бўлар, ҳарҳолда у бировга қурбон бўлдим деб қайғурмайди-ку... Бизнинг ҳам виждонимиз тоза бўлади, ўйлаб кўр, Аня,— деди товуши юмшаб.

Чол синглисининг қўлини ўпди. Анна Михайловна бошини қуйи солди.

— Шўрлик ўғлим, қаёқдан ҳам у билан учрашган экан...

Қиз эшитмасданоқ бу сўзларнинг маъносини тушунди: бу нидо она оғзидан жуда секин чиққан эди.

Эвелинанинг юзи лоладай қизариб кетди. У хиёбон муюлишида бехосдан тўхтади... Энди, мен бу ердан чиқсам, уларнинг гапини эшитиб турганимни сезиб қолишади, деб ўйлади қиз.

Лекин орадан бир дақиқа ўтгач, қиз бошини мағрур кўтарди. Қиз уларнинг яширин гапини эшитишни истамаган эди, аммо сохта уят ҳам уни ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бунинг устига, бу чол ўзини жуда билармон ҳисоблайди. Қиз ўз изми ўзида эканлигини яхши билади.

Қиз хиёбоннинг муюлишидан чиқди-да, сўзлашиб турганларнинг ёнидан бошини баланд кўтарганича, секин ўтиб кетди. Максим қизга йўл бериш учун шошиб-пишиб қўлтиқтаёқларини йиғиштира бошлади. Анна Михайловна эса қизга муҳаббат ва қаттиқ қўрқув аралаш ачиниб қараб қолди.

Она ҳозиргина қаҳр-ғазаб билан ўтиб кетган сариқ сочли мағрур қиз ўғлига ё бахт, ё бахтсизлик келтиражагини сезгандай бўлди.

## VIII

Боғнинг узоқ ва хилват бир бурчагида ташландиқ тегирмон бўлар эди. Тегирмон парраклари кўпдан бери айланмас, ўқлари моғорлаб кетган, эски тўғон новларининг бир неча еридан сув тинмай шилдираб, сизиб, оқиб турарди. Бу ер кўрга энг ёқадиган жой эди. Бу ерда у тўғоннинг кўтармасига чиқиб, сувнинг шилдирашига бир неча соатлаб қулоқ солиб ўтирар ва сувнинг бу овозини фортепьянода жуда яхши тасвир этарди. Бироқ ҳозир бу нарса унинг хаёлига ҳам келмас эди... Ҳозир у қаттиқ алам ичида, руҳий азобдан юзи буришиб, йўлда уёқдан-буёққа кезиб юрарди.

Қизнинг оҳиста қадам ташлаб келаётганини эшитиб,

кўр тўхтади. Эвелина қўлини унинг елкасига қўйди-да, жиддий оҳангда:

— Айт, Пётр, сенга нима бўлди? Нега жуда хафа кўри-насан?— деб сўради.

Кўр шартта бурилиб, яна йўлида давом этди. Қиз унинг ёнида борарди.

Қиз унинг кескин бурилиб кетгани ва хомушлигининг сабабини тушунди-да, бир дам бошини қўйи солиб жим қолди. Қўрғон томондан ашула эшитиларди:

3-за крутоі гори  
Вилітали, орли  
Вилітали, гуркотали,  
Раскөши шукали...<sup>1</sup>

Узоқдан эшитилаётган ёш, кучли овоз боғдаги дарахтларнинг оҳиста шитирлаган овозини босиб, муҳаббат, бахт, эркинлик тўғрисида куйларди...

У ерда ўтирганлар бахтли одамлар, улар ёрқин ва бекаму кўст ҳаёт борасида баҳслашиб ўтирадилар, қиз бундан бир неча минут илгари ўшалар ёнида, шу ҳаёт орзуси билан маст бўлиб ўтирарди, лекин бунда унга ўрин йўқ. Пётрнинг туриб кетганини қиз ҳатто сезмади ҳам, бироқ ким билсин, ғамга чўмиб танҳо қолган бу минутлар унга нақадар узоқ кўринганийкин...

Қиз хиёбонда Пётрнинг ёнида кетаётганда хаёлига ана шундай фикрлар келди. Пётрни гапга солиш, унинг кўнглини топиш ҳеч қачон бунчалик қийин бўлмаган эди. Бироқ Пётр билан бирга бўлган заҳотиёқ унинг хафалиги аста-секин тарқалаётганини қиз сезган эди.

Дарҳақиқат, Пётр оҳиста юра бошлади, чеҳраси очилди. У ёнида келаётган қизнинг қадам товушини эшитаркан, унинг юзидаги оғир руҳий тушкунлик аста-секин йўқолиб, юзида янги ҳиссиёт излари пайдо бўлди. Бунинг қандай ҳиссиёт эканлигини ўзи ҳам тушунмасди, лекин бу унга таниш бўлиб, шунинг таъсирига бўйсунга бошлади.

— Нима бўлди сенга?— деб такрор сўради қиз.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деб жавоб берди Пётр маъюс.— Мен дунёда бутунлай ортиқча одам бўлсам керак, деб ўйлайман.

Қўрғонда ашула тўхтади, орадан сал вақт ўтгач, янги

<sup>1</sup> Тик тоғларнинг ортидан  
Учиб келди бургутлар.  
Учиб келди қийқиришиб,  
Қумсашиб кенгликларни.

ашула бошланди. У зўрға эшитиларди, энди студент бандурачиларга тақлид қилиб, қадимги халқ термаларидан бирини хиргойи қиларди. Баъзан қўшиқ деярли эшитилмай қоларди. Шунда одам ширин хаёлларга берилиб кетарди, сўйгра секин айтилаётган ашула япроқларнинг шитирлаши орасидан яна эшитила бошларди.

Пётр бехосдан тўхтаб, қулоқ солди.

— Биласанми,— деди ғамгинлик билан,— менимча, қарияларнинг «дунё йилдан-йилга ёмонлашиб кетаётир», деган гаплари тўғри бўлса керак. Илгари ҳатто кўрлар ҳам яхши яшашган. Агар ўша замон бўлса, мен фортепьяно ўрнига бандура чалишни ўрганиб олардим-да, шаҳар ва қишлоқларда чалиб юрардим... Атрофимга жуда кўп одам тўпланарди, уларга ота-боболарининг қилган ишлари, қаҳрамонликлари ва шон-шуҳратлари ҳақида куйлаб берардим. Ушанда мен ҳам ҳаётда бирор нарсага яраб қолардим. Ҳозир-чи? Ҳатто анави бақироқ кадет болани қара! Эшитдингми гапини? Уша ҳам: уйланаман, қисмга қўмондонлик қиламан, дейди, уни мазах қилиб кулишди, мен бўлсам... мен бўлсам... ҳатто шу ҳам қўлимдан келмайди.

Қиз қўрққанидан мовий кўзларини катта-катта очди: кўзи жиққа ёшга тўлган эди.

— Сенга кичик Ставрученконинг сўзлари таъсир қипти,— деди хижолатда қолган қиз, гапни ҳазилга буришга тиришиб.

— Ҳа,— ўйчан жавоб берди Пётр, кейин қўшимча қилди,— унинг овози жуда ёқимли. Ўзи чиройлими?

— Ҳа, у яхши одам,— деб жавоб берди Эвелина, бироқ бирдан ғазаби қайнаб кескин сўзлади.— Йўқ, у менга сира ҳам ёқмайди! У ўзини жуда ҳам катта тутади, овози ҳам кўпол, қулоққа ёқмайди.

Пётр қизнинг жаҳл билан айтган бу сўзларини таажжуб билан тинглади. Қиз депсиниб, сўзида давом этди:

— Буларнинг ҳаммаси бўлмағур гаплар! Бунинг ҳаммасини мен биламан, бу Максимдан чиққан найранг. О, ўша Максимни кўргани кўзим йўқ!

— Сенга нима бўлди, Веля?— деб таажжуб билан сўради кўр.— Қанақа найранг?

— Ёмон кўраман, ёмон кўраман Максимни!— дерди қиз ўжарлик билан.— У режалар тузишга берилиб кетиб, юраги тошга айланиб кетибди... Менга улар тўғрисида гапирма, гапирма... Бировнинг тақдирини ҳал қилишга уларнинг нима ҳақлари бор?

У бирдан таққа тўхтаб, ўзининг нозик қўлларини шу қадар қисдики, бармоқлари қирсиллаб кетди ва ёш болаларга ўхшаб йиғлаб юборди.

Кўр ҳайрон бўлиб меҳрибонлик билан унинг қўлидан ушлади. Вазмин ва ҳар доим ўзини тута оладиган дўстининг бундай қаттиқ хафа бўлиши Пётр учун кутилмаган ва сабаби номаълум ҳодиса эди. У қизнинг йиғлашига ва бу йиғининг ўз юрагидан отилиб чиқаётган ғалати акс-сатосига қулоқ солиб турди. Олисда қолган болалик йиллари ёдига тушди. У худди ана шундай хафа бўлиб тепаликда ўтирганини, қиз эса, унинг тепасида худди ҳозиргидек йиғлаб ўтирганини эслади...

Қиз бирдан қўлини тортиб олди, кўр яна ҳайрон бўлди: қиз куларди:

— Жуда тентакман-да! Мен нима учун йиғлаяпман!..

Қиз кўзёшини артди-да, ҳаяжон ва меҳрибон товуш билан сўзлай бошлади:

— Йўқ, инсофли бўлайлик: уларнинг инкаласи ҳам яхши одам. Унинг ҳозиргина айтган сўзлари ҳам яхши. Лекин ҳамма учун ҳам шунақа эмас-да.

— Ҳамма учун,— деди кўр.

— Бўлмаган гап!— деб жавоб берди қиз жилмайиб, аммо овозидан ҳамон ўқсиниш сезиларди.— Ахир Максим ҳам соғлиғида урушда бўлди, энди бўлса бир кунини кўр-япти-ку. Биз ҳам...

— Биз дема! Сен, бу — бутунлай бошқа гап.

— Йўқ, бошқа гап эмас.

— Нима учун?

— Шунинг учунки... ҳа, шунинг учунки, сен менга уйланасан, демак, бизнинг ҳаётимиз бир бўлади.

Пётр ҳайрон бўлиб қолди.

— Мен? Сенга-я?.. Демак, сен менга... тегасанми?

— Ҳа, ҳа, бўлмаса-чи!— деб шошилиб жавоб қайтарди қиз ҳаяжон ичида.— Вой тентаг-ей! Наҳотки, буни сира ҳам хаёлингга келтирмаган бўлсанг? Ахир бу жуда осон нарса-ку! Менга уйланмасанг, кимга уйланасан?

— Албатта,— деди Пётр ғалати бир худбинлик билан, лекин шу ондаёқ тилини тишлаб қолди.— Менга қара, Веля,— деди қизнинг қўлидан ушлаб.— Боя улар: катта шаҳарларда қизлар ҳамма нарсага ўқишади дейишди. Сенга ҳам кенг йўл очилиши мумкин... Мен бўлсам...

— Хўш, сенга нима бўпти?

— Мен, мен... кўрман!— деб сўзини мантиқсиз тугатди кўр.

Яна ёшлиги, дарёнинг оҳиста шалдираб оқиши, Эвелина билан биринчи марта танишиши ва «кўр» деган сўзни эшитганда қизнинг ҳўнграб йиғлаб юборгани Пётрнинг эсига тушиб кетди... Пётр қизга яна шундай ханжар қадаётганини бенхтиёр сезиб қолиб тўхтади. Бир неча дақиқа жимлик ҳукм сурди. Фақат новдан оқиб тушаётган сувнинг шилдирашигина эшитиларди. Эвелина худди ғойиб бўлгандек, шу ерда турганлиги ҳеч сезилмасди. Дарҳақиқат, унинг юзи буришиб кетди, лекин қиз ўзини тута билди ва сўзлаётганда унинг овози ҳазиллашгандек, парвосиз эшитиларди.

— Хўш, кўр бўлсанг нима қипти?— деди у.— Агар қиз бола кўр кишини севиб қолса, албатта ўшанга тегиши керак... Ҳамма вақт ўзи шунақа бўлади, сен билан мен нима ҳам қилардик?

— Севиб қолса...— деди Пётр жиддий тусда ва қошларини чимирди, ўзига таниш сўзнинг янги оҳангини англашга тиришарди...

— Севиб қолса дейсанми?— деб сўради, ҳаяжон тобора ошиб.

— Ҳа-ҳа! Сен ҳам, мен ҳам бир-биримизни севамиз!.. Қандай тентаксан! Ахир, ўзинг ўйлаб кўр: менсиз шу ерда якка ўзинг қоласанми?

Боланинг юзи бирданига оқариб кетди-да, катта сўқир кўзлари бақрайиб қолди.

Ҳаммаёқ жимжит эди, фақат сув нималарнидир куйларди. Баъзан сувнинг овози худди тўхтаб қолаётгандек туюларди, лекин шу ондаёқ яна шилдираб ва тўхтамай давом этарди. Шумуртнинг қалин япроқлари шитирларди, кўрғондан эшитилаётган ашула тинган, лекин энди булбул хонишини бошлаб юборган эди.

— Мен ўлиб қолар эдим,— деди кўр, эшитилар-эшитилмас.

Биринчи марта кўришганидаги каби, қизнинг лаблари учди, болаларникидай ожиз товуш билан зўрға:

— Мен ҳам... сенсиз, битта ўзим... бу дунёда...— деди.

Кўр унинг кичкина қўлчасини ушлаб сиқди. Қиз ҳам унинг қўлини сиқди, лекин қизнинг мулойимгина қўл сиқиши илгаригига ўхшамаслиги унга ажиб туюлди; қизнинг кичкина бармоқлари билан юмшоққина қисиши унинг дилини қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Хуллас, энди қаршисида ёшлигидаги дўсти—илгариги Эвелинадан бошқа, қандайдир янги бир қиз турганини ҳис қилди. Пётр ўз назарида, бақувват ва кучли йигит, қиз эса нозик ва заифдай туюлди. Ана шу ҳиссиётлар таъсирида Пётр бир қўли билан

қизни бағрига босди-да, иккинчи қўли билан унинг ипакдай сочларини силай бошлади.

У ўзини худди ғам-ғуссадан озод бўлгандек сезди, на-зариди, энди ҳеч қандай орзу-ҳавас йўғ-у, балки фақат ҳо-зирги ширин дақиқаларгина бордек эди.

Боядан бери товушини созлаётган булбул энди овозини баралла қўйиб сайраб юборди, боғни булбул навоси тутиб кетди. Қиз сесканиб тушди-да, уялиб Пётрнинг қўлини се-кин итариб қўйди.

Пётр қаршилиқ кўрсатмади, қизни қўйиб юбориб, тўйиб нафас олди. Пётр қизнинг сочларини тузатаётганини сезар-ди. Унинг юраги тез-тез, лекин бир маромда урарди, унинг бутун вужудига қон югуриб, ўзида янги нур пайдо бўлган-ини ҳис этарди. Бир нафасдан сўнг қиз унга одатдаги овозда: «Юр, энди меҳмонларнинг олдига борайлик», де-ганда, кўр бу ёқимли овозга ажабланиб қулоқ солди, унда бутунлай янги оҳанг пайдо бўлган эди.

## IX

Меҳмон ва мезбонлар кичкина меҳмонхонага тўплан-ди, фақат Пётр билан Эвелина йўқ эди. Максим ўзининг кекса ўртоғи билан гаплашиб ўтирар, ёшлар эса очиқ де-раза олдида жим ўтиришар эди, бу кичкина жамоада со-кинлик ҳукм суради, лекин бунинг замирида ҳамма учун равшан бўлмаган, аммо ҳамма сезиб турган қандайдир фо-жиа сезиларди. Айниқса, Пётр билан Эвелинанинг йўқлиги биллиб турарди. Максим гап орасида эшикка кўз ташлаб қўяр, Анна Михайловна эса маъюс, ўзининг хушмуомала мезбонлигини кўрсатиш учун гуноҳкор одамдек тинмай та-раддудланар, анчагина қорин солган ва ҳамма вақтдагидек хушмуомала пан Попельский кечки овқатни кутиб ўз сту-лида мудраб ўтирар эди.

Боғдан меҳмонхонага кираверишдаги айвонда оёқ то-вушлари эшитилиши билан ҳамма ўша томонга қаради, қора ва кенг эшикдан Эвелина кўринди, унинг кетидан кўр секин-секин зинадан чиқиб келмоқда эди.

Ҳамманинг унга диққат билан тикилиб турганини қиз сезди, бироқ ўзини билмаганга солди. У одатдагидек шах-дам қадам ташлаб, уйнинг ўртасидан юриб ўтди, фақат Максимнинг кўз қири билан қараб турганини кўриб, қў-лингдан нима келади, дегандек мийиғида кулиб қўйди. Па-ни Попельская ўғлига тикилар эди.

Ёш йигит, худди қизнинг қаерга бошлаб кетаётганини билмагандек, унинг кетидан эргашиб борарди. Эшик олди-

га етганда озгин юзли ва хипча гавдали Пётр бирдан чи-роқ ёниб турган хонанинг остонасида тўхтади. Кейин остонадан ҳатлаб ўтди-да, гарчи хаёли паришон кўринган бўлса ҳам, тез-тез юриб фортепьяно олдига келди.

Тинч кўрғон ҳаётида музика оддий бир нарса бўлиб қолган бўлса ҳам, лекин бу фақат шу уйга хос, фақат шу хонадонда яшовчиларга аталган бир нарса эди. Меҳмонга келган ёшлар кўрғонни ғала-ғовур ва ашула билан тўлдирган кунларда, Пётр фортепьянога сира яқин келмасди, уни фақат Ставрученконинг тўнғич ўғли чаларди, чунки касби шу эди, кўрнинг тортинчоқлиги уни жамоадан янада узоқлаштирарди. Кўпчилик орасида бор бўлса ҳам йўқдай ўтирган ўғлини кўрганда онасининг юрак-бағри эзилиб кетарди. Ҳозир Пётр, биринчи марта фортепьяно ёнига даядил бориб ўтирганини ўзи ҳам сезмай қолди... У худди уйда бегона одамлар борлигини унутгандай кўринарди. Шуни ҳам айтиш керакки, ёш йигит билан қиз меҳмонхонага киришганда, ҳамма шу қадар жим бўлиб қолдики, кўр уйда ҳеч ким йўқ, деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Фортепьянонинг қопқоғини очиб, клавишларини секин босиб кўрди-да, бир неча енгил аккорд чалди. У худди фортепьянодан ёки ўз қалбидан нимадир сўраб тургандек бўларди.

Сўнгра, қўлини клавиш устига қўйиб, чуқур хаёлга чўмди, кичкина меҳмонхона янада жимжитроқ бўлиб қолди.

Қоронғи деразалардан тун мўралаб турар, боғнинг баъзи ерларида деразадан тушган чироқ нурида товланган ям-яшил япроқлар ҳам уйга мўралаб қараб тургандай кўринарди. Пианинонинг ҳозиргина тинган қаттиқ ва ноаниқ гуриллаган овозини эшитган ва кўрнинг оппоқ юзида ғалати илҳом нашъасини кўрган меҳмонлар нафас олмай жим ўтирардилар.

Пётр эса кўр кўзларини юқорига тикиб, худди бирор нарсага қулоқ солаётгандай, ҳамон жим ўтирарди. Унинг қалбида мавж урган тўлқин каби хилма-хил туйғулар кўтариларди. Денгиз тўлқини қирғоқдаги қум устида жим ётган қайиқни қандай кўтариб ташласа, номаълум, сирли ҳаёт тўлқинлари ҳам уни шу қадар куч билан тебратиб турарди... Унинг чеҳрасида таажжубланиш, савол аломати кўринар ва илгари сезилмаган аллақандай ҳаяжон акс этарди. Кўр кўзлари қоп-қора бўлиб кўринарди.

У зўр бериб синчиклаб қулоқ солаётган нарсасини ўз қалбидан топа олмайгандек туюларди. Бироқ ҳамон ҳайратланиб ўтирган ва кутган нарсасига етолмаган бўлса ҳам ўтирган ерида бир сесканиб тушди-да, клавишларни бос-



ди ва бирдан бостириб келган илҳом тўлқини қўйнида оҳангдор, ёқимли навога берилиб кетди.

## Х

Кўрнинг нотадан фойдаланиши умуман қийин. Ноталар ҳам ҳарфлар сингари бўрттириб босилади, шу билан бирга оҳанглар алоҳида белгилар билан белгиланади ва китоб сатрлари сингари, бир қатор қилиб босилади. Аккорд қилиб қўшилган оҳангларни белгилаш учун уларнинг ўртасига хитоб аломати қўйилади. Кўрнинг буларни ёддан билиши, шу билан бирга, ҳар бир қўл учун алоҳида ёдлаб олиши табиийдир. Шундай қилиб, бу жуда мураккаб ва қийин вазифа, бироқ ўз ишининг алоҳида таркибий қисмларига бўлган ишқибозлиги бу ишда ҳам Пётрга ёрдам берди. Ҳар бир қўл учун бир неча аккордни ёдлаб олиб, фортепьяно олдига келиб ўтирарди. Бир-биридан ажратиш қийин бўлган бўрттирилган белгилар унинг ўзи учун ҳам кутилмаган равишда оҳангдор жаранглаб эшитилганда у шу қадар завқланар ва қизиқар эдики, ҳатто ишнинг қийинлиги ҳам билинмасди.

Шунга қарамай, қоғозга ёзилган пьеса билан уни ижро этиш ўртасида ҳали кўп қўшимча жараёнлар бор эди. Белги куйга айланишдан олдин қўлдан ўтиши, мияга ўрнашиши, шундан кейингина созанданинг бармоқларига қайтиб келиши керак эди. Шу билан бирга, кўрнинг музикага бўлган зўр қобилияти ёд олишдек мураккаб ишга аралашар ва ўзганинг пьесасига ўз таъсирини ўтказмасдан илож йўқ эди. Пётрнинг биринчи марта эшитган куйи, сўнгра онаси чалиб берган куйлар қулоғига қандай қуюлган бўлса, унинг мусиқий туйғулари ҳам худди ўша тарзда шаклланган эди. Бу унинг қалбида доим эшитилиб турган қадрдон табиат, унинг қалбида куйлаб турган халқ музикаси эди.

Мана ҳозир ҳам, ҳаяжонга тўлиб-тошган қалби билан итальянча пьесани чалар экан, унинг аккордлариданоқ қандайдир ўзига хос оҳанг эшитилди, бу эса титловчиларни таажжублантирди. Бироқ бир неча минутдан кейин музика ҳаммани ўзига мафтун этди, фақат Ставрученконинг музикани касб қилиб олган тўнғич ўғли, ўзига таниш пьесани англаш учун пианиночининг ўзига хос услубини таҳлил қилиб, узоқ вақтгача қулоқ солиб турди.

Пианинонинг янгроқ овози меҳмонхонадан чиқиб, жимиб қолган боққа тараларди... Ёшларнинг кўзларида мароқ ва қизиқиш аломатлари чақнади. Кекса Ставрученко

бошини эгиб, индамай тинглаб ўтирарди, лекин кейинчалик руҳ кўтарилиб, Максимни тирсаги билан туртар ва қулоғига:

— Чалиш деган мана бунақа бўлади. Ҳа, ё гапим нотўғрими?— деб пичирларди.

Пианинонинг овози кўтарила борган сари кекса жанжалкаш ниманидир, афтидан, ўзининг ёшлигини бўлса керак, эслай бошлади, чунки кўзлари чақнаб, юзлари қизариб кетди, кейин қаддини ростлади, қўлини баланд кўтариб, столга бир мушт урмоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини тутди-да, муштини оҳиста столга қўйди. Ўз ўғилларини бир-бир назардан кечириб, мўйловини силади-да, Максимга эгилиб яна:

— Булар қарияларни чиппакка чиқармоқчи... бекор айтишипти! Бир вақтларда сен билан биз ҳам бўш келмасдик, оғайни... Ҳозир ҳам... бўш келмаймиз... Ё гапим чакими? — деб пичирларди.

Музикага унча ҳуши бўлмаган Максим ҳам бу сафар ўзи тарбиялаган кўрнинг чалишида қандайдир янгиликни сезди-да, трубкасидан паға-паға тутун чиқариб завқ билан тинглар, бошини чайқаб, гоҳ Пётрга, гоҳ Эвелинага қараб-қараб қўярди. Унинг тарбия усулига яна бир номаълум ҳаётгий куч тўлқинининг билдирмасдан бостириб кирганини пайқади... Анна Михайловна ҳам қизга қараб-қараб қўяр ва ўз-ўзидан: нима бу — ўғлимнинг чалишидан бахт садолари эшитиляптими ёки ғам-ғуссами... деб сўрагандай бўларди. Эвелина абажурнинг панасида ўтирар, қоронғида унинг фақат йирик кўзларигина қорайиб аниқ кўриниб турар эди. Биргина Эвелина бу оҳангларни ўзича тушунарди, бу оҳангларда кўкариб кетган новлардан оқиб тушаётган сув шилдираши ва қоронғи хиёбондаги гупурнинг шитирлаши эшитиларди.

## XI

Куйнинг ўзгарганига анча бўлди. Пётр итальянча пьесани қўйиб, ўзи ижод эта бошлади. У бундан бир минутча олдин индамай бошини эгиб, ўтмишдаги саргузаштларини эслаб, ичига сиғдиrolмаётган таассуротларнинг ҳаммасини куйга солиб чала бошлади. Бу куйда табиатнинг шовқини, шамолнинг гувуллаши, ўрмоннинг шитирлаши, дарёнинг шовуллаши, олис-олисларга кетиб сўнувчи шовқинлар ўз ифодасини топган эди. Буларнинг ҳаммаси — табиатнинг сирли куйлари киши қалбида уйғотадиган аллақандай чуқур бир туйғу билан чамбарчас боғланиб

кетган эди,— у туйғуга ном топиб кўйиш ҳам қийин эди... Қайғу-ҳасратми?.. Ундай дейилса, нима учун бу қадар ёқимли ва нашъали? Шодликми?.. Ундай бўлса, нима учун одамни шу қадар чуқур, шу қадар чексиз қайғуртиради, ғамга ботиради?

Баъзан товушлар кучаяр ва авжига чиқарди. Музыкачининг чеҳраси аллақандай жиддий тусга киради. Бу кутилмаган куйларда шунча зўр куч борлигига унинг ўзи ҳам ажабланганга ва яна ниманидир кутаётганга ўхшарди... Яна бир неча зарб билан буларнинг ҳаммаси қудратли ва ниҳоятда ажойиб гармонияга айланиб кетаётгандек туюларди, шундай пайтларда тингловчилар нафасларини ичларига ютиб, қимир этмай ўтирардилар. Бироқ товушлар авжга чиқибоқ худди кўпикка айланиб, сачраб йўқолиб кетаётган тўлқиндек қандайдир аччиқ фиғон билан пасаярди ва таажжубланиш оҳанглари анчагача ҳавода янграб турарди.

Кўр бир оз жим қоларди, меҳмонхонага... яна сукунат чўкарди, фақат боғдаги япроқларнинг шитирлаган товушларигина бу тинчликни бузиб турарди. Ўтирганларни мафтун этган ва уларни бу оддийгина уй деворларидан олиб чиқиб узоқ жойларга олиб кетган хаёл бузиларди, кичкина хона яна уларнинг атрофини сиқиб тургандек бўлар ва музикачи то куч тўплаб яна яна чала бошлагунча қоронғи деразалардан тун мўраларди.

Товушлар нималарнидир излагандек, яна авжга чиқиб, янада кўтарилиб янгради, гоҳ ишқ-муҳаббат ва ғам-ҳасратдан, гоҳ ўтмиш кулфатлари ва шон-шарафдан, гоҳ мардлик ва орзу-тилақлардан баҳс этувчи халқ ашуларининг оҳанглари қандайдир ноаниқ жаранглаб эшитиларди. Бу билан кўр ўз туйғуларини тайёр ва ўзига таниш бўлган шаклларга солиб кўрарди.

Бироқ бу қўшиқ ҳам тугаркан, кичкина меҳмонхонада унинг маҳзун ноласи титраб, оғир сўнди.

## XII

Куй ноаниқ нола билан тугаган чоғида, Анна Михайловна ўғлига қараган эди, ҳов ўша баҳорнинг қуёшли кунларидан бири эсига тушди. Ўша куни ўғли, кишини ҳаяжонлантирувчи баҳор табиатининг қаттиқ таъсирида ҳушидан кетиб қолган эди, ўғлининг юзидаги ҳозирги ифода ҳам ўшанга ўхшарди.

Аммо буни фақат онанинг ўзигина сизди. Меҳмонхонада ғала-ғовур бошланди. Кекса Ставрученко Максимга

алланималар деб бақирарди, завқ ва ҳаяжонга тўлган ёшлар музикачининг қўлини сиқишар ва келажакда донгдор санъаткор бўлажагини каромат қилардилар.

— Ҳа, шундай,— деб тасдиқлади Ставрученконинг тўнғич ўғли.— Сиз халқ куйларини, уларнинг хусусиятларини жуда яхши ўзлаштириб олибсиз, халқ куйлари сизга сингиб кетибди, сиз уни мукамал билиб олибсиз. Аммо айтинг-чи, дастлаб қандай пьесани чалдингиз?

Пётр италяянча пьесанинг номини айтди.

— Мен ҳам шундай ўйлаган эдим,— деб жавоб қайтарди ёш йигит.— Бу куй менга сал-пал таниш... Сиз жуда бошқача чалар экансиз. Сиздан яхши чаладиганлар кўп, лекин бу пьесани ҳеч ким сиздай чалолган эмас... Буни худди италяянча музиканинг малорус мусиқий тилига таржимаси деса бўлади. Сиз музика билан жиддий шуғулланишингиз керак, ана шунда...

Кўр диққат билан тингларди. У биринчи марта ҳаммаининг диққатига сазовор бўлгани ва шунинг учун ўз кучига бўлган ишончи ортганини сезарди. Наҳотки, бу сафар унинг ўзини сира ҳам қаноатлантирмаган бу куйлар бошқаларга шу қадар қаттиқ таъсир қилган бўлса? Демак, у ҳам ўз ҳаётида бирон нарсага яраб қолар эканда? У ҳамон ппанино клавишларидан қўлини олмай ўтирар экан, бирдан ғала-ғовур ичида унинг қўлига кимнингдир иссиқ қўли текканини сизди. Пётрнинг олдига Эвелина келиб унинг қўлларини мулойимгина сиқиб, қувонч тўла ҳаяжон билан оҳишта пичирлади:

— Эшитдингми? Сен ҳам касбли бўлишнинг мумкин. Бу ерда ўтирганларнинг ҳаммасини қандай ҳаяжонга солганингни бир кўрсанг, билсанг эди...

Кўр бир сесканди-да, қақдини ростлади.

Бу қисқа ҳолатини Пётрнинг онасидан бошқа ҳеч ким сезмади. Худди илк муҳаббат ўз бўёқларини унга тақдим, этгандек, юзи доладай қизариб кетди.

Кўр ҳамон ўрнидан қўзғалмай ўтирар эди. У қалбига қуюлиб келаётган янги бахт таассуротлари билан қурашарди, балки шаклсиз, қора булут каби босиб келаётган фалокатнинг яқинлашаётганини сезганмиди...

## ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Эртаси куни Пётр барвақт уйғонди. Бўлма жимжит, уйда ҳам ҳали ҳеч қандай товуш эшитилмас эди. Тунда очик қолган деразадан тонг шабадаси кириб турарди.

Пётр табиатни жуда яхши сезарди. Ҳали эрталигини, уйнинг деразаси очик турганини биларди: дарахт шохларининг шитирлаши баралла эшитилиб турарди. Пётр буларнинг ҳаммасини, айниқса, бугун равшан сизди, у ҳатто қуёшнинг уйга мўралаб турганини, агар қўлини деразага узатса, дарахт шохларидан шудринг тўкилишини ҳам биларди. Бундан ташқари, у бутун вужуди қандайдир янги, илгари сира тотиб кўрмаган туйғулар билан тўлиб-тошганини ҳам сезар эди.

Пётр боғда аллақандай кичкина қушчанинг сайрашига ва ўзининг қалбида кучайиб бораётган ғалати бир туйғуга қулоқ солиб, яна бирмунча вақт ўрнидан қўзғалмай ётди.

«Менга нима бўлди?»— деб ўйлади у ва шу ондаёқ Эвелинанинг кеча кечқурун, эски тегирмон бошида: «Наҳотки, сен бу ҳақда сира ўйламаган бўлсанг?.. Вой тентаг-эй!..» дегани эсига тушди.

Дарҳақиқат, Пётр бу ҳақда сира ўйламаган эди. У Эвелинанинг яқинлигидан роҳатланарди, лекин биз нафас олиб турган ҳавони сезмаганимиз каби, у ҳам буни кечаги кунгача ҳеч сезмаган эди. Сувнинг ойнадай текис юзига тош тушганда уни мавжлантириб юборгандек, бу ёқимли сўзлар ҳам кеча унинг қалбига осмондан тушгандек туюлди: ҳалигина, сувнинг юзи ойнадек, текис, сокин бўлиб, қуёшнинг нуруни, кўм-кўк осмонни ўзида акс эттириб турган эди... Бир зарб билан у остигача тўлқинланиб кетди.

Пётр бугун дили покланиб турди, унга қадрдон дўст бўлган қиз ҳам бутунлай бошқача бўлиб кўринди. Кечаги воқеа ва гапларнинг ипидан-игнасигача батафсил хаёлидан ўтказар экан, қизнинг «янгича эшитилган» овозига таажжуб билан қулоқ соларди. «Севиб қолган бўлса... Вой тентаг-эй!..»

Ирғиб ўрнидан турди-да, апил-тапил кийиниб, боғнинг шудринг босган йўлкасидан эски тегирмон томонга қараб югурди. Сув кечагидек шилдираб оқар, турфа гуллар ҳам худди кечагидек шитирларди, фақат кеча қоронғи эди, ҳозир эса порлоқ қуёш нур сочиб турарди. Пётр қуёш нуруни илгари ҳеч қачон бугунгидек яққол «сезмаган» эди. Унинг қалби асабларини қитиқлаётган ёқимли куннинг бу ўйноқи нурлари хушбўй шабнам ва эрталабки соф ҳаво билан тўлиб-тошгандек бўларди.

## II

Бутун қўрғон очилиб, яшнаб кетгандай бўлди. Анна Михайловна худди яшариб қолгандек кўринарди. Максим-

нинг гарчанд паға-паға булут орасидан четлаб ўтиб кетаётган момақалдироқдай гулдираши тез-тез қулоққа чалиниб турса ҳам қовоғи очилиб, ҳазиллашадиган бўлиб қолди. У кўп одамлар ҳаётни тўй-томоша билан тугайдиган аллақандай бемаъни романга ўхшатса керак, ҳолбуки дунёда яна шундай нарсалар ҳам кўпки, баъзи бировлар бу тўғрида чуқурроқ ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмайди, дерди. Тўлишиб, кўркамлашиб кетган, сочлари бир текисда чиройли оқараётган, юзи қип-қизил пан Попельский, афтидан, бу сўзлар менга қарата айтилган бўлса керак, деб ўйлаб, Максимнинг сўзини маъқуллар ва жуда яхши юришиб турган хўжалигини кўргани чиқиб кетарди. Ёшлар бир-бировларига қараб қўйишар ва ўзларича аллақандай режалар тузишарди. Пётр музикани жиддий ўрганиши ва уни охирига етказиши лозим эди.

Куз кунларидан бирида, йиғим-терим тугаб, далаларда мезонлар офтобда ялтираб учиб юрган пайтда Попельскийлар бутун оиласи билан Ставрученколарникига жўнашди. Ставрученколарнинг имениеси Попельскийларникидан етмиш чақирим нарида, аммо манзара жуда ўзгариб кетар эди: Карпат тоғларининг Волиндан ва Прибушьедан кўриниб турган охириги силсилалари тугаб, Украина чўллари бошланарди. Баъзи жойларида жарликлар учрайдиган бу текисликларда боғ-роғ ва кўкаламзорларга чўмган қишлоқлар ва йироқ уфқда ҳайдалган ва ҳосили ўриб олинган далалар ортида баланд қабрлар кўзга ташланарди.

Бундай узоқ сафарларга чиқиш умуман бу онлага одат эмас эди. Пётр ўзига жуда яхши таниш бўлган қишлоқ ва яқин атрофдаги далалардан нарига ўтдими, бўлди, дарров адашиб қолар, ўзининг кўрлигини кўпроқ ҳис қилар, сал нарсага ҳам хуноби ошиб безовта бўларди. Аммо бу гал таклифни мамнуният билан қабул қилди. Уз туйғуларини ва уйғониб келаётган истеъдод кучини сезган ўша кечадан кейин Пётр ўзини қуршаб турган қора ва ноаниқ ташқи дунёга дадилроқ қарай бошлади. Бу дунё унинг хаёлида тобора кенгайиб, уни ўзига жалб эта бошлаган эди.

Ҳадемай орадан бир неча кун ҳам ўтиб кетди. Пётр энди ёшлар орасида ўзини анча эркин сеза бошлади. У Ставрученконинг тўнғич ўгли зўр маҳорат билан чалишини ва консерватория ҳамда пойтахтда бўладиган концертлар тўғрисидаги ҳикояларини диққат ва ҳавас билан тингларди. Ставрученко, Пётрнинг ҳали камолотга етма-

ган, лекин кучли мусиқий ҳиссиёти тўғрисида ҳар сафар гапирганда унинг юзлари қип-қизариб кетарди. Энди у, бурчак-бурчакда уялиб ўтирмас, балки бир оз тортиниб бўлса ҳам, ҳарҳолда ҳамма билан баб-баравар гапга аралашадиган бўлган эди. Эвелинанинг гапга аралашмай, вазмин ўтиришлари ҳам йўқолди. У ўзини эркин сезар, дам ўтмай ҳушчақчақ кулиши эса ҳаммани завқлантирарди.

Имениедан ўн чақиримча нарида N. деган эски ибодатхона бўлиб, бутун ўлкада машҳур эди. Бир замонлар ўлканинг тарихида катта роль ўйнаган татар галалари ибодатхонани худди чигиртка каби бир неча марта қамал қилиб, ёйдан ўққа тутган. Баъзан полякларнинг хилма-хил отрядлари қалъанинг деворларига тирмашиб ҳужум қилган, ёки аксинча, казаклар уни ишғол этган қиролнинг солдатларидан озод этиш учун ёпирилиб ҳужумга ўтганлар... Ҳозир эски миноралар қулаб тушган, деворнинг ўрнига ибодатхона полизини деҳқонларнинг молларидан сақлаш учун тахтадевор билан тўсилган, чуқурлар ичига эса тарик экилган эди.

Бир куни, кеч кузнинг очиқ ва илиқ кунларидан биринда, мезбонлару меҳмонлар шу ибодатхонага жўнашди. Максим хотинлар билан бирга баланд рессорли ва худди қайиқдай лапанглаб юрадиган катта аравада жўнади. Йигитлар, шу жумладан, Пётр ҳам отда кетди.

Кўр бошқа отларнинг дукур-дукур қилиб юришига ва олдинда кетаётган арава филдиракларининг ёғирлашига қулоқ солиб, бемалол борарди. Унинг от устида бемалол ва дадил келаётганини кўрган киши: бу чавандознинг йўл кўрмаслигига ва ихтиёрини отга ташлаб қўйганига ишонмас эди. Анна Михайловна дастлаб бегона отдан ва нотаниш йўлдан ҳавфсираб ўғлига қараб-қараб қўяр, Максим эса Пётрга кўз қирини ташлаб, устозларча кибр билан хотинларнинг кўрқоқлигини масхара қилиб борарди.

— Биласизларми...— деди студент, аравага яқинлашиб.— Шу ерда ғалати бир қабр борлиги ҳозир эсимга тушиб қолди, бу қабрнинг тарихини ибодатхона архивини ахтариб топдик. Агар истасангиз, ўша ёққа буриламиз. Узоқ эмас, қишлоқдан чиқаверишда.

— Нега биз билан юрганингизда, нуқул шунақанги қайғули хотираларни ўйлаб юрасиз-а?— деб кулди Эвелина.

— Бу саволга кейинроқ жавоб бераман!.. Қолодняга, Остапнинг ўтлоғи томонга бур, ҳу, анави четан ёнига

бориб тўхта,— деб қичқирди студент кучерга ва отнинг бошини буриб, орқада қолган ўртоқларининг ёнига от қўйиб кетди.

Орадан сал вақт ўтгач, йигитлар ғилдиракларини лапанглатиб тупроқни тўзитиб тор кўчадан кетаётган соябон араванинг олдидан отларини чоптириб ўтиб кетишдида, тушиб, отларни четанга боғлашди. Уларнинг иккитаси хотин-қизларга кўмаклашиш учун аравага қараб югурди, Пётр эса эгарнинг қошига суяниб, ўзининг қаерда турганини билишга тиришиб, ерга қараб турарди.

Кузнинг бугунги очиқ кунни унга тун каби қоронғи туюлса ҳам, атрофдаги ёрқин товушлар жон киритарди. Пётр яқинлашиб келаётган арава ғилдиракларининг ғижирлаши ва уни кутиб олган ёшларнинг хушчақчақ ҳазилларига қулоқ солиб турар эди. Унинг олдида турган отлар пўлат безакли жиловларини жаранглатиб, четаннинг нариги томонидаги ўтга бўйини чўзишади... Сал наридан, афтидан, полиздан бўлса керак, ашула эшитилади, у енгил шабадада оҳиста ва ғамгин эшитиларди. Боғдаги дарахт барглари шитирлайди, қаердадир лайлак томоғини тақиллатади ва худди тўсатдан бир нарса эсига тушиб кетгандек, хўрқининг қанот қоқиши ва қичқириши, қудуқнинг сув чиқардиган шотисининг оҳиста ғижирлаши эшитилади — буларнинг ҳаммаси қишлоқда иш қизғин эканини билдирарди.

Дарҳақиқат, улар энг чеккадаги боғнинг олдида ташташган эди... Узоқдан келаётган овозлар ичида ибодатхона қўнғироғининг баланд жаранглаган товуши ҳаммасидан аниқроқ эди. Шу қўнғироқнинг овозиданми ёки шамолнинг учириб келишиданми, ёхуд, қандайдир, унинг ўзига хос номаълум аломатларданми, ҳарҳолда Пётр, қаердадир нариги томонда ибодатхонанинг орқасида жарлик борлигини сездди. Эҳтимол, бу дарёнинг қирғоғидир, дарёнинг нариги томони унга поёнсиз кенглик бўлиб туюлар, у ернинг ҳаёти, ноаниқ товушлари зўрға эшитиларди. Кетганда узоқ ерлар бизга ноаниқ ва жимираб кўринишдек, бу товушлар ҳам унга узилиб-узилиб, жуда сеэшитиларди ва шу билан у оқисларни тасаввур этарди.

Шамол шляпасининг остидан чиқиб турган бир тучоқнинг ҳилпиратар ва қулоғига худди қадимги Эслафасининг<sup>1</sup> садосидек куйлаб турарди. Хаёлига ёшлигини аллақандай хотиралар келарди, кичкина болалик чоғи.

<sup>1</sup> Арфа — чилтор — тикка қўйиб, торлари чертиб чалинадиган музыка боби: ривоятларга караганда, шамол худоси Эсланинг куёш чиққан вақтда молда нозик овоз чиқарадиган арфаси бўлган эмиш.



эсларди, айрим хотиралар шамол, товуш ва яна аллақандай туйғуларда гавдаланар эди... Унинг назариди, узоқдан эшитилаётган қўнғироқ товуши ва аранг эшитилаётган ашула билан қўшилиб кетган шамол, бу ернинг узоқ ўтмишидан, унинг ўз кечмиши тўғрисида ё бўлмаса ноаниқ, қоронғи келажаги ҳақида сўзлаётгандай бўларди.

Бир нафасдан кейин арава етиб келди, ҳамма тушди ва четан девордан ошиб ўтлоққа кетишди. Ўт ва бурган босган бурчакда, ерга ботиб йўқолиб кетишига сал қолган катта мрамар тош ётар эди. Қизил-пушти гулли қариқизнинг кўм-кўк япроқлари, япалоқ отқулоқлар ва ингичка пояли ўтлар шамолда секин-секин чайқалиб турарди, қабр четидидаги ўтларнинг нималарнидир шивирлаши Пётрга эшитилар эди.

— Бу ёдгорликнинг борлигини биз фақат яқиндагина билдик,— деди Ставрученконинг кенжа ўғли,— аммо бу ерда ким ётганини биласизларми? Бир замонларда донг чиқарган паҳлавон, казаклар отрядининг бошлиғи Игнат Карий ётипти...

— Эски қароқчи шу ерда ўз қабрини топган экан-да?— деди Максим, хаёлга чўмган ҳолда.— Бу ерга, Колодняга андай қилиб келиб қолибди?

— 17... йилда казаклар билан татарлар, поляк қўшинлари ишғол этиб турган шу ибодатхонани қамал қилганлар... Татарларнинг субутсиз иттифоқчи эканликларини биласиз... Афтидан, қамалдагилар мирзага пора бериб, ўз тоғонига оғдириб олишган, кечаси татарлар поляклар билан иргаликда казакларга ҳужум қилган бўлсалар керак. Шу ерда, Колодня яқинида, тунда қаттиқ жанг бўлган. Татарлар тор-мор қилинган, лекин казаклар тунги жангда ўз таманларидан жудо бўлганлар.

— Бу воқеада,— деб давом этди йигит ўйланиб,— яна бир киши қатнашган, лекин иккинчи қабрни ахтариб топилмадик. Биз ибодатхонадан топган қадимги лавҳага қараганда, Карий билан бир ерга, атаманни жангларда кутиб юрадиган ёш бандурачи... кўр ҳам... кўмилган.

— Кўр-а? Жангларда бўлганми?— қўрқув ичида сўради Анна Михайловна ва дарҳол ўз ўғлининг даҳшатли тунги жангда қатнашганини кўз олдига келтирди.

— Ҳа, кўр. Бу тарихнинг полякча-малоросча-черков тилида иншо этилган ёзувига қараганда, афтидан, у запожъелик машҳур қўшиқчи бўлса керак... Шошманглар, ша ёзувни билсам керак: «Юрко деган шонли казак қўшиқчиси ҳамиша у билан бирга юрарди. Карийнинг ёни-

дан сира силжимасди, Қарий ҳам уни чин кўнгилдан севарди. Юрко куйга шу қадар уста эдики, ҳатто қашқирлар ҳам унинг куйини эшитиб маҳлиё бўлар эди, аммо Қарийни ўлдирган динсиз татарлар Юрконинг ногиронлигига ҳам қарамасдан, тунги жангда чопиб ташладилар. Қўшиқчи ҳам, паҳлавон ҳам бир ерга кўмилди, икковига ҳам абадий шон-шарафлар бўлсин, омин...»

— Плитанинг сатҳи кенг экан,— деди биров.— Балки уларнинг ҳар иккиси ҳам бирга қўйилгандир...

— Тўғри, шундай-ку, лекин ёзувни йўсин босиб кетипти... Қаранглар-а плитанинг бошига булава билан бунчук<sup>1</sup> расми солинган. Қолган ҳамма ерини моғор босиб кетипти.

— Тўхтанглар,— деди бутун гапни ҳаяжон билан эшитиб турган Пётр.

Пётр лавҳа олдига келиб энгашди-да, нозик бармоқлари билан лавҳа устидаги ўтти ушлаб кўрди. Сўнгра майса тагидан бўртиб чиқиб турган тошни пайпаслаб кўрди.

У осмонга қараб қошларини чимирган ҳолда бир минутча ўтирди. Сўнгра ўқий бошлади.

— «...Қарий лақабли Игнатий... тангрининг тақдири билан... татар отган камон ўқи билан ўлдирилган...»

— Буни ўзимиз ҳам ўқий олдик,— деди студент.

Кўрнинг қалтираган ва букилган бармоқлари тобора пастга тушарди.

«Ўлдирилган...»

«Душман томонидан...»— деб давом эттирди студент шошилиб.— Юрконинг ўлдирилиши тасвирланган лавҳада ҳам шу сўзлар бор эди... демак тўғри: у ҳам худди шу ерга, битта қабрга қўйилган...

— Шундай, «душман томонидан»,— деб ўқиди Пётр.— Буёғи ўчиб кетган. Шошманг, яна бор, «татарнинг қиличи билан чопилган...»— яна бир сўз борга ўхшайди... йўқ, бахтга қарши, ўчиб кетибди.

Дарҳақиқат, юз эллик йилдан буён ётган лавҳадаги бандурачи тўғрисидаги сўзларнинг ярми ўчиб кетган эди.

Ҳамма бир неча дақиқа жим қолди, фақат баргларнинг шитирлаган овозигина эшитиларди. Қимнингдир чуқур хўрсиниб уф тортиши жимликни бузди. У шу боғнинг эгаси ва қадимги атаманинг сўнги қароргоҳи меросхўри Остап эди, у меҳмонлар ёнига келиб, юз йиллардан буён қор ва

<sup>1</sup> Булава ва бунчук — запорожьелик казак ва полякларда гетман хукуматиинг белгиси (булава — учига шар ўрнатилган туғ; бунчук — туғга ўрнатилган от думи).

ёмғир остида ётиб, кўзи очиқ одамлардан яшириниб ётган сўзларни қўли билан пайпаслаб ўқиётган ва кўзлари осмонга бақрайиб қараб турган ёш йигитга таажжуб билан термуларди.

— Ё худонинг қудрати! Кўзи кўрадиган одам кўролмаган нарсалар худонинг қудрати билан кўрларга кўринар экан-да,— деди у, Пётрга эҳтиром билан қараб.

— Бу Юрко — бандурачи нима учун менинг эсимга тушганини энди тушундингизми, панночка?— деб сўради студент эски арава кўчани чангитиб ибодатхона томонга қараб юра бошлаганда.— Бир ерда кўниб турмайдиган Карийнинг отлиқ отрядини кўр қандай қилиб кузатиб юрар экан, биз ака-ука бунга жуда ҳайрон қолдик. Майли, ўша вақтда у Кошевой<sup>1</sup> эмас, балки оддий шайка бошлиғи бўлган дейлик. Лекин шу нарса маълумки, у оддий гайдамакларга<sup>2</sup> эмас, балки ҳамма вақт отлиқ юрадиган казак овчилар отрядига қўмондонлик қилган. Одатда, бандурачилар бўйнига халта осиб, қишлоқма-қишлоқ ашула айтиб юрадиган кекса гадейлар бўларди... Фақат бугун, сизнинг Пётрингизни кўриб, елкасига милтиқ ўрнига бандура осган отлиқ кўр Юрко кўз олдимда гавдаланди...

— Эҳтимол, у ҳам жангларда қатнашгандир... Ҳарҳолда, сафарларда ҳам, хавф-хатарларда ҳам бирга юрган бўлса керак...— деб сўзини давом эттирди у.— Хавф-хатарли сафарларда қатнашганлиги аниқ. Украинамизнинг жуда ажойиб тарихи бор-да!

— Қандай даҳшат!— деб уф тортди Анна Михайловна.

— Қандай яхши эди!— деб эътироз билдирди йигит.

— Энди бунақанги ишлар бўлмайди,— деди жиддий, аравага етиб олган Пётр. У қошини чимириб, ёнидаги отларнинг қадам ташлашига диққат билан қулоқ солди-да, отини арава билан ёнма-ён юргизди... Унинг чеҳраси одатдагидан кўра ҳам оқариб кетган бўлиб, қаттиқ ҳаяжонлангани сезилиб турарди.— Энди уларнинг ҳаммаси йўқолиб кетган,— деб такрорлади Пётр.

— Йўқолиши лозим бўлган нарсалар йўқолиб кетди,— деди Максим, эътиборсизлик билан.— Улар ўз ҳолига яраша яшаган, сизлар ҳам ўз қилмишларингиздан топасизлар...

— Айтишга осон,— деди студент,— сиз даврингизни суриб олдингиз.

<sup>1</sup> Кошевой — Запорожьёдаги ҳарбий отряднинг атамани.

<sup>2</sup> Гайдамак — XVII—XVIII асрларда Украинада полякларга қарши курашда қатнашган кўзғолончи казак.

— Ҳаёт ҳам менам оладиганини олди,— деб кулимсиради кекса гарибальдичи, қўлтиқтаёқларини кўрсатиб. Бир оз жим тургандан кейин сўзида давом этди:

— Мен ҳам бир вақтлар жанг қилишни, унинг жўшқин поэзияси ва эркини ҳавас қилардим... Ҳатто Туркияга бориб, Содиқнинг<sup>1</sup> қўл остида ҳам бўлганман.

— Кейин нима бўлди?— деб шошилиб сўрашди йигитлар.

— Сизларнинг «эркин казакларингиз» турк истибдодига хизмат қилганини кўриб, ҳафсалам пир бўлди... Эски майнабозлик ва қаллоблик!.. Тарих бу эски увадаларни ахлатхонага чиқариб ташлаганини ва энг муҳими — чиройли шаклларда бўлмай, балки маскарада эканлигини билдим... Ана ўшандан кейин Италияга кетдим... Гарчи мен уларнинг тилини билмасам ҳам, уларнинг орзулари йўлида жон беришга тайёр эдим...

Максим жиддий ва самимият билан гапирарди. Ставрченко ва ўғилларининг ўртасида бўлиб турадиган қизғин тортишувларда, одатда, Максим иштирок этмас, ёшларнинг уни ўз дўстимиз деб унга шикоят қилишига эътиборсиз қулиб қўярдди, Энди бўлса, ўт босиб кетган эски тош устида ҳаммани ҳаяжонга солган бу драма Максимга ҳам таъсир қилганлиги, бундан ташқари, бу ўтмишдаги тарихий воқеа Пётрга ҳозирги ҳамма нарсадан яқинроқ бўлиб тўюлганлиги унинг юзида пайдо бўлган аломатлардан сезилиб турар эди...

Бундан бир неча дақиқа илгари Остапнинг ўтлоғида кечирилган жонли ҳиссиёт туфайлими,— чунки мрамор тош ўтмишдан асар қолмаганлигини жуда равшан кўрсатиб турарди,— ёки кекса ветераннинг ҳурматга сазовор бўлган таъсири остидами, ҳарҳолда ёш йигитлар бу сафар унга эътироз билдиришмади...

— Ўша, бизнинг қисматимизга нима қолади?— деб сўради студент, бир оз жим тургач.

— Яна ўша абадий кураш...

— Қаерда? Қай шаклда?

— Ахтаринг,— деб қисқа жавоб берди Максим.

Максим одатдагидай истеҳзо қилмай, бу сафар жиддий гапиришга мойил эди. Бироқ бу ҳақда жиддий гапиришга вақт қолмаган эди... Арава ибодатхона эшигига келиб тўх-

---

<sup>1</sup> Содиқ подшо номи билан машҳур бўлган украин романтиги Чайковскийнинг лақаби; у Туркиядаги казакларни мустақил сиёсий куч сифатида уюштиришни орзу қилган эди.

тади, студент энгашиб Пётр минган отнинг жиловидан тугди. Пётрнинг ниҳоятда ҳаяжонланаётгани чеҳрасидан яққол кўриниб турар эди.

### III

Ибодатхонага келганлар, одатда, эски черковни томоша қилишар ва қўнғироқхонага чиқишарди, қўнғироқхонадан узоқ-узоқ жойлар кўринади. Ҳаво очиқ пайтларда губерна шаҳрининг уфқда оқариб турган уйлари ва илон изи бўлиб оқаётган Днепр ғира-шира кўзга чалинарди.

Меҳмонлар қўнғироқхонанинг қулфлоглиқ турган эшиги олдига келганда вақт тушдан оққан эди, Максим эса монахларнинг ҳужраларидан бирининг пешайвонида қолди. Узун тўн ва чўққи қалпоқ кийган ориққина ёш монах гумбаз остида бир қўли билан берк эшикнинг қулфини ушлаб турар эди... Сал нарироқда, худди бир нарсадан қўрқиб кетган қушлардек, бир тўда болалар турар эдилар, Монах билан бу шўх болалар ўртасида яқиндагина аллақандай жанжал бўлиб ўтгани кўриниб турарди. Монахнинг шижоат билан қараб туриши ва қулфга маҳкам ёпишиб олганига қараганда, болалар меҳмонлар кетидан қўнғироқхонага чиқишмоқчи бўлган-у, лекин ёш монах уларни киргизмаётган эди. Унинг жаҳли чиқиб, ранги ўчган юзида фақат қизил доғлар кўринарди холос.

Ёш монахнинг кўзлари жуда ғалати ва ҳаракатсиз кўринарди... Бу одамнинг юзидаги ифодани, унинг бақрайиб турган кўзларини дастлаб Анна Михайловна кўрди ва ҳуши учиб, Эвелинанинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Кўр экан,— деб пичирлади қиз, қўрқиб кетиб.

— Секинроқ,— деди она,— тагин... сезяпсанми?

— Ҳа...

Ёш монахнинг башараси Пётрга жуда ўхшаш эканини сезмаслик мумкин эмас эди. Унинг юзи оппоқ, кўзи ҳам очиқ, бақрайган — ҳаракатсиз, шу билан бирга, ҳар бир янги товушни эшитганда, унинг ҳам қошлари безовталаниб чимирилар ва худди ҳурккан ҳашаротнинг узун пайпаслагичига ўхшаб кетар эди... Унинг юз бичими қўполроқ, гавдаси бесўнақай, аммо худди шунинг учун ҳам Пётрга жуда ўхшаб кетарди. Ботиқ кўкрагини чангаллаб, бўғилиб йўталганда Анна Михайловна унга тикилиб қаради, унинг кўзига худди арвоҳ кўрингандек бўлди...

Ёш монах йўталиб бўлиб, эшикни очди-да, остонада туриб, хириллаган товуш билан:

— Болалар йўқми? Қочинглар, лаънатилар,— деди ва

бутун гавдаси билан болалар томонга ташланди, сўнгра ёш йигитларни олдинга ўтказиб юборгач, хасисларга хос ёлворувчан товуш билан:

— Қўнғироқчига ҳам садақа берасизларми? Эҳтиёт бўлинглар, йўлак қоронғи...— деди:

Ҳамма меҳмонлар зинадан чиқа бошлашди. Тик ва ноқулай зиналарни кўриб чиқайми-чиқмайми, деб тараддудланаётган Анна Михайловна ҳам, худди бўйсунгандек, бошқалар кетидан чиқа бошлади.

Кўр қўнғироқчи эшикни ёпди... Йўлакни қоронғилик босди, зинанинг муюлишларида уриниб-туртиниб чиқиб кетаётган ёшларни пастда туриб қўрқув билан кузатаётган Анна Михайловна, фақат бир оздан кейингина қалин тош девордаги кичкина тирқишдан қиялаб туриб турган хира нурни кўрди. Бу нурда бир нечта чанг босган қинғир-қийшиқ харсанг тош кўринди.

Ташқарида қолган болаларнинг:

— Амаки, жон амаки, биз ҳам кирайлик,— деган овози эшитилди. — Амаки, жон амаки, биз ҳам кирайлик!

Қўнғироқчи жаҳл билан эшикка ташланиб, темир қопланган эшикни кучининг борича мушти билан дукиллата бошлади.

— Йўқолинглар, йўқолинглар, бадбахтлар... Ҳу, бўйнинг узилгурлар!— деб, жаҳл билан бўғилиб бақирди кўр.

«— Аблаҳ кўр,— бирданига бир неча овоз эшитилди ва эшикнинг нариги томонидан бир неча ялангоёқ болаларнинг тапир-тупур оёқ товуши эшитилди.

Қўғироқчи бир оз қулоқ солиб тургач, чуқур нафас олди.

— Сен лаънатилар, ўлмадиларинг, мен қутулмадим... Қириб кетларинг-э... Эй, худое-худовандо!— деди кўр, унинг овозидан энди азоб чекавериб чарчаганлиги ва қийналиб кетганлиги сезиларди.

— Қим бу? Нима қилиб турибсан?— деб зарда билан сўради у, биринчи зинадаёқ тўхтаб қолган Анна Михайловнага туртиниб кетиб.

— Чиқаверинг, чиқаверинг. Қўрқманг,— деди кейин мулойимлик билан.— Шошманг, мени ушлаб олинг... қўнғироқчига садақангиз йўқми?— деди, яна аввалгидай ёқимсиз товуш билан.

Анна Михайловна ҳаменидан қоғоз пул олиб, қоронғида кўрга узатди. Кўр пулни Анна Михайловнанинг қўлидан шоша-пиша юлқиб олди. Шу вақтда улар туйнукдан туриб турган ёруққа яқинлашиб қолишган эди, кўрнинг пулни бетига қўйиб, бармоқлари билан оҳиста силаб кўрганини

Анна Михайловна сал-пал кўриб қолди. Кўрнинг қоронғи-да қонсиз кўринган ғалати юзи ўғлининг юзига шу қадар ўхшаш эдики, фақат кўрнинг айна вақтда очкўзларча хурсанд бўлганлиги башарасини хунук қилиб турар эди.

— Раҳмат, минг раҳмат. Ростакам пул экан... Мен сиз ҳазиллашяпсиз... кўрни мазах қиляпсиз, деб ўйлаган эдим... Баъзи одамлар шунақа мазах қилишади...— деди кўр.

Бечора аёлнинг кўзидан дув-дув ёш оқарди. Анна Михайловна шошиб-пишиб кўз ёшларини артди-да, юқорига чиқа бошлади... Юқорида эса ундан олдинга ўтиб кетган ҳамроҳларининг тапир-тупур қадам ташлашлари худди ташқарида сувнинг шовуллашидай эшитиларди.

Муюлишлардан бирида ёш йигитлар тўхтади. Улар анча баландга кўтарилган эдилар, кичкина ва тор деразадан соф ҳаво билан бирга анчагина равшанроқ ёруғлик тушиб турар эди. Деразадан пастроқдаги текис деворга кўплаб ҳар хил ёзувлар ёзилган, уларнинг кўпи шу ерга келиб-кетганларнинг исми эди.

Ёш йигитлар ўз таниш-билишларининг ҳам исмларини кўрганда, хурсанд бўлишиб сўзлашарди.

— Мана бу ҳикматли сўзларни қаранглар,— деди студент ва ҳижжалаб ўқий бошлади: «Бошлаганлар кўпу тугатганлар оз»... Мазмунан мана шу қўнғироқхонага чиқиш тўғрисида бўлса керак,— деди студент, ҳазиломуз.

— Истаганингча тушунавер,— деб кўрс жавоб берди қўнғироқчи ундан ярим ўгирилиб ва қошларини тез-тез чимириб.— Мана бу ерда, пастроқда шеър ҳам бор. Шуни ўқисанг эди.

— Қани шеър? Ҳеч қанақа шеър йўқ.

— Сен фақат йўқ дейишнигина биласан, мен сенга бор деяпман. Кўзларинг очиқ бўлишига қарамай сенлар ҳам кўп нарсани кўрмайсанлар...

Кўр икки зина пастроққа тушди-да, куннинг энг хира нурлари ҳам йўқолиб борувчи қоронғида қўли билан пайпаслаб:

— Ибратли шеър мана бу ерда, фонарсиз ўқий олмай-сизлар,— деди.

Пётр унинг ёнига чиқди-да, қўли билан пайпаслаб бундан юз йиллар муқаддам ўлиб кетган одам томонидан тошдеворга ўйиб ёзилган ҳикматли сўзларни топиб ўқиди:

Улим соатини унутма,  
Рўзи қиёматни унутма.  
Бир кун ажраласан ҳаётдан,

— Шу ҳам ҳикмат бўпти-ю,— деб ҳазил қилмоқчи бўлди студент Ставрченко, лекин ҳазил ўринли чиқмади.

— Еқмадими,— деди заҳарханда билан қўнғироқчи.— Албатта, сен ҳали ёшсан, яна ким билади... худди тунги ўғридек ажал ҳам келиб қолади... Яхши шеър,— деди кўр ва яна овози ўзгарди.— «Ўлим соатини унутма, рўзи қиёматни унутма...» Ҳа, у дунёга борганда кўрармиз,— деб тугатди гапини зарда билан.

Яна бир неча зина кўтарилгач, ҳаммалари қўнғироқхонанинг биринчи айвончасига чиқишди. Бу ер жуда баланд эди, аммо деворнинг ичидан юқорига чиқадиган йўл ундан ҳам ноқулайроқ эди. Энг юқоридаги айвончада кенг ва кишини ҳайратда қолдирадиган манзара намоён бўлди. Қуёш бота бошлаганди, пастда узун соялар чўзилиб ётарди, шарқда қоп-қора булут пайдо бўлди, кечки туман узоқ жойларни пардалаб олган, фақат қуёшнинг қия тушган нурларида у ер, бу ерда гоҳ қишлоқ уйларининг деворлари оқариб, гоҳ дераза ойнаси ярақлаб, гоҳ узоқдаги бутхоналарнинг хочлари ялтираб кўринарди.

Ҳамма жим қолди. Сарин ел қўнғироқхонага кириб, арқонларни тебратар ва қўнғироқларнинг ичига ўтиб уни жингиллатиб кетарди.

Бироқ кичкина жамоат ўртасида ҳукм сураётган бу жимжитликнинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Ғалати бир сезги, эҳтимол, баландликнинг таъсири ва ўз заифликларини сезишлари натижасида бўлса керак, ҳар иккала кўр тепага чиққач, зинапоянинг икки четига келиб тўхташдида, қўлларини панжарага тираб юзларини кечки шамолга тугтиб туришди.

Уларнинг бир-бирига жуда ўхшашлиги ҳаммага ҳам яққол кўринарди. Қўнғироқчи сал каттароқ, монахларнинг кенг ва узун тўни унинг ориқ гавдасида шалвираб турар, башараси хунук эди. Синчиклаб қараган одам уларнинг ўртасидаги фарқни пайқаб олиши мумкин эди, қўнғироқчининг сочлари сариқ, бурни алифдай, лаби Пётрникидан кўра юпқароқ эди. Мўйлови энди сабза ура бошлаган, иягининг атрофи жингалак соқол билан ўралганди. Лекин уларнинг ҳаракати, лабларининг учиб, қошларининг чимирилиб туришидан туғишганларга ўхшаб кетарди: кўп букрилларнинг юзи ҳам бир-бирига жуда ўхшагани учун улар ҳам худди ака-укадек кўринади.

Пётрнинг чеҳраси бирмунча мулойимроқ одатдагидан



кўра ғамгин эди. Қўнғироқчининг башарасидан эса серзарда ва сержаҳллиги сезилиб турарди. Шамолнинг бир текисда эсиши унинг юзидаги ҳамма ажинларни текислаб, кўрларга кўринмайдиган тинч дунёни ёйиб кетгандек. Қошлари ҳам борган сари секин қимирларди. Бироқ бошқаларга эшитилмаган, лекин фақат уларнинг иккисигагина эшитилган ва пастдаги водийдан келган қандайдир овоз икковини ҳам сескантириб юборди.

— Қўнғироқ чалишяпти,— деди Пётр.

— Егорий бутхонасидан чалишяпти, бу ердан ўн беш чақирим келади,— деб тушунтирди қўнғироқчи.— Уларнинг кечки ибодати бизникидан ярим соат илгари бошланади. Сен ҳам эшитяпсанми? Мен эшитяпман, бошқалар эшитмайди...

— Бу ерда жуда яхши,— деб завқ билан давом этди у.— Айниқса, ҳайит кунлари, менинг қўнғироқ чалганимни эшитганмисиз?

Саволда алалқандай содда мақтанчоқлик сезилиб турар эди.

— Келиб эшитиб кетинг. Памфилий ота... Памфилий отани танийсизми? Атайлаб менга шу иккита қўнғироқчани олдириб берди.— У девордан узоқлашди-да, ҳали бошқаларга ўхшаб қораймаган иккита чоғроқ, ярақлаган қўнғироқни қўли билан завқланиб силади...

— Овози жуда яхши... Бирам сайрайди, бирам сайрайдики... Айниқса пасха кечаси.

У қўлларини тез-тез қимирлатиб арқонни тортди, қўнғироқларни секин жаранглатиб чалди, қўнғироқ тили мисга шу қадар секин ва шу қадар аниқ тегдики, уларнинг жаранги ташқарига чиқмаса ҳам ҳаммага эшитилди.

— Мана буниси — донг-дунг, донг-дунг қилади...

Унинг юзида болаларча шодлик акс этди, лекин шунда ҳам қандайдир ўқсиниш аломати сезилиб турар эди.

— Янги қўнғироқ олдириб берди-ю, лекин янги пўстин тиктириб бермаяпти, жудаям хасис-да,— деди у чуқур хўрсиниб.— Қўнғироқхонада шамоллаб қолдим... Ҳаммасидан кузда ёмон... совуқ...

У гапдан тўхтади-да, қулоқ солиб тургач.

— Чўлоқ пастда туриб сизларни чақиряпти, кетинглар, бўлди энди,— деди.

— Қани кетдик,— деди, шу вақтгача қўнғироқчидан кўзини узмай тикилиб турган Эвелина.

Йигитлар пастга тушиб кетишди, қўнғироқчи тепада қолди. Пётр онасига эргашиб кета бошлаган жойида бирдан тўхтади.

— Сиз кетаверинг,— деди у буйруқ бергандай.— Мен ҳозир тушаман.

Қадам товушлари тинди, фақат Анна Михайловнани олдинга ўтказиб юборган Эвелина деворга ёпишиб, нафас чиқармай шу ерда қолди.

Кўрлар юқорида, биз ўзимиз танҳомиз, деб ўйлашди. Улар нимагадир қулоқ солиб, ўнғайсизланиб ва қимирламай, бир оз жим туришди.

— Бу ким?— деб сўради кейин қўнғироқчи.

— Мен...

— Сен ҳам кўрмисан?

— Кўрман. Сен қачондан бери кўрсан?—деб сўради Пётр.

— Туғма кўрман,— деб жавоб берди қўнғироқчи.— Бизда Роман деган яна бир кўр бор, у етти ёшида кўр бўлиб қолган... Сен кундан тунни ажрата оласанми?

— Ажрата оламан.

— Мен ҳам ажрата оламан. Тонг ёришганини сезаман. Роман билмайди, лекин унга ҳарҳолда енгил.

— Нима учун енгил?— деб шошилиб сўради Пётр.

— Нима учун? Билмайсанми негалигини? У ёруғликни кўрган, ўз онасини билади. Билдингми? Кечаси ухлаганида тушига онаси киради... Онаси ҳозир кексайиб қолган бўлса ҳам, унинг тушида доим ёш бўлиб кўринади. Сен ҳам туш кўрасанми?

— Йўқ,—деб ўксиниб жавоб берди Пётр.

— Ҳа, бундай дегин. Одамнинг кўзи кўрмай қолса, шунақа бўлади. Кўр туғилган одамга...

Пётр юзини худди қора булут босгандек, хафа ва дили сиёҳ бўлиб турарди. Қўнғироқчининг қошлари ҳам бирдан чимирилиб, юқори кўтарилди, унинг кўзларида Эвелинага таниш қайғу-аламлар ифодаси кўринди.

— Шунақа, гуноҳимиз кўп... Э, парвардигори олам, ўзинг қодирсан, ҳеч бўлмаганда тушимда ёруғ дунёни бир кўрсатсанг ҳам майли эди...

Унинг юзи изтироб билан титради ва у илгаригидек зарда билан деди:

— Йўқ, кўрсатмайди... Нимадир тушингга киради-ю, уйғонганингдан кейин ҳеч нарса эса қолмайди.

У бирдан тўхтади ва қулоқ сола бошлади. Ранги ўчиб, юзи бужмайиб кетди.

— Лаънатиларни қўйиб юборишибди-да,— деди жаҳл билан.

Дарҳақиқат, пастдаги тор йўлакдан, гўёки сув босгандек, болаларнинг тапир-тупури ва шовқин-сурони эшитил-

ди. Бир лаҳза ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди, афтидан болалар ўртадаги супачага чиқишди шекилли, шовқин кейин ташқаридан эшитилди. Сўнгра қоронғи йўлак яна шов-шувга тўлди. Эвелина олдидан бир тўда шўх болалар бир-бирини қувлашиб ўтиб кетишди. Энг баланддаги зинага чиқиб бир лаҳза тўхтаб қолишди, лекин бир оздан кейин кўр қўнғироқчининг ёнидан чап бериб ўта бошладилар, қўнғироқчи ғазаб билан болалардан биронтасини тушириб қолиш учун атрофга мушт соларди.

Бирдан қоронғи йўлакдан янги одам кўринди. Бу Роман бўлса керак. Унинг чўтир юзи япалоқ ва жуда мулойим кўринар эди. Юмуқ қовоқлари кўз косасини беркитиб, лаблари кулиб турарди. У деворга қапишиб турган қизнинг ёнидан ўтиб, супачага чиқди. Ўртоғининг мушти унинг гарданига тушди.

— Биродар!— деди у ёқимли товуш билан.— Егорий, яна муштлашяпсанми?

Улар тўқнашиб, бир-бировларини пайпаслаб кўришди.

— Бу шайтонларни нега киритдинг?— деб зарда билан сўради Егорий, малорос лаҳжасида.

— Майли, қўявер, — деб жавоб берди Роман бамайлихотир.— Булар ҳам худонинг бандаси-да. Сен буларни жуда қўрқитиб қўйибсан... Шу ердამисанлар, ҳой шайтонлар?..

Болалар панжаранинг бурчак-бурчагига беркиниб олишган эди, уларнинг кўзлари муғамбирона чақнар, лекин қўрқув аломати ҳам бор эди.

Иккала кўрнинг шахдам қадам товушлари эшитилди. Эвелина қоронғида сездирмай биринчи йўлакнинг ярмигача тушган эди, юқоридан Романга ёпирилган болаларнинг шодиёна қичқириви эшитилди.

Меҳмонлар ибодатхона эшигидан секин чиқишганда, қўнғироқ садоси эшитилди. Роман кечки ибодатга қўнғироқ чала бошлаган эди. Кун ботди, арава кечки ғираширада қорайган дала бўйлаб, секин юриб кетди.

То уйга етгунча ҳеч ким миқ этмади. Кечқурун анча вақтгача Пётр кўринмади. У боғнинг қоронғи бир бурчагида ҳатто Эвелинанинг чақиришига ҳам жавоб қайтармай, жим ўтирарди, ҳамма ётгандан кейин секин уйга кириб кетди...

#### IV

Попельскийлар Ставрученколарникида яна бир неча кун туришди. Бундан бир неча кун бурунгидек баъзан

Пётрнинг кайфи чоғ бўлиб турар, ўзича шодланиб кўярди. Ўзи учун янги бўлган музыка асбобларини чалиб кўрар — Ставрученко катта ўғлининг коллекцияси бундай нарсаларга жуда бой бўлиб, улар Пётрни беҳад қизиқтирар эди — ҳар бир асбобнинг киши ҳиссиётидаги ўзига хос хусусиятларини ифодалай оладиган товуши бор эди. Лекин шунга қарамай Пётрнинг кўнгли ғаш, баъзан одатдагидек чеҳраси очилиб кўринса ҳам, лекин бундай ҳоллар жуда кам бўларди.

Худди маслаҳатлашиб қўйгандек, ибодатхонадаги воқеани ҳеч ким эсга олмасди, гўё саёҳатни ҳамма унутгандай. Бироқ бу саёҳат кўрнинг қалбида чуқур из қолдирганлиги равшан эди. Ҳар сафар ёлғиз қолганда ёки ҳамма жим бўлиб қолган пайтларда, у жуда қаттиқ хаёл суриб кетар ва ичидаги қайғу-аламлари унинг юзидаги ўзгаришларда акс этиб туради. Бу ифодани ҳамма билар эди, аммо энди бу ифода янада кескинроқ кўзга ташланар... ва Пётр кўр қўнғироқчига жуда ўхшаб кетарди.

Фортепьяно чалиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтирган пайтларда, унинг қилган машқларида кичкина қўнғироқчаларнинг акс-садолари ва баланд қўнғироқхонадаги миснинг узун-узун жаранглаши тез-тез эшитилиб турарди... Ҳеч ким гапиришга ботинолмаётган нарсалар: қоронғи, йўлақлар, башараси силниқидек қип-қизил қўнғироқчининг ориқ гавдаси, унинг жаҳолат билан бақаришлари ва тақдирдан нолишлари... сўнгра ҳар икки кўрнинг тепадаги айвончада бир қиёфада туриши, юзларининг бирига ўхшашлиги, зийрак қошларининг бир хилда чиририлиши ҳамманинг кўз олдида яққол гавдаланар эди... Шу вақтгача Пётрнинг яқин кишилари, бу нарсалар Пётрнинг ўзигагина хос хислатлар деб ўйлаб келганлари ўзининг барча қурбонлари устидан ҳукмини юритаётган қора бир кучнинг умумий хусусияти эканлигини ҳис этдилар.

— Менга қара, Аня, биз саёҳатга чиққан вақтимизда бирон нарса бўлмадимикан, сезмадингми? — деб сўради Максим синглисидан, уйга қайтиб келгач. — Мен боланинг худди ана шу кундан бошлаб ўзгариб кетганини пайқаб қолдим.

— Буларнинг ҳаммаси ўша кўр билан учрашганининг касри, — деб жавоб берди Анна Михайловна хўрсиниб.

Анна Михайловна яқинда, ҳар икки кўрнинг мушқулини мумкин қадар осонлаштиришни илтимос қилиб, Памфилий отага иккита қўй терисидан тикилган пўстин билан пул юборган эди. Анна Михайловна умуман шафқат-

ли, меҳрибон, раҳмдил аёл бўлса ҳам, олдинга Романни унутган эди, фақат Эвелина: «Уларнинг ҳар иккисига раҳм-шафқат қлиш керак», дегандан кейин: «Ҳа, айтгандек, албатта, албатта», деб жавоб берди. Лекин унинг бутуи хаёли фақат бир киши билан банд эканлиги кўриниб турар эди. У шафқатли аёл эди, шунингдек хурофотга ҳам ишонарди; назарида бу садақа боласининг устига қора булутдек бостириб келаётган қора кучлар қаҳрини юмшатар эди.

— Қанақа кўр билан?— деб сўради Максим, тааж-жубланиб.

— Ҳа... анави қўнғироқхонадаги кўр:

Максим зарда қилиб қўлтиқтаёғини ерга дўқиллатиб бир урди.

— Лаънати ногиронлик бошимга битган бало бўлди-да! Сен биласан-ку, мен қўнғироқхонага чиқолмайман, хотинлардан эса биронта бамаъни гап чиқмайди. Эвелина, ҳеч бўлмаса сен тузукроқ тушунтириб берсанг-чи, қўнғироқхонада нима бўлган эди?

— У ерда,— деб оҳиста жавоб берди, кейинги кунларда ранги синиқиб кетган қиз,— кўр қўнғироқчи бор экан... Уша кўр...

Эвелина жим бўлиб қолди. Анна Михайловна дув-дув ёш оқиб тушаётган юзини қўллари билан яширди.

— Уша кўр Пётрга жуда ҳам ўхшаркан.

— Шу гап бор экан-у, нега айтмайсизлар? Хўш, яна нима бўлди? Бу азавозлик қилишга сабаб бўлолмайди-ку, Аня,— деб юмшоққина койиди у.

— Оҳ, бу жуда ҳам даҳшат!— деб секин жавоб берди Анна Михайловна.

— Нимаси даҳшат? Унинг ўғлингга ўхшашлигимми?— Эвелина чолга маъноли назар ташлаган эди, чол жим бўлди. Бир неча минутдан кейин Анна Михайловна чиқиб кетди. Эвелина ҳар вақтдагидек каштасини тикиб ўтираверди.

— Сен бўлган воқеанинг ҳаммасини айтмадинг, шекилли?— деб сўради Максим, бир оз жим ўтиргач.

— Ҳа. Ҳамма пастга тушиб кетгандан кейин Пётр қолди. Пётр Аня холамга (у ёшлигидан Попельскаяни Аня хола дейишга одатланган эди) тушиб кетаверинг, деди, ўзи кўр билан қолди... Мен ҳам... қолдим:

— Гапларини эшитиб олиш учунми?— деди кекса педагог, беихтиёр.

— Мен... кетолмадим,— деди Эвелина секин.— Улар бир-бири билан худди...

— Бахтсиз ўртоқлар сингари ҳасрат қилишдими?

— Ҳа, иккаласи ҳам кўрлиги тўғрисида... Кейин Егор, тушингда онангни кўрасанми, деб сўради. Пётр: «Кўрмайман», деди. Егор ҳам кўрмас экан. Иккинчи кўр, Роман дегани онаси қариб қолган бўлса ҳам, тушида онасининг ёшлигини кўраркан...

— Ҳа, ҳа! Кейин нима бўлди?

Эвелина бир оз ўйланиб қолди, сўнгра ички кураш ва изтироб ифодаси кўринган мовий кўзлари билан қараб:

— Роман яхши ва мулойим одам экан. Чехраси ғамгин бўлса ҳам, лекин жоҳил эмас... У туғилганда кўзи кўрар экан... иккинчиси эса, жуда ҳам азоб чекаркан,— дея бирдан гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Тўғриси айтивер, иккинчиси жоҳил эканми?— деб сабрсизлик билан қизнинг сўзини бўлди Максим.

— Ҳа. Болаларни урмоқчи бўлиб, қарғади. Романни эса болалар яхши кўришаркан...

— Жаҳли тез, Пётрга ўхшаркан... тушундим,— деди Максим, ўйланиб.

Эвелина жим қолди, сўнгра бу сўзларни айтиш жуда малол келгандек, секин гапира бошлади.

— Икковининг чеҳраси бир-бирига ўхшамайди... бошқача. Лекин ундаги ифодалар... менимча, Пётрнинг чеҳрасида илгариги ифодалар сал-пал Романнинг юзидагиларга ўхшаб кетади, энди у борган сари Егорга ўхшаб кетмоқда... Мен қўрқаман, мен.: ўйлайманки.:

— Нимадан қўрқасан? Берироқ кел, ақлли қизим,— деди Максим одатдан ташқари эркалаб.

Бу эркалатишдан юмшаган Эвелина кўзларига жиққа ёш тўлган ҳолда Максимнинг ёнига борди, Максим улкан қўли билан қизнинг ипакдай майин сочларини силади-да:

— Нималарни ўйлаяпсан? Айт, кўриб турибман, ўйлай олар экансан,— деди.

— Менимча... у энди... кўр туғилганларнинг ҳаммаси жаҳли тез бўлади деб ўйлайди. У ўзини ҳам шундай жаҳли тез деб ўйлайди... албатта.

— Ҳали гап шундай дегин,— деди Максим бирдан қўлини тортиб.— Қани, оппоғим, менинг трубкамни олиб бер-чи?.. Ҳу ана, деразанинг тагида турибди.

Бир оздан кейин Максим трубкасини бурқситиб чека бошлади.

— Ҳм... шундай.: яхши бўлмабди,— деб пўнғиллади у ўзича.— Мен хато қилибман... Аня: «Ҳеч кўрмаган нарса тўғрисида қайғуриш мумкин», деганида тўғри айтган экан. Энди савқи табиийга онг келиб қўшилади, энди

буларнинг иккиси ҳам бир бўлади, ўша воқеа юз бермаганда эди... Ҳа, майли, ойни этак билан ёпиш мумкин эмас, деганлар, бари бир, бир куни ошкор бўлади.

У кўм-кўк тутун орасида кўринмай кетди... Чолнинг миясида қандайдир янги фикр ва режалар пайдо бўлмоқда эди.

## V

Қиш кирди. Қалин қор ёғиб, йўл, дала ва қишлоқларни босди.

Бутун қўрғон оқ тўн кийди, дарахтларнинг шохларини момиқдай қор парчалари қоплади, худди боғ қайтадан оппоқ гуллагандай... Катта каминда чарсиллаб ўт ёнмоқда, ташқаридан кирган ҳар бир одам ўзи билан соф ҳаво ва юмшоқ қор ҳидини олиб кирарди...

Қишнинг биринчи куни латофатини кўр ўзича ҳис қилди. Эрта билан уйғонгач, у доим ўзини бардам сезар ва қиш келганини ошхонага кирган одамларнинг тепинишидан, эшикнинг ғижирлашидан, уйга кириб тарқалган ҳавонинг билинар-билинемас тўлқинидан, ҳовлида қорнинг ғирчиллашидан, ташқаридан келадиган ҳамма товушларнинг ўзига хос «совуқлигидан» сезар эди. У Йохим билан янги қорни босиб далага чиққанда, чананинг ғижирлашини ва дарёнинг нариги томонидаги ўрмоннинг йўл ва дала билан ҳасратлашаётганини завқ билан тингларди.

Лекин бу сафар қишнинг биринчи кунда у одатдагидан кўра анча ғамгин кўринарди. Эрта билан кўнжи узун этигини кийиб, теп-текис қорда чуқур из қолдириб, тегирмонга қараб кетди.

Боғ жимжит эди. Музлагандан сўнг юмшоқ қор билан қопланган ерни босса овоз чиқмасди, лекин ҳаво жуда ҳам енгил эди: қарғаларнинг қағиллаши, болтанинг жаранглаши, шохларнинг қарсиллаб синиши узоқларга ҳам баралла эшитилиб турарди... Баъзан худди ойна сингандек, ғалати овоз жаранглаб кетар, тобора ингичкалашар эди, аллақерга бориб сўнарди. Бу — эрталабгача юпқа муз билан қопланиб қолган ҳовузга болалар тош отганда чиққан овоз эди.

Қўрғондаги ҳовуз ҳам музлаган, лекин тегирмон тепасидаги қирғоқларини қор босган ариқдан жимирлаб сув оқар, новлардан ҳам сув жилдираб оқиб турар эди.

Пётр қўрғонга келди-да, тўхтаб қулоқ сола бошлади. Сувнинг овози бошқача, оғир ва оҳангсиз эшитилди. Сув-

дан худди атрофда ётган жонсиз совуқ табиатнинг а сезилгандай эди.

Пётрнинг ҳам кўнгли ғаш ва қоронғи эди. Уша бахт кечада юрагининг энг чуқур еридан кўтарилиб чиққан, у қаноатлантирмаган, ноаниқ ва хавотирли бир ҳис энди ўси. худди унинг кўнглидаги бахт ва шодлик ўрнини эгаллас олгандай эди.

Эвелина қўрғонда йўқ эди. Яскульскийлар куздан бери «олиҳиммат» кекса графиня Потоцкая даргоҳига бориб келмоқчи бўлиб юрар эдилар. Потоцкая уларга ўзлари билан қизларини ҳам олиб келишини тайинлаган эди. Аввалига Эвелина боришга кўнмади, отаси қистайвергандан кейин рози бўлди, Максим ҳам отанинг фикрига қўшилди.

Ҳозир Пётр тегирмон олдида туриб, ўзининг илгариги ҳиссиётларини эслади, уларни қандай бўлса худди ўшандай, тўлароқ тасаввур этишга тиришиб: мен унинг йўқлигини сезяпманми, йўқми, деб ўз-ўзидан сўрарди. Пётр унинг йўқлигини сезарди, аммо унинг бўлиши ҳам Пётрни бахтиёр қилмаслигини, балки ташвишга солишини ҳам биларди. Ҳозир эса Эвелинанинг йўқлигидан бу ташвиш анча босилган эди.

Эвелинанинг сўзлари яқиндагина унинг қулоғида жаранглар, биринчи муҳаббат изҳор қилингани хаёлидан кечарди, қизнинг ипакдай сочларини силаб тургандек, унинг юрак тешишини ўз қалбида сезгандек бўларди. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, унинг бутун вужудини шодлик билан тўлдирган қандайдир бир манзарани яратарди. Энди бўлса унинг қоронғи миясини тўлдириб турган мавҳум бир хаёл бу образни мурдага айлантириб, шамолга учиргандек бўларди. Энди у ўз хотираларини биринчи кундаги каби, бир бутун ҳиссиёт қилиб уйғунлаштира олмасди. Асли бошда ноқ бу ҳиссиётнинг тагида бошқа бир нарсанинг уруғи ётарди ва энди шу «бошқа нарса» худди уфқдаги қора булутдек унинг устига бостириб келмоқда эди.

Қизнинг жаранглаган овози сўнди ва бахтли кечанинг равшан таассуротлари ўрни бўшаб қолди. Бу бўшлиқни тўлдириш учун унинг қалбидан қандайдир оғир бир нарса зўр куч билан кўтарилиб келарди.

Кўр қизни кўришни истар эди!

Аваллари у фақат руҳан эзиларди, лекин бу руҳий эзилиш қалбидан жой олар, худди тиш оғриғидек, билдирмай хавотирга соларди, одатда биз бундай оғриққа эътибор бермаймиз.

Кўр қўнғироқчи билан учрашиш бу оғриқни кучайтирди, у қаттиқ азоб чекаётганини англади.



Пётр Эвелинани севиб қолган ва уни кўришни истарди! Жимжит ва қор босган қўрғонда кунлар шу тарзда би-рин-кетин ўтаверди.

Баъзан ёрқин бахт равшан сезилган пайтларда Пётр анча руҳланиб кетар, чеҳраси очиларди. Лекин бу узоққа бормас, сал вақт ўтиши билан ҳатто шундай бахтли дақиқалар ҳам қандайдир ташвишли дамга айланиб кетарди: гўё кўр бу бахт учиб кетади, бундан кейин сира ҳам қайтиб келмайди деб қўрққандай бўларди. Бу унинг одамлар билан муомаласини ўзгартириб турарди, ўқтин-ўқтин жўш урадиган эркаланиш ва ҳаддан ташқари асабийлашишлардан кейин бир неча кунгача қаттиқ хафа ва ғамгин юрарди. Қоронғи меҳмонхонада кечқурунлари рояль ҳаддан ташқари зорланар ва қаттиқ нола-фигон чекар, унинг ҳар бир садоси Анна Михайловнанинг юрагига найзаддек санчиларди. Ниҳоят, унинг энг қўрқиб, ўйлаб юрганлари тўғри чиқди: Пётр ёшлигидагидай уйқусида безовта бўла бошлади.

Бир кун эрта билан Анна Михайловна ўғлининг ётоғига кириб қолди. У ҳали уйқуда эди, аммо уйқуси аллақандай беҳаловат кўринди: сал очик кўзлари қовоқлари остидан қорайиб кўринарди, ранги ўчган чеҳрасидан безовталанаётгани сезилиб турарди.

Она бу ғалати ташвишнинг сирини билмоқ учун тўхтаб, ўғлига диққат билан тикилди. Лекин у, ўғлининг чеҳрасидаги ташвишнинг тобора ортиб бораётганини ва ўғлининг ниманидир билиш учун зўр бериб урнаётганини кўрарди холос.

Бирдан, унинг назарида, кўрпа қимирлагандай бўлди. Қиш қуёшининг бола тепасидаги деворга тушиб турган ва кўзни қамаштирадиган ёрқин шуъласи худди сакрагандек, оҳиста пастга қараб тушаверди. Шуъла аста-секин силжиб, чала юмуқ турган кўзларга тушди, қуёш шуъласи кўзга яқинлашган сари ухлаб ётган бола кўпроқ безовталанарди.

Анна Михайловнани даҳшат босди, у юрагини ҳовучлаб қуёш шуъласидан кўзини узмай қимир этмасдан турарди. Шуъла аста-секин ўғлининг юзига тушганича тўхтаб қоларди. Сарғиш шуъла ўғлининг сочига тушди, сўнгра боланинг пешонасини иситди. Она ўғлини ҳимоя қилмоқчи бўлгандай, бутун гавдасини олдинга ташлади, лекин оёқлари турган ерга михлангандай қотиб қолган эди. Шу пайтда ухлаб ётган боланинг қовоқлари очилди, ҳаракатсиз кўз қорачиқларида учқунлар чақнади, бола нурга тикилиб бошини оҳиста ёстиқдан кўтарди. Лабларида кулги ёки

йиғига ўхшаш аломат кўринди ва чеҳраси яна ҳаракатсиз қолди.

Ниҳоят, она қотиб қолган оёқларини аранг ердан уздида, боласининг тепасига келиб, қўлини унинг пешонасига қўйди. Бола сесканиб уйғонди.

— Ойи, сенмисан?— деб сўради ўғил.

— Ҳа, мен.

Ўғил қаддини кўтарди. Унинг миясини худди туман босгандек эди. Лекин бир оздан кейин:

— Мен яна туш кўрдим... Мен энди тез-тез туш кўраман, лекин эсимда ҳеч нарса қолмайди...— деди.

## VI

Ўсмирнинг кайфиятидаги чексиз ғамгинлик ўрнини асабийлик эгаллади, шу билан бирга унинг сезгилари ҳам ниҳоятда ўткирлашиб борарди. Эшитиш қобилияти ҳаддан ташқари кучайди. Еруғликни у бутун вужуди билан сезарди, бу ҳатто тунда ҳам сезилиб турарди: у ойдин кечани қоронғи тундан ажрата билар ва кўпинча ҳамма ухлаган вақтда, фусункор ойдин кечада ёлғиз ўзи ҳовлида ширин хаёлларга берилиб кезарди. Шу билан бирга унинг нурсиз юзи доим кўм-кўк осмонда сузиб юрган чўғсимон шарга қараган бўларди ва совуқ нур унинг кўзларида учкун каби чақнаб турарди.

Шар ерга яқинлашган сари катталашиб, қизил парда билан қопланиб, уфқда оҳиста ғойиб бўлгандан кейин кўрнинг чеҳраси тинчланиб, қалби юмшарди-да, сўнгра ўз уйига кириб кетарди.

Бу узун кечаларда унинг нималарни ўйлаб юрганини айтиш қийин. Мустақил яшашнинг шодлигини ва азоб-уқубатини тотиб кўрган ҳар бир кимса, маълум ёшга етганда, озми-кўпми руҳий танглик даврини бошдан кечиради. Фаол ҳаёт чегарасига етгач, одам ўзининг табиатдаги мавқеини, қадрини, ўзининг атрофдаги нарсаларга бўлган муносабатини аниқлашга тиришади. Бу ўзига хос «жонсиз бир нуқта» ҳаётда юз берадиган катта-кичик воқеалар кимни бу нуқтадан омон-эсон олиб ўтса, демак, ўша одам бахтли. Пётрнинг бу руҳий танглиги тобора кучая борарди. «Дунёда яшашнинг нима кераги бор?» деган саволга у: «Кўр бўлган одам дунёда яшаб нима қилади?»— деган саволни қўшарди. Ниҳоят, унинг бу ғамгин фикрларига аллақандай ёт куч, қондирилмаган талабнинг яна қандайдир қарийб жисмоний тазйиқи келиб қўшиллар ва бу нарса унинг феълига таъсир қиларди.

Рождество<sup>1</sup> олдидан Яскульскийлар қайтиб келишди. Шўх, хушчақчақ, сочларини қор босган ва оппоқ юзи совуқда қизарган Эвелина посессор хуторидан кўрғонга югуриб келди-да, Анна Михайловна, Пётр ва Максим билан қучоқлашиб кўриша кетди. Дастлаб Пётрнинг чеҳраси очилиб, юзида шодлик аломати кўринди, бироқ сал ўтмай яна чуқур қайғуга ботди.

— Сен: «Мени яхши кўради», деб ўйлайсанми?— деб жиддий сўради ўша кунёқ, Эвелина билан танҳо қолганда.

— Бунга имоним қомил,— деди қиз.

— Мен бўлсам, билмайман,— деди Пётр, қовоғини солиб.— Ҳақиқатан ҳам билмайман. Илгари мен ҳам сени дунёда ҳамма нарсадан яхши кўраман, деб ўйлар эдим, аммо энди билмайман. Мени ташла, вақт ғаниматда сени фаол ҳаёт йўлига ундаётганларнинг сўзига амал қил.

— Нега мени бунча қийнайсан?— деди қиз секин.

— Қийнаяпманми?— деб сўради Пётр, унинг юзида яна худбинлик аломатлари пайдо бўлди.— Ҳа, тўғри, мен сени қийнаяпман. Умрбод қийнайман ва қийнамай иложим йўқ. Ўзим ҳам бунга илгари билмас эдим, энди биламан. Айб менда эмас. Туғилмасимдан аввал, мени кўздан маҳрум қилган куч бу шафқатсизликни ҳам менга бахш этди... Биз, кўр туғилганлар, ҳаммамиз шунақамиз. Қўй мени... ҳаммаларинг мени қўйинглар, чунки мен муҳаббат ўрнига фақат ғам-ғусса келтираман. Мен кўришни истайман, тушунасанми? Кўришни истайман ва бу тилақдан ҳеч қутула олмайман. Агар мен онамни, отамни, сени ва Максимни бир кўрсам эди, дунёда армоним қолмас эди... Мен бу хотирани ёдимда олиб қолардим ва умрбод унутмасдан, абадий эсда сақлардим...

У ўзининг бу фикрида жуда қаттиқ туриб олди. Ўзи ёлғиз қолганда қўлига ҳар хил нарсаларни олиб кўрар, уларни зўр диққат билан пайпаслар, кейин уларни бир томонга қўйиб, ушлаб кўрган нарсаларининг шаклини тасаввур этишга тиришарди. Худди шунингдек, у асабларини зўр бериб ишлатганда, сезгилари орқали ҳис этган ноаниқ ёрқин рангли сатҳларининг орасидаги фарқни ҳам пайпаслаб билиб оларди. Аммо бу нарсаларнинг ўртасида фарқ борлигини тушунса ҳам, уларнинг қанақалигини билмас эди. Энди у ёруғ кунни қоронғи тундан ажратишининг сабаби шу эдики, кишининг онги бовар қилмайдиган йўллар

---

<sup>1</sup> Рождество— Исо туғилган кун муносабати билан бўладиган байрам.

билан мияга кирган ёруғ нур, мияга кучлироқ таъсир қилиб, унинг изтироблари ҳиссиётларини баттар қийнарди.

## VII

Бир куни Максим меҳмонхонага кириб, у ерда Эвелина билан Пётрни кўрди. Қиз уялгандек кўринди. Йигитнинг қош-қовоғи солиқ эди. Азоб-уқубатнинг янги сабабларини топиш ва у билан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнаш унинг учун озиқ бўлиб қолгандай кўринарди.

— Пётр, «Красний звон»<sup>1</sup> деган ибора нимани билдиради?» деб сўраяпти. Мен буни тушунтириб бера олмаяман,— деди Эвелина Максимга.

— Хўш, ўзи нима гап?— сўради Максим Пётрга юзланиб.

Пётр кифт қоқди.

— Ҳеч гап йўқ. Модомики, товушларнинг туси бўлиб, мен уларни кўролмас эканман, демак мен товушларни ҳам тўлиқ билмас эканман-да.

— Бекорчи гап, болалик бу!— Жеркиб берди Максим.— Бунинг нотўғрилигини ўзинг ҳам яхши биласан. Товушларни сен биздан кўра яхшироқ биласан.

— Хўш, бўлмаса, бу ибора нимани билдиради?.. Ахир, бунинг биронта маъноси бордир?

Максим ўйланиб қолди.

— Бу оддий таққослаш,— деди Максим.— Аслида, товуш ҳам, ёруғлик ҳам ҳаракатдан иборат, демак, улар кўп жиҳатдан бир-бирларига ўхшашлари керак.

— Бу ерда қандай хусусиятлар бўлиши мумкин?— деб гапдан қолмасди кўр.— «Красний звон...» Унинг ўзи қанақа бўлади.

Максим ўйланиб қолди.

Унинг хаёлига тебранишнинг тезлиги ҳар хил бўлишини рақам билан тушунтирсаммикан, деган фикр келди-ю, лекин бу нарса ўсмирни қаноатлантирмаслигини англади. Бунинг устига ёруғликни товушга ўхшатиб биринчи марта таърифлаган одам физикадан хабарсиз бўлса керак, лекин, ҳарҳолда, буларнинг ўртасида қандайдир ўхшашлик борлигини пайқаган. Бу ўхшашлик нимадан иборат?

Чолнинг миясида баъзи бир тасаввурлар пайдо бўлди.

— Шошма,— деди у. — Билмадим, мен сенга буни яхшилаб тушунтира олармиканман... «Красний звон» нима

---

<sup>1</sup> Черковда энг катта қўнғироқдан бошқа ҳамма қўнғироқларнинг бирдан чалиниши.

эканлигини мендан яхшироқ билишинг мумкин: сен уни байрам кунларида эшитгансан, фақат бу ибора бизнинг томонларда ишлатилмайди...

— Шошма, шошма,— деди Пётр ва шошиб-пишиб пианинонинг қопқоғини очди. Пётр ўзининг моҳир бармоқлари билан пианинонинг клавишларини босиб, байрам кунларида бутхонанинг ҳамма қўнғироқларини бирданига чалганда чиқадиган овозга ўхшатиб чала бошлади. Бир неча йўғон товушлардан иборат бўлган аккорд чуқур фон бўлиб туюлар, ингичка ва ёрқин товушлар эса унинг юзасида ирғишлаб, сакраб юрарди. Умуман айтганда, бу кишини ҳаяжонга солиб, қувонтириб юборадиган баланд садолар эдики, булар фақат байрам кунларидагина ҳавода янграши мумкин.

— Шундай,— деди Максим,— бу шунақаям, ўхшаб кетадик, бизнинг кўзимиз очиқ бўлса ҳам, лекин буни сенчалик ўзлаштира олмаган бўлардик. Мана, масалан... мен катта қизил нарсага қараганимда, у ҳам менинг кўзимга худди шундай бир ғалати жилва билан мавжланиб тургандек таъсир қилади. Унинг кизил туси ўзгариб турганга ўхшайди: тагида чуқур фон қолдириб, баъзи жойлари очроқ бўлиб, мавжланиб тургандек кўринади, бу тез ўзгариб турадиган мавжлар кўзга — ҳарҳолда менинг кўзимга жуда қаттиқ таъсир қилади.

— Бу тўғри, тўғри!— деди шошилиб Эвелина.— Мен ҳам буни сезаман, қизил мовут дастурхонга узоқ тикила олмайман.

— Худди шунингдек, баъзи одамлар байрамда қўнғироқларнинг қаттиқ жарангига чидаб туролмайди. Бу таққослашим тўғри бўлса керак. Менинг хаёлимга бошқа рангларни ҳам таққослаб тушунтирсаммикан деган фикр келди; масалан, тўқ-қизилга ўхшаган «малиновий звон» ҳам бўлади. Буларнинг ҳар иккиси ҳам қизилга яқин, лекин чуқурроқ, текис ва мулойимроқ. Қўнғироқ жуда кўп йиллар чалингандан кейин, ишқивозлар айтганидек, очилади. Унинг овозидаги ғализлик йўқолади, қулоққа ёқадиган бўлиб қолади, бундай қўнғироқнинг овозини «малиновий звон», дейдилар. Бир неча қўнғироқларни бир-бирига моҳирлик билан жўр қилиб ҳам ана шундай овозни чиқариш мумкин.

Пётр моҳир қўллари билан пианинони чалиб юборган эди, почта аравасининг қўнғироқчаларига ўхшаган жангланган садо эшитилди.

— Йўқ,— деди Максим,— мен буни жуда ҳам қизил дердим...

— Ҳа, ҳа, эсимда!

Пианино бир текисда янгради. Баланд, тез ва аниқ эшитилган товушлар борган сари оғирроқ ва юмшоқроқ эшитила борди. Оқшом пайти йўл чангитиб узоқ томонларга сокин, бир хилда майин овоз чиқариб кетаётган, акс-садоси жимжит далаларда сингиб кетгунча тобора оҳиста эшитилиб турадиган рус тройкасининг дўғасига тақилган қўнғироқчалар ана шундай жиринглайди.

— Ҳа, баракалла!— деди Максим.— Сен фарқини тушунибсан. Бир вақтлар—ёшлик вақтингда, онанг рангларнинг тусини товуш воситаси билан тушунтирмоқчи бўлган эди.

— Ҳа, эсимда... Нега ўшанда буни давом эттиришга йўл қўймадинг? Балки ўша вақтда тушунган бўлардим.

— Йўқ,— хаёл ичида жавоб берди чол,— бундан натижа чиқмас эди. Аммо аслини суриштирганда, товуш ва рангдан ҳосил бўладиган таассуротлар кишининг қалбига бир хилда ўрнашса керак, деб ўйлайман. Биз: ҳамма нарса унинг кўзига чиройли бўлиб кўринади деймиз. Бу—ўша одамнинг кайфи чоғ эканлигини билдиради. Товушларнинг маълум тарзда бирга уйғунлашиши ҳам кишида ана шундай хурсандлик кайфиятини туғдириши мумкин. Умуман товуш билан ранглар кишининг руҳий кайфиятига бир хилда таъсир қилади.

Чол трубкасини тутатиб, Пётрга диққат билан тикилди. Кўр, афтидан, Максимнинг ҳар бир сўзини иштиёқ билан тинглаётган бўлса керак, қимир этмай ҳаракатсиз ўтирар эди. «Давом этавераймикан»?— деб ўйлади чол, лекин орадан бир дақиқа ўтгач, миясида пайдо бўлган ғалати фикрларга берилиб, хаёлчанлик билан сўзлай бошлади:

— Ҳа-я, менинг миямга ғалати фикрлар келадиган бўлиб қопти... Қонимизнинг қизиллиги тасодифийми ёки бундай эмасми? Гап шундаки... Миянгда биронта фикр турилганда, туш кўриб уйғонгач, хафа бўлиб қалтираганинда ёки йиғлаганинда, одам бирдан эҳтиросга тўлиб қизишиб кетганда, танангдаги қон тезроқ ҳаракат қилади, миянга қип-қизил бўлиб қуйилади. Шунинг учун ҳам қонимиз қизил...

— Қизил... иссиқ.:— деди Пётр, хаёл суриб:

— Худди шундай— қизил ва иссиқ бўлади Шундай қилиб, қизил ранг ҳам, «қизил» товуш каби бизнинг руҳимизни ёритиб, ўзимизни ҳаяжонлантириб ва завқлантириб туради, шунинг учун ҳам уни «қизғин», «қайноқ»,

«иссиқ», деб атайдилар. Шу нарса ажойибки, рассомлар ҳам қизғиш тусларни «иссиқ» деб атайдилар.

Максим трубкасини тортиди-да, бурқситиб тутун чиқараркан, сўзида давом этди:

— Агар қўлингни бошинг устида айлантурсанг, ярим доира чизасан. Энди, сен, қўлингни чексиз узун деб фараз қилгин. Агар шу қўлингни бошинг устида айлантира билсанг, чексиз узоқликларда ярим доира чизган бўлардинг... Тепамиздаги ярим шарга ўхшаган осмон гумбази ҳам бизга ана шундай узоқ кўринади, само теп-текис, чексиз ва кўм-кўк... Биз осмонни булутсиз ҳолда кўрганмизда кўнглимиз равшанлашади, ўзимизни хотиржам сезамиз. Осмонни уёқдан-буёққа чолиб юрган қора булутлар босганда эса, бизнинг ичимизни ҳам қандайдир ҳаяжон қоплайди, кўнглимиз ғаш бўлади. Сен ҳам чақмоқ чақнайдиган булутнинг яқинлашиб келаётганини сезасан-ку...

— Ҳа, сезаман, кўнглим нима учундир ғашланиб туради.

— Тўғри айтасан. Биз булут орасидан қачон яна мовий осмон кўринаркин, деб турамыз. Чақмоқ чақиб ўтиб кетади, само эса кўм-кўклигича туради, биз буни биламыз, шунинг учун ҳам момақалди роқ бўлганда ортиқча ташвишланмаймыз. Осмон ана шундай мовий... Денгиз ҳам тинч турганда мовий кўринади... Онангнинг кўзлари ҳам мовий, Эвелинанинг кўзлари ҳам мовий...

— Осмонга ўхшаш,— деди кўр, бирдан юмшоқлик билан.

— Ҳа. Мовий кўз оққўнгиллилик белгиси ҳисобланади. Энди мен сенга яшил рангни айтиб берай. Ернинг ўзи қоп-қора, дарахтларнинг танаси ҳам баҳорда қора ёки кулранг бўлади, лекин қуёшнинг ёруғ ва иссиқ нури қоп-қора ерни исита бошлаши билан ердан ям-яшил кўкатлар, дарахтлардан япроқлар ўсиб чиқа бошлайди. Кўкатлар учун ёруғлик ва иссиқлик зарур, лекин ёруғлик ва иссиқлик жуда кўп бўлмаслиги даркор. Шунинг учун кўкат кўзга жуда ёқимли кўринади. Кўкат — гўёки иссиқлик билан намли салқинликнинг бир-бири билан қўшилганига ўхшайди: кўкат кишининг баҳрини очади, соғломлаштиради, лекин кишини ҳаяжонга солмайди, одамлар бахт деб атаган нарсани бахш этмайди... Тушундингми?

— Й-йўқ... яхши тушунмадим...: Майли, гапиравер!..

— Хўп, бўпти!.. Буёғини эшит. Ёз қизиғида ўсимлик худди ҳаёт кучини ўзига сиғдирилмагандай тинкаси қуриган кўринади, япроқлар сўлиб, шалвираб қолади ва агар

ёмғир ёғиб, қуёш иссиғининг тафти қайтмаса, кўкат бутунлай соғайиб кетиши мумкин. Аммо кузда чарчаб ҳолдан тойган япроқлар орасида мевалар етилади ва қизаради. Одатда, меванинг офтобрўя томони қизил бўлади; гўё ҳаёт кучи, ўсимликлар дунёсининг бутун кучи шу мевада мужассам бўлгандек. Кўрасанки, бу ерда ҳам қизил ранг эҳтирос белгиси ва рамзи бўлиб хизмат қилади. Бу ранг маст-аластлик, гуноҳ, қаҳр-ғазаб ва қасос, ўч олиш рангидир. Халқлар қўзғолон кўтарган вақтда умумий ҳиссиётни қизил байроқ билан ифодалайди, бу байроқни ўз устларида аланга каби ҳилпиратиб борадилар... Лекин..: Сен яна тушунмаяпсан, назаримда?

— Барн бир, давом этавер!

— Кеч куз келади. Мевалар шира олиб оғирлашади, узилиб ерга тушади... У ўлади, аммо унинг ичидаги уруғи ўлмайди, бу уруғда келажакдаги ўсимлик, унинг янги ям-яшил япроқлари ва мевалари яшайди. Уруғ ерга тушади, ҳарорати қолмаган қуёш пастлаб, ўтиб кетади, совуқ шамол эсади, булутлар суза бошлайди. Эҳтиросгина эмас, балки ҳаётнинг ўзи ҳам оҳиста, кишига сезилмай сўнади... Кўкатлар йўқолиб, ер борган сари кўпроқ қорайиб кўринади, совуқ ҳаво кезади... Ниҳоят, шундай бир кун келадик, тинч ва жим ётган бу яланг ерга миллион-миллион қор парчалари тушади ва ернинг ҳамма жойи текисланиб бир хилда оппоқ қор билан қопланади... Оқ ранг — совуқ қор туси, одам етолмайдиган баланд осмонда сузиб юрган совуқ булутлар, улуғвор ва жонсиз ётган тоғ чўққиларининг тусидир... Бу эҳтироссизлик ва совуқ муқаддас юксаклик белгиси келажакдаги мевасиз, самарасиз ҳаётдан нишона. Энди қора рангга келганда...

— Биламан,— деб гапни бўлди кўр,— бунда товуш ҳам йўқ, ҳаракат ҳам йўқ... тун..:

— Тўғри, шунинг учун ҳам бу — ғам-ғусса ва ўлим белгисидир...

Пётр бир сесканди ва секин деди:

— Ўлим белгиси деб ўзинг айтиб турибсан ахир, менга бутун жаҳон зулмат-ку... ҳаммаёқ ҳамиша қоп-қора!

— Янглишасан!— деб кескин жавоб қайтарди Максим.— Сен учун товуш, иссиқлик, ҳаракат бор... сени ҳамма севади... Сен ақлсизлик қилиб назар-писанд этмаган нарсалар учун кўп одамлар кўз нуридан кечишга рози... Лекин сен ўз нуқсонингни ҳадеб пеш қилаверма...

— Тўғри!— деб қичқирди Пётр ҳаяжонланиб.— Мен унга ўлганимнинг кунидан кўниб юрибман: у мендан сира ҳам ажралмаса, мен ундан қаёққа қочиб қутулай?



— Агар тушунсанг, дунёда сенинг кулфатингдан кўра юз чандон ортиқроқ ғам-ғуссалар, шундай бахтсизликлар борки, уларнинг олдида таъмин этилган ва ҳамма ардоқлаб келаётган ҳаётингни ҳолва деса бўлади, ўшанда...

— Тўғри эмас, нотўғри!— деб жаҳл билан унинг сўзини бўлди кўр.— Мен ўз ҳаётимни энг паст гадой ҳаёти билан алиштиришга ҳам розиман, чунки гадой мендан кўра бахтлироқдир. Умуман айтганда, кўрларга бунчалик ғамхўрлик қилишнинг кераги йўқ! Бу катта хато... кўрларни йўлга олиб чиқиб, қўйиб юбориш керак, тиланчилик қилсинлар. Эрталабдан бошлаб овқат топишни ўйлардим, одамлар берган тийинларни санардим, пулнинг озлигини кўриб, ваҳимага тушардим, пул кўпроқ тушса қувонардим, кейин тунашга бошпана ахтарардим. Агар тополмасам, совуқдан ва очликдан азоб чекар эдим... ва шу кулфатлардан бўшамас эдим ва йўқчиликдан... ҳозиргига қараганда камроқ азоб чекардим:

— Сен шундай деб ўйлайсанми?— деб сўради Максим совуққина ва Эвелина томонга қаради. Чолнинг қарашида таассуф ва шафқат пайдо бўлди. Қиз ранги ўчиб, юзидан қон қочган ҳолда жиддий ўтирар эди.

— Бунга имоним комил,— деди Пётр ўжарлик билан.— Ҳу анави қўнғироқхонадаги Егорга ҳавасим келиб юради. Кўпинча, эрта билан уйғонганимда, айниқса, ҳовлида шамол ва қор бўрони бошланган пайтларда Егор эсимга тушиб кетади: у ўз минорасига чиқиб кетаётган бўлади...

— Дийдираб,— деди Максим.

— Тўғри, у дийдирайди, қалтирайди, йўталади. Унга пўстин тиктириб бермаган Памфилийни сўкади. Сўнгра совқотган қўллари билан арқонни тортиб, эрталабки ибодатга қўнғироқ чалади. Кўрлигини унутиб юборади... Чунки у ерда, кўр бўлмаган одам ҳам совқотиши мумкин... Мен бўлсам кўрлигимни унутмайман, мен...

— Демак, нолишингга ўрин йўқ!..

— Ҳа! Нолишимга ўрин йўқ! Менинг бутун ҳаётим зулмат ичида. Ҳеч ким айбдор эмас, лекин мен ҳар қандай гадойдан ҳам бахтсизроқман.

— Сўзингни нотўғри демайман,— деди чол совуққина, — балки ҳақлидирсан. Ҳарҳолда, агар сенинг турмушинг ёмон бўлганда эди, эҳтимол, сенинг ўзинг яхшироқ бўлармидинг.

У қиз томонга яна бир марта ачиниб қаради-да, қўлтиқтаёқларини дўқиллатиб уйдан чиқиб кетди.

Бу сўзлардан кейин Пётрнинг кайфияти яна ҳам кес-

кинлашди ва у ўзининг изтиробли хаёлларига янада кўпроқ берилди.

Баъзан шундай бўларди: Максим айтиб берган тасаввурлар бирдан унинг эсига тушиб, унинг кенглик тўғрисидаги тасаввури билан қўшилиб кетарди. Қора ва ғамгин ер узоқ жойларга ёйилиб кетар ва уни ўлчаб кўрмоқчи бўлганда поёнига етолмасди. Ернинг устида эса, нимадир бошқа бир нарса турар эди.: Унинг хаёлида момақалдироқ гумбурлаб эшитилар, шунда бепоён осмон тўғрисидаги тасаввур гавдаланар эди. Сўнгра момақалдироқ тинарди, лекин баланд осмонда нимадир қолгандек туюларди, шунда у қалбида улуғворлик ва равшанлик сезарди. Баъзан бу ҳиссиёт равшанлашарди, унга «кўзлари осмондек мовий» Эвелина билан онасининг овози қўшилди, сўнгра, зўр куч билан хаёлида тикланган ва жуда равшан бўлиб кўринган сиймо бирдан йўқолар эди-да, бошқа нарсага айланиб кетарди.

Бу қоронғи тасаввурларнинг ҳаммаси уни қийнар ва қаноатлантормас эди. Уларни тасаввур қилиш жуда оғир ва шу қадар ноаниқ эдики, натижада қаноатланмай руҳан эзилгани қолар эди, бу эзилиш ўз сезгиларини тўлиқ тиклашга беҳуда интилаётган касалнинг руҳини баттар қийнар эди.

## VIII

Баҳор ҳам келди.

Попельскийлар қўрғонида олтмиш чақиримча нарида, Ставрученколарникига борадиган йўлнинг қарши томонида, кичкина шаҳарчадаги католиклар черковида мўъжизали икона бор эди. Донишманд одамлар унинг мўъжизий кучини ҳам аниқ билардилар: кимки шу иконага бағишланган байрам куни зиёратга пиёда келса, йигирма кунлик қилган ҳамма гуноҳларидан мусаффо бўлармиш, яъни йигирма кун ичида қилган барча қонунга хилоф ишлари у дунёда гарданидан соқит қилинармиш. Шунинг учун ҳар йили эрта баҳорда, маълум кунда кичкина шаҳарчага жон кирар ва уни таниб бўлмасди.

Черков илк кўкат ва гуллар билан безанар, шаҳар осмонида бутхона қўнғироқларининг жаранги янграр, панларнинг «аравалари» гумбурлар ва зиёратга келганлар, кўчаларга, майдонларга ва ҳатто шаҳарчадан ташқари далаларга ҳам манзил қурар эдилар. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам католик эмас эди. У иконанинг довуғи жуда узоқ ерларга тарқалган эди, шунинг учун шаҳарлик кўп

провославлар, ногиронлар ва майиблар ҳам зиёратга келар эдилар.

Байрам куни «каплица»<sup>1</sup>нинг икки томонидаги кўча турли-туман кийинган халойиққа тўлди. Бу халойиққа шу ердаги адирлардан бирига чиқиб қараган одам баҳайбат йиртқиқ ҳайвон кичкина ибодатхона олдидаги кўчада чўзилиб ётибди, баъзан хилма-хил ва олачипор танасини сал-пал қимирлатиб қўйяпти деб ўйларди. Халқ тизилган кўчанинг ҳар икки томонида бир талай гадойлар садақа тилаб қўлларини чўзиб, саф тортиб турардилар.

Максим қўлтиқтаёғини дўқиллатиб, унинг ёнида Иохимнинг қўлини ушлаб келаётган Пётр кўча бўйлаб дала томонга оҳиста борар эдилар.

Сон-саноқсиз оломоннинг шовқини яҳудий даллолларнинг бақирришлари, араваларнинг дукур-дукури, буюк бир тўлқин каби уёқдан-буёққа ғала-ғовур қилиб юрганларнинг ҳаммаси орақада қолиб кетди, энди уларнинг ғала-ғовурлари узоқдан эшитилаётган улкан тўлқин каби шовуллаб, оҳиста эшитиларди. Бу ерда гарчи одам сийрак бўлса ҳам, пиёдаларнинг тапир-тупур юришлари, арава ғилдиракларининг ғижирлаши, одамларнинг гаплашишлари эшитилиб турарди. Дала томондан келган чумаклар<sup>2</sup> карвони оғир юк ортилган араваларни ғижирлатиб, яқин кўчалардан бирига бурилиб кетарди.

Пётр одамларнинг бу ғала-ғовурларига паришонхотирлик билан қулоқ солиб Максимнинг кетидан итоаткорона борарди, изғирин эди, шунинг учун дам-бадам пальтосининг барини ёпарди. У жуда берилиб хаёл суриб борарди.

Ана шундай чуқур ўйга чўмиб бораётган пайтда, уни бир нарса шу қадар ҳайратга солдики, у сесканиб тушдида, бирдан тўхтаб қолди.

Шаҳар уйлари шу ерга келганда тугарди, каттакон тош йўл яланг ер ва деворлар орасидан ўтиб шаҳарга олиб борарди. Далага чиқаверишда художўй одамлар томонидан бир вақтлар икона билан фонус қўйилган тош устун ўрнатилган эди, бу фонус шамолда ғижирлаб турарди холос, чунки сира ёқилмас эди. Худди шу устун тагида бир тўда кўр гадойлар ўтирар эди: уларни кўзи очиқ рақиблари сердаромад жойлардан сиқиштирмай шу ерга сиқиб чиқариб қўйган эдилар. Кўрлар қўлларида заранг косаларини тутгандилар, аҳён-аҳёнда улардан биттаси мунгли овоз билан тиланиб қўярди:

<sup>1</sup> Каплица — кичкина ибодатхона.

<sup>2</sup> Чумак — илгарги вақтда Қрим ва Донга озик-овқат ташиб юрган украин деҳқони.

— Ҳазрати Исонинг ҳаққи-ҳурмати, биз ожиз кўрларга ҳам хайр қилиб кетинглар.

Кун совуқ, кўрлар эса даладан эсаётган изғирин шамолда эрталабдан бери ўтиришар эди. Улар исиниб олиш учун бу ғужғон ўйнаган одамлар орасида юролмас эдилар, навбатма-навбат зорланиб айтган ашулаларида жисмоний эзилган ва батамом заиф эканликлари эшитилиб турарди. Ашуланинг биринчи сўзлари анча равшан эшитилса ҳам, кейинчалик қайғу-ҳасрат тўла ва совуқда титраган нола-фиғон эшитилар эди. Шундай бўлса ҳам, кўчанинг шов-шувида зўрға эшитиладиган энг кейинги, энг секин айтилган сўзлар ҳам кишининг қулоғига бориб етар ва улар чекаётган азоб-уқубат ҳар қандай одамнинг ҳам юрагини эзарди.

Пётр тўхтади, азоб-уқубатли нола-фиғон садоларининг олдига худди бир даҳшатли овоз шарпаси каби келиб тургандек, юзи буришиб кетди.

— Ҳа, нега кўрқасан?— деб сўради Максим.— Булар ўша сен ҳавас қилган бахтли одамлар-ку, кўр гадоёллар тиланчилик қилиб ўтиришибди... Албатта, улар бир оз совқотишяпти. Лекин сенингча, булар совуқда роҳат қилишаётган бўлса керак.

— Кетамиз!— деди Пётр Максимнинг қўлидан ушлаб.

— Шундайми, кетаман деб қолдинг? Бировларнинг нола-фиғонини эшитишга тоқатим йўқ дегин! Тўхта, мен сен билан худди шу ерда очиқчасига гаплашмоқчиман. Сен, замон ўзгариб кетди, энди кўрлар бандурачи Юрко каби тунги жангларда югурмайдилар деб нолийсан, мен Егорга ўхшаб ҳеч кимни қарғай олмайман, деб оҳ тортасану ичингда кўрларнинг бу бахтли қисматидан сени маҳрум қилганликлари учун ўз яқинларингни қарғайсан. Қасамёд қилиб айтаман, балки сен ҳақдирсан! Ҳа, шундай, кекса аскар виждони билан қасамёд қилиб айтаманки, ҳар бир одам ўз тақдирининг эгаси бўлишга ҳақли, сен бўлсанг аллақачондан бери мустақил одамсан. Энди гапимга қулоқ сол: агар сен бизнинг хатомизни тузатмоқчи бўлсанг, агар ҳаёт туғилган кунингдан бошлаб сенга берган имтиёзлардан воз кечмоқчи бўлсанг, агар сен ана шу бахтсизларнинг қисматини синаб кўрмоқчи бўлсанг, мен Максим Яценко, сени ҳурмат қилишга, сенга ёрдам беришга ва кўмаклашишга тайёрман... Эшитяпсанми сўзларимни, ҳой, Пётр Яценко? Мен бошимни ўтга ва ажалга тутиб берганимда сендан сал катта эдим... меннинг онам қандай йиғлаган бўлса, сенинг онанг ҳам шундай йиғлайди! Майли, қўявер! Мен ўз ҳақимни таниб иш қилга-

ним каби, сен ҳам ўз ҳақингни билишинг керак!.. Ҳар кимсага умрида бир марта тақдир келиб, қани танла, дейди. Шундай қилиб, ихтиёр сенда. Хведор Кандиба, шу ердამисан?— деб қичқирди Максим, кўрлар томонга қараб.

Хор бўлиб ашула айтаётганлар орасидан:

— Шу ердаман... Чақираётган сизмисиз, Максим Михайлович?— деган овоз эшитилди.

— Мен! Бир ҳафтадан кейин мен айтган жойга бор!

— Бораман, отахоним, бораман,— деди кўр ва бошқаларга қўшилиб яна ашула айта бошлади.

— Мана энди сен,— деди Максим кўзларини олайтириб,— тақдирдан ва одамлардан нолишга ҳаққи бор одамни кўрасан... Уз тақдирига тан беришни ундан ўрганасан.. Сен бўлсанг...

— Юринг, панич, кетамиз,— деди Иохим, чолга ўқрайиб қараб.

— Йўқ, тўхта!— деди ғазаб билан Максим.— Кўрларнинг олдидан ўтаётган одамларнинг биронтаси ҳам бир мири ташламай ўтмайди. Наҳотки, сен садақа бермай туриб қочсанг? Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор дегандек, сен қорни тўқ фақат ношукрлик қилишни биласан холос!..

Пётр, худди елкасига қамчи тушгандек, бошини кўтарди. Чўнтагидан кармонини олиб, кўрлар турган томонга қараб кетди. Ҳассаси билан олдинда ўтирган кўрни топдида, чақа ташланадиган заранг косани қўли билан пайпаслаб топиб, ёнидаги бор пулини косага ташлади. Утиб кетаётган бир неча одам тўхтаб яхши кийинган, чиройлиқкина бойваччага таажжуб билан қараб турарди, бойвачча кўрга садақани пайпаслаб берар, гадоё ҳам пайпаслаб олар эди.

Шу орада Максим орқасига қайрилиб, оқсоқланиб кетаверди. Унинг юзи қип-қизарган, кўзлари чақнар эди... Афтидан, унинг жазаваси тутиб қолди шекилли, ёшлигидан билладиганларга унинг бу феъли маълум эди. Ҳозир у ҳар бир сўзни ўйлаб айтадиган педагог эмас, балки ғазабличига сиғмай, жазаваси тутган одам эди. Фақат Пётрга кўз қирини ташлаб шаштидан тушгандай бўлди. Пётрнинг ранги пахтадек оқарган, лекин қошлари чимирилган, юзи зўр ҳаяжондан бўғриқиб кетган эди.

## IX

Шамоллашнинг оқибати бўлдим ёки анчадан буён давом этиб келаётган руҳий тангликнинг тарқалишими, ёхуд

иккисининг қўшилиб кетишимиди, ҳарҳолда, эртаси кун  
Пётр ўз бўлмасида иситмалаб ётди. У юзи буришган ҳол-  
да ўрнида тўлганар, нималаргадир қулоқ солар ва қаёқ-  
қадир қочмоқчи бўларди. Шаҳардан келган кекса доктор  
унинг томирини ушлаб кўриб, баҳорги совуқ шамолни тил-  
га олди. Максимнинг қовоғи очилмас, синглисига қарамас-  
ди.

Дард беҳад оғир эди. Қасал ўта оғирлашиб кетган  
вақтда бемор бир неча кунгача қимирламай ётди. Ниҳоят,  
навқирон вужуд касалликни енгди.

Баҳорнинг чарақлаб турган тонгларидан бирида, қуёш  
шуълалари деразадан кириб, касалнинг бош томонига туш-  
ди. Буни кўрган Анна Михайловна Эвелинага қараб:

— Пардани тушириб қўй... Мен қуёш нуридан жуда  
кўрқаман,— деди.

Қиз буйруқни бажо келтириш учун ўрнидан турган эди-  
ямки, беморнинг биринчи марта эшитилган ва кутилмаган  
овози уни тўхтатди:

— Майли, зарари йўқ, илтимос, пардага тегманглар.

Иккала аёл хурсанд бўлишиб, унинг устига энгашишди.

— Эшитяпсанми?.. Мен шу ердман!..— деди онаси.

— Ҳа!— деб жавоб берди Пётр, кейин ниманидир эс-  
лашга урингандек, жим қолди.

— Ҳа, айтмоқчи!..— деди кейин секин ва ўрнидан ту-  
ришга ҳаракат қилди.— Анали.. Фёдор келдими?— деб сў-  
ради.

Эвелина билан Анна Михайловна бир-бирларига қа-  
рашди, Анна Михайловна қўли билан ўғлининг оғзини  
ёпди.

— Жим! Жим! Жим ёт: сенга гапириш мумкин эмас,—  
деди.

Пётр онасининг қўлини лабига босди, ўпа бошлади.  
Унинг кўзлари ёшга тўлди. У анча вақтгача йиғлаб ётди  
ва шу билан юрагини бўшатди.

Бир неча кунгача у ювош, ўйчан эди, лекин ҳар сафар  
Максим у ётган бўлма ёнидан ўтганда, унинг юзида таш-  
виш аломатлари пайдо бўларди. Хотинлар буни сезиб,  
Максимдан нарироқдан юришни илтимос қилишди. Бироқ  
бир кун Пётрнинг ўзи Максимни чақириб, иккаласини  
танҳо қўйишларни илтимос қилди. Максим кириб, унинг  
қўлини ушлади-да, эркалатиб силади.

— Хўш, ўғлим,— деди Максим.— Айтгандек, мен сен-  
дан афв сўрашим керак эди...

— Мен биламан,— деди секин Пётр.— Сен менга сабоқ  
бердинг, бунинг учун мен сендан миннатдорман.

— Лаънат бундай сабоққа!— деди Максим тутоқиб.— Жуда ҳам кўп педагоглик қилса — одам жинни бўлиб кетар экан. Йўқ, бу сафар мен ҳеч қандай сабоқ бериш тўғрисида ўйлаганим йўқ эди, фақат сендан ҳам, ўзимдан ҳам хафа бўлган эдим...

— Демак, сен истаган эдингки...

— «Истадинг» деяверма!.. Одам қутуриб кетганда унинг нима қилмоқчи бўлганини ким билсин... Мен сенинг ҳам бировларнинг кулфатини, ғам-ғуссасини билишингни ва ўз қадригга етишингни истаган эдим...

Иккиси жим қолди.

— Уша ашула,— деди Пётр,— орадан бир дақиқа ўтгач,— ҳатто алаҳлаган вақтимда ҳам ёдимдан кўтарилмади... Сен чақирган Фёдор ким эди ўзи?

— Фёдор Қандиба, менинг эски танишим.

— У ҳам... кўр туғилганми?

— Ундан ҳам ёмон: унинг кўзи урушда куйиб тушган.

— Шундай қилиб, у шу ашулани айтиб дунёда юрибдими?

— Ҳа, бундан ташқари у бир гала етим қолган жиянларини ҳам боқади. Бунинг устига жиянлари билан ҳазиллашиб ҳаммасини хурсанд қилиб ҳам юради.

— Шундайми?— деб сўради Пётр, хаёл ичида.— Нима десанг дегину бунда қандайдир бир сир бор. Мен ҳам истардимки...

— Нимани истардинг, ўғлим?..

Бир неча минутдан кейин оёқ товуши эшитилди. Анна Михайловна кириб келди-да, уларнинг ҳаяжонли юзларига хавотирланиб қаради. Анна Михайловна кириши билан уларнинг суҳбати бўлинди.

Навқирон вужуд касалликни узил-кесил енгди. Пётр тезда соғайиб, икки ҳафталардан кейин оёққа турди.

У жуда ҳам ўзгариб кетди, ҳатто чеҳра тузилиши ҳам ўзгарган, унда илгариги руҳий азоб аломатлари энди кўринмас эди. Бу изтироб энди хаёлчанлик ва сокин ғамгинликка айланган эди.

Максим, бу — фақат касалликдан асаблар бўшашиб қолганлиги натижасида вақтинча ўзгариш бўлса керак, деб қўрқарди. Бир куни кечқурун Пётр касалдан кейин биринчи марта фортепьяно олдига келиб, одатдагидек, ўзи куй тўқиб, чала бошлади. Чалаётган куйи худди ўзининг кайфиятидек ғамгин ва бир оҳангда чиқар эди. Бироқ ғам-ғуссага тўла оҳишта товушлар ичида бирдан кўрлар ашуласининг оҳанги эшитилди. Куй бирдан узилди. Пётр дарҳол ўрнидан турди, юзи буришиб кетган, кўзидан ёш чиққан

эди. Афтидан, у ҳаётда юз берадиган ва унга ана шу оғир нола-фиғон шаклида эшитилган кучли қарама-қаршилиқларни енга олмаган бўлса керак.

Шу куни кечқурун Максим Пётр билан яна ёлғиз ўтириб, узоқ сўзлашди. Шундан кейин бир неча ҳафта ўтди, кўрнинг кайфиятида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Гўё унинг руҳини туширган ва ғайратини бўғиб қўйган, ана шу мусибатини чуқур ҳис этиш ўрнига бошқа бир нарса пайдо бўлгандай эди. У ўз олдига яна мақсадлар қўйди, режалар туза бошлади, қурий бошлаган дарахт баҳорнинг ҳаётбахш сувидан баҳра олиб, янги куртаклар чиқарганидай, унинг ҳам мажруҳ қалбиде янги умидлар уйғонди, ҳаёт жўш ура бошлади. Айтгандек, машҳур пианиночидан дарс олиш учун шу йил ёзда Пётрни Киевга қобориш тўғрисида қарор қилинган эди. Шу билан бирга Киевга фақат Максим икковигина боражагига ҳаммани кўндирган эдилар.

## Х

Июлнинг илиқ кунларидан бирида қўш от қўшилган арава ўрмоннинг четиде, далада тунаш учун тўхтади. Эрта билан, энди тонг ёриша бошлаган вақтда, йўлдан иккита кўр етаклашиб ўтди. Уларнинг бири жўнгина бир асбобнинг сопини бураб борарди: ичи бўш яшиқнинг тешигига ўрнатилган ёғоч ўқ айланиб, тараинг тортилган торларни чертиб, ундан ғинғиллаган ғамгин ва ғалати бир садо чиқарарди. Бир оз манқароқ бўлса ҳам, аммо ёқимли овозли чол эрталабки ибодат қўшиғини айта бошлади.

Араваниннг олдига гилам тўшалган бўлиб, унда даштда тунаб қолган бойлар ўтирарди, уларнинг ҳалиги кўрларни чақирганларини балиқ ортиб кетаётган аравакашлар кўриб қолди. Бир оздан кейин аравакашлар қудуқ олдида отларини суғориб туришганда ҳалиги кўрлар уларнинг олдидан ўтиб қолишди, лекин улар энди уч киши эди. Ҳаммадан олдинда, узун ҳассасини дўқиллатиб, бир чол борарди, узун, оппоқ соч ва мўйловлари шамолда ҳилпираб борарди. Унинг пешонаси худди куйгандан кейин қолган доғдек, йиринг боғлаган эски яра билан қопланган эди, кўзнинг ўрнида фақат кўз косачалари қорайиб кўринарди холос. Елкасига тақилган тасманиннг бир учи иккинчи кўрнинг белбоғига боғланган. Иккинчи кўр узун бўйли, чўтир юзидан заҳар томиб турган, барваста йигит эди. Уларнинг иккиси ҳам худди осмондан йўл қидиргандек, кўр кўзларини осмонга тикиб, одатдагича қадам ташлаб боришарди. Учинчиси эса жуда ёш, деҳқончасига янги кийинган,



ранги қочган, юзи худди бир нарсадан қўрққандек кўрнарди, у қўрқа-писа қадам ташлаб юрар ва баъзан орқадан келаётган одамга қулоқ солгандек, тўхтаб-тўхтаб қолар ва ўртоқларининг юришига халақит берарди.

Соат ўнларда улар анча узоқлашиб қолган эдилар. Урмон уфқда қолиб кетди. Ҳаммаёқ дашт, зоғ учмайди, олдинда тупроқ босиб ётган йўлни кесиб ўтган тош йўлда офтоб қизитган симларнинг гувиллаган овози эшитилади. Кўрлар тош йўлга чиқиб, ўнгга бурилганда, орқа томондан от туёғининг дукур-дукури ва арава ғилдирагининг шағал устида ғижирлаши эшитилди. Кўрлар йўлнинг четига чиқиб қатор бўлиб туришди. Яна ёғоч ўқ, таранг тортилган торларни чертиб ғинғиллаган овоз чиқаради, кекса кўр чўзиб:

— ...Биз ожиз кўрларга ҳам хайр қилиб...— Ёғоч ўқдан ғижиллаб чиққан товушга ўсмир бармоқлари билан чертиб чалган бандуранинг мунгли садолари жўр бўлди.

Танга пул кекса Кандибанинг оёғи остига бориб жангларга тушди. Арава овози тўхтади: чамаси, аравадагилар кўрлар пулни топа олишдими, йўқми, билиш учун тўхташди шекилли. Кандиба тангани дарҳол топиб, севиниб кетди.

— Худо хайр берсин,— деди у арава томонга қараб, аравада сочлари оқарган чорпахилдан келган кекса бой ўтирар, икки ёнида қўлтиқтаёғи чиқиб турарди.

Аравадаги чол ёш кўрга тикилди... Кўр, ранги оппоқ оқарган, лекин ўзини босиб олган эди. Ашула бошланиши билан унинг бармоқлари торларни черта бошлади, бу билан у, ашуланинг сўниқ товушини торнинг оҳангига босириб юбормоқчи бўларди... Арава жўнади, лекин чол анчагача орқасига қараб-қараб кетди.

Кўп ўтмай, ғилдиракларнинг овози узоқлашиб, эшитилмай қолди. Кўрлар яна олдинма-кетин тизилиб, тош йўлдан кетишди...

— Юрий, сенинг қўлинг енгил экан, ҳам яхши чалар экансан.— деди чол.

Бир неча минутдан кейин кўрларнинг ўртанчаси:

— Почаевга зиёратга кетаётибсанми?— деб сўради.

— Ҳа,— деб секин жавоб берди ўсмир.

— Кўзим очилади деб ўйлайсанми?— деб сўради бояги кўр, яна заҳарханда қилиб.

— Ажаб эмас,— деди чол, меҳрибон товуш билан.

— Кўп йиллардан буён юраману кўзи очилган кўрни учратганим йўқ.— Ҳамон қовоғини солиб эътироз билдирарди чўтир, кейин яна жим кетишаверди. Қуёш тобора

юқори кўтарилар, фақат ўқдек тўғри кетган тош йўл оқариб ундаги кўрлар қорайиб, боя ўтиб кетган арава олдинда нуқтадай бўлиб қорайиб кўринарди холос. Кейин йўл иккига айрилди. Арава Киевга қараб кетди, кўрлар эса қишлоқ йўли билан Почаевга бурилишди.

Орадан кўп ўтмай Киевдан, Максимдан қўрғонга хат келди. Максим хатда: иккимиз ҳам соғ-саломатмиз, ишимиз яхши, деб ёзган эди.

Бу орада учала кўр ҳамон зиёратгоҳга етишгани йўқ эди. Энди улар барабар қадам ташлаб боришарди. Олдинда йўлни яхши биладиган ҳамма катта қишлоқлардаги байрам ва бозорларга вақтида етиб борадиган Кандиба ҳассасини дўқиллатиб борарди. Кичкина оркестрнинг ёқимли овозига кўп халқ тўпланар, Кандибанинг шапкасига чақа ва тангалар жаранглаб ёғиларди.

Усмирнинг юзидаги ҳаяжон ва қўрқувлар аллақачон йўқолиб кетган, унинг ўрнига бошқа ифодалар пайдо бўлган эди. У қадам ташлаган сари, сокин қўрғоннинг безор ва кишини аллаловчи товуши ўрнига кўзга кўринмас кенг ва бепоён дунёнинг янги ҳаётбахш товушлари эшитиларди... Кўрмас кўзлари катта очилган, кўкраги кенгайган, қулоғи янада ўткирлашган эди, у ўзининг йўлдошлари — меҳрибон Кандибани, сержаҳл Кузьмани энди яхши танирди, чумақларнинг шалоқ аравалари кетидан юрар, чўлда гулханлар ёнида тунар, ярмарка ва бозорларнинг шовқин-суронларини эшитарди, кўрларнинг ҳам, кўзи очиқларнинг ҳам азоб-уқубатларини билди, буларни эшитганда юрак-бағри ачишарди... Ажабо, энди бу нарсалар унинг қалбига бемалол сиғиб кетаверарди. У кўрларнинг ҳамма ашуласини билиб олди ва унинг мумкин бўлмаган нарсага бўлган шахсий интилишлари ана шу буюк денгиз тўлқини остида кундан-кунга тарқалиб, йўқ бўлиб борарди... Унинг ўткир зеҳни ҳар бир янги ашула ва оҳангни дарҳол илиб оларди, йўлда кетаётганда ўз созини чала бошлаганда эса, ҳатто заҳар Кузьманинг ҳам чеҳраси очилиб кетарди. Почаевга яқинлашган сари, кўрлар тўдаси тобора ортиб борарди.

Кеч кузда қор босган йўлдан гадой кийими кийган паничнинг иккита кўр билан қайтиб келганини кўрган қўрғондагилар ҳайратда қолишди. Ҳаммаёқда: «Пётр назрниёз олиб Почаевга борипти», деган шов-шув гап тарқалди.

Бироқ унинг кўзи илгаридек очиқ ва аввалгидек кўрмас эди. Лекин қалби, руҳи, шабҳасиз, шифо топган эди. Гўёки лаънати қора даҳшат қўрғонни тарк этиб кетгандек бўлди... Киевдан хат ёзиб турган Максим ҳам ахир

қайтиб келганда, Анна Михайловна уни: «Бу қилиғингни асло эсимдан чиқармайман», деган сўзлар билан қарши олди. Аммо чеҳрасидаги мамнуният унинг бу қаттиқ сўзларига мос келмас эди.

Пётр кечқурунлари узоқ вақт ўтириб ўз саргузаштларини сўзлаб берар, кечалари фортепьянодан шундай мунгли куйлар эшитилардики, бундай куйларни илгари ҳеч ким эшитмаган эди. Киевга бориш бир йилга кечиктирилди. Бутун оила Пётрнинг умид ва режалари билан яшарди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### I

Уша йили куздаёқ Эвелина «қўрғондаги» кўрга тегишга сўзсиз қарор қилганини чол-камбир Яскульскийларга билдирди. Камбир онаси йиғлаб юборди, отаси эса, иконаларга сажда қилгандан кейин, менинг фикримча, бу худонинг иродаси, деди.

Тўй қилишди. Пётр учун янги сокин бахт бошланди. Лекин бу бахт остида қандайдир ташвиш борлиги сезилиб турарди, энг хурсанд бўлган чоғларида ҳам у шундай жилмаярдикки, унинг бу табассумидан қандайдир шубҳа, гўё бу бахтни қонуний ва мустаҳкам бахт эмас, деб ҳисоблагани сезилиб тургандай бўларди. Бир куни унга сен ота бўлишинг мумкин деб айтганларида, у қўрқиб кетди.

Шунга қарамай, унинг ўзи устида жиддий ишлаш, хотини ва туғилажак боласи тўғрисидаги ўйлар, ташвишлар билан тўлган ҳаёти илгаригидек хом хаёлларга берилишга имкон бермасди. Баъзан шундай хаёлларга берилган пайтларда, кўрларнинг мунгли нолалари эсига тушиб кетарди. Шундай кезларда у қишлоққа, Кандибанинг олдига кетарди. Фёдор Кандиба билан унинг чўтир жияни қишлоқ чеккасига солиб берилган янги уйда туришарди. Фёдор ўзининг қўбизини чалиб берарди ёки улар билан узоқ суҳбатлашиб ўтиришарди. Пётрда янги фикрлар туғиларди, унинг тузган режалари янада мустаҳкамланарди.

Энди у, ёруғлик таассуротларига унча берилмас, илгариги руҳий машаққатлари ҳам босилган эди. Ҳаяжонга солиб турувчи узвий куч ҳам сўнди. У турли-тўмап ҳиссиётларнинг ҳаммасини бир бутун ҳолда тасаввур

қилмоқ учун ўз ички ҳиссиётларини атайлаб қўзгатмас эди. Бу беҳуда ва самарасиз уринишлар ўрнини жонли хотиралар ва умидлар босди. Ким билсин, бу таскин эҳтимол, вужуднинг ишига мадад бергандир, бу ноаниқ ва тарқоқ ҳиссиётларни унинг миясида бир-бирини янада тезроқ ва осонроқ топиб олишига таъсир қилгандир. Киши ўз ихтиёри билан ҳеч вақт ярата олмаган воқеа ва манзараларни мия тушда жуда осонлик билан яратади.

## II

Бир вақтлар Пётр туғилган ўша хонада жимжитлик ҳукм сураб, бу сукунатни фақат чақалоқнинг ўқтин-ўқтин ингалашигина бузарди. Унинг туғилганига бир неча кун бўлди, Эвелина тез соғая бошлади. Бироқ Пётр, худди қандайдир бир бахтсизлик яқинлашиб келаётгандек, кўнгли хижил бўлиб юрди.

Доктор келди. У болани қўлига олиб, деразага яқинроқ жойга ётқизди. Пардани бирдан очиб юборган эди, уй ёруғ бўлиб кетди, доктор асбобини қўлига олиб, боланинг тепасидан энгашиб қаради. Пётр ҳам худди шу ерда бошини эгиб, илгаригидек маъюс, руҳи тушган ҳолда индамай ўтирар эди. У худди натижани олинган билгандек, докторнинг ҳаракатларига ҳеч эътибор бермай ўтирарди.

— Бола кўр бўлса керак,— дерди у ҳадеб.— Туғилмаса яхши бўларди.

Ёш доктор индамасдан ўз ишини давом эттирарди. Ниҳоят, у офтальмоскопини столга қўйди-да, қатъий бир оҳангда:

— Боланинг кўз қорачиғи ишляпти. Боланинг кўришига шубҳа йўқ! — деди.

Пётр ўтирган ерида бир сесканиб тушди-да, сакраб ўрнидан турди. Унинг бу ҳаракати докторнинг сўзларини эшитганини билдирса ҳам, лекин унинг юзидаги ифодаларга қараганда, у доктор айтган сўзларнинг маъносига тушунмагандай эди. Қалтираган қўллари билан дераза токчасига суяниб, оппоқ оқарган юзини юқори кўтарган ҳолда, турган ерида қотиб қолди.

Бунга қадар у аллақандай асабий ҳаяжон тутқу эди. У ўзини сезмагандек ҳис этар ва шу билан бир бутун вужуди бирон воқеа бўлишини ошиқиб кутгани сезар эди.

У ўзини қуршаб олган зулматни ҳис қиларди. Бу зулм қанчалик чексиз, бепоён бўлишига қарамай, уни ўзида

ажратиб ташлаган, ўзини ундан четда деб ҳисобларди. Зулмат унинг устига бостириб келар, у бўлса гўёки зулмат билан куч синашгандек, уни ўз тасавури билан чулғаб оларди. У мавж уриб келаётган бепоён зулмат уммонидан ўз боласини ҳимоя қилиш учун кўтариларди.

Доктор индамасдан ўз иши билан машғул бўларкан, у ана шундай кайфиятда эди. У илгари ҳам қўрқарди, лекин илгари унинг қалбида умид учқунлари ҳали сўнмаган эди. Энди ҳозир, кишини толиқтирадиган даҳшатли қўрқув авжга чиққан, унинг асабларига чангал солган эди, умид эса юракнинг энг теран жойига кириб яширинган эди. Мана энди «бола кўради» деган икки оғиз сўз кайфиятини бирдан ўзгартириб юборди. Қўрқув дарҳол йўқолди, ишончга айланган умид эса кўрнинг руҳини ёритди. Бу зулмат ичида ётган қалбга чақмоқ каби ёрқин нур билан ёриб кирган ва қўққисдан ҳаммаёқни остин-устун қилган ўзгариш эди. Докторнинг икки оғиз сўзи унинг миясини худди чақмоқдек ёритиб юборди... Унинг ичида худди учқун кўтарилиб, бутун вужудини, кўнглининг энг қоронғи бурчагини ҳам ёритгандай бўлди. Бутун вужуди ларзага келди, худди чертилган таранг тор каби титраб кетди. Ана шу чақмоқдан кейин, унинг туғилмасдан олдин сўнган кўзлари бирдан ялт этиб кетди. Бу нур эдими ёки товуш эдими, бунга ўзининг ҳам ақли етмасди. Бу нарса жон кирган, ҳар хил шакл олган ва нур билан ҳаракатланувчи товушлар эди. Бу товушлар осмон гумбази каби ярқирар, ёрқин қуёш сингари осмонда сузар, кўм-кўк даладаги ўтлар оҳиста шитирлашиб, тўлқинлангани янглиғ мавжланар, сокин турган дарахтлардек оҳиста тебранар эди.

Бу фақат биринчи дақиқа эди, бу дақиқанинг аралаш ҳиссиётигина унинг хотирасида қолди. Қолган нарсаларнинг ҳаммасини кейин унутиб юборди. У фақат ана шу бир неча дақиқа ичида кўзим кўрди дерди.

Нимани, қанақа қилиб кўрди ва умуман бирон нарса ни кўрдими — мутлақо номаълум эди. Кўп одамлар унга: «бу мумкин эмас, дейишарди, лекин у, мен осмон ва ерни, ойимни, хотинимни ва Максимни кўрдим, деб ўз айтганда туриб оларди.

У завқ билан кулган юзини юқори кўтариб, бир неча дақиқа турди. У шу қадар ғалати кўриндики, бирдан ҳамма унга тикилди, уй ичи жим бўлди. Ҳамманинг назарини бўлманинг ўртасида тикка турган одам уларга жуда яхши таниш ва яқин одам бўлмай, балки бошқа, нотаниш

одамдек туюлди. Илгариги одам қандайдир бир сир ичида бехосдан ғойиб бўлгандек эди.

Ҳақиқатан ҳам, у ана шу сирлар билан бир неча дақиқа танҳо ўзи бўлди... Кейинчалик у мазкур сирлардан муродига етган кўринар ва ўшанда кўрганига астойдил ишонарди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкинмиди?

Кўр очиқ кунга қараб, изтироб билан бутун асабларини ишга солган минутларда номаълум йўллар орқали қоронғи миясига кирган ноаниқ сезилган ёруғлик, ҳозир бирдан хурсанд бўлиб кетган бир пайтда, ёришаётган хира тасвир каби мияга қуйилиб кириши мумкинмиди?..

Кўр кўзга мовий осмон, нурли қуёш, адир этагидан оқаётган дарёнинг тиниқ сувлари, ёшлик вақтида ўтириб кўп нарсаларни кечирган, кўп йиғлаб ётган тепалик кўринган эмиш... Сўнгра, тегирмон, уни кўп қийнаган юлдузлар, чарақлаган тунлар, ғамгин ой ҳам... Чанг йўл, лентадай шоссе, ғилдиракларидаги темир ялтираб кетаётган аравалар, ола-була оломон ва бу издиҳом ичида юриб ашула айтгани кўзига кўринган эмиш...

Ёки унинг миясида аллақандай афсонавий тоғлар, бепоён даштлар, афсонавий дарёларнинг теп-текис сатҳи устида тебраниб турган ажойиб дарахтлар ва бу манзарани ёруғ нур билан тўлдириб турган қуёш, унинг сонсаноксиз авлод-аждоди кўриб келган қуёш зоҳир бўлдими?

Ёки буларнинг ҳаммаси, Максим айтганидек, нур ва товушлар хурсандчилик ёки ғам, шодлик ёки ҳасрат бўлиб бир хилда ўрнашадиган қоронғи миянинг ичидаги ва бир қолипга кирмаган ҳиссиёт ва туйғулармиди?

Кейинчалик у қалбида бир лаҳзагина садо берган ёқимли бир аккордини эсларди, бу аккордда унинг ўз ҳаётида учраган ҳамма таассуротлари, табиатда сезганлари ва меҳру муҳаббати бир бутун бўлиб ифодаланган эди.

Ким билади?

Унинг эсида фақат бу сирлар унга қандай қилиб ёпирилгани ва уни қай йўсин ташлаб кетгани қолган эди холос. Таранг тор чертиб юборилганда, қанақа тебраниб садо берса, қандоқ титраб, қай тахлит тинса, ана шу сўнги лаҳзадаги товуш — қиёфалар ҳам шундай бир-бирига қўшилиб ва чатишиб кетди: товуш аввал баланд ва қаттиқ, сўнгра тобора секин, элас-элас эшитилди... Гўёки бир нарса туби йўқ жаҳаннамга думалаб тушиб кетаётгандек бўларди...

Ана, у думалаб бориб энг тагига етди-да, жим бўлди.

Зулмат ва жимжитлик... аллақандай хира нарсалар яна ўша зулмат ичидан бош кўтаришга уринарди, лекин энди уларнинг аниқ бир шакли ҳам, овози ҳам, туси ҳам йўқ эди... Фақат узоқ бир ерда, пастликда, бир-бирига оҳангдош товушлар жаранглаб эшитилди-да, сўнгра зулматни ёриб ўтиб, улар ҳам фазода йўқ бўлиб кетди.

Ана шу вақтда ташқи товушлар унинг қулоғига одатдаги шаклда эшитилди. У уйқудан уйғонгандек бўлди, лекин чеҳраси очиқ ва шодланган ҳолда онаси билан Максимнинг қўлини сиқиб ҳамон тикка турарди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўради онаси, ташвишланган товуш билан.

— Ҳеч нима... мен... мен... сизларнинг ҳаммангизни кўргандай бўлдим! Ахир... мен уйғоқманми?

— Энди-чи?— Ҳаяжон билан сўради онаси.— Эсингда қолдим, эсингда сақлайсанми?

Кўр хўрсинди.

— Йўқ,— деб жавоб берди у зўрға.— Лекин бунинг аҳамияти йўқ, чунки... бунинг ҳаммасини:: унга:: боламага ва:: ҳаммага... бердим.

У турган ерида гандираклаб, ҳушидан кетди. Оппоқ оқариб кетган чеҳраси муродига етганидан порлаб турарди.

## ЭПИЛОГ

Орадан уч йил ўтди.

Киевда, «Контрактлар»<sup>1</sup> вақтида ажойиб музикачини эшитиш учун жуда кўп одам тўпланди. У кўр эди, аммо унинг истеъдоди ва шахсий ҳаёти тўғрисидаги овозалар теварак-атрофни тутиб кетганди. Бировлар кўрлар шайкаси уни бой оиладан ёшлигида ўғирлаб кетган ва машҳур бир профессор унинг ажойиб, иқтидорли музикачи эканлигига эътибор бермагунча ана шу бандитлар билан бирга ҳаёт кечирган эмиш, десалар, бошқалар унинг ўзи романтик ҳиссиётларга берилиб уйдан чиқиб кетиб, кўрлар билан бирга ҳаёт кечирган, дер эдилар. Ҳарҳолда, контракт зали одамга лиқ тўлган ва жуда кўп пул тушган эди (унинг хайр-эҳсонга аталганини халойиқ билмас эди).

Кўзлари катта ва чиройли, юзи оппоқ ёш йигит саҳнага чиққанда, зал сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Агар унинг кўзлари бақрайган, ҳаракатсиз бўлмаса, агар уни малла сочли ёш жувон, одамларнинг сўзига кўра, унинг хотини етаклаб чиқмаганда эди, ҳеч ким уни кўр деб ўйламас эди.

— Унинг бу қадар кучли таъсир қолдириши бежиз эмас,— деди залда ўтирган танқидчи шоввозлардан бири ёнидаги одамга қараб.— Унинг жуда ажойиб драматик қиёфаси бор экан.

Дарҳақиқат, унинг зўр диққат билан ўйланиб турган рангсиз чеҳраси, ҳаракатсиз кўзлари ва унинг келишган қомати ҳамманинг эътиборини мисли кўрилмаган нодир бир нарсадек ўзига жалб этган эди.

---

<sup>1</sup> «Контрактлар» деб Киев ярмаркаси айтилишини эслатиб ўтамиз, (Автор изоҳи.)



Жанубий рус халқи умуман ўзининг қадрдон ашула ва куйларини яхши кўради ва қадрига етади, аммо бу ерда, «Контракт»да ўтирган халойиқ хилма-хил бўлишига қарамай, музыка ифодаларининг самимийлигига тан берди. Қадрдон табиатни чин дилдан ҳис этиши, халқ куйи манбалари билан ажойиб равишда бевосита боғланганлиги кўр музикачининг бармоқлари остидан қуйилиб чиқаётган самимий куйлардан сезилиб турар эди. Турли-туман оҳангларга бой, қисқа ва ёқимли куйлар жаранглар экан, гоҳ тантанали гимн каби авжига кўтарилар, гоҳ кишининг руҳига маъюслик чўктириб секинлар эди. Баъзан худди осмонда, чексиз бўшлиқда момақалдироқ гумбирлагандай туюлар, баъзан эса, дашт шабадаси тепаликдаги майса ўтларни секин тебратиб, ўтмишнинг ширин хотираларини эслатарди.

У тўхтаганда завқли ҳаяжонга тўлган халойиқнинг гулдурос олқишлари улкан зални босиб кетди. Кўр музикачи бошини эгиб, халқнинг гулдурос қарсагига таажжуб билан қулоқ солиб ўтирар эди. Бироқ у яна қўлларини кўтариб, пианинонинг клавишларини босди. Одам билан лиқ тўла зал бирдан жимиди.

Шу пайтда Максим кириб келди. У диққат билан кўр музикачига тикилган халойиқни кўздан кечирди.

Чол музикани тинглаб кутиб ўтирди. Бу куйларнинг жонли фожиасини Максим бу ердагиларнинг ҳаммасидан кўра яхшироқ биларди. Максимнинг назарида, музикачининг юрагидан шу қадар эркин отилиб чиқаётган бу қудратли куйлар худди илгаригидек, уни яна ташвишга солаётган ва эзаётган сўроқ каби узилиб қоладигандек, бу эса ўзи тарбиялаб вояга етказган кўрнинг қалбида янги жароҳатлар ҳосил қиладигандек туюларди. Бироқ садолар кўтарилиб, мустаҳкамланиб, тўлишиб борар ва бир кишидек нафас чиқармай тинглаб ўтирган халойиқнинг қалбини ўзига янада кучлироқ мафтун этиб борар эди.

Максим қанчалик иштиёқ билан қулоқ солса, кўрнинг чалишида таниш куйлар шу қадар равшанроқ жаранглаб эшитиларди.

Ҳа, мана бу — ҳу ўша гавжум кўча. Қувноқ, жўшқин, ғала-ғовурли халойиқ тўлқини оқиб бормоқда. Бу тўлқин гоҳ кўтарилади, зўраяди, гоҳ эса бир хилда ва эҳтироссиз эшитилиб, яна ўша узоқдаги тинимсиз шов-шувларга ўхшаб, пасайиб кетади.

Бирдан Максимнинг юраги шув этиб кетди. Музикачининг бармоқлари остидан яна илгаригидек, нола-фигон чиқа бошлади.

Бу фиғон отилиб чиқиб, жаранглаб эшитилди-ю, шу ондаёқ сўнди. Яна қувноқ, жонли ва серҳаракат, бахтиёр ва ёрқин куй янграй кетди.

Булар энди фақат биргина кишининг ноласи, биргина кўрнинг тортган ғам-ғуссаси эмас эди. Максимнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Унинг ёнида ўтирганларнинг кўзларидан ҳам ёш оқа бошлади.

«Унинг кўзи очилибди, тўғри, унинг кўзи очилибди»,— деб ўйлади Максим.

Дашт шабадаси каби енгил, эркин ва хушвақт, ўзи каби беғам ва қувноқ куйлар ичидан, халқ куйининг гоҳ ғамгин, гоҳ улуғвор наволари ичидан бирдан кишининг руҳига қаттиқ таъсир қиладиган қандайдир бир куй тобора тез-тез, тобора қаттиқ ва кучлироқ эшитилиб турар эди.

— Ҳа, ҳа, балли, ўғлим,— деб ўзича маъқуллаб қўярди Максим,— уларни шод-хуррамлик ўртасида бос...

Бир минутдан кейин зўр иштиёқ билан тинглаб ўтирган катта залда кўрларнинг кишига қаттиқ таъсир қилиб ҳаяжонга солувчи ашулаларининг куйигина янграрди...

— Худо хайр берсин... Биз ожиз кўрларга ҳам хайр қилиб кетинглар...

Аммо энди бу хайр-эҳсон тилаб, кўчанинг шовқин-сурғида эшитилмай кетадиган ва кишини ачинтирадиган нола эмас эди. Бу куйда ҳамма нарса ўз ифодасини топган эди: илгари бу ашуланинг таъсири остида Пётрнинг юзи бужмаярди ва у фортепьяно чалиб турган еридан ирғиб туриб кетарди, юрагини эзган бу ашулани эшитганда, бир ерда туролмас эди. Энди у ўзининг юрагидаги бу аламларни енгган ва ҳаётий ҳақиқатнинг чуқурлиги ва мудҳишлиги билан шу ерда турган халойиқ устидан ғалаба қозонган эди... Бу — равшан ёруғликда кўринган зулматни бахт тўла ҳаёт билан бир қаторда бахтсизликнинг ҳам борлигини эслатувчи бир гимн эди.

Халойиқнинг устига худди тор ағдарилгандек бўлди. Худди кўр музикачига эпчил қўллари билан тегиб ўтгандай ҳамманинг қалби титради. Пётр чалишдан тўхтаган бўлса ҳам, халойиқ нафас олмай, жим ўтирар эди.

Максим бошини эгиб хаёлга чўмди:

«Шундай, унинг кўзи очилди... Энди у азоблар чекиб, жафо қаърига фарқ бўлиб юрадиган кўр эмас, балки ҳаётни қалби билан сезади, одамларнинг шодлигини ҳам, ғам-ғуссаларини ҳам тушунади, одамлар, унинг кўзи очилди, энди бахтлиларга бахтсизларни эслатиш қўлидан келади...»

Кекса солдат бошини тобора қуйи солди. Ана энди у ҳам ўз зиммасидаги бурчини адо этди, унинг ҳам умри бекор ўтмади: залдагиларнинг ҳаммасини ўзига мафтун этган қудратли куйлар бунинг шоҳиди эди...

Қўр музикачи, ана шундай қилиб, биринчи марта саҳнага чиқди.

*1887—1898.*



## ИЗОҲ

Ушбу этюд 1886 йилда «Русские ведомости» газетасида босилиб чиқди. Автордан сўрамасдан ва у мутлақо кутмаганда, редакция «Кўр музикачи»нинг бош қисмини босиб чиқарди, ҳолбуки бу вақтда этюднинг давоми ҳали ёзилмаган эди. Бу эса Короленконинг ўз повестини жуда тез ёзиб тамомлашга мажбур қилдики, баъзи бир боблари вақт етишмаганидан, ёзилиши биланоқ тўғридан-тўғри нашрга юборилди. «Кўр музикачи», «Русские ведомости» газетасининг ўн сониди (32, 34, 44, 46, 73, 76, 82; 92; 100 ва 101-сонларида) босилиб чиқди ва ўз асарининг бунчалик тез босилиб чиқишидан ёзувчи кўп хижолат тортди.

В. Г. Короленко бу асарнинг вужудга келиши тўғрисида «Ёзувчилар луғати» учун 80-йилларда ёзган, лекин цензура томонидан эълон қилишга рухсат этилмаган қисқача автобиографиясида бундай деб ёзади: «Бу этюдда мен кўрнинг психологик фожиасини кузатишни мақсад қилиб қўйган эдим. Бу жараён соф ҳолда кўрникиши, кўзнинг ногиронлиги туфайли бўлган азоблар иккинчи даражали сабаблар билан мураккаблашмаслиги учун мен ўз қаҳрамонимни жуда қулай, эҳтимол, ҳатто бирмунча яхши шароитларга қўйдим. Менимча, «психологик» этюд вазифаси шуни талаб этса керак. Ёшлигимда бир кўр қизни билардим, шунингдек, менинг бир ўқувчи шогирдим аста-секин кўздан қолган эди. Ана шу кўр қиз тўғрисидаги хотираларим, кўздан қолган ўқувчим устида бўлган кузатишларим ва ниҳоят, ўқимишли ва билимдон, шу билан бирга касби музикачилик бўлган бир катта ёшли одам устида ўтказган кузатишларим этюд учун материал бўлди».

Короленко асарининг биринчи махсус нашрига ва ундан кейинги ҳар бир нашрига ўзгартириш киритиб борди. Ху-

сусан, «Кўр музикачи»нинг 1893 йилда чиққан олтинчи нашрига катта қўшимчалар киритди. Шу нашрга Короленко «Автордан» деган қисқа сўзбоши ҳам илова қилди. Шундан бошлаб бу сўзбоши «Кўр музикачи»нинг ҳар бир нашрида такрор-такрор босилмоқда. Бу сўзбошида Короленко натурадан олиб ёзган янги эпизод тўғрисида сўзлайди ва бу эпизод этюднинг асосий ғояси учун ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Бу қўнғироқхонада ишловчи икки кўр қўнғироқчи ҳақидаги эпизоддир. Саров ибодатхонасида ўз кўзи билан кўрган бу манзарани Короленко хотира дафтарларига ҳамда йўл альбомига ёзиб олган эди. (В. Г. Короленко. «Хотира дафтарлари», Госиздат, Москва, 1935.)

---

## МУНДАРИЖА

### В. Ф. (Эдоевский):

Аёз бобо. З. Исомиддинов таржимаси . . . . .	7
Тўрт карнинг машмашаси ҳақида ҳинд ривояти. З. Исомиддинов таржимаси . . . . .	14

### К. Д. Ушинский:

Ҳикоя ва эртақлар. Қ. Мирмуҳамедов таржимаси . . . . .	21
--	----

### В. И. Даль:

Энг зўр қўшиқчи. З. Исомиддинов таржимаси . . . . .	33
Қорқиз. З. Исомиддинов таржимаси . . . . .	34
Гирром сичқон билан сахий чумчуқ ҳақида эртақ. З. Исомиддинов таржимаси . . . . .	38
Ҳар ким ўз бошига ўзи хўжайин. З. Исомиддинов таржимаси . . . . .	41

### И. С. Тургенев:

Муму. Й. Шамшаров таржимаси . . . . .	45
---------------------------------------	----

### А. П. Чехов:

Ўғил болалар. Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	75
Қашқа. Э. Жабборов таржимаси . . . . .	81
Қаштанка. Х. Аҳророва таржимаси . . . . .	86
Ванька. О. Раҳимий таржимаси . . . . .	106

### Л. Н. Толстой:

Одамга икки газ ер кифоя. К. Қаҳҳорова таржимаси . . . . .	113
Акула. Б. Омонов таржимаси . . . . .	126
Сакраш. Б. Омонов таржимаси . . . . .	128
Булька. Б. Омонов таржимаси . . . . .	130

Булька ва тўнғиз. <i>Б. Омонов таржимаси</i> . . . . .	131
Мильтон ва Булька. <i>Б. Омонов таржимаси</i> , . . . . .	133
Тошбақа. <i>Б. Омонов таржимаси</i> . . . . .	134
Булька ва бўри. <i>Б. Омонов таржимаси</i> . . . . .	135
Пятигорскда Булькага нима бўлди? <i>Б. Омонов таржимаси</i>	137
Булька ва Мильтоннинг ўлими. <i>Б. Омонов таржимаси</i> . . . . .	139

**В. Г. Короленко:**

Қўр музикачи. <i>Т. Қосимов таржимаси</i> . . . . .	143
Эпиллог . . . . .	264
Изоҳ . . . . .	268



*Для детей среднего школьного возраста*

На узбекском языке

## **СВЯЩЕННОЕ СОКРОВИЩЕ**

СКАЗКИ, РАССКАЗЫ, ПОВЕСТИ

Перевод с разных изданий

Редактор *А. Худойбердиев*  
Рассом *М. Карпузас*  
Расмлар редактори *Ф. Башарова*  
Техн. редактор *А. Сеамсаков*  
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 0034

Босмахонага берилди 20. 02. 87. Босишга рухсат этилди 13. 05. 87. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қорози № 1 Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 14,28 Шартли кр.-оттиск 14,28. Нашр л. 14,3 Тиражи 45000. Зак. 42. Шартнома № 18—87, Баҳоси 90 т.

«Юлдузча» нашриёти, 700000, Тошкент, ГСП, Ленин кўчаси, 41.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Ўзбекистон ССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси, 702700. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.